

П. ЮСУПОВА

МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
педагогика институтларининг мактабгача тарбия факультети
талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган.

ТОШКЕНТ — «ЎҚИТУВЧИ» — 1993

Бу қўлланмада мактабгача тарбия педагогикасининг асосий масалалари, мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ҳар томонлама тарбиялаш вазифалари ва мазмуни, бола шахсининг ривожланиши тўғрисидаги педагогик тушунчалар ва асосий қонуниятлар очиб берилган. Қитобда кичкинтойларни жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат, нафосат тарбияси вазифалари ва мазмуни атрафлича ёритилган. Қўлланма педагогика институтларининг мактабгача тарбия педагогикаси қўллиёти талабаларига, боғча мудиралари ва тарбиячиларига мўлжалланган.

Ю $\frac{430500000-30}{353(04)-93}$ 46—93

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1993

ISBN 5—645—01888—5

МУҚАДДИМА

Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш халқ таълими системасининг бошланғич бўғини бўлган мактабгача тарбия муассасаларидан бошланади.

Болалар боғчасида амалга оширилаётган таълим-тарбия ишини давр талаби даражасида олиб бориш мақсадида «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» тузилган эди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги бу дастурни республикамизнинг ўзига хос томонларини: иқлими, жўғрофий, иқтисодий, маданий, миллий шароитларини ҳисобга олиб, уни қайта ишлаб чиқди. Дастур тузилганда етти ёшгача бўлган болалар эгаллаб олишлари лозим бўлган билим ва малакалар ҳажминини ўз ичига олади. У мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг психологик-физиологик ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳар томонлама камол топтиришни кўзда тутди.

Болалар боғчасида таълим-тарбияни тарбиячи-педагог амалга оширади. У педагогик жараёнда марказий ўринни эгаллайди. Шунинг учун тарбиячи ўз соҳасини чуқур билиши, ҳар хил методик воситаларни яхши эгаллаган, пухта педагогик, психологик тайёргарликка эга бўлиши керак. «Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак» деган ҳақмага таниш қонда ҳар бир тарбиячи учун бажарилиши зарур бўлган қондир.

Жамият талаби даражасидаги тарбиячи-педагогларни етиштириш педагогика олий ўқув юр்தларининг мактабгача тарбия факультетлари зиммасига тушади. Бу факультетлардаги мутахассислик фани бўлган мактабгача тарбия педагогикасидан таълим берувчи педагог-ўқитувчилар талабаларни мактабгача тарбия педагогикаси фанининг назарий асослари

билан қуроллантиришлари, тарбия ва таълим беришнинг қотиб қолган шаклларига нисбатан мурасасиз қилиб тарбиялашлари лозим.

Мактабгача тарбия педагогикаси фанини ўрганиш орқали талабалар тугилгандан етти ёшгача бўлган болаларни болалар боғчаси ва оилада тарбиялаш ва уларга таълим беришнинг илмий жиҳатдан асосланган назариясини, таълим-тарбия ишлари мазмуни ва методларини, уни ташкил этиш шаклларини, болаларни мактабга тайёрлашнинг энг самарали методларини, тарбиянинг хилма-хил томонлари ўртасидаги алоқа, назария билан амалиёт ўртасидаги боғланишни ва ҳоказоларни билиб оладилар.

І БО Б. МАҚТАБГАЧА ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКАСИНING МАВЗУ БАҲСИ ВА МЕТОДИ

1-§. МАҚТАБГАЧА ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКАСИ ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ БЕРИШ ТУҒРИСИДАГИ ФАНДИР

Ёш авлод тарбияси умумхалқ ишидир. Республикамизда бевосита тарбия иши билан шуғулланишга даъват этилган муассасалар (мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, мактабдан ташқари тарбия муассасалари, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ва шу кабилар) дан ташқари, турли касб эгалари ҳам бу муҳим ишда қатнашадилар. Шундай экан, инсон тарбияси, унинг қонунлари ҳақидаги фан — педагогикани ўрганиш унга алоқадор бўлган кишиларнинг муҳим вазифасидир.

Кишилик жамияти пайдо бўлиши билан одамларда меҳнат фаолияти жараёнида ишлаб чиқариш тажрибалари, меҳнат қилиш малакалари ва меҳнат қуролларини ишлата билиш кўникмалари ҳосил бўлди, бу қуролларни такомиллаштириш натижасида нутқ ва тафаккур ўсиб, камол тона борди. Кекса авлод меҳнат қилиш жараёнида орттирган тажрибаси асосида ёш авлодни ҳам меҳнат қилишга ўргатди, уни меҳнат жараёнида тарбиялади.

Шундай қилиб, кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан тарбия ҳам вужудга келди, у билан бирга тараққий этди, жамиятининг ўзгариши билан у ҳам ўзгариб борди.

Тарбиянинг ижтимоий вазифаси кишиларнинг билим, малака, кўникмаларида акс этган меҳнат, билим тажрибаларини авлоддан-авлодга етказишдир. Тарбияни амалга ошириш жараёнини англаш ва бу соҳадаги тажрибаларни ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг туғилиши педагогика фанини юзага келтирди.

Синфларнинг пайдо бўлиши билан тарбия жамият вазифасига айланди, давлат томонидан маълум мақсадга йўналтириб, назорат қилиб борилди. Буюк олимлар ижтимоий тараққиёт қонунларини материалистик асосда таҳлил қилиб, тарбия билан ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ўртасидаги қонуний алоқани таърифлаб бердилар. Инсонларнинг турмуш шароити, ижтимоий муносабатлари ўзгариши билан уларнинг тасаввурлари, қарашлари ва тушунчалари ҳам ўзгариши нисбатлаб берилди.

Демак, тарбия ҳамиша ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига ҳамда муайян ижтимоий-тарихий формацияга хос бўлган ижтимоий муносабатлар типига мувофиқ бўлади. Давлат тарбия орқали ўз сиёсатини амалга оширади, яъни ўз мафкураси, ахлоқи ва сиёсатига жавоб берадиган шахсни шакллантириб, ўзига керакли кадрларни тайёрлайди.

Тарбияни жамият талаблари тақозо қилади ҳамда меҳнат қуроллари ва воситалари ривожланиб, такомиллашиб борган сари, меҳнат фаолиятининг, меҳнат маҳсулотини тақсимлашнинг янги турлари ва шакллари пайдо бўлган сари, меҳнатда қатнашувчилар ўртасидаги муносабатлар ўзгарган сари тарбия ҳам ўзгариб боради. Шу сабабли тарбия яққол ифодаланувчи тарихий хусусиятга эга бўлиб, муайян ижтимоий-иқтисодий формациянинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради.

Масалан, ибтидоий жамиятда тарбия ҳаёт, меҳнат фаолияти жараёнининг ўзида катталарга тақлид қилиш асосида амалга оширилди. Угил болаларга ов қилиш, балиқ овлаш, иш қуроли ва қурол-яроғларни тайёрлаш ҳамда улардан фойдаланишни, қизларга эса истеъмол қилишга яроқли меваларни териб келиш, кийим-бош тайёрлаш, уй ишларини бажаришни ўргатишарди; ҳамма болалар катталарни ҳурмат қилиш руҳида тарбияланарди.

Ибтидоий жамоа тузуми ривожланишининг сўнгги даврида қабила бошлиқлари, оқсоқоллар ҳокимияти кучайгач, тарбия ўзгариб, баъзи болаларни маросимлар ва урф-одатларни бошқариш ишлари билан боғлиқ алоҳида вазифаларни бажаришга тайёрлай бошладилар.

Қулдорлик жамиятида тарбия жамиятнинг вазифаси бўлиб қолаверди ва давлат томонидан йўналтириб турилди. Бунда махсус мактаблар очилиб, у ерда болаларга ўқиш, ёзиш, математика ва диний маросимларнинг асосларини ўргатишарди. Мирзалар мактабларида эса савод ва ҳисобга, давлатни бошқаришга, қулларни назорат қилиш билан боғлиқ бўлган ишларга ўргатиларди.

Қулдорларнинг болалари ҳарбий-спорт ўйинларига ўргатилар, ақлий ва эстетик тарбияга катта эътибор берилар, уларга фан ва санъатни ўргатиб, улардан моҳир ва иродали ҳоким ва саркардалар тайёрлашар, жисмоний меҳнатга нафрат туйғуси сингдирилар эди.

Феодализм даврида эса жамият дворянлар ва руҳонийларга, камбағалларга ажралиб, жамиятнинг имтиёзли қатламларига хизмат қилувчи ўқув-тарбия муассасалари янада ривожланди. Россияда ҳам имтиёзли табақа болалари учун мўлжалланган имтиёзли ўқув юртлари ташкил этилди.

Буржуазия меҳнаткашлар болалари таълимнинг юқорироқ босқичларига кўтарилишлари йўлида талайгина тўсиқларни вужудга келтириб, бадавлат ота-оналарнинг болалари учунгина кириб ўқиш мумкин бўлган мактабларнинг бир қанча типларини яратди. Камбағалларнинг болалари учун мўлжал-

ланган оммавий мактабларда таълим мазмуни кескин чекланган эди; уларга машиналар билан таъминланган ишлаб чиқариш шароитида ишлаш учун зарур бўлган билимлар минимумигина бериларди.

Эксплуатация қилинувчи янги синф — пролетариат вужудга келиб, ўз ҳуқуқлари, шу жумладан ўз болаларининг таълим олиш ҳуқуқи учун курашганлиги тарбия соҳасидаги барча зиддиятларни янада кескинлаштирди.

1917 йилдаги Октябрь инқилоби янги ижтимоий формацияни — социалистик жамиятни вужудга келтирди. Бу даврда ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишидаги янги хусусият ходимларнинг янги типига талабни келтириб чиқарди. Уларни тайёрлаш учун таълим-тарбия муассаларининг бошқа системаси, тарбиянинг янги мазмуни ва методларини ишлаб чиқиш талаб қилинди. Жамиятнинг барча аъзоларига умумий, сўнгра эса касбий ёки махсус маълумот олиш учун имкониятни таъминлайдиган халқ маорифи системаси таркиб топа бошлади.

Ёш авлодни тарбиялаш талаби педагогикани келтириб чиқарди. Педагогиканинг махсус фан сифатида ажралиб чиқиши болаларни тарбиялаш соҳасида тўпланган тажрибани идрок этиш, ундан муайян қонуниятларни келтириб чиқариш, энг яхши ташкилий шаклларни топиш, шунингдек ёш авлодни тарбиялаш юзасидан қонда ва қўлланмалар яратиш зарурати пайдо бўлди.

Тарбия тажрибасини умумлаштириш ҳатто ибтидоий жамиятда ҳам рўй берган, ўша пайтдаёқ аввало маросим ва урф-одатлар билан боғлиқ муайян хулқ-атвор шакллари, катталар билан кичиклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар таркиб топа бошлаган эди.

Педагогика илмий фан сифатида қулдорлик жамиятида шакллана бошлади. Тарбия соҳасида тўпланган тажрибани умумлаштиришни акс эттирувчи бу билим ва кўникмалар нималардан иборат бўлиши керак эди? Тарбиячи инсон шахсини шакллантириш, уни ҳаётга тайёрлаш соҳасидаги ишида қандай йўл тутиши лозим эди? Ёш авлодга бир мақсадни кўзлаб тарбиявий таъсир кўрсатиш учун қандай муассасалар керак?— деган саволларга педагогика фани жавоб бериши лозим эди.

Назарий педагогик фикр манбаларини фалсафа илмидан қидириш керак. Фалсафа қадим замонларданоқ ҳаётни идрок этиш, инсоннинг яшашдан мақсади, унинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақидаги, унинг ҳаётдаги ўз вазифасини бажаришга тайёргарлиги ҳақидаги саволларга жавоб қидирувчи фан сифатида маълум эди.

Қулдорлик даврида Суқрот, Афлотун, Аристотель Демокрит мунтазам фалсафий системаларни яратдилар, уларнинг системаларида тарбияга муҳим ўрин ажратилган, уни такомиллаштириш ҳақида таклифлар олға сурилган эди.

Педагогик фикр тарихига буюк чех педагоги Ян Амос Коменский, француз маърифатчиси Жан-Жак-Руссо, швейцариялик педагог Иогани Генрих Песталоцци ва бошқалар ёрқин саҳифалар ёзишган.

Инқилобдан илгариги Россиянинг илғор арбоблари педагогика назариясини ривожлантиришга муайян таъсир кўрсатдилар. Инқилобий демократик педагогика асосчилари В. Г. Белинский, А. И. Герцен, Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбовлар халқ маорифи ишини ўзгартиришга қаратилган лойиҳаларни олға сурдилар. Меҳнаткашларнинг болаларига таълим олишда барабар ҳуқуқлар берилишини талаб қилдилар. Табиийки, уларнинг таклифларини чор амалдорлари қўллаб-қувватламадилар ва бу таклифлар амалга ошмай қолди, ammo бу илғор фикрларни амалга ошириш вазибалари жамиятни ўзгартириш учун кураш зарурати билан боғлиқ босқинчи бўлди.

Машҳур рус хирург ва либерал жамоат арбоби Н. И. Пирогов рус мактаби ва педагогикасини ривожлантириш учун кўп иш қилди. У табақавий мактабни кескин танқид қилиб, тарбияга умумий ёндашишда туб ўзгаришлар қилишни ёқлади, бола шахсига ҳурмат билан қарашни таклиф этди.

Педагогик фикрни ривожлантиришда улуғ рус педагоги К. Д. Ушинский катта роль ўйнади. Унинг назарий қарашлари «Инсон тарбия предмети сифатида» деган мукаммал асариде баён қилиб берилган. Бу қарашлар педагог яратган бир қатор ўқув китобларида методик жиҳатдан гавдаланди. Булар орасида «Она тили», «Болалар дунёси» китоблари ҳаммага яхши маълум бўлиб, болаларнинг бир неча авлоди шу китоблар воситасида таълим олган.

Улкан педагог болаларда ватанпарварлик, халқчилликнинг энг яхши ифодаси сифатида она тилига муҳаббат туйғуларини тарбиялашга, ахлоқий фазилатларни шакллантиришга, меҳнатга ҳурмат руҳида тарбиялашга муҳим аҳамият берди. У «эрмак педагогика»га қарши чиқди ва ўқишни кўп куч-ғайрат ва катта ирода талаб қиладиган жиддий меҳнат деб ҳисоблади.

Шунингдек, у мунтазам дидактика системасини ишлаб чиқди, дарс таркибини батафсил ўрганди. Таълим беришнинг бир қатор методик усуллари ва қоидаларини олға сурди, шу жумладан ўқишга ўргатишнинг овозли аналитик-синтетик методини ишлаб чиқди. У бошланғич таълим мазмуни ва методикасини такомиллаштириш ҳамда ўқитувчи кадрлар тайёрлаш учун кўп иш қилди.

Атоқли рус адиби Л. Н. Толстой педагогик-назарий ҳамда амалий таълим ва тарбия бериш, уни ташкил этиш масалалари билан кўп шуғулланди. У деҳқонларнинг болалари учун мактаблар очди. «Янги алифбо» ва «Арифметика» дарсликларини ёзди. Адиб болаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга, улар шахсини ҳурмат қилишга даъват этди.

XX аср аввало кўпчилик халқ оммасини саводхон қилиш ва айни пайтда янгиланаётган замоннинг муносиб фарзандларини тарбиялаш масаласини кун тартибига қўйди.

Россия ва унинг тобелигида яшовчи ўнлаб миллатларнинг тутқун, турғун ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар рўй бера бошлади. Жумладан, Туркистонда қисқа муддатда ўзбек маърифатчиларининг бутун бир авлоди стишиб чиқди. Фаолият ўтган асрнинг сўнги йилларидан бошланиб, инқилобдан кейинги 20-йилларига келиб уланган бу авлод халқимизнинг умумий маърифатидагина эмас, ижтимоий-сиёсий тарбиясида ҳам, маънавий камолотида ҳам буюк хизмат кўрсатдилар. Маҳмудхўжа Бехбудий, Исоқхон Ибрат, Сиддиқий-Ажзий, Саидрасул Азизий, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдулқодир Шакурий, Абдулла Авлоний, Садриддин Айний, Мунавварқори Абдурашидов, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий кабилар шулар жумласидандир. Улар томонидан кўп дарслик ва дастурлар ишлаб чиқилди, парта ва ўқув тахтаси, глобус таомилга кирди.

Асримизнинг биринчи чорагида Туркистоннинг энг ўқимшли, машҳур кишиларидан бири Маҳмудхўжа Бехбудийдир.

Бехбудийнинг Туркистон мактаб-маорифчилигидаги хизматлари гоёат катта. У мактаблар учун жуда кўплаб дарслик ва қўлланмаларни яратди. «Қисқача умумий жўғрофия», «Ислонинг қисқача тарихи», «Амаллётини ислом», «Россиянинг қисқача жўғрофияси», «Китобатул афтол» каби дарсликлари шулар жумласидандир.

Уша даврда янги мактаблар учун тузилган алифбелар ичида Саидрасул Азизий томонидан тузилган «Устозини аввал» дарслиги биринчи ўринда туради. «Устозини аввал» дарслиги алифбе тарзида бўлиб, мактабларнинг биринчи синфига мўлжалланган эди.

Дарсликда дарс ўтиш методикаси, алифбени ўрганиш ва ҳарфларни ўрганишга мос матнлар илова қилинган. Шунингдек, китобда 20 га яқин ҳикоя ҳам берилган.

Азизий фольклор ва шарқ ҳамда ўзбек классик адабиёти намуналарини асарнинг таълим-тарбиявий аҳамиятига қараб танлаган. Бу ҳикояларда турли эпизодик воқеалар орқали нодонлик, беодоблик, ўйламасдан гапириш, чақимчилик, такаббурлик каби ёмон хусусиятлар қораланади, ақл ва донолик, фаросат ва хушфезллик каби ижобий хислатлар улуғланади.

Уша даврда ўз фаолиятини маърифатчи сифатида бошлаган Абдулла Авлоний мактаб. ишини яхшилашда катта фидойилик кўрсатди. Адибнинг «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Мактаб гулистони», «Мактаб жўғрофияси», «Ҳисоб масалалари» каби қатор дарсликлари босилиб чиқди. Унинг «Туркий гулстон ёхуд ахлоқ» китоби энг мукаммал асарлардан бири сифатида шуҳрат қозонди.

Муаллиф ўз китобларида оддийдан мураккабга бориш принципига қатъий амал қилади. Дарсликда келтирилган ҳикоялар таълим-тарбиявий ҳикоялардир. Ҳар бир ҳикоянинг сўнг-

гида қиссадан ҳисса чиқарилган. Адиб ўз асарлари ва дарсликлариди болалар тарбиясига катта аҳамият беради.

Тарбия хусусий иш эмас, миллий, ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ, деб ҳисоблайди адиб. Бундай кишиларнинг саъй-ҳаракатлари натижа-сида Туркистон бағрида жонланиш, маданий ҳаракатчилик, миллий уйғониш томон силжиш юз берди.

Мақтаб-маориф системасида кескин бурилиш ясалди. Ўқи-тишнинг кўр қориларча ёдлатиш усули рад этилди. Унинг ўрнига ҳарф-товуш усули таркиб топди. Натижада савод чи-қариш фавқулодда тезлашиб кетди.

Аммо юқорида келтирилган маърифат даргаларининг бар-ча ҳаракатлари ва уларнинг ўзлари ҳам чор мустамлакачилик сиёсатини оғинмай амалга ошириб бораётган ўлка маъму-рияти томонидан қаттиқ таъқиб остига олиб борилди, миллий қадриятларимиз топтаб келинди, камситилди ва бу эса салбий оқибатларга олиб келди. Бугунги кунда мустақил жумҳурияти-мизда тобора авж олаётган ижобий силжишлар тўлқини жами-ятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида, жумладан халқ таъ-лими соҳасида ҳам ўзгариш ясамоқда.

Эндиликда асосиз топталган асрий қадриятларимизни тик-лашга уриняпмиз. Ҳаётга теран қарайдиган ҳар бир киши бу-ни яхши тушуниши, келажак режаларини белгилашда ўтмиш-га адолат билан баҳо бериши керак.

Таълим-тарбия ишларида халқимизнинг энг илғор, ҳаётда ўзини оқлаган ғояларини бола тарбиясида, инсонни камол-топтиришда кенг қўллаш назарий ва амалий жиҳатдан янги-ча аҳамият касб этмоқда.

2-§. МАҚТАБГАЧА ТАРБИЯ ПЕДОГОГИКАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Педагогика ўз ривожланиш жараёнида ўтмишдаги барча илғор педагогик ғояларни сингдириб олди, ватан ва чет эл педагогикаси тажрибасидаги ҳамма янги томонлардан фойда-ланди.

Педагогика — кишига ҳар томонлама тарбия бериш қону-нийатлари, ҳар бир шахсни ҳамма ёш босқичларида уйғун ри-вожлантириш қонунийатлари тўғрисидаги фандир.

Шундай қилиб, педагогика фақат ёш авлодни тарбиялаш қонунийатларинигина ўрганиб қолмай, шу билан бирга жамият аъзоларини тарбиялаш қонунийатларини ҳам ўрганади.

Педагогика инсонни ҳар томонлама тарбиялаш ҳақидаги фандир. Педагогика тарбия соҳасида жамият талабини амалга оширади. У диалектик материализмга, илмий дунёқарашга асосланган бўлиб, воқеа-ҳодисаларни, уларнинг қонунийатини объектив акс эттиради.

Педагогика тарбия ва таълимни ташкил этиш шаклларини,

метод, восита, мазмунни, ўқитувчи-тарбиячининг шахсига қўйиладиган талаб, шунингдек таълим-тарбия муассасалари системасини ишлаб чиқишда жамиятнинг киши шахсига қўядиган талабини, ҳар хил ёш босқичларида шахснинг ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олади. У илғор педагогик тажрибани ўрганиб, кишиларни тарбиялаш бўйича яхшироқ самара берадиган илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этади. Шу билан бирга жамоада ижобий муносабатларни тарбиялашга, кишиларга раҳбарлик қилишга, уларни яхшироқ тушуниб олишга, улар билан бирга ишлаш усулини такомиллаштиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, педагогика фани ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялаш назариясини ишлаб чиқибгина қолмай, уни амалга ошириш йўлларини ҳам ишлаб чиқади.

Мактабгача тарбия педагогикаси эса туғилгандан то етти ёшгача бўлган болаларга ҳар томонлама тарбия бериш қонуниятларини ўрганади ва боғча шароитида таълим-тарбия ишини ташкил этишнинг мазмуни, методи ва шакллариини ишлаб чиқади. У мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасалари, оила ва мактаб ишидаги изчилликни таъминлайди ҳамда болаларни мактаб таълимига тайёрлайди.

Бола ҳаётидаги илк ёш энг муҳим давр бўлиб, худди мана шу даврда боланинг жисмоний, ахлоқий, ақлий, меҳнат, эстетик ривожланишига пойдевор қўйилади.

Мактабгача тарбия педагогикаси илк ёш ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда умумий педагогика принципларига асосланиб иш кўради.

Бу педагогика ўзининг инсонпарварлиги, боланинг куч ва имкониятларига, унинг ҳар томонлама ривожланишига, келажак порлоқлигига ишониши билан ажралиб туради.

Мактабгача тарбия педагогикаси мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга қаратилган шарт-шароитларни ишлаб чиқади.

Мактабгача ёшдаги болани тарбиялаш тўғрисидаги фан бизда тарбиянинг ижтимоий, давлат хусусиятига эга эканлигини акс эттиради.

Мактабгача тарбия педагогикаси педагогика фанининг умумий системасида уни ажралмас қисми бўлиб шаклланди. Мактабгача тарбия педагогикасининг назарияси ва амалиёти мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ҳар томонлама тарбия беришнинг мақсади, боланинг ёш имкониятлари ва уни илк ёшдан бошлаб тарбиялашнинг роли, мактабгача тарбияни ҳаёт, замон билан боғлаб олиб боришнинг зарурлиги, бола шахсининг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллигига асосланилади.

Мактабгача тарбия педагогикаси жамиятимизда болани тарбиялаш қонуниятлари тўғрисидаги фан бўлиб, илк ёшли

ва боғча ёшидаги болаларнинг жисмоний, ақлий тарбияси ва уларга таълим бериш масалаларини ишлаб чиқди.

Мактабгача тарбия педагогикаси ижтимоий тарбия тажрибасини синчковлик билан ўрганади. Бу эса мактабгача тарбия муассасалари ишини ҳар доим такомиллаштириб боришга ёрдам беради. Педагогика фани тарбияни педагогик ҳодиса сифатида ўрганади ва бир қатор тушунчаларни ўз ичига олади. Педагогикада тарбия, таълим, маълумот асосий тушунчалар ҳисобланади.

Тарбия педагогик ҳодиса бўлиб, ёш авлодга илмий билимлар системасини, малака ва кўникмаларни махсус метод ва воситалар орқали режали равишда сингдириб бориш ва бунинг натижасида ҳар томонлама шаклланган кишини тарбиялашни мақсад қилиб қўяди.

Маълумот — асосий педагогик тушунча бўлиб, у ижтимоий ҳаёт воқеаларини объект асосида элтиришдир. Бу жараён киши томонидан табиат, жамият ва киши тафаккури тўғрисидаги умумлаштирилган ижтимоий зарур билим, малака, кўникмалар системасининг эгаллаб олиниши натижасидир. Маълумот кишини билишга бўлган талабини таъминлаб, ундаги қобилиятларни маълум даражага кўтаради ва амалий фаолиятга тайёрлайди.

Маълумот таълимнинг натижаси бўлиб, у киши томонидан билим, малака ва кўникмаларни мустақил эгаллаш, ўз билим даражасини такомиллаштиришдир.

Таълим — ижтимоий зарур билимлар, муайян кўникма ва малакаларни ўқувчиларга сингдириш, уларнинг онгига ва хулқига таъсир этиш, дунёқарашини ва билиш фаоллигини ривожлантиришдир. У инсонни меҳнатга, ҳаётга тайёрлашнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Таълим бериш жараёнида тарбия ва маълумотнинг мақсади амалга оширилади. Таълим икки томонлама жараён ўқиш ва ўқишни ўз ичига олади.

Ўқитиш — педагогик фаолият бўлиб, у билим, малака, кўникмаларни болаларга сингдириш, уларнинг билиш ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилишдир.

Ўқиш — ўқувчининг билим, малака, кўникмаларни эгаллашдаги амалий фаолиятидир. У ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди.

Бола шахсини уйғун ривожлантириш шахсни инсоният томонидан тўпланган ҳамма бойликларни ҳозирги замондаги фан-техника тараққиёти ва маданият даражасида эгаллаб олишни, ҳар томонлама ривожланган баркамол шахснинг инсоний сифатларини тарбиялашни тақозо этади. Тарбия педагогнинг фаолияти жараёнида ва болаларнинг бир-бирларига таъсир этишларида амалга ошади. Жамиятда ҳар бир киши ўзининг эркин ривожланиши учун ҳамма имкониятлардан фойдаланиб ўз-ўзини ривожлантириб бориши зарур.

Ўз-ўзини тарбиялаш — бу шахснинг ўзини, шахсий сифат-

ларини такомиллаштиришидир, замон талабига жавоб берадиган даражага онгли равишда интилишидир. Ўз-ўзини тарбиялаш яхши тарбия натижасида юзага келиб, шахснинг ўз-ўзини камолга етказишига олиб келади.

Педагогикада «тузатиш» деган тушунча ҳам бор. Бу баъзи бир салбий сифатлардан озод бўлишидир. У одатда ўз-ўзини тарбиялаш жараёнига кириди. Қайта тарбиялаш — кишидаги салбий сифатларни йўқотиб, тарбия натижасида ижобий сифатларни шакллантиришидир.

3-§. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКАСИНING БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН БОГЛИҚЛИГИ

Мактабгача тарбия педагогикаси кенг илмий системанинг бир қисми сифатида жамият ва инсонни ўрғанувчи фанлар билан чамбарчас боғлангандир. Педагогика ижтимоий ҳодиса сифатида тарбияни ўрғанар экан, **фалсафа** билан чамбарчас боғлиқдир, чунки фалсафа тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ўрғаниш методологиясини белгилайди. Жамият тўғрисидаги материалистик фалсафа тарбия масаласига илмий асосланган ҳолда ёндашиш имконини беради. Тарихий материализм педагогикага тарбиянинг синфий моҳиятини очиб бериш, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши ижтимоий ҳодиса эканлигини, жамият ҳаётида ва киши шахсининг ривожланишида тарбиянинг ролини баҳолашга ёрдам беради. Дидактик масалаларни ишлаб чиқишда педагогика билиш назариясига суянади: ахлоқий тарбия масалаларини ўрғанишда педагогика этиканинг ахлоқ тўғрисидаги таълимотига, эстетик тарбиянинг мақсадини, йўлларини, методларини белгилашда этика фанига асосланади. **Этика** ахлоқни назарий жиҳатдан асослаб, ёш авлодни, унинг ахлоқий тарбияси муаммоларини, инсон шахсини шакллантиришда ахлоқий гоялар ролини тушунишни чуқурлаштиради.

Эстетика инсоннинг воқеликка, санъатга эстетик муносабатлари ривожланишининг умумий қонуниятларини ўрғанеди, нафосат тарбиясининг илмий асоси бўлиб хизмат қилади.

Педагогика бошқа фанлардан биология, психология, ёш психологияси билан ҳар хил алоқалар ўрнатади.

Педагогика инсонни биологик эволюция предмети сифатида ўрғанувчи физиология билан чамбарчас ва бевосита боғлангандир.

Физиология педагогиканинг табиий-илмий базаси бўлиб, у биринчи навбатда инсон олий нерв фаолиятининг ривожланиши, нерв системасининг типологик хусусиятлари, сезги органлари, таянч-ҳаракат аппарати, юрак-томир ва нафас олиш системалари, ички секреция безлари ва шу сингариларнинг ривожланиши ҳақидаги маълумотларга таянади. Педагогика ана шу маълумотлар негизида таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш масалаларини муваффақиятлироқ ҳал эта олади, психик воқеалар ва жараёнларнинг айрим қо-

нуниятларини чуқурроқ ўрганиш имкониятига эга бўлади. Ҳозирги замон физиологияси энг муҳим педагогик муаммоларни тўғри ҳал этишда: боланинг ривожланишига, унинг қобилиятларини шакллантиришга муҳит, ирсият ва тарбиянинг таъсири ва шу сингариларни белгилашда педагогикага ёрдам беради.

Усиб бораётган организм тузилишининг ва ҳаракат қилиш қонуниятларининг асосий принципларини очиб берувчи ёш физиологияси таълим ва тарбия бериш масалаларини ишлаб чиқиш учун айниқса катта аҳамиятга эга. Бу хусусиятларни билмай туриб, тарбияланувчиларнинг ёшига мувофиқ тарбия воситалари ва методларини, у ёки бу машғулотларни ёки тарбиявий тадбирларни ўтказишнинг ташкилий шаклларини тўғри белгилаб бўлмайди. Физиологиянинг олий нерв фаолияти, нерв системасининг типологик хусусиятлари тўғрисидаги хулосаларни педагогикага ўқув-тарбия жараёни методикасини ишлаб чиқишда, болалар фаолиятлари учун яхшироқ шарт-шароит яратишда ёрдам беради.

Инсоннинг воқеликни билишини белгиловчи ҳамда унинг хулқ-атворини бошқарувчи психиканинг қонуниятлари ва механизмлари тўғрисидаги фан бўлган умумий психология инсоннинг ривожланиши, тарбияланиши ва атроф-муҳит билан ўзаро муносабатлари жараёнида шаклланадиган ҳолат ва хислатларни (тафаккур, хотира, тасаввур, ҳис-туйғу, ирода ва ҳоказо) тадқиқ қилади. У педагогикани ўсиб бораётган инсон шахсининг турли хислат ва хусусиятлари шаклланишининг ички жараёнлари қандай кечиши шарт-шароитлари ва механизмларини ўрганиш билан қуроллантиради. Педагогика улардан фойдаланиб, тарбиянинг мазмуни ва методларини ишлаб чиқади.

Ёш психологияси педагогикага турли ёшдаги болаларнинг билиш имкониятларини, у ёки бу тарбиявий таъсирни улар қандай қабул қилишини аниқлашда ёрдам беради.

Психология шахснинг ривожланиш қонуниятлари, ёш ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги хулосаларни, тарбиялаш ва таълим беришнинг рационалроқ мазмун, методини асослаш ва шахснинг шаклланиш жараёнини тўғри лойиҳалаш имконини яратади. Педагогика жамоани ташкил этишнинг самаралироқ шаклларини, шахсни жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш методларини ишлаб чиқишда социал психология билан қуролланади.

Педагогика жисмоний ривожланиш масаласини, бола организмнинг иш қобилиятини ошириш, унинг фаолиятини нормаллаштириш масалаларини ўрганишда умумий ва социал гигиена, меҳнат гигиенаси, мактаб гигиенаси, педиатрия ва бошқа фанларнинг эришган ютуқларидаги хулосалардан фойдаланади.

Мактабгача тарбия педагогикаси умумий педагогика билан ҳам боғлиқдир, чунки умумий педагогика тарбиянинг умумий

қонуниятлари, жамиятда ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш ҳамда таълимнинг моҳияти ва қонуниятларини ўрганадиган фандир.

Мактабгача тарбия педагогикаси айрим хусусий методика (она тили, табиатшунослик методикаси, жисмоний тарбия методикаси, тасвирий санъат методикаси ва шу сингари) фанлари билан ҳам боғлиқдир, чунки тарбиянинг асосий мақсад ва вазифалари болаларга таълим бериш жараёнида амалга оширилади.

Шундай қилиб, бошқа фанларнинг хулосалари педагогик назария ва тавсияларни ишлаб чиқиш учун зарурдир.

4-§. ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИ

Илмий тадқиқот иши таълим-тарбия ишининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келган вазифаларни, халқ маорифининг ҳамма бўғинларидаги ўқув-тарбиявий ишларни келгусида янада яхшилаш йўллари топиш учун амалга оширилади.

Илмий тадқиқот ишида олимлар, педагогика ва психология фанининг вакиллари, мактаб ўқитувчилари, болалар боғчаларининг тарбиячилари ва шунингдек тарбия беришнинг амалиёти билан бевосита боғлиқ бўлган кишилар қатнашадилар. Педагогик воқеа-ҳодисаларнинг қонуниятларини очиш ҳар хил йўллар билан амалга оширилиши мумкин.

Тадқиқотнинг **эмпирик** даражасида ҳар хил фактик материаллар йиғилади, улар тўлиқ ёзиб борилади, воқеалар ўртасидаги объектив боғлиқликлар аниқланади, тадқиқ этилаётган воқеа ҳар томонлама ўрганилади. Илмий тадқиқот ишининг эмпирик даражада олиб борилиши тўла маънодаги илмий изланиш бўлиб, у педагогиканинг асосий мазмунини ташкил этади.

Тадқиқотнинг **назарий** даражаси ўрганилаётган воқеанинг моҳиятини аниқлашга йўналтирилган махсус системалаштириш ва таҳлил қилиш усулидир. Педагогика илмий изланишнинг назарий даражасига кўтарилганда тарбия, таълим ва маорифнинг принципиал янги масалаларини ҳал этиш имкониятига эга бўлади.

Илмий изланишнинг ҳар бир даражаси ўзига мувофиқ келадиган метод, восита, шароитларни талаб этади. Ҳар қандай даражадаги тадқиқотни қўллашда уни тўғри режалаштира олиш ва ташкил эта билиш муҳим ўрин эгаллайди. Педагогик тадқиқот бир қанча босқичлардан ташкил топади.

I босқич. Тадқиқ этиладиган масалани, ундан кўзланган мақсадни аниқлаб олиш ва шу асосда масаланинг тарихи ва назариясини ўрганиш. Педагогик тажрибани ўрганиш орқали гипотеза — илмий фараз тузилади ва тадқиқотнинг вазифаси белгилаб олинади.

Гипотеза — бу илмий тахмин бўлиб, ҳар бир босқичда ишнинг илмий изланишга йўналганлигини аниқлашга ёрдам

беради. У илмий изланиш жараёнини ва ундан кўзланган хулосаларни олдиндан кўра билади. Илмий изланишдан олинган натижалар кўзланган мақсадларга, хулосаларга мувофиқлиги илмий даражанинг яхшилигидан далолат беради.

Илмий фараз — гипотезадан кейин тадқиқотнинг аниқ вазифалари, уни амалга ошириш шарт-шароитлари, усуллари, воситалари, илмий тадқиқот методлари ишлаб чиқилади.

II босқич. Илмий фараз аниқловчи, шакллантирувчи ва синовчи босқичлар орқали (масалан пухта ўрганиш орқали эгалланган билимлар ва тўпланган фактик материаллар асосида) амалда текшириб кўрилади.

Бу босқич қўйилган вазифани ҳал этишга, илмий фаразни текширишга қаратилган бўлади. Бу ерда мезон, ўлчовни топиш, шу орқали тўпланган фактик материалларни тўғри баҳолаш муҳим ўрин эгаллайди. Шунингдек, илмий тадқиқотнинг предмети ва вазифасига, болаларнинг ёшига мувофиқ келадиган методлар ишлаб чиқилади. Яна илмий тадқиқотнинг аниқловчи, шакллантирувчи, текширувчи босқичлари қўлланилади. Аниқловчи босқич тадқиқотчи фаол аралашгунга қадар педагогик воқеа қай даражада эканлигини аниқлайди.

Бу босқичга асосан қуйидаги методлар тўғри келади: сўраш, социометрия, кузатиш, лаборатория эксперименти, педагогик тажрибани ўрганиш, суҳбат ва шунга ўхшаш методлар. Шакллантирувчи эксперимент (тажриба) иккинчи босқичда етакчи роль ўйнайди, у асосан педагогик жараёнга муҳим ўзгаришларни киритади, олинган натижаларни таҳлил қилади.

Текширувчи босқич педагогик таъсирнинг амалга ошириладиётган усули самарали эканлигини аниқлашга имкон яратади. Бунда асосан лаборатория эксперименти, болалар фаолиятларини кузатиш ишларини ўрганиш ва бошқа методлардан фойдаланилади.

III босқич. Янги билимлар ва тўпланган фактик материалларни ишлаб чиқиб таҳлил қилиш натижасида юзага келган назарий хулосалар ишлаб чиқилади, таҳлил қилинади, тартибга солинади ва шу асосда умумлаштирилади, қонуниятлар вужудга келади. Илмий изланишнинг натижаларига қараб олға сурилган илмий тахмин ё тасдиқланади, ёки рад этилади. Агар илмий тахмин тасдиқланса, у янги билим хусусиятини олади, агар рад этилса, унда янги гипотеза — илмий тахмин олға сурилиб, тадқиқот янгитдан давом эттирилади.

IV босқич — илмий тадқиқотнинг натижаларини расмийлаштириш. Бу иш маълум изчилликда амалга оширилади: илмий тадқиқот мавзуи долзарб эканлиги асосланади, илмий изланиш предмети, илмий тахмин, илмий тадқиқотнинг вазифа ва методи танланади, илмий изланиш жараёни баён қилинади, унинг натижалари таҳлил қилиниб, хулосалар расмийлаштирилади.

Тадқиқотнинг яқунловчи V босқичи — бу илмий тадқиқотнинг натижаларини амалиётга жорий этишдир.

Илмий тадқиқотнинг натижалари амалиётда ва назарий-да қўлланилани бошлагандагина илмий изланиш иши тугалланган ҳисобланади.

Илмий тадқиқот ишини олиб бориш учун махсус илмий методлар қўлланилади.

Метод — тартибга солинган фаолиятга, мақсадга эришиш усулидир. Илмий тадқиқот методини таълим методидан фарқ қила билиш керак.

Илмий тадқиқот ишини олиб боришда қўлланиладиган, педагогика фанининг ривожланишини таъминлайдиган илмий тадқиқот методларига қўйидагилар киради:

Ҳар қандай педагогик муаммони тадқиқ қилиш адабиётларни ўрганишдан бошланади. Адабиётларни ўрганишда умумилмий методлардан — библиография тузиш, аннотация, реферат ёзиш, конспект олиш, цитата ва рақамларни ёзиб олиш усулларидан фойдаланилади.

Адабиётлардан фойдаланиш ишнинг мақсадига боғлиқ: баъзи бир китоблар диққат билан ўрганилади, баъзилари шунчаки ўқиб чиқилади, учинчилари қараб чиқилади.

Педагогиканинг жуда кўп муаммоларини ҳал этишда ўқув-тарбиявий жараён ўрганилади, назарий жиҳатдан таҳлил қилинади ва ишлаётган ходимларнинг ижодий фикр-мулоҳазалари қайтадан ишлаб чиқилади, яъни илғор тажрибалар умумлаштирилади ва тарқатилади.


Бунинг учун қўйидаги методлардан фойдаланилади: кузатиш, суҳбат, анкета йўли билан сўраш, мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ишларини, педагогик ҳужжатларни ўрганиш ва шунга ўхшашлар.

Кузатиш методи — маълум бир педагогик ҳодисани бирор мақсадни кўзлаб мунтазам равишда ўрганиш, таълим-тарбия жараёнининг турли шароитларида унинг ривожланиши ва ўзгаришини кузатиб боришдир. Кузатишдан кўзланган асосий мақсад фактларни тўплаш, унинг муҳим томонларини ажратиб боришдир.

Тадқиқотчи кузатишга олдиндан пухта тайёрланиши, кузатишдан кўзда тутилган мақсадни аниқлаши, кузатиш режасини тузиб чиқиши, натижаларни қайд қилиш ва расмийлаштириш воситаларини (протокол, кундалик ёзиб бориш, суратга олиш ва бошқаларни) ўйлаб қўйиши керак.

Суҳбат методи. Суҳбат аниқланиши керак бўлган масалаларни ойдинлаштириб олиш мақсадида, олдиндан тузилган режа бўйича ўтказилади. Суҳбат яқка тартибда ҳамда жамоа тарзида бўлиши мумкин. Суҳбат болаларнинг ҳаётнинг у ёки бу воқеа-ҳодисалари тўғрисидаги қизиқишларини, тасаввурларини, мулоҳаза ва муҳокамаларини аниқлаб олишга ёрдам беради. Суҳбат болалар билан ҳам, катта ёшдаги кишилар (педагоглар, ота-оналар) билан ҳам ўтказилади.

Суҳбатдан метод сифатида фойдаланишда унинг мақсад ва режасини аниқ белгилаб олиш керак. Суҳбатнинг бориши



тўла ёзиб олинади. Бунинг учун суҳбат тадқиқ қилинаётган кишига билдирмай, магнит тасмасига ёзиб олинishi лозим.

Анкета йўли билан сўраш методининг бошқа методлардан афзаллиги шундаки, қисқа вақт ичида анкета орқали анчагина кишиларга (ёшлар ва катталарга) саволлар бериб, улардан ёзма жавоблар олиш мумкин. Олинган жавоблар кейинчалик ишлаб чиқилади ва таҳлил қилинади.

Ҳужжатларни ва болаларнинг ишларини ўрганиш методи

Педагогик ҳужжатларни ўрганиш орқали тадқиқотчи ўрганилаётган объект тўғрисидаги ҳар хил маълумотларни билиб олади. Бунга мактабгача тарбия муассасалари мудирлари, тарбиячиларнинг режалари ва ҳисоботлари, болалар боғчаси тарбияланувчиларининг расмлари, лой ва пластилиндан ясалган буюмлари ва шу кабилар киради.

Масалан, болаларнинг анча илгари чизган расмларини қараб чиқиш, таҳлил қилиш, болаларга берилган топшириқларнинг қай даражада мураккаблашиб борганини, уларда тасвирлаш фаолияти қандай ривожланиб борганини аниқлашга ҳамда улар билан олиб бориладиган кейинги ишларни белгилашга ёрдам беради. Масалани чуқурроқ ўрганиш учун педагогик экспериментдан фойдаланилади. Педагогик эксперимент — таълим жараёнига янги самарали педагогик янгилик киритишдир. Бу экспериментни ўтказишда ўқув жараёнини бузмаслик керак. Қиритилган янгилик ўқув-тарбия ишини яхшилашга ёрдам берса, у ижобий янгилик бўлади. Баъзи бир тажрибаларни ўтказиш учун махсус шарт-шароитлар яратилади, алоҳида хона ажратилади, баъзан махсус аппарат қўлланилади, бир-икки болани алоҳида ажратиб олинади, бу — лаборатория эксперименти ҳисобланади.

Тажрибани ўрганиш ва умулаштириш методи. Педагогик тажриба тушунчаси кўп қирралидир. Педагогик тажрибанинг кенг маъноси — таълим ва тарбия амалиётидир, яъни мактабгача тарбия муассасаларида олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари қай даражада амалга оширилаётганини ўрганишдир.

Педагогиканинг кўпчилик муаммоларини ҳал этиш учун реал вужудга келаётган таълим-тарбия жараёнини ўрганиш, амалий ходимларнинг ижодий кашфиётларини назарий асосда идрок этиш ва қайта ишлаб чиқиш, яъни илғор тажрибани умулаштириш ва ёйиш ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Олинган фактик материаллар натижаларини схема, диаграмма, графикада акс эттирувчи математик метод ҳам қўлланилади.

Педагогик тадқиқотлар олиб боришнинг асосий методларини билиш ижодий ишлайдиган ҳар бир тарбиячига уни қизиқтирувчи соҳада мустақил илмий изланиш олиб боришида, бошқаларнинг тажрибасини ўрганиш ва баҳолашда ёрдам беради.

II. БОБ. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАРБИЯСИ

1-§. КИШИ ШАХСИНИНГ ШАҚЛЛАНИШИДА ТАРБИЯ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ ШАРОИТЛАРИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ РОЛИ ТУҒРИСИДАГИ АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Ривожланиш кишидаги жисмоний, руҳий ва ижтимоий жараён бўлиб, у барча туғма ва эгалланган миқдор ва сифат ўзгаришларини ўз ичига олади.

Жисмоний ривожланиш бўйнинг ўсиши, вазн ва мускул кучининг ортиши, сезги аъзоларининг мукамаллашиши, ҳаракатларни туғри бошқара билиш ва шунга ўхшашлар билан боғлиқдир.

Руҳий ривожланишда эса киши шахсидаги психик сифат ва белгиларнинг шаклланиши, эмоционал (ҳиссий) иродавий, билиш жараёнида муҳим ўзгаришлар юз беради.

Боланинг ижтимоий ривожланиши у ижтимоий ҳаётда қатнаша бошлаганда, унинг хулқида, теварак-атрофга бўлган муносабатида, айниқса жамоа ишларида қатнашишида намоён бўлади.

Кишининг ривожланиши бу миқдор ўзгаришларигина бўлиб қолмай, бу аввало киши организми ва руҳиятида теварак-атрофдаги ҳаёт таъсирида юзага келувчи сифат ўзгаришларидир.

Ташқи таъсир ички жараён билан қарама-қаршилиқни юзага келтиради, масалан, боланинг янги талаби билан имконияти ўртасида юзага келган қарама-қаршилиқ ёки номутаносиблик унинг ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади.

Боладаги мана шундай жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг юз беришида, боланинг ривожланиши, яъни шахсининг шаклланишида биологик ва ижтимоий омил етакчи роль ўйнайди.

Табий ва ижтимоий омилнинг ўзаро таъсири шахсининг тарихий ва онтогенетик ривожланиши жараёнида юзага келади. Бу ўзаро таъсирни К. Маркс қуйидагича ифодалайди: «Одам ташқи табиатга кўра таъсир этиб уни ўзгартиради, шу билан бир вақтда у ўз табиатини ҳам ўзгартиради». Бошқача қилиб айтганда, киши табиатининг ўзи тарихнинг маҳсулидир. Киши ижтимоий фаолият жараёнида ўзидаги биологик, табий хусусиятларни йўқотмайди, балки ўзгартиради. Инсон табиатнинг олий маҳсулидир.

Маълумки, ҳар бир киши фаолиятнинг бирор турига (ёки бир неча турига) бошқа турларга нисбатан кўпроқ қобилиятли бўлади.

Инсон қобилият ва қизиқишларини амалга ошириш учун теварак-атрофдаги табиат ва кишилар билан ўзаро таъсир этишга киришади. Унинг теварак-атрофдаги борлиққа нисба-

тан фаол муносабати унинг буюмлар билан бўладиган фаолияти орқали амалга оширилади.

Киши ўзининг талабини қондириш учун теварак-атрофдаги ҳаёт ва кишилар билан ўзаро фаол таъсирга киришади. Кишининг дунёга фаол муносабати унинг буюмлар билан бўладиган фаолиятида намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш усули, ишлаб чиқариш муносабатлари ва улар асосида юзага келувчи ижтимоий муҳит, кишининг фаол маънавий ҳаёти унинг шахси мазмунини белгилайди.

Педагогика шахс тарихий жараённинг объекти ва субъекти сифатида ривожланади деб уқтиради. Фаолият ва тарбия таъсирида, жамият томонидан яратилган ғоялар, қонда ва нормаларни ўзлаштириш натижасида кишининг шахсга хос бўлган хусусият ва сифатлари шаклланади, меҳнатга, меҳнат маҳсулотига, одамларга, ўзига нисбатан муносабати системаси шаклланади. Киши шахси унинг жамиятда тутган ўрнига, мақсадига, ҳаётдаги ролига, нимага асосланиб ҳаракат қилишига қараб белгиланади.

2-§. МУҲИТ ВА БИОГЕНЕТИҚ ОМИЛЛАРНИНГ РОЛИ

«Шахс» деганда кишининг ижтимоий моҳияти тушунилади. «Шахс» тушунчаси ўз ичига ҳар хил таъсирлар ва ижтимоий муҳит таъсирида шаклланган хусусиятлар, сифатлар йигиндисини олади.

Педагогика фани киши шахсининг шаклланишида кишилар билан муносабатда бўлишнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатади.

Муҳитнинг таъсири тўғрисида гап кетганда, аввало ижтимоий муҳит эътиборга олинади, чунки ижтимоий муҳит тушунчасига шахс яшаётган жамиятдаги моддий шароит, унинг иқтисодиёти, ижтимоий ва давлат тузуми, ишлаб чиқариш муносабатлари системаси ва кишиларнинг шулар билан белгиланган турмуш тарзи киради.

Киши шахсининг шаклланишига таъсир этувчи асосий ижтимоий омилларга: халқ маорифининг барча бўғинларини ўз ичига олувчи ҳамма ўқув-тарбия муассалари, мактабдан ташқари, маданий-маърифий муассасалар, ижтимоий ташкилотлар, ахборотни тарқатиш оммавий воситалари ва оила киради.

Инсон ижтимоий муҳитнинг маҳсулидир. Бу муҳит ўзгариши билан инсонда ҳам ўзгаришлар юз беради. Инсон шахсида унинг ўзи яшаб турган ижтимоий муҳит, яъни унинг ҳаёт шароити, қайси синфга мансублиги ва ҳоказолар акс этади. Ижтимоий шароит тубдан ўзгарса, кишининг маънавий қиёфаси ҳам бутунлай ўзгаради.

Инсоннинг ижтимоийлашиши, жамиятга кириб келиши оиладан бошланади. Киши шахсининг шаклланишида оиланинг

роли бениҳоя каттадир. Оила кишида дастлабки ижтимоий ва ахлоқий тасаввурларнинг, характернинг шаклланиши учун шарт-шароит яратади, ҳиссий соҳанинг ривожланишига таъсир этади. Боланинг оилада тутган ўрни шу оилада нечта бола тарбияланишига ҳам боғлиқ. Болани қуршаб турган катталар унинг ҳаётини сақлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, уни нохуш таъсирлардан ҳимоя қилиш, теварак-атрофдагилари билан муносабатда бўлиши ҳақида ғамхўрлик қиладилар.

Бола мактабга бориши билан унинг ижтимоий алоқаси анча тезлашади. Мактабда бола синфдаги ўртоқлари, болалар ва ёшлар ташкилотлари, ўқитувчилар жамоаси ва тарбиячилар билан муомалага киришади. Шу билан бир вақтда боланинг мактабдан ташқари муносабатлари доираси ҳам кенгайди. Бу вақтда энди театр, музей, кинотеатр, кутубхоналар каби маданий ўчоқлари боланинг маънавий дунёси шаклланишида ижобий таъсир кўрсатади ва унинг шахсий қизиқишларини уйғотади. Бола мактабдошлари, ота-оналари билан жумҳуриятимизнинг турли жойларида ёки бошқа давлатларда бўлади, булар болада катта таассурот қолдиради. ---

Бола мактабга боргандан кейин ҳам оиланинг таъсири бола шахсининг шаклланишида муҳим ўринни эгаллайди. Бола дунёқарашининг шаклланишида оиладаги умумий ахлоқий муҳит — ота-оналарнинг ғоявий эътиқоди, ижтимоий фаолиги, меҳнатга муносабати катта таъсир кўрсатади. Агар оилада носоғлом ахлоқий муҳит ҳукм сурса, мактабда берилган таълим билан оилавий таъсир ўртасида, боланинг дунёқарашини қарама-қаршилик юзага келади. Бу вақтда мактаб оилага, боланинг онгига таъсир этишда етакчи роль ўйнаши, унинг ҳаёт йўлини танлаб олишида унга ёрдам бериши лозим.

Киши шахси унинг бутун ҳаёти давомида шаклланиб боради, аммо мустақил меҳнат фаолиятига ўтган вақтда унинг характеридаги асосий хусусиятлар таркиб топган бўлади. Меҳнат жамоасида бир неча йил ишлагандан кейин у ишлаб чиқаришда ёш кадрларга мураббийлик қилиши мумкин, оилавий турмуш қургандан кейин дунёқарашини ҳам ўзгаришлар юз беради. Энди у тўпланган ва идрок этилган ҳаётий тажрибани ёш авлодга ўргата бошлайди.

Демак, инсон шахс сифатида табиат инъом этган ҳамда тарбия ва ижтимоий шаклланиш шароитларига қараб муайян тарзда ривожланган истеъодлар ҳамда унинг бутун ҳаёти давомида атрофдаги воқелик билан ўзаро алоқаси воситасида ҳосил бўлган хусусият ва хислатларнинг мураккаб мажмуидан иборатдир. Натижада ҳар бир кишининг шахсиятида унга муайян жамиятнинг вакилига, унинг ижтимоий гуруҳига хос ижтимоий-типиклаштирилган хусусиятлар ҳамда шахс сифатида унга мансуб бўлган ўзига хос психологик хусусиятлар бўлиши мумкин. Бу хусусиятлар эса барча ташқи омилларнинг шахсга таъсири натижасида юзага келади ва унинг ўзига хос хулқ-авториди намоён бўлади.

3- §. БОЛАНИНГ РУҲИЙ ТАРАҚҚИЁТИДА ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМНИНГ ЕТАҚЧИ РОЛИ —

Шахснинг шаклланиши кишилик жамияти томонидан яратилган ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш, таълим ва тарбия бериш орқали амалга оширилади. Бу ҳар хил фаолиятларда юзага келади. Таълим-тарбия натижасида бола ўзи яшаб турган жамиятдаги ижтимоий система билан алоқага киришади ёки муносабатда бўла бошлайди.

Боланинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириб олиши узоқ давом этадиган мураккаб жараён дир. Бунинг мураккаблиги шундаки, бола, бир томондан, мазмуни ва ҳажми жиҳатидан мураккаб бўлган инсоният тажрибасини, иккинчи томондан, мана шу тажрибани эгаллаш усулларини ўзлаштириб олиши керак, бундай усуллар тажрибани ўзлаштириш жараёнида шаклланиб боради.

Болалар эгаллашлари лозим бўлган мазмунни танлаш, унинг эгаллаб олинишига раҳбарлик қилиш катталар томонидан таълим ва тарбия жараёнида амалга оширилади.

Бунда боланинг руҳий-физиологик хусусиятлари ва ривожланиш динамикаси эътиборга олинади. Шунинг учун тарбия ва таълимнинг мазмуни, шакли ўзгариб, мураккаблашиб боради, унга таъсир этиш усуллари ҳам ўзгариб туради.

Тарбия боланинг «ривожланиш олди зонасига» қараб ўзгаради, яъни болада мураккаброқ мазмундаги билимларни ўзлаштириб олиш имконияти пайдо бўлишига қараб белгиланади (масалан, гўдак эмаклашни ўзлаштириб олгандан кейин юришга ўтиши, айрим бўғинларни айтишни ўргангандан кейин фаол нутққа ўтиши, буюмлар билан ҳаракатларни ўзлаштириб олгандан кейин ўйин, меҳнат фаолиятининг пайдо бўлиши ва ҳ. к.).

Таълим ва тарбия «ривожланиш олди зонасига» асосланиб, боланинг ривожланишини бугунги даражасидан олдинга қараб етаклайди.

Киши шахси шаклланиш даврида бир қанча босқичларни босиб ўтади. Ҳар бир янги босқич олдинги босқич асосида юзага келиб, юқорироқ босқичга чиқишга интилади. Илк ёшда бошланган ривожланиш ҳар доим одам учун муҳим аҳамиятга эга. Таълим-тарбия беришдаги мазмун, метод, уни ташкил этиш шакллари ўртасида узвийликнинг мавжудлиги тарбия беришдаги муҳим хусусиятлардандир.

Ҳар томонлама ривожланиш имкониятларидан маҳрум бўлган болалар шахсини шакллантиришда ижтимоий тарбия муассасаларида тарбиянинг ҳал қилувчи роли яққол намоён бўлади. Бундай болалар учун ишлаб чиқилган тарбиявий таъсир кўрсатиш системаси уларни ҳаётга, меҳнат фаолиятига тайёрлайди.

Аммо тарбияни боланинг имкониятига қараб кучайтириш, зўрайтириш ман этилади. Шунинг учун мактабгача тарбия

педагогикасида мактабгача тарбия ёшидаги болалар шахсини ҳар томонлама уйғун ривожлантиришнинг мақсади унинг тарққиётини бойитишдан иборат эканлиги олдинга сурилади.

Бола шахсининг шаклланишида тарбия ва таълим, бу иш-ни амалга оширувчи педагог стакчи роль ўйнайди. Бу эса ҳар бир бола шахсининг шаклланишида уларнинг жавобгарлигини оширади. А. С. Макаренко педагогнинг роли ва жавобгарлиги тўғрисида бундай деб ёзади: «Мен тарбиявий таъсирнинг қудрати беқиёслигига ишонаман. Бола ёмон тарбияланган бўлса, бунда фақат тарбиячи айбдор эканлигига ҳам ишонаман. Агар бола яхши бўлса, бунинг учун у ўзининг тарбиячисидан, ўзининг ёшлигидан миннатдор бўлиши лозим».

4-§. БОЛАНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНИШИДА ФАОЛИЯТЛАР (УЙИН, МАШҒУЛОТ, МЕҲНАТ ВА БОШҚАЛАР)НИНГ РОЛИ.

Ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш фаол иш жараёнида юз беради. Фаоллик болага хос хусусиятдир. Тарбия жараёнидаги фаоллик асосида фаолиятнинг ҳар хил турлари шаклланади. Улардан асосийлари: муносабатда бўлиш фаолияти, билиш, буюмлар билан бўладиган фаолият, ўйин, оддий меҳнат ва ўқув фаолиятларидир.

Фаолият турларининг ўзи ижтимоий-тарихий тажрибанинг бўлагидир. У ёки бу фаолиятни ўзлаштираётиб бола фаоллик кўрсатади, шу билан бир вақтда шу фаолият билан боғлиқ бўлган билим, малака, кўникмаларни эгаллаб олади. Бунинг асосида болада ҳар хил шахсий қобилият ва хусусиятлар шаклланиб боради. Боланинг фаолиятда фаол йўл тутиши уни тарбиянинг объекти ёки субъектига айлантиради. Боланинг ривожланишида фаолиятнинг стакчи роль ўйнаши ана шу билан белгиланади. Бола ривожланишининг ҳар хил даврларида фаолиятнинг ҳар хил турлари амалга оширилади, аммо боланинг ривожланиши ва тарбиясида фаолиятларнинг роли бир хил бўлмайди, ривожланишнинг ҳар бир босқичида стакчи фаолият бўлади, ривожланишда эришилган асосий кўрсаткичлар шу орқали аниқланади.

Таълим ва тарбия орқали амалга ошириладиган фаолиятларни болалар бирданига ўзлаштириб олмайдилар, уларни болалар тарбиячи раҳбарлигида скин-аста эгаллаб борадилар.

Болаларнинг ҳар хил фаолиятларни муваффақиятли эгаллаб олишлари асосан оилада, болалар боғчасида таълим-тарбия ишининг қай даражада ташкил этилишига боғлиқдир.

Киши ҳаётининг биринчи йилиданоқ фаолиятнинг энг оддий турлари ундаги шахсий қобилиятлар, хусусиятлар, тева-рак-атрофга маълум бир муносабатнинг шаклланишида асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, катталарнинг бола билан бўладиган ҳиссий, ҳиссий-предметли муносабатларидаёқ бола-

да дастлабки ижтимоий талабни вужудга келтиради, дастлабки ҳаракат ва тасаввурлар, таассуротлар шакллана бошлайди.

Ҳаракат усулларини эгаллаб бориш орқали болада фаоллик ривожланади. Аммо фаолликнинг қай даражада ривожланиб бориши ирсиятга ҳамда тақлидчанлик қобилиятига боғлиқ. Бола ҳаётининг дастлабки йилларида катталар билан бўладиган муносабати ва нарса-буюмлар билан бажарган ҳаракати асосий фаолият тури ҳисобланади. Бола билан муомала қилиш орқали катталар уларни секин-аста буюмлар оламига олиб кирадилар. Мана шу йўл билан бола буюмлар билан бўладиган фаолиятнинг ўзига хос томонларини эгаллаб боради. Бу вақтда муносабатнинг ўзи нарса ва буюмлар билан бўладиган фаолиятга айланиб қолади.

Боланинг нарса ва буюмлар билан бўладиган фаолиятини ташкил этиш болага дастлабки ёшидан бошлаб онлада ва мактабгача тарбия муассасаларида тарбия ва таълим беришнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бундай фаолиятларда болалар тарбиячи раҳбарлигида нарса ва буюмларнинг хусусиятлари тўғрисидаги дастлабки билимларни, улар билан бўладиган ҳаракатлар, таҳлил, синтез, умумлаштириш, абстракциялаш каби энг оддий жараёнларни эгаллаб оладилар.

2,5 ёшдан кейин буюмлар билан бўладиган фаолиятда болалар анча юқори кўрсаткичларга эришадилар ва уларнинг ўйин ҳамда тасвирий фаолиятга ўтишлари учун асос яратилади. Катталар томонидан ташкил этилган муомала муносабатларида, фаолиятларда ўз-ўзини англаб олишнинг дастлабки шакллари шаклланади.

Бола жамоада ўзини шахс сифатида англай бошлайди. Бола тараққиётининг мана шу босқичида улар катталарнинг кўрсатмасисиз, мустақил ҳаракат қилишини хоҳлайдилар. Болада хулқ-атвор сабабининг пайдо бўлиши ва уни ўз хоҳишига бўйсундира олиши унда онгнинг шаклланганлигидан далолат беради.

Агар боладаги фаоллик ва мустақиллик катталар таъсирида уйғотилган бўлса, у ҳолда 4—6 ёшли болалар анча мустақил бўлиб қоладилар ва ҳар хил фаолиятларга тезда киришиб кета оладилар. Бунда болалар онглигининг роли ортади, у баъзан ҳатто ижодий хусусият касб этади.

Мактабгача тарбия даври учун муҳим бўлган ўйин фаолиятда болалардаги ижтимоий-билиш фаолиятининг қандай ривожланиб боришини илмий тадқиқот хулосалари кўрсатиб берди.

Ўйинда болалар тарбиячининг раҳбарлигида ҳар хил ҳаракат усулларини, нарса ва буюмлар тўғрисидаги билимларни, уларнинг сифат ва хусусиятларини билиб оладилар. Болалар, шунингдек фазовий, вақт муносабатларини, ўхшашлик, тенглик каби тушунчаларни ҳам эгаллаб борадилар.

Биргаликда бажариладиган ҳаракатли ўйинлар орқали

болалар кишилар ҳаётидаги, улар ўртасидаги муносабатларни, келишиб ҳаракат қилишни билиб оладилар, уларнинг теваарак-атроф тўғрисидаги тасаввурлари кенгайди.

Катта гуруҳ болаларининг ўйин фаолиятлари хилма-хил бўлиб қолади ва ҳар томонлама ривожланиш имкониятлари ҳам кенгайди. Ўйин болаларнинг хаёлини ҳам ривожлантиради, теваарак-атрофдаги борлиқ, кишилар меҳнати тўғрисидаги билимларини кенгайтиради, шахсда жамоачилик сифатларини шакллантиради.

Бу ёшдаги болаларда ўйин фаолияти билан бир қаторда фаолиятнинг амалий шакллари ҳам ривожлана бошлайди: расм ёпиштириш, нарсалар яшаш ва ҳ. к. Булар болаларда хаёлни, амалий тафаккурни, бадий қобилиятни, ижодкорликни ривожлантиришда манба бўлиб хизмат қилади.

Мунтазам равишда бериб бориладиган меҳнат топшириқлари болалар фаолиятини ижтимоий мафаатларга бўйсундиришга, ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланишига, меҳнатдан келган умумий натижадан қувониш каби сифатларни тарбиялашга олиб келади.

Машғулотлардаги ўқув фаолияти орқали болалар теваарак-атрофдаги табиат тўғрисидаги, ижтимоий ҳаёт, кишилар тўғрисидаги билимларни ўзлаштириб оладилар, шунингдек уларнинг ақлий ва амалий билимлари кенгайиб боради.

Агар таълим жараёнида 3—4 ёшли болалар диққати табиат, кишилар тўғрисидаги конкрет фактларга қаратилса, 5—6 ёшли болаларга таълим беришда асосий эътибор муҳим боғлиқликлар ва муносабатларга, уларни умумлаштиришга, улардаги оддий тушунчаларни шакллантиришга қаратилади ва булар орқали болаларда тушунчали тафаккур ривожлантирилади.

Болалар эгаллаган билимларидан, ақлий қобилиятларидан ўзларининг турли-туман фаолиятларида фойдаланадилар. Буларнинг ҳаммаси бола шахсининг шаклланишига таъсир этади, уларда янги мазмундаги фаолиятга қизиқиш уйғотади.

Мактабгача тарбия ёши даврида бола шахсини шакллантиришга қаратилган тарбиявий таъсирлар шундай даражага кўтариладики, бу унинг мактаб таълимига ўтишини таъминлайди.

Кичик мактаб ёшида болалар учун ўқиш асосий фаолият бўлиб қолади ва бу фаолиятни болалар ижтимоий аҳамиятли фаолият деб англай бошлайдилар. Бола ўзининг мактаб ўқувчиси эканлигини тушуна бошлайди. Катталарнинг бола хулқига, фаолиятига қўядиган ва тобора мураккаблашиб борадиган талабларини фаоллик билан ижодий бажара бошлайдилар.

Ўсмирлик даврида бола ҳаётида ўқув фаолияти билан бир қаторда меҳнат ва ижтимоий фаолият муҳимроқ ўринни эгаллай бошлайди. Бундай фаолиятни муваффақиятли бажариш натижасида болалар секин-аста катталар ва тенгдошлари

билан муомала қоидаларини эгаллаб борадилар, шунингдек уларда ахлоқий ва маънавий қадриятларга нисбатан онгли муносабатда бўлиш шакллана бошлайди, булар боланинг талабиди, хулқида, теварак-атрофга бўлган муносабатида акс эта бошлайди.

Ижтимоий-тарихий тараққиёт натижасида юзага келган фаолиятнинг ҳар хил турлари билимда, ишлаб чиқариш қуролларида, санъатда, ахлоқда ва бошқаларда акс этган кишилар меҳнатининг маҳсули катталар томонидан биргаликдаги фаолият, муносабатда бўлиш, таълим ва тарбия орқали ёш авлодга бериб борилади. Киши шахсининг ижтимоий табиати мана шундай йўллар билан шаклланиб боради.

Демак, болани тарбиялашда, унинг ривожланишида фаолият етакчи роль ўйнайди. Шунинг учун таълим-тарбия муассаларида ва оилада боланинг ҳаётини у турли-туман фаолиятлар билан шуғуллана оладиган қилиб ташкил этиш керак. Бунга, албатта, болалар фаолиятининг мазмунини бойитиб бориш, янги билим, малакаларни сингдириш, мустақилликни ривожлантириш ва шу кабилар билан эришилади.

5-§. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ДАВРИНИ ЁШ БОСҚИЧЛАРИГА БЎЛИШ ВА УЛАРНИНГ БОЛАНИНГ РУҲИЙ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ РОЛИ

Инсон ҳаётида мактабгача ёш, мактаб ёши даври ҳамда ижтимоий ступлика — катта ёш даври бўлади. Бу даврлардан ҳар бири ичида қисқароқ ёш босқичлари бўлиб, улар инсон камол топишининг муайян, ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Масалан, илк ёшдаги болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишининг вазифаси ва мазмуни, восита ва методлари бу ёшдаги болаларнинг нозиклиги, ёрдамга муҳтожлиги, мустақил ҳаётга мослашмаганлигининг эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Богча ёшига келганда болаларда мустақиллик, ҳаётга мослашувчанлик анча ўсган бўлади, шунинг учун бу ёшдаги болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини амалга ошириш усуллари ҳам ўзгаради. Богча ёшининг охирига келганда болаларнинг ривожланиш даражалари улар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини бирмунча мураккаб-лаштиришни тақозо этади.

Таълим-тарбия ишининг вазифаси, мазмуни ва методини белгилаш кишининг ёш босқичларига асосланади. Ёш даврлари кишининг ривожланишидаги зарур босқичлардир.

Шахсининг ҳар бир ёш босқичига хос бўлган сенсор, ақлий, ҳиссий, иродавий томонлари бўлади; улар ўртасидаги ўзаро таъсир ҳам ўзгаради, бундай ўзгариш умумий ривожланишга, хулқни бошқаришга таъсир кўрсатади. Аммо умр ўтиши билан кишининг руҳий тараққиёти ҳам ривожланиб бораверади дейиш нотўғри бўлур эди. Ҳар бир ёшда ҳам кишининг ривож-

ланишида, айниқса болаликда таълим ва тарбия системаси, шахсининг фаоллиги ҳал этувчи ролни ўйнайди.

Илк ёшдаги болалар ўзининг тез жароҳатланиши, ночорлиги, касалга тез чалиниши, ёрдамга муҳтожлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, бу ёшда ривожланиш энг тез суръатлар билан боради. Боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, уларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, ҳаётини тўғри ташкил этиш тўғрисида ғамхўрлик қилишни тақозо этади.

Бола илк ёш даврида эмаклаш, сирпаниш, тортилиш, юриш ва шу каби ҳаракатларни эгаллаб олади. Ҳар бир ҳаракат, малака, кўникмаларни ўз вақтида эгаллаб олиш боланинг ўзига хос хусусиятлари ва тарбия системасига боғлиқ. Масалан, яхши парвариш қилинган болалар шу ёшдаги ёмон парвариш қилинган болаларга нисбатан бирмунча эрта юра бошлайдилар.

Бу ёшдаги болаларда ақлий тарбиянинг асоси бўлган сенсор тарбия, сезги, идрок, тасаввурларни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

3 ёшгача бўлган болаларнинг нутқини ривожлантириш шу даврга хос бўлган белгилардан биридир.

Уч ёшга келганда болалар она тилининг ҳамма томонларини эгаллаб оладилар ва бундан ўз тенгдошлари ва катталар билан бўладиган мулоқотда восита сифатида фойдаланадилар.

Бу ёшда ўйин фаолияти, тасвирий ва конструкторлик фаолияти, буюмлар билан бўладиган ҳаракат фаолиятларининг асосий усуллари шакллана бошлайди. Бу ёшдаги болалар ўз ўзига хизмат қилиш бўйича оддий малака ва кўникмаларни эгаллаб оладилар, биргаликдаги ўйинларда бир-бирлари билан муомала шаклларига, қабул қилинган умумий қоидага риоя қиладиган бўлиб қоладилар.

Мана шу ёшдаёқ таълим-тарбия беришда бола шахсининг муҳим томонларидан бири бўлган иродавий сифатларни ҳам секин-аста тарбиялаб бориш, умумий қоида ва нормаларга итоат қилишга ўргатиш зарур.

Болаларни илк ёшидан бошлаб ҳар томонлама тўғри тарбиялаш учун уларнинг ёш ва ўзига хос хусусиятларини билиш зарур.

Илк ёшдаги болаларни тарбиялаш системаси ёш авлодни тарбиялашнинг ажралмас қисмидир. Физиолог, психолог, педагог олимлар илк ёшдаги болаларнинг ижтимоий тарбиясига катта ҳисса қўшадилар.

Боғча ёшига келганда бола организмнинг стилиши давом этади: 3—5 ёшгача бўлган болаларда олдинги ёшга қараганда ўсиш бир оз секинлашади, 5—8 ёшгача эса ўсиш яна тезлашади.

Боланинг ёши ўсиб, огирлиги ортиши билан бирга унинг организмдаги ҳамма тўқималарда анатомик ва функционал

ўзгаришлар жараёни давом этади. Боланинг тоғайлари суякка айлана боради, мускуллари кўпаяди. Аммо бола организмининг иш қобилияти анча паст бўлади, нерв тўқималари ҳам тез чарчайди. 6—7 ёшга бориб бола юриш, югуриш, сакраш, чирмашиб чиқиш, нарса иргитиш, конькида учиш каби малакаларни, ҳаракатларни эгаллаб олади.

Боғча ёшидаги болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишида жисмоний тарбия марказий ўринни эгаллайди. Боланинг имкониятини ҳисобга олган ҳолда оилада ва боғчада тарбиявий таъсирлар системаси белгиланади: кун тартиби, овқатланиш, гимнастик машқлар ва ҳаракатли ўйинлар, чиниқтириш тадбирлари.

Боғча ёшидаги болалар бош мия пўстлогининг функционал фаоллиги такомиллаша бошлайди. Бу ёшдаги болалар нерв системасининг ўта сезгирлиги болалар таассуротларини ниҳоятда ёрқин, идрокларини ўткир, ўзларини эса таъсирчан қилади. Шунинг учун бу ёшдаги болалар эгаллашлари лозим бўлган теварак-атроф тўғрисидаги билимларни тўғри танлаш керак.

Боғча ёши даврида болаларга маълум мақсад билан тўғри тарбия бериб борилса, уларнинг эшитиш, идрок этиш сезгилари, улардаги кўرғазмали, образли тафаккур, иродавий, ҳиссий ва сабаб жараёнлари ривожлана боради. Болаларнинг билимлари ортган сари улар кўриб, эшитганлари устида мустақил хулосалар чиқаришга ўрганадилар, уларнинг таҳлил ва синтез қилиш қобилиятлари, қизиқувчанлиги ва синчковлиги ортади. Агар боладаги табиий қизиқувчанлик ўз вақтида қўллаб-қувватланмаса, бола пассив бўлиб қолади.

Боғча ёшидаги болалар хаёлининг ўткирлиги, ёрқинлиги уларнинг ҳар хил фаолиятларида намоён бўлади: катталарнинг таълим-тарбия таъсири кўрсатиши натижасида боланинг фаолияти ихтиёрий бошқариладиган бўлиб боради, бу эса машғулотларда, меҳнатга боланинг диққатини керакли нарсаларга жалб қилиш имкониятини яратади.

Боланинг шахс сифатида шаклланаётганлиги унинг феъл-атворида намоён бўла бошлайди. Бунда онгликнинг ўсиши муҳим аҳамиятга эга. Бола энди ўз хоҳишини ижтимоий мақсадларга бўйсундира оладиган, ўзи ва ўртоқларининг хулқини баҳолайдиган бўлиб қолади.

Ўйиндаги вазиятда, машғулотлардаги таълим жараёнида болаларда феъл-атворнинг иродавий сифатлари намоён бўла бошлайди. Болада хулқнинг онгли шакли намоён бўлиши бурч ҳисси ва ижтимоий ҳисларнинг пайдо бўлиши билан ажралиб туради.

Боғча ёшидаги болалар ўзига қўйилган талабнинг моҳиятини тушуна бошлайди. Нотўғри хулқи, ёмон иши учун катталар танбеҳидан ташқари ўзи ҳам уялади, тўғри хулоса чиқаради. Болалар яхши ишларидан, ижтимоий фойдали ишларидан қаттиқ қувонадилар. Шундай қилиб, боғча ёши даврида

инсон шахсига хос бўлган муайян хусусиятлар шакллана бошлайди.

Боғча ёшида умумий ва шахсий қобилиятларнинг ривожланиши учун ёш имкониятлари мавжуддир. Бундай имкониятлар болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишлари мазмунини секин-аста мураккаблаштириб бориш, ўйин, сўз, кўرғазмали, амалий методларни тўғри алмаштириб боришни тақозо этади.

Қичик мактаб ёшида боланинг ҳаётида катта бурилиш юз беради. Чунки бола мактаб режими ва маромини ўзлаштириб олиши, мактабнинг жамоатчилик ҳаётига киришиши лозим бўлади. Бу даврда ақлий кучлар тез ривожланади, жисмоний, ахлоқий ва эстетик ўсиш давом этади.

Бошланғич мактабдаги таълим ва тарбия жараёнида билишга ҳавас ортади. Бу ёшда санъатнинг айрим турлари — расм чизиш, мусиқа, рақсларга; билимларнинг муайян соҳаларига — математика, тилларга мойиллик ва қобилият яққолроқ намоён бўлади.

Болалардаги бу қобилиятларни тарбиялаш ўқитувчидан ҳар бир болага алоҳида ёндашишни, уни ривожлантириш учун самаралироқ таъсир этадиган методлардан фойдаланишни тақозо этади.

Тарбиянинг вазифаси боладаги иқтидор ва қобилиятларни, қизиқишларни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг янада ривожланишига ёрдам беришдир.

Таълим-тарбия бериш жараёнида ҳар бир боланинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олгандагина тарбия мақсадларига эришиш мумкин.

III б о б. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАСИ ТАРБИЯЧИСИ

1-§. ТАРБИЯЧИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДА ТУТГАН УРНИ

Тарбиячи ёш авлодни халқимизнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашдек муҳим, фахрли ва шу билан бирга масъулиятли вазифани бажаради.

Тарбиячининг сиёсий стуклиги болаларни тарбиялаш сифати учун халқ ва жамият олдидаги ўз масъулиятини англашга, таълим-тарбия вазифаларини ҳал этишга ижодий ёндашишга, ўз маҳоратини доимо такомиллаштириб бориш ва ишдаги ўртоқларининг ўсишига кўмаклашишда ёрдам беради. Тарбиячи ўзи яшаб турган ўлка ҳаётини билиши, табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини тушуниши, ижтимоий фаол бўлиши, умумий ва мактабгача тарбия педагогикасини, болалар руҳияти ва физиологиясини эгаллаши керак. Унинг педагогик ҳодисаларни таҳлил қилишга илмий нуқтаи назар-

дан ёндашуви болани ҳар томонлама ривожлантиришни муваффақиятли амалга оширишга имкон беради.

Республикамиз раҳбарияти ўқитувчилар ва тарбиячилар фаолиятини юқори баҳоламоқда. Ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашда эришган ютуқлари учун, ўқитувчилик, тарбиячилик ишидаги ижодий меҳнатлари, илгор тажрибаларни умумлаштиришда эришган ютуқлари учун ўқитувчи ва тарбиячилар «Методист ўқитувчи», «Қатта ўқитувчи», «Методист-тарбиячи» ва бошқа шунга ўхшаш унвонлар билан тақдирланадилар. Уларга республика миқёсидаги унвонлар берилади.

Халқ таълими ходимлари орасидан республика, вилоят, район кенгашларига депутатлар сайланиши ҳам уларга бўлган ҳуқуқ ҳурмат-эҳтиромни билдиради.

Жамиятимиз ҳаётида амалга оширилаётган туб ислохотлар бугунги кунда боғчада, мактабда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида шаклланаётган ёш авлод ижобий хулқ-атвор нормалари ва қондаларини, илмий билим асосларини, касб, ҳунар, малака ва кўникмаларни ҳар томонлама пухта эгаллаб боришини талаб қилади.

Бунинг учун узлуксиз таълим системасининг муҳим бўғини бўлган умумтаълим мактаблари олдига ҳар бир ўғил ва қизни зарур даражадаги илмий билимлар билан қуроллантириш, жаҳон маданияти, миллий маданиятимизнинг дурдоналари билан таништириш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқтириш вазифаси қўйилди.

Давлат аҳамиятига молик бўлган бу муҳим вазифани амалга оширишда умумтаълим мактаблари билан бир қаторда халқ таълимининг бошланғич бўғини бўлган болалар боғчалари муҳим роль ўйнайди. Ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан тарбиячига боғлиқ.

Тарбия фангина бўлиб қолмай, балки санъат ҳамдир, уни эгаллаш узоқ вақт давом этади. Узи ўқийдиган, доимо билимини ошириб борадиган киши ўқитувчидир, деган қонда тарбиячига ҳам бевосита тааллуқлидир. Доимо ўзини тарбиялаш билан, тарбия илми ва санъатини эгаллаш билан шуғулланадиган тарбиячигина ҳақиқий тарбиячи бўла олади. Бу борада алломалардан бири «Болани тарбиялаш тарбиячининг ўз-ўзини такомиллаштиришидан бошқа нарса эмас», деган эди. Биз шунинг эсдан чиқармаслигимиз керакки, тарбия объекти бўлган бола узлуксиз ўсади, йилдан-йилга тарбия шароитлари ўзгаради, буларнинг ҳаммаси тарбия ишида мураккаб вазиятлар яратади, бу эса тарбиячидан ижодий ёндашишни талаб этади.

Тарбиячининг ўзига талабчанлиги, ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини назорат қилиб бора олиши давлатимиз мактабгача тарбия муссасалари олдига қўйган талабларни муваффақиятли амалга оширишнинг гаровидир. Бунга қўйидагилар киради:

— боланинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш;

— ақлий қобилиятларини ўстириш;

— жамиятимизнинг, миллий маданиятимизнинг гоёвий-ахлоқий принципларига мос келувчи этиқод ва қарашларни таркиб топтириш;

— она-ватанга муҳаббатни, ижтимоий фаолликни шакллантириш, масъулият, ўртоқлик, дўстлик ҳиссини, халоллик, меҳнатсеварликни тарбиялаш.

Албатта, юқорида келтирилган сифатларни таркиб топтириш ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш вазифасининг ҳамма томонларини қамраб ололмайди, аммо тарбиячи шуларга асосланиб болаларни келажакдаги мустақил ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш ишини маълум мақсад билан самаралироқ амалга ошириши мумкин.

Ўқитувчилар, мактабгача тарбия муассасалари, ходимларининг малакасини оширувчи илмий-методик марказлар кенгайтирилмоқда, уларнинг сиёсий тайёргарлигига талаб кучайтирилмоқда; ҳар 4—5 йилда қайта тайёрлашдан ўтишлари учун шарт-шароит яратилмоқда.

Ўқитувчи ва тарбиячиларнинг маънавий ўсишлари учун ғамхўрлик қилиш, уларнинг моддий аҳволларини яхшилашга эътибор берилмоқда. Жумладан, 1984 йилдан бери халқ маорифи ходимларининг ойлик маошлари оширилиб, турмуш шароитлари яхшиланиб келмоқда.

Алломалардан Ризоуддин ибн Фаҳриддин айтади:

— Ҳар бир одам ва ҳар бир элнинг саодатли бўлишига бош сабаб илмдир. Экинлар учун ёмғир, суғориш қандай керак бўлса, одам боласи учун ҳам илм шу даражада кераклидир.

Болаларини илмли, одобли қилиб ўстириш ота-онанинг бурчидир. Муаллимлар ҳам бу муқаддас вазифадан четда эмаслар. Агар муаллим эсангиз, шогирдларингизнинг ҳар бир ҳаракатини кўз олдингизда тутинг, уларни хушмуомалали бўлишга ўргатинг, жамиятнинг фойдали аъзолари қилишга эришинг. Болаларни ножўя сўз, ножўя хатти-ҳаракатдан тўхтаб қолишга ўргатиб, ўзи эса ўзини тўхтата олмайдиган, болаларни дўстлик, ўртоқликка ўргатиб, ўзи эса улар билан ўртоқ, дўст сифатида эмас, балки катта раҳбар сифатида муомалада бўладиган тарбиячи ёмон тарбиячидир.

Бу ўринда доно халқимизнинг камтарлик тўғрисидаги қуйидаги ҳикматини келтириш жоиздир.

*Улуғлик айлама зинҳор, ўзингни камтар тут,
Кимдаки бўлса бу хислат ажаб саодатдир.*

Қиши шахсининг дастлабки асослари вужудга келтирилмайдиган мактабгача тарбия ёшида катталарнинг болага таъсири айниқса катта бўлади. Бола ақлий ва ахлоқий жиҳатдан фақат катталарнинг тўғридан-тўғри таъсирида тарбияланади, камолга етади. Ҳеч қандай шакллар, ҳеч қандай интизом, ҳеч қандай устав ҳамда машғулотлар инсон шахсининг таъсирини

сунъий равишда алмаштириши мумкин эмас. Ёш қалб учун бу қуёшнинг самарали нуридир, буни ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайди. Бола шахсининг шаклланишида тарбиячининг етакчи роль ўйнаши унинг ҳар бир боланинг шахс сифатида шаклланишида жавобгар эканлигини тақозо этади.

Тарбиячи болаларга кундалик ҳаётда, ўйинларда, машгулотларда, биргаликдаги меҳнат фаолиятида ва улар билан бўладиган муомалада таъсир кўрсатади. У ҳар бир болани диққат билан ўрганиши, унинг шахсий хусусиятларини, қобилиятларини билиши, педагоглик назокатини намоён қилиши, болаларнинг хулқ-атворини, иш натижаларини ҳаққоний баҳолаши керак; уларга ўз вақтида ёрдам кўрсата олиши, оиладаги аҳволи билан қизиқиши зарур.

2-§. ТАРБИЯЧИ ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Тарбиячининг педагоглик маҳорати кўп қирралидир. Маҳорат касбий тайёргарликдан, назарий билим ва иш тажрибасини доимо ошириб боришдан, болаларга бўлган муҳаббатдан вужудга келади.

Тарбиячи мактабгача тарбия ёшидаги болаларга табиат, жамият ҳодисалари, катталарнинг меҳнати ҳақида бошланғич билим ва тушунчалар беради, уларга маданий ахлоқ, ўз тенгдошлари ва катталар билан маданиятли муносабатда бўлиш одатларини сингдиради, яхшилик, ҳақиқатгўйлик, адолат, жасурлик, камтаринлик, катталарга ҳурмат билан қараш, табиатга қизиқиш, кузатувчанлик, ўсимлик ва ҳайвонларга нисбатан ғамхўрлик билан қараш, меҳнатсеварлик, катталар меҳнати натижаларини асраб-авайлаш каби ахлоқий сифатларни тарбиялайди. Халқ санъати, мусиқа, ашула, адабиёт, тасвирий санъатни билиш, санъатга муҳаббат тарбиячини маданиятли қилади, болалар билан олиб борадиган ишида ёрдам беради. Педагог керакли билим, малака ва кўникмаларни маълум бир изчиллик билан эгаллаб борсагина болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш ишида яхши натижаларга эришади. Тарбиячи ўз касбининг моҳир устаси бўлиш учун махсус тайёргарлик кўриши керак. У қуйидаги шартларга амал қилиши лозим:

1. Педагог ёш авлодни тарбиялаш учун юқори маълумотли, керакли билимларни эгаллаб, керакли адабиётларни танлай оладиган, илмий адабиётлар билан ишлай оладиган, илгор тажрибали педагогларнинг таржибасини ўрганиб, ўз ишига татбиқ эта оладиган киши бўлиши керак.

2. Педагог болаларни кузата оладиган, уларнинг хулқи, хатти-ҳаракати сабабларини тўғри таҳлил қилиб, унга ижобий таъсир этувчи воситаларни топа оладиган бўлиши керак.

3. Ёш авлодни керакли билим, малака, кўникмалардан хабардор қилиш учун педагогнинг нутқи равон, аниқ, мантиқий ихчам бўлиши лозим. Таълим беришда техникавий восита-

лардан самарали фойдалана олиши керак. Болалар билим, малака, кўникмаларни яхши ўзлаштириб олишлари учун фаолаштирувчи саволлардан фойдаланиши лозим.

4. Тарбиячи ўзига юкланган вазифани бажариш учун болаларда ўша фаолиятига нисбатан қизиқиш уйғота олиши, уларнинг диққатини жалб қилиб, фаоллигини ўстириши, болаларнинг ҳуққини, хатти-ҳаракатини ҳаққоний баҳолай олиши керак.

5. Ҳар бир фаолият учун керакли материални олдиндан тайёрлаб қўйиши, янги билимни эгаллаган билимлари билан тўғри боғлай олиши ва болалар эгаллаши лозим бўлган билим, малака, кўникмалар уларнинг ёш имкониятларига мос бўлиши ва уларни секин-аста мураккаблаштириб бориши керак.

6. Кун тартибини тўғри ташкил эта билиши, болалар жамоасига ундаги ҳар бир аъзони эътиборга олган ҳолда раҳбарлик қила билиши, уларнинг фаолияти (ўқув, ўйин, меҳнати) мазмунли бўлиши учун керакли материаллар билан таъминлаши зарур.

7. Болаларнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини аниқлай билиши ва буни болалар билан амалга оширадиган таълим-тарбиявий ишларида эътиборга олиши лозим.

8. Кун давомида олиб борган таълим-тарбия ишини таҳлил қила билиши ва уни янада яхшилаш йўлларини топа олиши керак.

9. Тарбиячи ота-оналар билан мунтазам равишда суҳбатлар, учрашувлар ўтказиши, уларни болаларга таълим-тарбия бериш бўйича амалга оширадиган ишининг мазмунини, методлари билан таништириб бориши, оила тарбиясидаги ижобий намуналардан ўзининг таълим-тарбиявий ишида фойдаланиши лозим.

10. Педагог болаларга нисбатан хайрихоҳ муносабатда бўлиши, ҳар бир бола учун қулай руҳий шароит яратиши, хафа бўлса овунтира олиши, хурсандчилик ва хафачилигига шерик бўла олиши, айниқса кичик гуруҳ болаларига нисбатан мулоим, эътиборли, қатъий, сабр-тоқатли, юмшоқ, озгина ҳазилкаш, боланинг куч ва имкониятларига ишонч билан қарайдиган бўлиши керак.

Тарбиячи болага меҳр-оқибат билан муносабатда бўлса, болалар билан унинг ўртасида меҳрибонлик, ғамхўрлик муносабатлари юзага келади.

Болалар тарбиячининг шахсий сифатларини, билими, малакаси, болаларга муносабати, талабчанлигини қўйидагича белгилайдилар: кичик гуруҳ болалари тарбиячининг уларга бўлган меҳр-муҳаббатига қараб («У мени «қуёнчам» деб чақиради, ухлагга ётганимда ўпиб қўяди»), 4—5 ёшли болалар тарбиячининг болалар ҳаётини яхши ташкил эта олишига қараб («Лола опамиз бизга ҳикоялар ўқиб берадилар, биз билан бирга ўйнайдилар, шунинг учун мен уларни яхши кўра-

ман»), катта гуруҳ болалари тарбиячининг ҳамма болаларга ҳаққонийлик билан яхши муносабатда бўлиши, яхши ишлашига қараб баҳо берадилар («Ў кўп нарсани билади, машғулотларда ўргатади»).

Энг муҳими — тарбиячи болаларга ишонч билан қараши, уларнинг меҳнатсеварлиги, мустақиллиги, ташаббускорлигини тўғри тақдирлаши ва мустақил фаолият қилишлари учун имконият яратиши керак. Буни болалар юқори баҳолайдилар.

3- §. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ХОДИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ СИСТЕМАСИ

Мактабгача тарбия муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш учун бизда педагогика олий ўқув юртлари тармоқлари ташкил этилган. Ҳар йили педагогика билим юртини битирган минглаб ёш мутахассис кадрлар халқ таълими ходимлари сафини кенгайтириб борадилар. Педагогика ўқув юртларида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишлари бўлажак педагогларда жамият талабларига жавоб бера оладиган шахсий сифатларни шакллантиришга қаратилган. Педагогика ўқув юртларида бериладиган таълимнинг мазмуни ўқувчиларда назарий, амалий жиҳатдан, шунингдек ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашни ўз ичига олади.

I. Мактабгача тарбия ходимларини назарий билимлар билан қуроллантиришдан кўзланган мақсад мактабгача тарбия ёшидаги болаларни мактабда билим асосларини эгаллашга тайёрлаш учун уларни ҳар томонлама ривожлантиришдир.

II. Педагогик практика бўлажак педагогни ўз касбининг моҳир устаси қилиб тайёрлашда муҳим воситадир. Тарбиячилик санъатини эгаллаш ҳар қандай ўқув фанини ўзлаштиришдан ҳам мураккаброқдир. Бу — педагогик касбининг кўп қирраллиги билан белгиланади. Шўнинг учун бўлажак педагоглар практика вақтида шундай вазиятга тушадиларки, бу уларни тарбиячилик касбининг хилма-хил қирраларини эгаллаб олишга ундайди. Натижада практика вақтида педагогга хос бўлган сифатлар, яъни ҳар бир боланинг шахсига ҳурмат билан қараш, чидамлик, қатъийлик, талабчанлик, педагогик кузатувчанлик, ўқитувчилик одоби каби шахсий сифатлар шакллана бошлайди.

III. Ўқиш давридаги жамоатчилик ишлари фаол фуқарони, унинг ғоявий йўналишини ва педагогик малакаларни шакллантиришда ёрдам беради.

Бўлажак педагоглар ўзи ўқиётган ўқув юртларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, ўз-ўзини бошқаришда, ташвиқот-тарғибот ишларида ҳамда оталиқ ишларини олиб боришда фаол қатнашадилар. Еш педагогларнинг педагогик маҳоратини такомиллаштириш кейинчалик улар ишлаётган жамоада давом этади.

Педагогик маҳорат тарбиячининг таълим, тарбия ишларини

амалга оширишда юқори натижаларга эришиш учун ўзига хос воситалар системасини қўллашнинг тақозо этади. Бундай маҳоратга эришиш айрим педагогларгагина тааллуқли бўлиб қолмасдан, ҳар қандай педагог ҳам уни эгаллаб олишга интилиши керак.

Ёш педагогга у иш бошлаган жамоа аъзолари хайрихоҳ, талабчан муносабатда бўлишлари, уни ўз ҳамкасбларидан педагоглик маҳоратини фаоллик билан ўрганиб олишга, керакли адабиётларни ўқишга, педагогик тажрибани ўрганишга ундашлари керак. Иш жараёнида ёш педагог болалар билан олиб бориладиган ишнинг мазмунини яхши билмаслигини сезади ва ўз билим, малакасини тинмай ошириб бориш кераклигига зарурат сезади ва изчиллик билан касб маҳоратини эгаллаб боради.

Педагоглар жамоаси ёш педагогга яна қуйидаги сифатларни шакллантириши керак: педагогик маҳоратни эгаллашга сидқидилдан интилиш; ўз иш натижалари учун жавобгарлик ҳиссини сезиш; ўз ишига содиқлик; ижодий изланишга мустақил интилиш; манманлик, ўзибўларчилик кайфиятини йўқотиш; хайрихоҳлик, ўз ўртоқларига қўлидан келган ишни билан ёрдам бериш, шаҳар, район миқёсидаги методик ишларда фаол қатнашиш. Шундай қилиб, умумий мақсад билан бирлашган педагоглар жамоаси ёш мутахассисда педагогик маҳоратни шакллантиради.

Замонавий педагогнинг соҳали мутахассис ҳисобланади. У мактабгача тарбия муассасасининг методик ишларида фаол қатнашади, педагогик фаолиятини такомиллаштиради, илғор педагогик тажрибани ўрганади, омма ўртасида педагогик билимлар тарқатади. Шунинг учун замонавий тарбиячи олий ўқув юртида фанлар бўйича эгаллаган билимлари билан чегараланиб қолмай, ҳар доим ўз билимини бойитиб бориши керак, акс ҳолда унинг мутахассислик қобилияти — педагогик ижодкорлиги ўз қимматини йўқотади.

Болалар боғчалари тарбиячиларини тайёрлаш махсус ўқув юртларида амалга оширилади. Педагогика олий ўқув юртларининг мактабгача тарбия факультетида ёки педагогика ва психология факультетларида мактабгача тарбия муассасалари учун кадрлар тайёрланади. Бу факультетларда, шунингдек мактабгача тарбия педагогика билим юртларида махсус фанлардан дарс берувчи ўқитувчилар ҳам тайёрланади. Ўз мутахассислигини ишлаб чиқаришдан ажралмаган, ҳолда ошироқчи бўлган ўқувчилар билим юртлари ва педагогика олий билимгоҳларининг кечки ва сиртқи бўлимларида ўқийдилар. Махсус ўқув юртини битирган тарбиячилар шаҳар, вилоят, жумҳурият курсларида ҳар беш йилда малака ошириб бордилар. Бу курслар мактабгача таълим-тарбия ишини яхшилаш бўйича махсус ташкил этилган семинарларда тарбиячиларни педагогика назарияси ва амалиётидаги янгиликлар билан таништириб боради.

Бундан ташқари, мактабгача тарбия муассасалари ходимлари ўз мутахассисликлари бўйича янги методик адабиётларни, мактабгача тарбия муассасаларининг илғор тажрибаларини ўрганиб боришлари, халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган метод бирлашмаларда қатнашиб туришлари керак. Мактабгача тарбия соҳасида илмий ходимлар тайёрлаш педагогика олий ўқув юртларида амалга оширилади.

IV б о б. ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНГАН ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ҳозирги даврда ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари маънавий бойликни, ахлоқий покликни, жисмоний мукамалликни ўзида мужассамлаштирган ижтимоий фаол кишиларни тарбиялашни тақозо этади.

Халқ таълими соҳасида ягона системани яратмай туриб, жамиятимизнинг ижтимоий соҳасида сифат ўзгаришларига эришиб бўлмайди. Шунинг учун ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш, уни фаоллаштиришнинг етакчи йўлларини топиш, шу билан бирга таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан боғлаб олиб бориш зарурлиги тўғрисидаги таълимотни амалда рўёбга чиқариш, ёшларни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашни тубдан яхшилашни тақозо этмоқда.

Ҳозирги ёшларни ҳар томонлама ривожлантириш ва етук кишилар қилиб тарбиялаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Юқори ақлий маданият, малакали ижодий меҳнат қила олиш қобилияти.
2. Шахснинг ижтимоий етуқлиги.
3. Фаол ҳаётний йўл туттиш.
4. Маънавий фазилатга эга бўлиш.
5. Юқори эстетик маданият.
6. Мукамал жисмоний камолотга эришиш.

Баркамол инсонни тарбиялаш мақсади халқ маорифининг ҳамма бўғинлари учун ягонадир.

Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш вазифалари шахни тарбиялаш мақсадлари асосида уларнинг ёшига қараб белгиланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия мажмуидан иборатдир.

Бу соҳада Ўрта Осиё мутафаккирларининг таълим-тарбия тўғрисидаги илғор фикрлари биз учун жуда қимматлидир.

Абу Наср Фаробий (873—950) ўзининг «Бахтга эришиш тўғрисида» деган асарида илмга таълим орқали, яхши фазилатга эса тарбия орқали эришилади, дейди.

Абу Али ибн Сино (980—1037) боланинг келажаги ҳақида у тугилмасдан олдин ғамхўрлик қилиш керак, илк ёшлигидан бошлаб унга ростгўйлик, жавобгарлик, меҳрибонлик каби фазилатларни, яхшилик, инсонийлик ҳиссини сингдириш зарурлигини айтади.

Буюк шоир ва мутафаккир А. Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида меҳнатни, халқлар ўртасидаги дўстликни, инсонпарварлик ҳисларини куйлайди.

Ҳ. Ҳ. Ниёзий (1889—1929) ёш авлод тарбиясига катта эътибор бериб, ақлий ва жисмоний тарбиянинг бирлиги тўғрисидаги гоёни илгари суради. У инсонпарварлик, хушмуомалалик, эътиборлилик, киши шахсига ҳурмат-эҳтиромни ахлоқий тарбиянинг марказига қўяди. Халқларимизнинг кўп асрлик илғор тажрибаларини, илмий-маданий меросларини ўргатиш миллий маданиятимизнинг, педагогика фанининг, тарбия санъатининг ривожланишига, бойишига салмоқли ҳисса қўшади.

Ҳозирги даврда мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари жумҳуриятимизнинг ҳужжатларида ўз аксини топган. Мактабгача тарбия муассасалари оила билан узвий ҳамкорликда болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ишини амалга оширади:

- болалар соғлигини сақлайди ва мустаҳкамлайди, жисмоний ривожланишини таъминлайди;
- билимга қизиқиши ва қобилиятларини ривожлантиради;
- Ватанга, табиатга, она ўлкага муҳаббатни, катталарга ҳурматни, ўртоқлик ва жамоачилик, ҳайрихоҳлик, хулқ маданияти, мустақиллик, уюшқоқлик ва интизомни, меҳнатсеварликни тарбиялайди;
- эстетик тарбияни амалга оширади.

Кейинги йилларда жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия бўйича олиб борилган илмий педагогик тадқиқотлар мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялаш вазифаларини уларнинг руҳий физиологик имкониятларини эътиборга олган ҳолда белгилаш зарурлигини илгари сурди. Улар болалар боғчасининг таълим ва тарбия дастурида ўз аксини топган. Боғча ёшининг охирига келганда қўйидаги вазифалар амалга оширилиши керак:

Жисмоний тарбия: болалар соғлигини мустаҳкамлаш, машғулотларда ақлий ва жисмоний фаолликни ошириш, нерв системасини асраш, чарчаш ва майиб бўлишнинг олдини олиш, шахсий гигиена, маданий-гигиеник малакалар, ўз-ўзига хизмат қилиш, кун тартибини аниқ бажариш, асосий ҳаракат турларини бажариш, уларни онгли ўзлаштириб олиб, аниқ адо этиш.

Ахлоқий тарбия: болаларда мустақилликни тарбиялаш, маданий хулқ одатларини шакллантириш, тенгдошлари ва катталар билан муносабатда бўлиш, фаолият маданиятини шакллантириш, буюмларга нисбатан эҳтиёткорлик билан муноса-

батда бўлишни тарбиялаш, болаларнинг ёшига хос бўлган яхшилик, тўғрилиқ, ҳаққонийлик, жасурлик, камтарлик каби ахлоқий тасаввурларни шакллантириш.

Меҳнат тарбияси: меҳнатга ижобий муносабатни, меҳнат аҳлига ҳурматни, унинг фаолиятига қизиқишни тарбиялаш; меҳнат натижаларига, теварак-атрофдаги нарсаларга эҳтиёт-корлик муносабатини, меҳнат қилиш эҳтиёжини тарбиялаш, болаларни мунтазам равишда меҳнатга жалб қилиб бориш, уюшқоқлик ва интизомлиликни тарбиялаш, ўлкамиздаги ижтимоий воқеалар тўғрисида тасаввурларни шакллантириш.

Ақлий тарбия: болаларнинг ақлий қобилиятларини, билим ва амалий фаолиятларини ўстириш, теварак-атрофдаги буюмлар, воқеалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиатдаги мавсумий ўзгаришлар тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш ва кенгайтириш, кузатувчанлигини шакллантириш ва шу асосида воқеалар ўртасидаги сабаб-натижаларни аниқлаш, нутқини ўстириш, нутқ-товуш маданиятини такомиллаштириш, фаол лугатини бойитиш, аниқ ифодали гапиришга ўргатиш.

Эстетик тарбия: воқеликни бадний идрок қила олишни ривожлантириш, санъат асарларига барқарор қизиқишни тарбиялаш, воқеалар ва бадний образларнинг ҳаётий боғлиқлигини тушунишга, санъат асарларининг тур ва жанрларини ажратишга ўргатиш; бадний-ижодий қобилиятларини ўстириш, бадний фаолиятнинг турларига қизиқишни, унда фаол қатнашишни тарбиялаш, ижтимоий воқеаларга нисбатан ўзининг муносабатини билдириш малакасини шакллантириш. Бу ҳамма вазифалар уларни бажаришга ҳар томонлама ёндашишни тақозо этади.

Ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашга чуқур ёндашиш — кишида онглиқлик, маънавий бойлик, юксак идеал ва талабларни, меҳнат ва ижтимоий фаолликни, жисмоний камолотни ўстириш учун маълум мақсад билан мунтазам тарбиявий таъсир этиб боришдан иборатдир.

В 6 0 б. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ

1-§. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ

Жисмоний тарбия — мактабгача тарбия педагогикасининг муҳим бир бўлими бўлиб, бизда қарор топган жисмоний тарбия системасининг дастлабки бўғинидир. Унинг вазифаси — бола соғлиғини сақлаш, жисмоний сифатларини ўстириш, ёшларни меҳнатга ва Ватан ҳимоясига тайёрлашдир.

Жисмоний тарбия тўғрисидаги таълимот педагогиканинг таркибий қисмидир. Педагогика фанининг бу соҳасига тааллуқли баъзи бир ҳодисаларни таърифлашда «жисмоний мада-

ният», «жисмоний камолот», «жисмоний ривожланиш» сингари асосий тушунчалардан ҳам фойдаланилади.

«Жисмоний маданият» тушунчасига халқ маданиятининг бир қисми сифатида қаралади. Жисмоний маданият кишилик жамияти томонидан тўпланган моддий ва маънавий бойликлар йиғиндиси бўлиб, ундаи кишиларнинг жисмоний камолоти учун фойдаланилади.

«Жисмоний маданият» тушунчасига қуйидагилар киради:

1) меҳнат ва турмушдаги батартбилик, озодалик, кийимларнинг, бино ва хоналарнинг тозаллиги, шахсий гигиена ва гигиеник кун тартибига одатланиш (кун давомидаги фаолият ва дам олиш, уйқу, овқатланиш гигиенаси ва шунга ўхшашлар);

2) табиий шароитда организмни чиниқтириш (ҳаво, қуёш ва сув ёрдамида);

3) жисмоний машқлар.

Жисмоний ривожланиш тор маънода бўйнинг ўсиши, мускулларнинг ортиши ва шу каби антропометрик ва биометрик кўрсаткичлардир. Жисмоний ривожланиш киши-организмни ўраб турган муҳитга боғлиқлиги тўғрисидаги биологик қонуниятлар асосида амалга оширилади. Масалан, ҳаёт шароитини, жисмоний тарбия методини бирмунча ўзгартириш орқали организмнинг функционал имконият даражасини бирмунча кўтариш, жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини яхшилаш мумкин.

Жисмоний тарбия деганда организмнинг морфологик ва функционал ривожланишини жамият талаблари даражасида амалга ошириш, жисмоний сифатларни, қобилиятларни ривожлантириш, ҳаракат малака ва кўникмаларини шакллантириш, жисмоний маданият ва спорт соҳасига тааллуқли маҳсус билимларни ўзлаштириб олиш тушунилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбияси улар ҳаётини сақлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, ҳаракат малакаларини шакллантириш ва тўла маънодаги жисмоний тарбия бериш, маданий-гигиеник малакаларни шакллантириш, батартиб ҳаёт кечирish одатини сингдиришга қаратилган.

Болага таълим-тарбия беришда амалга ошириладиган ҳар қандай ишнинг муваффақиятли бажарилиши боланинг соғлиғига боғлиқ. Шунинг учун кўпчилик педагогик ишлар боланинг жисмоний имконияти ва соғлиғини эътиборга олган ҳолда амалга оширилади.

Боланинг жисмоний ривожланиши унинг ҳар томонлама уйғун ривожланган инсон бўлиб ўсишида муҳим аҳамиятга эга.

Соғлом, жисмонан бақувват боланинг иш қобилияти ҳам юқори бўлади, шароитга осон мослашади, ҳар хил топшириқларни осонлик билан тез бажаради.

Жисмоний машқлар бола организмнинг функционал им-

кониятларини ошириб боради, натижада бу миянинг пешона қисмига ижобий таъсир кўрсатади ва бола ақлий фаолиятни муваффақият билан бажаради. Қўл панжаларининг ҳаракатланиши нутқни ҳаракатга келтирувчи марказнинг ривожланишига ижобий таъсир этади. Бунинг натижасида боланинг нутқи ва тафаккури ривожланади.

Кун тартибидаги гигиеник ва чиниқтирувчи муолажаларни бажариш орқали боланинг билим доираси кенгайди, ақлий фаоллиги ортади, у жасурлик, ҳалоллик, батартиблилик, қатъийлик, мустақиллик ва шунга ўхшаш ижобий хулқ нормалари ва қоидаларини ҳам эгаллаб олади.

Жисмоний тарбия аксарият ҳолларда бутун гуруҳ билан бажарилади. Жисмоний тарбия машғулотларида, ҳаракатли ўйинларда болаларда жамоачилик, уюшқоқлик, интизомлилик каби хислатлар шаклланади.

Жисмоний тарбия эстетик тарбия билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Жисмоний машқларни бажараётиб болалар енгил, чиройли, ифодали ҳаракат қилишга ўрганадилар, бу сўзсиз болаларда эстетик ҳисни тарбиялайди.

Боланинг жисмонан бақувват, чидамли бўлиши унинг иш қобилиятини ўстиради.

Болаларга жисмоний тарбия беришнинг вазифа ва воситалари биринчи марта Н. К. Крупская томонидан белгилаб берилган. Н. К. Крупская шахснинг бир бутунлиги ва уни ривожлантиришда маълум мақсадга қаратилган тарбиявий таъсир кўрсатиш, тўғри овқатланиш, соғломлаштирувчи, чиниқтирувчи тадбирлар, жисмоний маданият, ҳаракатли ўйинлар, маданий-гигиеник малакаларни тарбиялаш, боланинг ўз вақтида дам олиши, яхши ухлаши каби воситалардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб берди.

2-§. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ ТАБИИЙ-ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ←

Жисмоний тарбия назариясининг табиий-илмий асоси илмий фанлар комплекси (анатомия, физиология, гигиена, биохимё, биомеханика ва бошқалар) дан таркиб топади.

Боланинг биологик ривожланиш жараёнини И. М. Сеченов, И. П. Павлов ва улар издошларининг организм ва муҳитнинг бирлиги, организмнинг бир бутунлиги, унинг фаолиятида марказий нерв системасининг бошқарувчи роли тўғрисидаги таълимотига асосланиб иш юритаётган табиий фанлар мажмуи ўрганади.

Организмда кечадиган ҳамма жараёнларнинг бирлиги тўғрисидаги қонда турлича ва хилма-хилдир.

Биринчидан, киши организми бир бутундир, ундаги айрим аъзолар ва системаларнинг иш фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқдир. Болани жисмоний чиниқтиришда ана шу қоидага асосланилади. Масалан, болалар организмни чиниқти-

риш шамоллашнинг олдини олиш учунгина қилинмайди, шу билан бир қаторда бола организмнинг теварак-атрофдан келадиган ҳар хил нохуш таъсирларга чидамлилигини ошириш учун, бола аъзоларининг мутаносиб ўсиши учун олиб борилади. Булар ҳар бир аъзонинг иш функциясини оширади, ҳаракат малакалари яхши шаклланади.

Иккинчидан, организм бир бутун бўлиб, ундаги руҳий ва жисмоний жараёнлар ўзаро боғлиқдир. Бу эса болалар боғчасида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Жисмоний тарбия воситалари болаларда нормал жисмоний ривожланишни, яхши, хушчақчақ кайфиятни, уларнинг иш қобилиятини таъминлашга қаратилган. Буларсиз болаларни ҳар томонлама ривожланган инсон бўлиб камол топишини таъминлаб бўлмайди.

Учинчидан, бола организмнинг теварак-атрофдаги муҳит билан ўзаро боғлиқлиги мураккаб динамик стереотиплар, шартли рефлексли боғланишлар орқали юзага келади. Жисмоний машқлар дидактикаси, болаларнинг маданий-гигиеник малакалари эгаллаб олишлари И. П. Павловнинг биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг шартли рефлексда асосланган ихтиёрий ўзаро таъсирлари ҳақидаги таълимотига асосланган ҳолда ишлаб чиқилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни жисмоний тарбиялашнинг умумий вазифалари ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалда конкретлаштирилиб борилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар организмнинг ўзига хос томони шундаки, у жуда тез ўсади ва ривожланади. Шу билан бирга организм функциялари ва системаларининг шаклланиши ҳали тугалланмаган бўлади, шунга кўра у тез жароҳатланади. Шунинг учун болаларга жисмоний тарбия беришда қуйидагилар биринчи даражали вазифалар ҳисобланади:

1. **Соғломлаштирувчи вазифалар.** Болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, организмнинг шакл ва функцияларини уйғун ривожлантириш, иш қобилиятини ошириш, ҳар хил ташқи таъсирларга чидамлилигини кучайтириш, узоқ умр кўришини таъминлаш.

2. **Таълимий вазифалар.** Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга хос бўлган ўта қабул қилувчанликни, шароитнинг ўзгаришига енгил мослашиш қобилияти бир қатор таълимий вазифаларни ҳам амалга ошириш имкониятини яратади, чунончи: керакли кўникма ва малакаларни шакллантириш, жисмоний сифатлар (чаққонлик, кучлилиқ, чидамлилиқ, тезкорлик, эгилувчанлик, мувозанат, кўз билан чамалаш)ни ўстириш, тўғри қадди-қомат, гигиена кўникмаларини тарбиялаш, жисмоний тарбия ҳақидаги билимларни ўзлаштириш.

Боладаги ҳаракат кўникмалари (эмаклаш, юриш, югуриш, велосипедда учуш ва ҳ.к.) нисбатан енгил шаклланади ва

улар боланинг муҳит билан алоқасини осонлаштиради. Бола чанада учаётиб қор, шамолнинг, сувда сузаётиб сувнинг хоссалари билан танишади. Жисмоний машқлар, гигиена малакалариши эгаллаш билан боглиқ бўлган дастлабки билимлар шакллантирилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга машғулотларнинг фойдаси, жисмоний машқларнинг аҳамияти ва техникаси, уларни ўтказиш методикаси ҳақидаги, ҳаракатли ўйинлар ва ҳоказолар ҳақидаги тушунча ва билимларни бериш муҳимдир.

Болалар гавда қисмларининг номини, ҳаракат йўналиши (юқорига, пастга, олдинга, орқага, ўнгга, чапга), тўла айланиш, физкультура асбобларининг номи ва қай мақсадда ишлатилиши, уларни асраш ва тутиш, кийим-кечак ва пойабзалгә қараш қондасини билишлари керак.

Жисмоний машқлар билан шуғулланиш жараёнида болада табиат ҳодисалари, ижтимоий ҳаёт, ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш зарур.

3. Тарбиявий вазифалар. Болаларда спорт машғулотларига муҳаббатни, уларнинг натижаларига, спортчиларнинг ютуқларига қизиқишни тарбиялаш лозим.

Жисмоний машқларни бажаришда характернинг ижобий хусусиятлари (уюшқоқлик, интизомлилик, камтарлик, кўнгилчанлик ва ҳоказо) ва ахлоқий фазилатлар (ҳалоллик, ҳаққонийлик, ўртоқлик ҳисси, ўзаро ёрдам), жамоада шуғулланиш малакаси, физкультура асбобларини эҳтиёт қилиш, топшириқни масъулият билан бажаришларини тарбиялаш, шунингдек, иродавий фазилатлар (ботирлик, қатъийлик, ўз кучига ишонч, қийинчиликларни енгишда саботлилик, чидамлик ва бошқалар)ни намойиш қилиш учун жуда қулай шароит яратилади.

3-§. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ СИСТЕМАСИ . .

Жисмоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш зарур. Жисмоний тарбия бўйича олиб бориладиган ҳамма ишлар болаларни меҳнатга, ўз ватанини ҳимоя қилишга тайёрлаш учун хизмат қилади.

Бизда амалга ошириладиган жисмоний тарбия халқчилдир. Унинг халқчиллиги шундаки, республикада истиқомат қилаётган барча кишилар миллати, irqидан, насл-насабидан қатъи назар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадир.

Жисмоний тарбия ақлий, меҳнат ва эстетик тарбия билан боглиқдир. Жисмоний тарбиянинг мақсадига боланинг жисмоний кучини ривожлантириш ва соғлиғини мустаҳкамлашга мунтазам машқлар, ўйинлар, сайрлар ҳамда организмни чиниқтириш йўли билан эришилади. Бунда меҳнат билан дам олишни алмаштириб туришга, режимга, уйқу, овқатланишга риоя қилиниши зарур.

Ажойиб педагог Қ. Д. Ушинский ўйинларга, гимнастикага, болаларнинг очиқ ҳавода бўлишига катта аҳамият берган эди. У болалар билан машғулот ўтказётганда диққатни тиклашга имкон берувчи машқларни бажариш учун кичик танаффуслар қилишни тавсия этганди.

Россияда жисмоний тарбиянинг оригинал назариясини яратган олим П. Ф. Лесгафтдир. У жисмоний тарбия (жисмоний машқларнинг гигиеник ва соғломлаштириш аҳамияти) билан ўзаро алоқадорликда ўрганиладиган болаларга мўлжалланган жисмоний машқларнинг яхлит системасини ишлаб чиқди. Олим жисмоний машқларни танлашда болаларнинг ёшига хос анатомик-физиологик ва психологик хусусиятлари, ҳаракатларни аста-секин мураккаблаштириб ва хилма-хиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатди. У ҳаракатли ўйинлар назарияси ва методикасини ишлаб чиқди. Ўйинлар интизом, ҳалоллик, сабот каби ахлоқий сифатларни ривожлантиради, болани ҳаётга тайёрлайди, ўйинда боланинг характери шаклланади, кўникма ва одатлар шаклланади, деб уқтирган эди.

П. Ф. Лесгафт назарияси болаларнинг жисмоний тарбияси ҳақидаги фанни янада ривожлантиришда мустақкам замин бўлиб хизмат қилди.

Унинг шогирди, врач-педиатр ва гигиенист, профессор В. В. Гориневский ўз врачлик-педагогик фаолиятида жисмоний тарбия, жисмоний машқлар гигиенаси, организмни чиниқтириш, даволаш физкультураси масалаларини илмий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқди. У жисмоний ва спорт машғулотларини амалга ошириш устидан врачлик ва педагогик назорати ўрнатиш ишининг асосчисидир. Унинг яратган асарлари ичида «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг жисмоний тарбияси» номли китоби айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Педагогика фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, педагогика фанлари доктори, профессор, шифокор-гигиенист Е. А. Аркин яратган мактабгача тарбия педагогикаси, анатомия, физиология ва гигиенага оид кўп сонли ишлари орасида унинг «Мактабгача тарбия ёши» номли йирик китоби ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Медицина фанлари доктори Л. И. Чулицкая, врач ва педагог Е. Г. Леви-Гориневская, А. И. Биковаларнинг жисмоний тарбия назариясини яратишдаги хизматлари каттадир. Уларнинг кўп сонли илмий асарлари ичида «Бола организмни чиниқтириш», «Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда асосий ҳаракатларни ривожлантириш» номли китоблари алоҳида аҳамиятга эгадир.

А. И. Бикоза мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳаракатининг ривожланиш муаммосини ишлаб чиқиш асосида болаларни ҳаракатларга ўргатиш жараёнини, бу жараённинг аҳамияти, мазмуни, ташкил этилиши ҳамда методларини аниқлаб ва асослаб берди.

Илмий тафаккурнинг ривожини ва жисмоний тарбия соҳаси-

даги олимлар ҳаракатини бирлаштиришда халқ таълими ми-
нистрлиги томонидан уюштириладиган конференциялар муҳим
аҳамиятга эга. Бу конференциялар олимларнинг муайян давр
ичида олиб борган тадқиқот ишларига яқун ясайди ва илмий
изланишлар истиқболи, мамлақатимиздаги ижтимоий мактабга-
ча тарбия муассасаларида амалга ошириладиган жисмоний
тарбиянинг актуал проблемаларини ишлаб чиқиш билан та-
ништиради.

Мактабгача тарбия муассасаларида амалга ошириладиган
жисмоний тарбия ишлари қуйидаги принципларга асосланади:
жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий тайёргарлик билан
алоқадорлиги принципи, шахсни ҳар томонлама ва уйғун ри-
вожлантириш принципи, жисмоний тарбиянинг соғломлаштириш
мақсадига йўналтирилганлиги принципи.

Жисмоний тарбия машғулотларини режалаштиришда сало-
матликни мустаҳкамлаш қонуниятлари ҳисобга олинган жис-
моний нагрузка албатта тартибга солинади. Бу иш тарбиячи,
шифокор ва мудиранинг мунтазам тиббий-педагогик назорати
остида амалга оширилади.

Болаларга жисмоний таълим ва тарбия бериш жараёнида
қуйидаги дидактик принциплар қўлланилади: мунтазамлик ва
изчиллик; онглилик, мустақиллик ва ижодий фаоллик; таълим-
нинг кўرғазмали, оғзаки ва амалий усулларини бирга қўшиб
олиб бориш; тушунарлик ва ўзига хослик; таълимнинг умум-
ий группавий ва алоҳида шаклларининг бирлиги, талабларни
тобора ошириб бориш. Улар педагогиканинг жуда муҳим
шартлари ҳисобланади ҳамда ўзида таълим ва тарбиянинг яқо-
на педагогик жараён методик қонуниятларини ифодалайди.

4-§. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ

Гигиеник шароитлар. Бизнинг жамиятда жисмоний тарбия
давлатнинг она ва бола тўғрисидаги гамхўрлигига, меҳнатқаш-
лар яшаш шароитларининг донмо яхшиланиб бориши, моддий
фаровонлигининг ўсишига асосланади.

Болаларнинг жисмоний тўғри ривожланиши учун гигиеник
шароит (бино, майдонча, жиҳозлар, кийим-бош, пойабзал)
яратиш, болалар ҳаётининг илмий асосланган режимини (бу-
лар оқилонга овқатланиш, ҳаракатларни ривожлантириш ва
организмни чиниқтириш тадбирларини ўз ичига олади) албат-
та бажариш зарур. Шу билан бирга, тиббиёт ходимларининг
донмий назорати, зарурий профилактик ва даволаш ишлари
олиб бориши талаб этилади.

Боғчада ҳар бир гуруҳ учун хоналар ажратилади. Гуруҳ
хоналари болаларнинг эркин ҳаракат қила олиши ва соф ҳаво
билан нафас олиш имконини берадиган даражада катта, ёруғ,
қуруқ ва иссиқ, деразалари жануби-шарққа қараган бўлиши
керак.

Гуруҳ хонасининг баландлиги 3—3,5 м бўлиб, ҳар бир бо-

лага бино сатҳидан 2,5 кв. м жой, тахминан 8 куб м ҳаво тўғри келиши; хона беазаги гигиенага хос тез тоза бўладиган, ёқимли, юмшоқ рангда бўлиши керак. Гуруҳда тартиб бўлишига риоя қилиш зарур. Хонада ёруғликни тўсадиган оғир ва қалин пардалар, гиламлар, юмшоқ мебеллар, умуман ортиқча нарсалар бўлмаслиги керак. Ҳамма жиҳозлар таълим-тарбия талабига, болаларнинг бўйи ва гавда тузилишига мос бўлиши ва халқ таълими вазирлиги томонидан қўйилган махсус нормага жавоб бериши лозим.

Болаларнинг стол, стуллари анча мустаҳкам ва енгил, тузилиши содда ҳамда осон ювиладиган бўлиши керак. Столлар ёруғлик чап томондан тушадиган қилиб жойлаштирилиши лозим. Уйинчоқ ва кўргазмали қуроллар ҳам гигиеник талабларга жавоб берадиган, пишиқ, зарарсиз рангда, ташқи кўриниши силлиқ бўлиши керак.

Тарбиячи ўз гуруҳининг гигиеник шароити учун жавобгардир. Хонани болалар сайрга, мусиқа машғулотига чиқиб кетгандан кейин шамоллатиш, дераза ва форточкалар эса йил фаслларидан қатъи назар доимо очиқ бўлиши керак.

Боғча майдончаси. Ҳар бир ёш гуруҳи учун буталар билан ажратилган алоҳида майдонча бўлиши керак. Майдончада болаларнинг ҳаракатларини ривожлантириш учун жой (текис майдонча), қум, сув, қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинлар учун жой, ижодий ўйинлар ва турли ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар учун жой ажратилади. Майдончада ҳаракатларни ривожлантирувчи жиҳозлар: тирмашиб чиқиш учун деворчалар (уч, тўрт ва олти бурчакли), мувозанат сақлаш машқлари учун хода, тепалик, сакраш, улоқтириш машқлари учун керакли жиҳозлар бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси болаларнинг ёши ва кучига мос, пишиқ, мустаҳкам, чиройли бўлиши зарур. Боғча майдончасида болаларнинг велосипед, «автомобиллар»да юришлари учун йўлақлар бўлиши керак.

Ёмғир ва қуёшдан сақланиш учун ёпиқ айвонлар бўлади. Майдонча ҳар доим озода, тартибли бўлиши зарур. Боғча майдончаси скамейкалар, ўйнаш учун зарур бўлган ўйинчоқлар, қум яшиқлари, ҳар хил кема, самолёт макетлари, нарвончалар билан жиҳозланган бўлади.

Қишки вақтларда қор тепача, яхлатилган йўлчалар, қор иншоотлари, яхмалак қуриш лозим.

Болаларнинг овқатланиши (нонушта, тушки овқат, кеч тушки овқат ва кечки овқат) осойишта вазиятда ўтиши керак. Бола стол атрофига яхши иштаҳа билан ўтирса, унинг организмида овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам берувчи шарт-шароит ҳосил бўлади. Яхши иштаҳа болаларда мустақилликни, маданий-гигиеник малакаларни, стол атрофида ўзини тўғри тутиб ўтириш малакаларини тарбиялашга ёрдам беради. Энг муҳими — болаларнинг ёшлигидан бошлаб уларда яхши иштаҳа бўлишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Баъзи болалар керагидан ортиқ, баъзилари керагидан кам овқат ейиш-

лари мумкин. Шунинг учун болага овқат нормасини уларнинг ёшига қараб бериш керак. Аммо болани таомни охиригача ейишга мажбур этиш керак эмас, мажбур этиш ҳар доим овқатдан оладиган лаззатланишни камайтиради, уни ҳазм қилишни қийинлаштиради, баъзан бола овқатдан бутунлай воз кечиши мумкин. Боланинг тўғри овқатланаётганининг асосий мезони унинг жисмоний жиҳатдан уйғун ривожланганлигидир.

Ҳозирги кунда болаларни овқатлантиришни табақалашга зарурат туғилмоқда, яъни семиришга мойиллиги бор ва эти бўйига мос келмайдиган болаларга (бўйи узунроқ, ўзи ориқ) нисбатан шундай қилиш зарур.

Болаларни илк ёшлигидан бошлаб овқатни мустақил ейишга ўргатиш уларда овқатни иштаҳа билан ейишга, овқатга ижобий муносабатни уйғотишга ёрдам беради. Иккинчи ёшнинг бошидан қошиқдан фойдаланишга ўргатиш, тўртинчи ёшдан санчқидан, бешинчи ёшда — пичоқдан фойдаланиш малакаларини тарбиялаб бориш зарур. Бундан ташқари, болаларда овқат ейишдан олдин қўлини ювиш, тартибли еб-ичиш, чапиллатмай, товушсиз чайнаш ва ичиш, салфеткадан фойдаланиш, тўғри ўтириш, овқат учун ташаккур билдириш, овқатдан кейин оғизни чайқаш каби маданий-гигиеник малакаларни ҳам тарбиялаб борилади.

Овқатланиш вақтида болаларга танбеҳ бериш, уларни қўйиш ярамайди. Бу болаларнинг асабини бузади, иштаҳасини бўғади. Бир болага берилган танбеҳ бошқа болаларнинг диққатини тортмаслиги лозим. Овқатни яхши ея олмайдиган болаларга тарбиячи ёки энага ёрдам беради.

Болаларда овқатланиш билан боглиқ бўлган маданий-гигиеник малакаларни тарбиялаш катталардан ижобий намуна кўрсатишни талаб этади. Маданий-гигиеник малакаларни қандай бажараётганликларини тарбиячи назорат қилиб бориши, катта ва тайёрлов ёшидаги болаларда эса унинг аҳамиятини, бажариш усулини онгли эгаллаб олишларига эришиши лозим.

Уйқу. Болаларни жисмоний томондан тарбиялашдаги муҳим вазифа нерв системасининг гигиенасидир. Бу вазифани ҳал этишда уйқу катта аҳамиятга эга. Уйқу мия катта ярим-шарларининг нормал ишлаши учун зарур бўлган куч-қувватни тиклайди.

Чуқур ва яхши, узоқ давом этадиган уйқу нерв системасининг, организм чарчасининг олдини олувчи асосий воситадир. Агар бола ёмон ухласа, уйқуга тўймаса нерв системаси фаолиятининг бузилганидан далолат беради. Невр системаси тез қўзғалувчи болалар аксарият ёмон ухлашади. Бундай болаларнинг уйқу тормозланиши чуқур нормал уйқунини таъминлай олмайди. Шунда бундай болалар кичкинагина, арзимаган шарпадан ҳам уйғониб кетаверади. Бола қанчалик ёмон ухласа, унинг ахлоқ нормаси, ўзаро муносабати, муомаласи шунча ёмонлашади, бундай ҳолни биз инжиқлик деб тушунамиз. Яхши уйқу боланинг соғломлигидан дарак беради.

Бола яхши ухлашининг асосий шартининг ёшига мос бўлган суткалик режимни ҳаётининг биринчи кундан бошлаб тўғри ташкил этишидир. Бола тез ва яхши ухлаши учун керакли шарт-шароит яратиш, уйғоқлик вақтида фаоллаштирувчи ҳар хил ҳаракатларни ташкил этиш керак.

Бола яхши ухлашининг асосий шартларидан бири — ҳаётининг биринчи ойдан бошлаб уни тоза ҳавода ухлатишдир. Кислородга тўйган қон бутун организмдаги нерв ҳужайраларининг тикланишига ёрдам беради. Тоза ҳаво боланинг нафас олишини яхшилайдди, шамоллашдан сақлайди. Жисмонан нимжон ва 1,5 ёшгача бўлган болаларни тоза ҳавода ухлатиш, сайр қилдириш ниҳоятда зарурдир. Иқлим совуқлигидан сайрга чиқа олмайдиган болалар учун тоза ҳавода ухлаш жуда фойдалидир.

Болалар яхши ухлашлари учун уларни кучли қўзғатадиган ақлий ва жисмоний иш қилдирмаслик керак. Болаларда уйқудан олдин салбий ҳисларни уйғотмаслик керак, бундай муомала натижасида боланинг мия яримшарларида юқори қўзғолиш ўчоғи ҳосил бўлади. Уйқудан олдин катталарнинг бола билан муомаласи ниҳоятда тинч, самимий, болаларни уйқуга тайёрловчи бўлиши керак. Болаларни уйқуга тайёрлаш уларда мустақилликни тарбиялаш билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. 1 ёшнинг охирига келиб, болалар ўз туфлисини, носисини мустақил ечишга ўргатилиши мумкин: 3 ёшга келиб мустақил ечинишга, кийимни чиройли тахлаб қўйишга, ўз каравоти олдига бориб, унга чиқиб олишга ўргатилади. Аввалига бу уйқуга тайёрлик бўлган бўлса, кейинчалик бориб бу ҳамма нарса болаларда уйқунини келтирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Агар мана шу жараёнлар бўлмаса боланинг ухлаши кийин бўлади.

Агар бола яхши ухласа, тетик, қувноқ бўлиб уйғонади ва ҳафсала билан кийина бошлайди. Болани бевақт уйғотиш унинг нерв системаси ва хулқига салбий таъсир этади. Болаларни бирданига уйғотиш жуда зарарли, чунки кўпчилик болалар уйқуга тўймайди. Болаларни ҳар доим бир вақтда уйғотилса, уларнинг миясида кўникиш пайдо бўлади. Бунинг натижасида секин «туринглар» деган товушдан ҳатто энг қаттиқ ухлаб ётган болалар ҳам уйғониб кетишади. Уйғотилмаса, уйғонган болалар кийингунча 30—45 дақиқа ичида ҳамма болалар уйқуси пишиб ўзлари секин-аста уйғонишади.

У **Болаларнинг кийими.** Кийим — киши организмда иссиқликни сақлаш, ҳар доим бир хилда температура бўлиши учун керак. Кийим одам терисини ҳар хил механик таъсирлардан (урилиш, ҳашорат ва ҳайвонлар чақиши, тишлашидан), оғриқ берувчи микроорганизмлардан, чанг-ифлосдан сақлайди.

Хўш, болалар кийими қандай гигиеник ва педагогик талабга жавоб бериши лозим?

Кийим болани ўраб турган ҳаво температурасига мос келиши керак. У енгил материалдан тайёрланиб, ҳавони, иссиқлик-

ни яхши ўтказадиган бўлиши, осон ювиладиган, яхши ҳўлла-
надиган, намни шимадиган, эластик ва баданни безовта қил-
майдиган бўлиши лозим.

Ёзги кийим ранги очиқ, асосан оқ газламадан, қишки ки-
йим — тўқ рангли материалдан тикилиши лозим. Болаларнинг
кийими уларнинг ёшига яраша, енгил, қулай, қисмайдиган, эс-
тетик дидига жавоб берадиган арзон материалдан тикилиши
керак.

Ўғил болалар кийими гули, бичиғи билан қиз болалар ки-
йимидан кескии фарқ қилади. Болаларнинг байрам кийим-
лари ҳам бўлиши керак. Фартукчаларнинг ранги куйлакка қа-
раб танланиши, гулли кўйлакка гулсиз, гулсиз кўйлакка гулли
бўлиши, чўнтағи (дастрўмол учун) бўлиши керак.

Булар ҳаммаси болаларнинг кийимига қўйиладиган гигиен-
ник талабдир. Болаларнинг ички кийими, кўйлағи, костюм,
пальтоси бўлиши керак (ҳаммаси бўлиб 4 қават). Болаларни
кийими оддий фасонли, ювиш, дазмоллаш осон бўлиши зарур.

Уларнинг ташқи кийимлари ҳам енгил, қулай, нормал
ҳаракат қилишлари учун халақит бермайдиган бўлиши ло-
зим.

Болаларнинг ётганда киядиган кийими узун, товонга туша-
диган, узун енгли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Болалар очиқ ҳавода ухлашлари учун уйқу қоплари бўлса
яна ҳам яхши.

Болаларнинг оёқ кийими ҳам қулай, пошнаси 1,—1,5 см бў-
лиши керак. Вақти-вақти билан болаларга қишда бинонинг
ичида, ёзда майдончада яланг оёқ юришга рухсат бериш ке-
рак. Нотекис жойда яланг оёқ юриш товон ясилигини йўқота-
ди, бола организмни чиниқтиради.

Сайр. Болаларнинг узоқ вақт очиқ ҳавода бўлишлари улар-
нинг соғлиғига ва жисмоний тараққиётига ҳар томонлама ижо-
бий таъсир кўрсатади. Боланинг очиқ ҳавода бўлиши натижа-
сида қон кислородга тўяди, температуранинг ўзгариб туриши,
ҳавонинг намлиғи, шамол таъсири терморегуляцион аппарат-
ни машқ қилдиради, организмни чиниқтиради. Боланинг фаол-
лиғи ошади, ҳаракатлари, жисмоний сифатлари такомилла-
шади.

Ўтказиладиган сайрнинг ташкилий жиҳатлари, мазмуни ва
методикасини тарбиячилар пухта ўйлашлари лозим. Сайрга
йнгилиш кўп вақтни олмаслиғи, бунинг учун болаларни бир
тартибда кийиниш ва ечинишга ўргатиш керак. Сайр режаси-
га атроф ҳаётни кузатиш, спорт машгулотлари, меҳнат фао-
лияти, ўйинлар киради. Болаларнинг турли фаолиятларини
ташқил этиш учун болалар майдончаси педагогик талабга жа-
воб берадиган қилиб жиҳозланган бўлиши керак. Ҳар бир гу-
руҳ майдончасида турли ўйинлар ўтказиш учун қурилиш мате-
риаллари, қум, сув, турли ўйинчоқлар, сирпаниш учун тепалик-
лар, муз майдончаси, тирмашиб чиқиш, мувозанат сақлаш,
сакраш учун мосламалар ўрнатилган бўлиши керак.

Велосипед учин, машинада юриш учун йўл бўлиши керак. Болалар 3—4 соат очик ҳавода вақт ўтказишлари лозим. Фақат қаттиқ ёмғирда, кучли шамолда, совуқ — 25° дан ошганда сайрга чиқиш керак эмас.

Ҳаракатли ўйинларни ўтказиш муддати машғулотнинг мазмунига боғлиқ. Ҳатто 15—20 дақиқалик сайрлар ҳам яхши ҳиссий, жисмоний мадад беради. Тарбиячи болаларнинг бир вазиятда туриб қолмасликларига эътибор бериб туриши лозим. Ҳаракатли ўйинларни тинчроқ ўйинлар билан алмаштириб туриш керак. Кичик гуруҳ болалари билан ҳафтасига бир марта, катта гуруҳ болалари билан ҳафтасига 2 марта экскурсия уюштирилади. Бунда болалар катталарнинг меҳнатини, кишиларнинг ҳаётини кузатадилар.

Чиниқтириш. Бола организмни чиниқтириш деганда, организмни мустаҳкамлаш, чидамлилиқ, зарарли таъсирларга қаршилиқ кўрсатиш, ҳаётий шароитларнинг ўзгаришига тез мослашиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар системаси тушунилади.

Ўзгарган шароитга организмнинг мослашиши жуда мураккаб жараёндр. Бунда нерв, қон айланиши, ички секреция безлари каби бир қанча системалар иштирок этади. Айниқса бош мия яримшарлари пўстининг таъсири каттадр. И. П. Павлов ва унинг шогирдлари организмнинг турли шароитларга мослашишининг физиологик асосларини кўрсатиб ўтганлар.

Чиниқтиришнинг асосий принциплари системалилик, доимийлик ва шахснинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишдр. Системалилик ҳосил бўлган шартли рефлексларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Чиниқтириш дозировкиси болаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда шифокор билан келишган ҳолда белгиланади. Бола кундалик ҳаётда чиниқтириб борилади ва дозировка ҳам секин-аста ошириб борилади. Артиниш ва чўмилишда сув температураси пасайтирилиб, офтоб ваннасининг вақти ошириб борилади.

Чиниқтиришнинг асосий воситалари табиат инъомлари — ҳаво, сув ва қуёш ваннасидр.

Ҳаво орқали чиниқтиришда совуқ ҳаво билан жисмоний машқлар мажмуи биргалликда таъсир эттирилади. Ҳаво ванна-сидан уйқу вақтида ёки ҳаво булут бўлган вақтларда фойдаланилади. Уйқу вақтида болалар салқин ерга қўйилган каравотга ётқизилади. Ҳаво ванна-сидан фойдаланишда, қуруқ, шамолдан холи бўлган текис майдон танланади. Тарбиячи бу майдончада енгил кийинган болалар билан 10—15 дақиқа ҳаракатли ўйинлар ёки машқлар бажаради. Ўзбекистоннинг иссиқ ёз кунларида ўртача ҳаракатли ўйинларни танлаш керак. Акс ҳолда болалар жуда қизиқ кетадилар. Ҳаво ванна-си аста-секин 10—15 дақиқадан 25 дақиқага олиб борилади. Кун совуқроқ бўлганда кўп ҳаракат талаб қиладиган ўйинлар ўтказила-

ди. Болалар чарчаб қолмасликлари учун бу ўйинлар осойишта ўйинлар билан алмаштириб турилади.

Ҳаво ваннасидан фақат ёздагина эмас, балки бошқа фаслларда ҳам дарчаси очиб қўйилган кенг хоналарда фойдаланиш мумкин.

Сув билан чиниқтириш барча ёш гуруҳлари кун тартибида йилнинг ҳамма фаслларида ўтказиш кўрсатилган. Бу тадбир соғлиги заиф болалар билан тиббиёт ходими назорати остида ўтказилади. Сув, ҳаво температурасининг ўзгариб бориши бола организмнинг терморегуляцион аппаратини машқ қилдиради, ташқи шароитга, об-ҳавонинг ўзгаришига одатланиш реакциясини шакллантиради. Бола организмнинг чиниқиши билан бир қаторда, унинг иродаси ҳам чиниқиб боради. У ёқимсиз, совуқ таъсирларни ҳам бемалол қабул қиладиган бўлиб қолади. Бунда энг муҳими — бола илк ёшлигидан бошлаб сувнинг хусусиятларини билиб бориши катта аҳамиятга эгадир.

Болаларни дарёда, кўлда, денгизда, очиқ сув ҳавзаларида чўмилтирганда сув, ҳаво, қуёш таъсирида организмнинг чиниқиш жараёни янада самаралироқ ўтади. Сув тадбирлари мунтазам равишда, изчиллик билан олиб борилса, тери ҳар доим тоза бўлади ва ҳар кун сув тадбирларини олиш эҳтиёжи кучаяди.

Сув тадбирларини болаларга ҳузур бағишлайдиган қилиб ўтказиш керак. Болаларда сув тадбирлари жараёнида салбий ҳис пайдо бўлса, бундай тадбир яхши самара бермайди ва уларда бундай тадбирга нисбатан салбий муносабат ҳосил қилади. Шунинг учун тарбиячи болаларда ижобий муносабат уйғотувчи метод ва усуллардан фойдаланиши лозим.

Аҳоли моддий фаровонлигининг ортиб бориши натижасида сузадиган сув ҳавзаси бор болалар боғчаларини қуриш йилдан йилга кўпайиб бормоқда, бунинг натижасида сувдан мактабгача тарбия ёшидаги болаларни чиниқтиришда кенг фойдаланилмоқда.

Сув муолажаси баданни ҳўл нарса билан артиш, сув қўйиш ва чўмилиш кўринишида ўтади. Аммо бу тадбирларда бола совқотмаслиги керак.

Артиниш ҳамма ёш гуруҳларида юмшоқ бўлмаган материаллардан тикилган ҳўл енгчалар билан ўтказилади. Ҳўл енгча билан организмнинг бир қисми ҳўлланади ва тезлик билан ўша ери қуруқ сочиқ билан артилади. Одатда артиниш қўлдан бошланади, сўнг бўйин, кўкрак, қорин, бел ва оёқлар артилади. Олдин сув 30° илиқликда олинади, кейинчалик секин-аста унинг даражаси 22° дан 20° даражагача пасайтирилади.

Сув қўйишда душ ёки лейкадан фойдаланиб, 40—50 см баландликдан оширмай қўйиш керак. Сув қўйишда олдин елка, сўнг кўкрак ва қорин, кейин гавданинг ўнг ва чап томони сувга тушириб турилади. Сувга бошни тутиш тавсия этилмайди. Ёз кунлари бироз ҳўллаш мумкин. Сув оқими остида 20—40 се-

кунд туриш мумкин, кейин бадан дарров қуруқ сочиқ билан артилиши керак.

Сув қуйиш ва артинишда сув температураси 30° дан ҳар уч кунда 1 даража пасайтирилиб, 20°—18° туширилади. Қиш кунлари 4—6 кунда пасайтирилиб, сув қуйишда охири +25° градусга туширилади. Оёқларга уй температурасидаги сув қуйилади.

Қуёш нурида чиниқтириш орқали организмда «Д» витамини пайдо бўлишига ёрдам берилади. Аммо ундан ортиқча фойдаланиш кишида бош оғриғи, уйқусизлик, иштаҳа бўғилиши, камқонлик, ланжлик бўлишига олиб келади. Сил, безгак касалликлари билан оғриган болаларга қуёш ваннаси мутлақо ман этилади.

Қуёш ваннаси дастлаб 4 дақиқадан қабул қилинади, тананинг ҳар бир томони 1 дақиқадан тобланади.

Қуёш ваннаси қабул қиладиган майдонча қуруқ, текис, ҳаво яхши айланадиган, кучли шамоллардан пана бўлиши лозим. Яқинроқда душ, болалар кийинадиган, ечинадиган жой бўлиши керак.

Бизнинг иқлим шароитимизда қуёш ваннасини эрталаб соат 9—11 оралиғида олган маъқул. Болалар фанердан ёки тахтадан ясалган сўриларга оёқларни қуёш томонга, бошларини эса соя томонга қаратиб ётқизилади. Қуёш ваннаси қабул қилингандан кейин уларнинг устидан сув қуйиш ёки чўмилтириш лозим. Бунда боланинг руҳи енгиллашади, терлари ювилади, қизиган тана ва совуқ сув ўртасидаги фарқ организмни чиниқтиради.

Кун тартиби ва уни ўтказиш методикаси. Кун тартиби жисмоний тарбиянинг муҳим шартидир. Кун тартиби хилма-хил фаолият ҳамда дам олишнинг вақт жиҳатидан мақсадга мувофиқ тақсимланиши, ҳаёт тартибидир.

Кун тартибини ташкил этувчи барча қисмларни (овқатланиш, уйқу, ўйин, машғулот, сайрларни) бир меъёрда такрорлаш натижасида болаларда фаолиятнинг бир турдан иккинчи турга ўтишни енгиллаштирувчи мустаҳкам кўникма ҳосил бўлади. Масалан, боланинг одатланган овқатланиш соати келганда, унда иштаҳа пайдо бўлади, шу туфайли овқатни иштаҳа билан ейди, бунда овқат яхши ҳазм бўлади; ухлаш вақти келганда нерв тормозланиши ҳосил бўлади, бола тез ухлаб қолади. Кун тартибини бажариш нерв системасига ва барча физиологик жараёнларнинг ўтиб боришига самарали таъсир кўрсатади.

Кун тартибига қўйиладиган асосий талаб болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олишдир. Кичик гуруҳларда уйқу, овқатланиш, ечиниш, ювиниш ва ҳоказоларга кўп вақт ажратилади. Катта бўлган сари болаларнинг мустақиллиги ортиб, ўйин ва бошқа фаолият турларига кўпроқ эътибор берилади.

Кун тартибини ташкил этиш фақат гигиеник омил, яъни болаларнинг соғлиғини сақлаш, ўзини яхши ҳис этиши, ҳамма санитария-гигиена талабларига риоя қилиш каби вазифалар

билан чекланмайди. Бунда тарбиявий таъсир етакчи роль ўйнайди.

Жисмоний тарбиянинг ҳамма воситалари санитария гигиеник талабларни бажариш билан қўшиб олиб борилиши керак, улар умумий гигиеник аҳамиятга эга бўлиб, болаларнинг соғлигини мустақамлашга таъсир этади. Шу билан бир қаторда бу воситаларнинг ҳар бири ўзининг алоҳида педагогик вазифаси, мазмуни ва методикасига эга.

Кун тартибини бажаришда болаларнинг саломатлигини, уларнинг руҳий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш зарур. Заифлашган, касалликни бошидан кечирган болаларнинг ухлаш, очиқ ҳавода бўлиш вақти кўпайтирилади; таълим-тарбия ишларининг мазмунига ҳам ўзгартиш киритилади.

Иложи борича кун тартиби ўзгармаслиги керак: вақтида овқатланиш, шуғулланиш, ўйнаш, ухлаш талаб қилинади. Бу болаларда барқарор динамик кўникмалар ҳосил қилади, уларни батартбиликка, интизомликка ўргатади.

Кун тартибининг бузилиши болаларнинг кайфиятига салбий таъсир этади: улар асабийлашадилар, ҳаяжонланадилар, инжиқлик қила бошлайдилар, улар ўртасида жанжаллар пайдо бўлиши мумкин.

Кун тартибини тузишда йил фасллари ҳам эътиборга олинади. Ёзда очиқ ҳавода бўлиш вақти оширилади. Бола эрталаб эртароқ уйготилиб, кечқурун ухлашга кечроқ ётқизилади.

Ота-оналарнинг иш вақтлари ҳам эътиборга олинади. Боғча иши бироз эртароқ бошланади. Шундай қилиб, тарбия вазифалари ҳамда мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ белгиланган кун тартиби талаблари соғлом, тетик, фаол ва интизомли болаларни тарбиялашга кўмаклашди, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда мактабга тайёрлаш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга имкон беради.

Маданий-гигиеник малакаларни тарбиялаш. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда маданий-гигиеник малакаларни тарбиялаш «Болалар боғчасида тарбия ва таълим дастури»га мувофиқ равишда амалга оширилади. Маданий-гигиеник малакаларни тарбиялаш болалар организмнинг жисмоний ривожланишида муҳим воситадир.

Маданий-гигиеник малакаларни тарбиялаш боланинг маданий хулқини яхшилайти ҳамда тартибга солади. У ёки бу малакага эга бўлиш болалардан катта диққатни талаб этади. Мақсадга мувофиқ ташкил этилган шароит, аниқ кундалик тартиб ва катталарнинг раҳбарлик қилиши маданий-гигиеник кўникмаларни муваффақиятли шакллантиришнинг асосий шартлари қаторига кирилади.

Мақсадга мувофиқ шароит деганда кундалик тартибдаги барча тадбирлар (ювиниш, овқатланиш, уйқу, машғулотлар ва ўйинлар)нинг ўтказилишини таъминловчи зарур жиҳозлари бўлган тоза, етарлича кенг бинонинг борлиги тушунилади.

Шаронтларнинг доимийлиги, ҳар бир буюмнинг вазифаси ва ўрни кичкинтой учун алоҳида аҳамиятга эга.

Маданий-гигиеник кўникмаларнинг таркиб топши катталар: ота-оналар, тарбиячилар раҳбарлигида амалга оширилади. Шунинг учун мактабгача тарбия муассасаси билан оиланинг болага қўядиган талабларида тўлиқ мувофиқлик бўлиши керак.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда конкрет, яққол образли тафаккур устун бўлади. Шу муносабат билан уларда гигиеник кўникмаларни муваффақиятли шакллантиришда кўрсатиш ва тушунтириш усулларида фойдаланиш зарур. Тарбиячи қошиқни қандай ушлаш, стол атрофида ўтирган ҳолатдан қандай қилиб туриб чиқиш, қўлларни қандай ювиш кераклигини кўрсатади. Кўрсатиш тушунтириш билан қўшиб олиб борилади.

Боланинг катталар доимо текшириб турадиган бир хилдаги ҳаракатларни бажаришни машқ қилиши талаб этиладиган кўникмаларнинг аста-секин ҳосил бўлишига олиб келади.

Кўникма ҳосил бўлишининг дастлабки босқичида назорат қилиб туриш айниқса муҳимдир. Кейинчалик тарбиячи ҳаракатларнинг пухта ва виждонан бажарилишини текширади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар тақлид қилишга мойил бўладилар, шунинг учун кўникмаларни шакллантиришда катталарнинг шахсий намунаси катта роль ўйнайди. Тарбиячи ва ота-онанинг ташқи кўриниши, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари болалар учун намуна бўлиб хизмат қилади. Уларнинг кўрсатмалари шахсий ҳатти-ҳаракатига зид бўлмаслиги лозим, чунки ҳеч бир нарса болаларнинг диққат-эътиборидан четда қолмайди.

«Агар болаларингиздан овқат вақтида китоб ўқимасликни талаб қилсангиз,— деб маслаҳат берган эди А. С. Макаренко,— ўзингиз ҳам овқат вақтида китоб ўқимаслигингиз керак. Болаларингизни овқат олдидан қўл ювишни талаб қилар экансиз, ўзингиз ҳам шуни бажаришни унутманг. Ўрин-кўрпаларингизни ўзингиз йиғиштиришга ҳаракат қилинг. Бу иш сира қийин эмас, номус қиладиган иш ҳам эмас. Мана шу аҳамиятсиз икки-чикирлар одамлар одатда ўйлагандагидан кўра кўпроқ аҳамиятлидир» (Макаренко А. С. Болалар тарбияси ҳақида лекциялар. Т., 1967, 41-бет).

Кўникмаларни тарбиялашда болаларни ўзидаги яхши намуналарига ҳам таяниш керак (масалан: «Дилноза сочиғини ўз ўрнига тўғри осиб қўйди»).

Бироқ тарбиячи ижобий намуналардан фойдаланар экан, назокатли бўлиши, бир боланинг иккинчисига қарама-қарши бўлиб қолишига йўл қўймаслиги керак.

Маданий-гигиеник кўникмаларни тарбиялашда педагогик жиҳатдан баҳолаш, яъни боланинг айрим ҳатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори тўғрисида педагогнинг ижобий ёки салбий

фикр юритиши катта роль ўйнайди: маъқуллаш, рағбатлантириш бирор ишни янада яхшироқ бажариш истагини сақлаб қолади.

Мақташ керакли кўникманинг ҳосил бўлишини тезлаштиради: «Мен Зухрага қандай ўтириш кераклигини тушунтирганим, эслатганим йўқ, унинг ўзи тўғри ўтирди. Баракалла, Зухра!»

Маданий-гигиеник малакаларни тарбиялашда ўйин усулларига — айниқса дидактик ўйинларга алоҳида эътибор берилади. («Қўғирчоқни ухлатгани ётқизамиз», «Қўғирчоқни сайрга чиқиш учун кийинтирамиз» ва ҳоказо).

Болаларнинг қандай ювиниш, стол атрофида қандай ўтириш, бир-бирига қандай ёрдам бериш кераклиги ҳақидаги тасаввурларини ойдинлаштирадиган тегишли расмлар, бадий ва санъат асарлари, фольклор асарлари кўникмаларнинг ҳосил бўлишига катта таъсир кўрсатади. Масалан, тарбиячи «Болалар ўйнамоқда», «Азиз меҳмонлар», «Яп-янги» каби мавзулардаги расмларга болаларнинг диққатини тартади.

Кўникмаларнинг ҳосил бўлишида болаларга алоҳида-алоҳида ёндашиш муҳимдир. Шунинг эса тутиш керакки, бу батареблиликни, қатъийликни, чидамлиликни, талабчанликни талаб этадиган мураккаб вазифадир. Болаларга бериладиган ҳамма кўрсатмалар уларда одатга айланиши керак бўлган ҳаракатларга ижобий муносабат уйғотадиган дўстона, бамайлихотир оҳангда бўлиши керак.

VI б о б. АҚЛИЙ ТАРБИЯ

1-§. АҚЛИЙ ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУНИ.

Ақл кенг маънода сезиш ва идрок этишдан бошлаб то тафаккур ва хаёлни ўз ичига оладиган билиш жараёнлари йиғиндисидир.

Ақлий фаолият диққатнинг ҳар доим маълум мақсадга қаратилган бўлишини талаб этади. Кишининг ақли унинг асосий фаолиятида эришган муваффақияти хусусияти билан белгиланади (масалан, катталарда меҳнат фаолияти, болаларда ўйин, ўқув фаолияти).

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ақлий тарбиялаш болаларнинг фаол фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга катталарнинг маълум мақсад билан таъсир этишидир. У болаларга теvarак-атрофдаги олам ҳақида билимлар беришни, уларни системалаштиришни, болаларда билишга қизиқиш уйғотишни, ақлий малака ва кўникмаларни таркиб топтиришни, билиш қобилиятларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Болаларни мактабга тайёрлашда ақлий тарбиянинг роли айниқса каттадир. Билимлар заҳирасини эгаллаш, ақлий фаол-

ликни ва мустақилликни ривожлантириш, ақлий малака ва кўникмаларни таркиб топтириш мактабда муваффақиятли ўқиш ва бўлгуси меҳнат фаолиятига тайёрланишнинг муҳим шартларидир.

Болаларнинг 6 ёшдан бошлаб мактабда ўқишга ўтиши муносабати билан уларни мактаб таълимига тайёрлаш учун ақлий ривожланиши старли даражада бўлишини таъминлаш тарбиячиларнинг жавобгарлигини янада оширади. Ақлий камолот — бу ёшнинг ўсиб, тажрибанинг бойиб бориши муносабати билан тарбиявий ишлар таъсирида боланинг ақлий фаолиятида рўй берадиган миқдор ва сифат ўзгаришларининг мажмуасидир. Мактабгача тарбия ёшида билим тез суръатлар билан бойиб боради, путқ шаклланади, билиш жараёнлари такомиллашади, бола энг оддий ақлий фаолият усулларини эгаллаб олади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланишини таъминлаш уларнинг келажакдаги бутун фаолияти учун катта аҳамиятга эга бўлади.

Бола ижтимоий муҳит таъсирида ақлий томондан ривожланиб боради. Теварак-атрофдаги кишилар билан муомала қилиш жараёнида у тилни ва у билан бирга таркиб топган тушунчалар системасини ўзлаштиради. Натижада мактабгача тарбия ёшидаёқ бола тилни шунчалик эгаллаб оладик, ундан муомала воситаси сифатида эркин фойдалана оладиган бўлиб қолади.

Ақлий ривожланиш фикрнинг кенглигида воқеаларни ҳар хил боғланишларда, муносабатларда кўра билиш, умумийлаштириш қобилиятида намоён бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланиши фаолият жараёнида, дастлаб муомалада бўлиш, нарсалар билан бажариладиган фаолият натижасида, кейин эса ўқув, меҳнат, самарали фаолиятлар (расм чизиш, лой ва пластилиндан буюмлар ясаш, аппликация, қуриш-ясаш) жараёнида амалга ошириб борилади. Боланинг ақлий ривожланишига таълим ва тарбия самаралироқ таъсир этади. Ҳозирги замон педагогика фани билимлар системасини ўзлаштириб олиш, уларни жамғариш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ҳамда янги билимлар ҳосил қилиш учун зарур бўлган билиш фаолияти усулларини эгаллаб олишни ақлий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари деб ҳисоблайди.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ақлий тарбия беришни тўғри ташкил этиш учун уларнинг ақлий ривожланиш қонуниятлари ва имкониятларини билиш керак. Ақлий тарбиянинг вазифаси унинг мазмуни, методи ва ташкил этилишига қараб белгиланади. Педагогика ва психология фани ақлий тарбия бериш вазифаларини самарали ҳал этиш (бир томондан, боланинг имкониятларидан унумли фойдаланиш, иккинчи томондан, бола организмнинг умумий зарчашига сабаб бўлиши мумкин бўлган ортиқча нагрузка бўлмаслиги) йўлларини топиш учун мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ақлий

ривожланиши қонуниятлари ва имкониятларини ўрганиш билан шуғулланади.

Олимлар ақлий ривожланиш ва ақлий тарбияга оид кўпгина масалаларни тадқиқ қилмоқдаларки, бу мактабгача тарбия ёшидаги болалар ақлий тарбиясининг асоси бўлган сенсор тарбиянинг мазмуни ва методини ишлаб чиқиш учун зарурдир; болаларнинг кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образли ва тушунчали-мантӣқий тафаккурини шакллантириш тадқиқ этилмоқда, уларнинг билиш қобилиятларини шакллантиришнинг ўзига хос томонлари аниқланмоқда.

Кейинги йилларда олиб борилган психологик-педагогик тадқиқотларнинг натижалари мактабгача тарбия ёши даврида болаларнинг ақлий ривожланишида жуда катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатди. Буларнинг ҳаммаси мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бериладиган билим, малака ва кўникмалар мазмунини янада чуқурлаштириш, ҳажминини кенгайтириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Мактабгача тарбия ёшининг охирига келиб болалар тева-рак-атроф тўғрисида каттагина ҳажмдаги энг оддий билим ва тушунчаларга эга бўлиб қоладилар, асосий фикрлаш жараёнларини эгаллаб оладилар, нарса ва буюмлардаги, воқеалардаги муҳим ва муҳим бўлмаган томонларни ажрата оладиган, баъзи бир сабаб-натижални боғланишларни билиб оладиган бўлиб қоладилар, уларда ўқув фаолиятининг дастлабки куртаклари шаклланади. Фақат яхши ташкил этилган фаолият жараёнидагина тўлақонли ақлий ривожланиш рўй беради, шу сабабли педагогларнинг вазифаси — болага муайян мақсадни кўзлаб тарбиявий таъсир кўрсатиш учун керакли шароит яратишдир.

2-§. АҚЛИИ ТАРБИЯНИНГ РУҲИЙ ВА ФИЗИОЛОГИК АСОСЛАРИ ±

Бола ҳар донм буюмлар ва ҳодисалар орасида бўлади, донмо бирор бир нарса билан танишади, ниманидир билиб олади, ушлаб кўради, ҳидлайди, тотиб кўради, нимагадир қулоқ солади. Шу тариқа бола дунёни билиб боради. Теварак-атрофдаги буюмлар, табиат боланинг сезги органлари (кўз, қулоқ ва ҳоказолар) анализаторларига таъсир этади ва сезги ҳосил қилади. Сезги болаларга буюмларнинг айрим хоссаларини: совуқ-иссиқ, гадир-будур, силлиқ-ялтироқ, хушбўй ва ҳоказоларни билиб олишда ёрдам беради.

Сезги атрофидаги муҳитни билишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Бола сезги туфайлигина теварак-атрофдаги нарсалар тўғрисида билиш тажрибасини тўплаб бориши мумкин.

Идрок анча мураккаб руҳий жараён бўлиб, сезгилар асосида ҳосил бўлади. Бола олмани қўлида ушлаб кўриб, қараб чиқиб ва еб кўриб, уни яхлит бир буюм, айни бир вақтда думалоқ, қизарган, хушбўй, мазали ва ҳоказо тарзда идрок қи-

лади. Бола олмани яхлит бир буюм тарзида тасаввур қилиши учун бирданига бир нечта анализатор — кўриш, сезиш ва ҳид билиш анализаторларидан фойдаланади.

Анализаторларнинг бир вақтнинг ўзида бирданига ишлаши буюмнинг хоссаси ва белгиларини аниқроқ ҳамда тўлароқ билиш имконини беради.

Шунинг учун катта ёшдаги кишилар болани илк ёшлик чоғидан бошлабоқ ақлий жиҳатдан тўғри тарбиялаш мақсадида буюмларни кўпроқ анализаторлар ёрдамида идрок қилишга имкон туғдиришлари, анализаторларнинг ривожланишига, яъни боланинг сенсор маданиятига алоҳида эътибор беришлари керак.

Тушунчалар, илмий ғоялар, теварак-атроф ҳаёт ва унинг ҳамма бойлиги, унинг ҳар хил кўринишидаги билимлар, фактлар ёш авлод ўзлаштириб олиши лозим бўлган билимлар жумласига киради. Болаларнинг билим, малака ва кўникмаларидан ўзларининг ҳар хил фаолиятида, меҳнатида яхши фойдаланиш — билишнинг ҳақиқий йўлидир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда билишнинг умумий қонуниятлари унинг билиш фаолиятида борлиқни билиб олишида намоён бўлади.

Ҳозирги замон психологиясининг эришган натижалари шунини кўрсатдики, боланинг тафаккурини кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образли ва сўзли-мантиқий йўли билан шакллантириш керак. Бу деган сўз, болаларни аввало кўра оладиган, сеза оладиган буюмлар билан таништириб, кейинчалик тасаввур шаклларига ўтиш мумкин экан. Метод ва усул танлашда ҳам юқоридагиларга риоя қилиш зарур. Шунинг учун ҳам илк ва боғча ёшида сенсор тарбия ақлий тарбиянинг муҳим бўлими ҳисобланади.

Болада нутқ пайдо бўлишидан анча олдин (бола бир ёшга тўла бошлаганда биринчи бор гапира бошлайди) у теварак-атрофдаги одамлар ва буюмлар дунёсини катта ёшдаги кишилар ёрдамида билиб олади.

Она боласига ўйинчоқни узатар экан: «Мушукчани ол», — дейди. Бола қўлини чўзиб уни олади. Боланинг кўриб идрок қилиши (у ўйинчоқни кўриб турибди) эшитиш билан қўшилади (бола онасининг ўйинчоқни нима деб айтганлигини эшитади), ҳиссий идрок билан сўз ўртасида ўзаро таъсир содир бўлади. Агар она «мушукчани бер», «мушукчани олиб кел» деб бир неча марта такрорласа, бола муайян ўйинчоқнинг номини яхши эслаб қолади. Пировардида «мушукча» деган сўз бола хаёлида маълум бир буюмни ҳосил қилади.

Болаларнинг тушуниши ва уларда нутқнинг пайдо бўлиши уларнинг ақлий жиҳатдан ўсишининг анча юксак босқичидир.

Бола буюмни ўзи кўриб, ушлаб тургандагина эмас, балки буюм тўғрисида катта ёшдаги кишилар гапириб берганда ҳам билиб олади. Бу билиш жараёнини анча тез, чуқур ва қизиқарли жараёнга айлантиради.

Она тилидаги сўзларни эгаллаш ва сўз маъноларини аста-секин тушуниб бориш мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ақлий жиҳатдан ривожланишида катта роль ўйнайди.

Улуғ рус физиологи И. М. Сеченов бундай деб ёзган эди: «Бола гапиришни ўрганиб олгандан кейин унда теварак-атрофдаги нарсаларга қизиқиш ва уларни билишга интилиш ошиб боради, бу ҳол боланинг онасига: нега стол юрмайди-ю, қуёш эса оёқсиз юради, кечқурун у қаерга яширинади, нима учун шамол ғувуллайди?— каби саволлар беришга сабаб бўлади».

Бола 3 ёшга тўлганда ундаги сўз запаси 1200—1500 тага етади. Бола катта ёшдаги кишилар унга нима ҳақида гапирётганларини яхши тушунади. Бу катта ёшдаги кишининг нутқидан ҳар томонлама тарбиялашнинг кучли воситаси тарзида фойдаланиш имкониятини беради. Бола атрофдагиларнинг нутқини қанчалик яхши тушунса, тарбиячининг сўзи болалар билан олиб бориладиган ишларда шунчалик кўп ўрин эгаллайди.

Иккала сигнал системаси, яъни ҳиссий идрок билан сўзнинг ўзаро алоқада бўлиши ақлий ривожланишнинг асосини ташкил этади.

Катталар нутқини тушуниш болалар билим доирасининг кенгайишига имкон беради, энг оддий алоқа ва муносабатларни тушунишларига ҳамда 6—7 ёшларга келиб баъзи бир мавҳум тушунчаларни (баландлик, дўстлик ва ҳоказоларни) эгаллаб олишларига ёрдам беради.

Дастлаб болада фақат ихтиёрсиз диққат ривожланади (у диққат-эътиборини қизиқарли нарсаларга қаратади). Кейинчалик мунтазам равишда ташкил этиб, амалга оширилган таълим-тарбия ишлари натижасида ихтиёрий диққат таркиб топиб боради.

Бола катталарнинг топшириғини, уйда ва болалар боғчасида ўз-ўзига хизмат кўрсатишга доир баъзи бир ишларни тартиб билан бажариб бориши натижасида энди у ўзини унчалик қизиқтирмайдиган, лекин топшириқни ёки болалар жамоасининг талабларини бажариш учун зарур бўлган ишларни ҳам бажаришга одатланиб боради.

Дастлабки вақтларда боланинг диққати беқарор бўлади. Шунинг учун катта ёшдаги кишилар болаларнинг фаолиятини йўлга қўйиши ва топшириқларни аниқ белгилаб бериши керак. Шундай қилинганда ихтиёрий диққатни ривожлантириб боришга шароит яратилади.

6—7 ёшларга келиб, болаларда ўз диққатини мустақил сурада тўплаш малакалари ҳосил бўлади, лекин улар диққатни узоқ вақт бир жойга қарата олмайдилар. Шунинг учун болаларнинг машғулот, ўйин, дам олиш, овқатланиш ва ухлаш вақтларини тўғри тақсимлаш зарур.

Болаларнинг ақлий жиҳатдан ўсишида хотира катта аҳамиятга эга. Хотира инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бола

тугилганида ҳеч нарсани билмайди ва ҳеч нарса қилолмайди. У ривожланишнинг бирмунча юқорироқ даражасига кўтарилиб, бирон бир фойдали иш қилиш учун кўпгина билим ва ма-лакаларни эслаб қолиши ва хотирасида сақлаши лозим.

Хотиранинг ривожланиши боланинг ҳаёт шароитларига, унинг таълим ва тарбиясига боғлиқ. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг хотираси кўпинча беихтиёр тарзда бўлади, бунда бола буюмларни амалий машғулотлар ёки ўйин ўйнаш жараёнида ўз-ўзидан эсда сақлаб қолади.

Мактабгача тарбия ёшида беихтиёр эсда олиб қолиш билан бирга ихтиёрий эслаб қолиш куртаклари ҳам пайдо бўла бошлайди. Бу ўзгаришлар, болалар фаолиятининг мураккаблашуви катталар талабининг ортиши натижасида рўй беради. Масалан, катталар боладан бирор топшириқни ҳозир эмас, балки бир қанча вақтдан кейин бажаришни талаб қиладилар (бунинг учун тоншириқни ихтиёрий равишда эслаб қолиш керак) ёки бир неча кун олдин (масалан, сайр вақтида, дам олиш кuni уйда) нима бўлганлигини айтиб беришни таклиф қиладилар, бунинг учун эса ўша нарсаларни ёдга тушириш лозим.

Бола жамоа тарзидаги ўйинлар ва машғулотларда қатнашар экан, у теварак-атрофдаги кишилар талаб қилган, тарбиячи кўрсатган нарсаларни эслаб қолишни ўрганади. Руҳий фаолиятнинг махсус шакли— хаёл мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Хаёл боланинг ҳаёти жараёнида, унинг фаолиятида, таълим ва тарбия таъсирида таркиб топади.

Боланинг ҳаёли у сюжетли ўйинлар ўйнай бошлаганида, уларга катталар қизиқарли эртақлар айтиб берганида, ўша эртақларга қизиқиш орқали хаёлнинг дастлабки аломатлари кўринади. Аммо боладаги хаёллар кўироқ конкрет вазиятга боғлиқ бўлади (масалан, қўғирчоқ кўриниб қолса, уни ухлатади, машина бўлса, бирор нарсани ташийди ва ҳоказо).

Катта боғча ёшига келганда боланинг тажрибаси ортиб, фаолияти мураккаблашади ва бунинг натижасида бола ҳаёлида сезиларли ўзгариш юз бераётганини кузатиш мумкин. Бола кўрганлари, эшитганлари, ишлаган расмлари, буюмлари тўғрисида мароқ билан анчагина яхши ҳикоя қилиб бериши мумкин. Болаларнинг бундай ҳикоялари фақат реал борлиқни акс эттириб қолмай, балки энди уларни ижодий бойитиб, ҳатто ўзгартириб ҳам ҳикоя қилиб беришлари мумкин.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг хаёлини ривожлантириш уларни мактабга тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

3-§. АҚЛИЙ ТАРБИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Болаларни мактабга тайёрлашда ақлий тарбиялашнинг роли каттадир. Болаларнинг билимларни эгаллаб олишлари, уларнинг ақлий фаоллигини ривожлантириш, мустақиллик, ақлий малака ва кўникмаларни эгаллаб олишлари уларнинг

мактабда муваффақиятли ўқиши ва бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрланишида манба бўлиб хизмат қилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ақлий тарбиялашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Болаларда табиат ва жамият тўғрисидаги билимлар системасини, илмий дунёқарашни шакллантириш.

2. Билишга доир руҳий жараёнларни ривожлантириш: сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, нутқ.

3. Билишга қизиқиш ва ақлий қобилиятларни, ақлий меҳнат маданиятини ривожлантириш.

4. Ақлий малака ва кўникмаларни ривожлантириш.

Мактабгача тарбия ёши даврида бола ҳар куни ўзи учун нотаниш бўлган нарса ва ҳодисаларга дуч келади. Л. Н. Толстой мактабгача тарбия ёши ҳақида шундай деб ёзади: «Мен ҳозирда ўзимда бор бўлган ҳамма нарсани ўша ёшлик чоғимда эгаллаб олганманки, эгаллаганда ҳам шунчалик кўп, шунчалик тез эгаллаганманки, бутун қолган ҳаётимда бу эгаллаган нарсамнинг юздан бирини ҳам эгаллаганим йўқ. Беш ёшли боладан менгача атиги бир қадам. Янги тугилган чақалоқдан беш ёшли болагача эса масофа жуда узоқ».

Бироқ тегишли раҳбарлик бўлмаса, билим ва тасаввурлар тартибсиз бир тарзда тўпланиб боради: улар юзаки, кўпчилик ҳолда хато ҳам бўлиши мумкин. Бола «булут — бу пахта», «кўлдузлар — электр лампочкалари» деб ўйлайди. Теварак-атрофдаги ҳаётни кузатиб, у мустақил хулоса чиқаришга ҳаракат қилади. К. Н. Чуковскийнинг «От двух до пяти» («икки ёшдан беш ёшгача») деган китобида болалар айтган фикрларидан мисоллар келтирилади, булар бола зехнининг синчковлигидан далолат беради.

Педагогнинг вазифаси болалардаги билимларни мунтазам равишда ошириб бориш, уларни тартибга солиш, аниқлаштиришдир.

Бола теварак-атрофдаги нарсалар, уларнинг вазифаси, баъзи сифатлари (ранги, катта-кичиклиги, шакли) ва хоссалари (синади, пачоқ бўлади, йиртилади, тўкилади ва ҳоказо) ҳақида, қайси материалдан тайёрланганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. У табиат ҳодисалари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва қонуниятлари (йил фаслларнинг ўзига хос белгилари, улар ўртасидаги боғланишлар, ҳайвонлар, улар ҳаёти ва яшаш тарзининг ташқи кўринишига, хулқига, яшаш шароитига мослиги ва ҳ. к.) ни билиб оладилар. Жонсиз табиат, ўсимликлар, ҳашарот ва ҳайвонларни кузатиш жараёнида тарбиячи болаларда борлиқ тўғрисидаги материалистик тасаввурларни шакллантириб боради.

Билимларни эгаллаб бориш натижасида боланинг шахси ҳам шаклланиб боради. Бола санъатнинг ҳар хил турлари (тасвирий фаолият, мусиқа, адабиёт ва ҳ. к.) тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларни эгаллаб олади.

Мана шу реал билимларни эгаллаши натижасида болада теварак-атрофни материалистик тушунишнинг таркибий қисмлари шаклланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўзларига тушунарли бўлган ижтимоий воқеа ва ҳодисалар, кишиларнинг меҳнати, умумхалқ байрамлари билан, республикамизда яшайдиган баъзи халқлар ҳаёти билан таништирилади. Бу тадбирлар уларда жамиятимиз ижтимоий ҳаётига қизиқиш уйғотишга, Ватанга муҳаббат туйғулари ва байналминналчилик асосларини шакллантиришга ёрдам беради.

4-§. БИЛИШГА ДОИР РУҲИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Билишга доир руҳий жараён — сезги, идрок, хотира, хаёл, тафаккур, шунингдек, нутқни ривожлантириш ақлий тарбиянинг муҳим вазифасидир.

Теварак-атрофни билиш сезги ва идрокдан бошланади. Уларнинг ривожланганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, борлиқни билиб олиш имконияти шунчалик кўп бўлади. Шунинг учун болалар боғчасида сенсор тарбияга катта эътибор берилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда нутқни ривожлантириш алоҳида роль ўйнайди. Инсон ўз фикрларини ифодалаш ва бошқаларнинг фикрларини тушуниш учун она тилидан фойдаланади. Нутқни эгаллаш болага бевосита ва бавосита (ҳикоя, бадий асар, тарбиячининг тушунтириши ва ҳ. к.) йўл билан борлиқ ҳақида билимлар ҳосил қилишга имкон беради. Болалар боғчасида луғат бойлигини ошириш, сўзнинг грамматик тузилишини шакллантириш, боғланишли нутқни ривожлантириш вазифалари ҳал этилади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда онгли равишда эслаб қолиш қобилияти таркиб топади, хотира ҳажми кенгайди; вазифа — ихтиёрий диққатни машқ қилдириш, уни фойдали билимлар билан бойитишдан иборат.

Хаёл ижодий фаолият учун зарурдир, шунинг учун уни боғча ёшидан бошлаб ривожлантириб бориш катта аҳамиятга эга.

Мактабгача тарбия ёшининг дастлабки босқичларида болаларда тасаввур хаёли бўлади, ҳаётий тажрибанинг ортиб бориши ва тафаккурнинг ривожланиши билан ижодий хаёл таркиб топади. Кичик мактабгача тарбия ёшидаги бола учун кўргазмали-ҳаракатли, кўргазмали-образли тафаккур хосдир. Бунинг асосида сўз, мантиқий тафаккур, тушунчали тафаккур ривожлантирилади. Тарбиячи болаларда аналитик-синтетик тафаккур фаолиятини таркиб топтиради, бу эса ҳодисаларни, воқеаларни чуқур англаб олиш, улардаги муҳим ва муҳим бўлмаган томонларни ажратишга ўргатади.

Қизиқувчанлик болага хос хусусиятдир. У болани теварак-атрофдаги воқеа ва ҳодисаларга, нарса ва буюмларга қизиқиш

билан қарашида, ҳамма нарсани ушлаб, пайпаслаб, юргизиб, ҳаракатга келтириб кўришида, қизиқтирган нарсасини диққат билан томоша қилиши ва кузатишида намоён бўлади. Боланинг саволларидан ундаги қизиқувчанлик қай даражада эканлигини аниқлаб ола бўлади. Тарбиячи кузатишлар ташкил этиб, болаларда пайдо бўлган саволларга ўз вақтида жавоб беришга ҳаракат қилади, уларнинг фикрини мустақил жавоб қидиришга йўллаб, мактабгача тарбия ёшидаги болаларда қизиқувчанликнинг сусайишига йўл қўймайди.

Ақлий тарбиянинг вазифаси болалар қизиқувчанлигини, улар ақлнинг синчковлигини ривожлантириш ва шулар асосида билишга қизиқиш ҳосил қилишдан иборат.

Болалар боғчаси олдида болаларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантириш вазифаси турибди. Психологияда маълум бир фаолиятни муваффақиятли эгаллаб олиш учун шарт-шароитлар яратадиган шахсий хусусиятларни қобилият деб аташ қабул қилинган. Қобилиятлар тегишли фаолият жараёнида намоён бўлади ва ривожланади. Инсоннинг ақлий қобилияти ақлнинг зийраклик — фаҳм-фаросатлилик (ақлий реакциянинг тезлиги), танқидий кўз билан қараш (факт, ҳодиса, меҳнат натижаларини ҳолисона баҳолаш ва уларни таҳлил қилиш, хатоларни пайқаш қобилияти ва ҳоказо), синчковлик (ақлий вазифани ҳал этиш йўлларини излаш, тўғри жавоб қидириш учун турли усуллардан фойдаланиш қобилияти), сермулоҳазалилик каби сифатлари билан ажралиб туриши мумкин.

Шундай қилиб, тарбиячи болаларда ақлий сифатларни ривожлантирувчи фаолиятларни ташкил этиб бориши керак. Болаларда зийракликни ўстириш учун тез жавоб қайтаришни талаб этадиган ўйинларни ташкил этади («Кейинги сонни айт», «аксини айт», «учади-учмайди» ва бошқалар); танқидий қараш қобилиятини ривожлантириш учун болаларни тенгдошларининг ишини, жавобини таҳлил қилишга жалб этади; синчковликни ривожлантириш учун энг оддий тадқиқотчилик ишларини ташкил қилади, жумбоқли масалалар ечишни таклиф этади.

Ақлий кўникма ва малакаларни ривожлантириш, яъни энг оддий фаолият усуллари, предметларни текшириш, улардаги муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларни ажратиб кўрсатиш, бошқа предметлар билан таққослаш ва ҳоказоларни таркиб топтириш мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ақлий тарбия бериш вазифаларидан биридир. Бу кўникма ва малакалар билиш фаолиятининг таркибий қисмлари бўлиб, боланинг билимларни муваффақиятли эгаллаб олишига ёрдам беради. Масалан, ўсимликлар ёки ҳайвонлар билан таништириш бўйича системали машғулотлар олиб борилгандан кейин болалар айрим конкрет ўсимликлар ёки ҳайвонлар тўғрисида маълум бир тасаввурга эга бўладилар. Сўнгра болалардаги ақлий кўникма ва малакаларни ривожлантириш мақсадида тарбиячи болалар билан қуйидаги машғулотларни ўтказишни режалаштириши мумкин: масалан, «Пахта ўсимлигини момақаймоқ

ўсимлиги билан солиштириш», «Қафасдаги икки хил қушни бир-бирига солиштириш», «Қўйни эчки билан солиштириш» ёки «Тасвирга қараб топ» дидактик ўйини ва шунга ўхшаш тадбирлар ўтказиш. Энг муҳими шундаки, болаларга билим берибгина қолмасдан, уларни олган билимларидан ақлий ва амалий вазифаларни ҳал этишда фойдаланишга ўргатиши зарур.

Илк ва боғча ёши даврида болаларда теварак-атрофга бўлган қизиқиш жуда тез ўсади. Қизиқиш — боланинг ақлий ривожланишини ҳаракатга келтирувчи қудратли кучдир. Қатталар болаларнинг қизиқувчанлигини, билишга бўлган ҳар қандай хоҳишини сезишлари ва рағбатлантириб боришлари керак.

Болалардаги қизиқувчанлик ва ақлий фаолликнинг қай даражада ривожланганлиги — боланинг ақлий ривожланганлигининг асосий кўрсаткичидир.

5-§. БОЛАЛАРНИ АҚЛИЙ ТАРБИЯЛАШ ВА УЛАРГА ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Таълим — мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг билиш қобилиятларини мунтазам ва режали равишда ривожлантириб бориш, болалар боғчаси тарбия дастурида белгиланган энг оддий билимлар системаси билан қуроллантириш, малака ва кўникмаларни шакллантиришдан иборат. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ақлий тарбия беришда таълим етакчи роль ўйнайди, чунки таълим жараёнида ақлий тарбияга доир ҳамма масалалар ҳал этилади. Таълим болаларга изчиллик билан билим беришни, бу билимларни аниқлаш ва системалаштиришни, билиш жараёнларини, тафаккур фаоллигини ривожлантиришни назарда тутди.

Таълим кузатувчанлик, қизиқувчанлик ва ақлнинг синчковлик, зийраклик, танқидийлик каби сифатларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Таълим жисмоний, эстетик ва меҳнат тарбиясини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳам зарурдир. Боғчада болаларга маданий-гигиеник кўникмалар, асосий ҳаракатлар ўргатилади, улар маданий ахлоқ қоидаларини ўзлаштириб оладилар, уларда ахлоқий сифатлар, меҳнат, тасвирий, конструктив, мусиқа фаолиятига оид малака ва кўникмалар таркиб топтиради.

Таълим жараёнида болаларда ўқув фаолияти асослари ҳосил қилинади, уларни мактабда муваффақиятли ўқиш учун муҳим шарт-шароитлар яратилади.

Ҳаёт таълимнинг икки хил йўл билан амалга оширилишини тақозо этмоқда.

Биринчи йўл — болаларнинг билим, малака, кўникмаларни катталар билан ўзаро муносабатда бўлиши орқали эгаллаб боришидир. Бу муомала, меҳнат фаолияти ва шу кабилар билан белгиланади. Аммо бу йўл билан эгалланган билим ва мала-

калар болаларнинг ҳаётининг ҳар хил соҳаларида мустақил қатнаша олиши учун имконият яратмайди.

Таълимнинг иккинчи йўли — махсус тайёргарлиги бор кишиларнинг махсус ўқув муассасаларида болаларни керакли билим, малака, кўникмалардан режали равишда хабардор қилиб боришидир. Бундай йўл билан таълим беришдан мақсад ёш авлодни замонавий ишлаб чиқаришда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида фаол қатнаштириш учун зарур бўлган фан ютуқлари билан таништиришдир.

Оллоҳ таоло ояти каримасида: «Билгил, Оллоҳ яккаю ягонадир», — деган сўзни «бил» деган сўз билан бошлаган.

Муҳаммад пайғамбар ўз ҳадисларида «Илмга илм олмоқ йўли билан эришилгайди. Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам ўрганинглр... Илм эгалланг! — Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида — таянч, ёлғиз дамларда — йўлдош, бахтиёр дақиқаларда — раҳбар, қайғули онларда — мадаккор, одамлар орасида — зебу зийнат, душманларга қарши курашда — қуролдир», деганлар.

Қуръони карим оятларидан бирида: «Ё раббий, илмимни энёда қилгайсан, деб айт!» — дейилади.

Инсоният пайдо бўлгандан бери одамлар ичидан етишиб чиққан барча уламою-фузалолар, олиму фозиллар, шоиру ёзувчиларнинг барчаси ўз даврининг нуфузли, ҳурматли, эътиборли кишилари даражасига мукамал илм эгаллаш орқали эришганлар. Абу Наср Фаробий, Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Ибн Сино, Абу Абдулло Рудакий, Абу Шукур Балхий, Исҳоқхон Ибрат, Сиддиқий Ажзий, Саидрасул Азизий, Муҳаммад шариф Сўфизода, Абдулқодир Шакурий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидов, Тошмуҳаммад Қори Ниёзий ва бошқалар мукамал илм эгаллаш орқали фаннинг барча соҳаларида буюк кашфиётлар ва янгиликлар яратганлар, шу билан бир қаторда бошқаларни ҳам илм эгаллашга чақирганлар.

Ўзбек ёзувчиси, шоир, драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий барчани илм эгаллашга чақиради:

*Ҳар муроду мақсадингга етмоқ истарсан мурод.
Кўз очиб бедор бўл, даркор илм, даркор илм.*

Шарқ мутафаккирларидан Абу Абдулло Рудакий, Абу Шукур Балхийлар ҳам халқни илм олишга чақирганлар, жумладан Рудакий илмнинг буюк кучини шундай таърифлаган:

*Одамлар ақлининг чароғи илм,
Балодан сақланмиш яроғи билим.*

Абу Шукур Балхий эса билим эгаллашнинг зарурлигини қуйидаги шеърин мисра билан шундай таърифлайди:

*Ҳаётдан ўрганиб сабоқ,
Устод ҳам, шогирд ҳам ҳеч бўлмас нўноқ,
Тўқши-йигириш ҳам билим бирладир,
Дунёни топиш ҳам билим бирладир.*

Ўз замонасининг билимдон кишиларидан бўлган Сандра-сул Азизий бутун куч-ғайратини ёшларга дунёвий билимлар беришга бағишлади. У ўзининг «Устози аввал» (дарслик тарзида тузилган) асарида ёшларни илм эгаллашга, одоб, ахлоқ эгаси бўлишга, меҳнатга чақирувчи кўплаб ҳикоялар, мақол, маталларни келтириб ўтади. Китобдаги ҳикоялар, мақол, матал ва шеърларнинг кўнчилигини Азизий ўзи яратади, улар ёшларни илм олишга чақиради.

Китобга киритилган «Кўп бил, оз сўзла», «Илмсиз ақл, енгсиз кийим», «Хат ёзмоқ — ярим илм» каби мақоллар шулар жумласидандир.

Ўз даврининг йиррик маърифатчиларидан ҳисобланган Абдулла Авлоний ҳам ёшларни илмли бўлишга чақиради. У ақл ва илмни улуғлайди ҳамда «Ақл инсонларнинг илми комили, муршиди ягонасидур. Руҳ ишловчи, ақл бошловчидир...» деб ёзади.

Муаллиф ўз фикрini янада аниқроқ ва равшанроқ аниқлаш учун шундай муҳояса келтиради:

«Ҳайвонлар ўзларига бўлақлар тарафидан қиладургон зулм ва жабрларни шох, тиш, тумшуқ ва тирноқлари ила қайтарурлар. Лекин инсон... ақл ва гидроки соясида ўзига келадургон зарар ва зулмлардан сақланур. Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилуб бўйнидан бойлаб иплари(нинг) учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидур» «Ҳукамолардан бири: «ҳар нарса кўпайса, арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур»,— демиш.

Авлоний илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажоти, дейди. Шу билан бирга у ача шу фазилатларни шунчаки қайд этмайди, унинг аниқ ҳаётини, амалий аҳамияти устида ҳам тўхталиб ўтади. Унинг инсонни камолотга етказишда бош омил эканлигига далиллар келтиради. Олимнинг фикрича, илм олиш риёзат чекишни, саъй-ғайратни талаб этади.

«Инсон ибрат назари ила боқуб, дунё китобиндан ўз қадр ҳиссасини биллиб олмоғи лозимдур. Маърифат соҳибни бўлмак учун аҳволни оламдан хабардор бўлмоқ керак. Шунинг учун ақл соҳиблари, фатҳнат эгалари ўзларига фойдаси бўлса-бўлмаса синчиклаб қарагон нарсаларидан бир ҳисса олмай қўймаслар»,— деб ёзади Авлоний. Доно халқимиз ўз мақол ва маталларида ҳам ақлли, илмли бўлишга чақирган:

*Илм — ақл булоғи,
Ақл — яшаш чироғи.
Илм бахт келтирар,
Билим тахт келтирар.*

Шу билан бирга доно халқимиз ҳар бир нарсага, шунингдек илмга ҳам ёшликдан ўргатиш зарурлигини таъкидлайди ва ёшликда эгалланган билим тошга битган билан баробардир, дейди.

Абу Шукур Балхий билимни ёшликдан эгаллаш зарурлигини ўз шеърӣ мисраларида шундай ифодалайди:

*Ёшлик чоғида ўрганиш билан
Ақл ҳам идрок топишинг осон.
Хоҳлаган томонга эгиб қўяди
Ниҳоллигида дарахтни боғбон.
Кийшигин ҳеч ким тўғрилай олмас,
Ниҳол улғайиб бўлганда йўғон.*

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш ғояси биринчи бўлиб чет эл педагогикасида чех педагоги Ян Амос Коменский (1592—1670) томонидан яратилган.

Я. А. Коменский она раҳбарлигида 6 ёшгача бўлган болаларга таълим ва тарбия бериш мумкинлигини кўрсатиб берди. Шу даврда болаларнинг ёшини эътиборга олган ҳолда киши ўрганиши лозим бўлган ҳамма нарсага ўргатиш лозим, деди.

Ян Амос Коменский 19 бўлимдан иборат мактабгача таълим дастурини тузди. Масалан, у табиатшунослик (физика) сув, ер, ҳаво, олов, ёмғир, қор, муз, тош, ўт, қумлар ва бошқалар ҳақида билим бериши лозимлигини, астрономия, география, оптика ва бошқа соҳаларда болалар эгаллаб олишлари лозим бўлган билимлар доирасини белгилаб берди. Болалар боғчасида бериладиган таълим болаларнинг мактабда оладиган билимлари билан узвий боғлиқ бўлиши кераклигини таъкидлади.

Я. А. Коменский ҳозирги кунгача ўзининг қимматини йўқотмаган «Буюк дидактика»ни яратдики, унда олдинга сурилган билимлар системасининг мазмуни ва методлари ҳар бир босқич бўйича очиб берилган.

У ўзининг «**Оналар мактаби**» китобида кичик болаларни тарбиялаш ва ўқитиш дастури ҳамда методикасини жуда синчиклаб ишлаб чиққан.

Шу билан Я. А. Коменский мактабгача тарбия педагогикасининг мустақил фан сифатида ишланишига асос солди.

Швейцария педагоги И. Г. Песталоцци (1746—1827) мактабгача тарбия дидактикасини тузишда мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ривожланишини эътиборга олиш масаласига катта эътибор беради. У мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг теварак-атроф ҳаётдаги нарса ва ҳодисаларни идрок этиб, ўзлаштириши катталар (она) таълими асосида амалга оширилиши лозим, дейди.

Г. Песталоцци томонидан ишлаб чиқилган таълимнинг асосий мазмуни мактабгача тарбия педагогикасининг ривожланишида ва болаларга кейинчалик мактабда системали таълим беришда асосий дастур бўлиб хизмат қилди.

Песталоцци нутқни ўстириш, ўлчаш, санокқа ўргатиш бўйича бошланғич таълим методикасини ишлаб чиқди. Бу методикани Песталоцци ҳар бир деҳқон аёл ҳам фойдалана оладиган даражада содда қилиб ишлашга уринди.

Г. Песталоццининг ривожлантирувчи таълим ғоясини К. Д. Ушинский юқори баҳолайди ва унинг киритган буюк янгиллиги, деб атайди.

Оналар табиатнинг ўзгармас ва абадий қонуниятларини билиб олиб, оилада боланинг ҳамма қобилият ва имкониятларини ривожлантиришга асос соладилар, деб таъкидлади Песталоцци. Унинг шу мақсадда ёзган иккита китоби босилиб чиқади. Булар—1802 йилда нашр этилган «Гертруда ўз болаларини қандай ўргатади», 1803 йилда чиққан «Оналар учун китоб» ёки болаларни кузатиш ва гапиришга қандай ўргатиш тўғрисида оналарга «қўллашма»дир. Бу китобда Песталоцци болалар эгаллаб олишлари лозим бўлган билимлар мазмуни, доираси ривожланишининг идрок билан боғлиқлигини таҳлил ва синтез қила билиш, математик тасаввур, нутқ ва реал нарсалар, буюмларни идрок эта олиш қобилиятларини белгилаб беради.

Песталоцци ҳам Коменский каби ахлоқий тарбияни гармоник тарбиянинг асоси деб ҳисоблаган.

Немис педагоги Ф. Фребель (1782—1852) мактабгача тарбиянинг бутун бир системасини яратдики, унинг болалар боғчасида олиб бориладиган ишларга доир кучли томони таълим мазмунида эди.

Кўзланган таълимни амалга ошириш учун Ф. Фребель дидактик материалнинг ажойиб системасини яратди, катталар раҳбарлигида таълим бериш мақсадида ўтказиладиган машғулот ва ўйин методикасини, уни ишлатиш ғоясини ишлаб чиқди.

Олимнинг дидактика соҳасидаги ғоялари барча мамлакатлардаги дидактиканинг кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Рус педагогикасида мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш масаласига В. Ф. Одоевский ва К. Д. Ушинскийлар айтиқса катта ҳисса қўшдилар.

В. Ф. Одоевский (1803—1869) 4 ёшдан кейинги даврни дастлабки таълим ва тарбия бериш ҳамда мактабдаги системали ўқишга тайёрлашда муҳим давр деб ҳисоблади ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш методлари, мазмуни устида зўр бериб ишлади. Бу ёшда «билимгача», «ўқишгача» бўлган таълим ва тарбиянинг, ўқишнинг бошланғич даври бўлиши керак, деди, шу сабабли «алоҳида болалар фанини яратишга» ҳаракат қилди.

В. Ф. Одоевскийнинг «фангача фан» иши бўйича ёзган «Ириния бобо» китоби рус педагогикасининг мактабгача тарбия дидактикасидаги буюк иши деб ҳақли равишда тан олинди. Бунда ақлий тарбия бош масала сифатида илгари сурилла-

ди, уни амалга ошириш методлари ишлаб чиқилади. Бу методлар ичида «ривожлантирувчи суҳбат» методи асосий ўринни эгаллайди.

К. Д. Ушинский (1824—1870) мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялаш масаласини бошланғич синфларда энг оддий таълим бериш масаласи билан боғлади. К. Д. Ушинский чет эл ва Россиядаги мактабгача тарбия системасини таҳлил қилиб, мактабгача тарбия педагогикаси фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидагича ҳулоса чиқарди:

1) болалар болалар боғчасида тўлақонли ҳаёт кечиришлари, ҳар томонлама тараққий этишлари лозим;

2) болалар боғчасидаги тарбиявий ишни тўғри йўлга қўйишда тарбиячи раҳбарлик ролини ўйнамоғи керак.

К. Д. Ушинский тарбия ва таълимнинг умумий системасида мактабгача тарбия ёши давридаги тарбия ва таълимни муҳим босқич деб ҳисоблади. У ёш болаларга она тилини ўргатиш масаласини ишлаб чиқди. Болаларни товуш методи билан саводга ўргатиш ўша даврда жуда муваффақиятли чиқди. Унинг фикрича, Она тили, нутқнинг ривожланиши тафаккур билан боғлиқ, фикр ва нутқ бирдир, нутқ— фикрнинг сўздаги ифодаси, нутқнинг ривожланишида фикрлаш қобилиятини ўстириш ҳал этувчи роль ўйнайди. Нутқни фикрдан ажралган ҳолда ривожлантириб бўлмайди.

К. Д. Ушинский болаларга бериладиган таълим дидактик принципга асосланиб олиб борилганда, уларнинг руҳий тараққиёти айниқса самарали бўлишини таъминлайди, деб таъкидлайди. У болаларга теварак-атрофдаги ҳаёт, буюм ва нарсалар, воқеа-ҳодисалар тўғрисида билим бериш учун «Болалар дунёси», «Она тили» деган ажойиб асарларини яратди ва улар билан ишлаш методини ҳам ишлаб чиқди. Педагог болаларга шундай саволлар берадики, уларга жавоб бериш орқали болалар нарса ва буюмларнинг ташқи кўриниши, сифати хусусиятини билиб оладилар (болалар бу нарсаларни тартибга солишга, таснифлашга ўрганадилар): «Қуён сакрайди, қалдирғоч-чи?» «Қурт сирпаниб юради, мушук-чи?» «Мол мў дейди, от-чи?» «Ит вовуллайди, мушук-чи?» ёки «Сиз ўрмонда кўрган қушларингиз номини айтиб беринг», «Баҳорда биз томонга учиб келадиган қушларни айтиб беринг» ва ҳ. к.

Болалар боғчасининг тарбия дастури К. Д. Ушинский тақлиф этган дидактик принципга (яқиндан узоққа, оддийдан мураккабга принципи) амал қилади.

Таниқли педагог Н. К. Крупская болаларнинг ақлий томондан ривожланишида, нутқни, воқеалар ўйинини, тасвирий фаолиятни ривожлантириш, шунингдек, теварак-атрофдаги борлиққа тўғри муносабатни таркиб топтириш учун билим муҳим роль ўйнашини таъкидлаган. У болалар эгаллаб олиши лозим бўлган билимлар ҳажмини белгилаб берди. Булар табиат, жамият, кишилар, уларнинг меҳнати, нарса ва буюмлар

тўғрисидаги билимлардир. Крупская болалар эгаллаши лозим бўлган билимлар дастурини ҳамма болалар ўзлаштириб олишига эришиш лозим, бунинг учун болаларнинг имкониятларини ва уларга таълим бериш методларини ўрганиш, улар билан боғлиқ бўлган ўйин ва машғулотларни билиш керак, дейди.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш масалаларини ишлаб чиқишга Е. И. Тихеева салмоқли ҳисса қўшди. У болалар нутқини ўстириш бўйича машғулотлар системасини ва уларни ўтказиш методикасини ишлаб чиқди. Тихеева болаларга таълим беришда кўргазмалиликка асосланиш кераклигини, болалар фаолияти ва фаоллигини ўйин билан боғлиқ ҳолда олиб бориш зарурлигини уқтиради. Болаларга билим беришда таълим муҳим роль ўйнашини кўрсатади.

Л. С. Виготский мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бериладиган билимлар маълум дастур асосида олиб борилиши, унда белгиланган билимлар маълум изчилликда амалга оширилиши зарурлиги масаласини биринчи бўлиб олдинга сурди. Аммо боғча дастури мактаб дастуридан фарқ қилиши кераклигини, у болаларни мактаб таълимига тайёрлашда муҳим рол ўйнаши лозимлигини айтади.

Ҳозирги замон мактабгача таълим назариясини яратишда А. П. Усованинг хизматлари анча муҳим аҳамият касб этди. Олима раҳбарлигида 1950 йилларда илмий-тадқиқот ишлар олиб борилиб, болалар боғчаси ҳар бир ёш гуруҳининг таълим-тарбия ишлари мазмуни белгиланди ва таълим беришнинг самарали метод ва усуллари ишлаб чиқилди.

Бу ўтказилган ишлар таълимнинг тарбиявий ишдан фарқини аниқ белгилаб берди. Бунда энг муҳими таълимни бола шахсининг тараққий этишида у ўзининг маълум мақсадга қаратилгани учун етакчи роль ўйнашини кўрсатиб берилди. Энди таълим илгаригидай болаларнинг ривожланиш даражасига асосланмай, балки уларнинг ривожланишини амалга оширадиган восита бўлиб қолди.

Энди таълим кун тартибига нимани ва қандай ўргатиш керак, деган масалани қўйди. Таълим гармоник тарбиянинг асосий воситасига айланди ва болалар боғчаси дидактикаси масаласи устида изланишлар олиб бориш кенг қулоч ёйди.

Шу даврда мактабгача таълим дидактикасида методикаларга ажратиш жараёни амалга оширилди. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш методикаси, табиат методикаси (А. М. Леушина, Н. И. Бистров, Э. И. Залькинд, П. Г. Саморукова ва бошқалар), тасвирий фаоллият методикаси (Е. А. Флерина, Н. П. Сакулина ва бошқалар), она тилини ўргатиш методикаси (Е. И. Тихеева, Е. И. Родина, Р. И. Жуковская ва бошқалар), мусиқа тарбияси методикаси (Н. А. Ветлугина ва бошқалар), жисмоний тарбия методикаси (М. Ю. Кистяковская, А. И. Бикова ва бошқалар) ишлаб чиқилди.

Таълим масаласининг назарий жиҳатдан ишлаб чиқилиши,

мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бериладиган билимларнинг мазмуни, методи ва ташкил этиш шаклларининг яратилиши 1962 йилда «Болалар богчаси тарбия дастури»да «Машгулот» бўлимини ажратиш имконини берди ва дастурнинг кейинги нашрларида бу бўлим такомиллаштириб борилди.

6-§. ТАЪЛИМНИНГ ДИДАКТИК ПРИНЦИПЛАРИ

Дидактик принциплар болалар богчасида амалга ошириладиган таълим ишларини ташкил этишда тарбиячи амал қилладиган асосий қондалардир. «Дидактика» сўзи грекча «дидактикос» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «ўргатаман» деган маънони билдиради. Болалар богчаси дидактикаси — умумий дидактиканинг бир соҳасидир.

У мактабгача ёшдаги болаларга билим бериш назарияси бўлиб, мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш мақсадини белгилаб беради, таълимнинг болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва уларни мактаб таълимига тайёрлаш мазмуни ва методини, ташкил этиш шаклларини ишлаб чиқади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш, уларда билим, малака, кўникмаларни ҳосил қилиш шундай бир жараёнки, унда тарбиячи болалар олдига маълум вазифалар қўяди, уларда ўз теварак-атрофини ўраб олган дунё ҳақида тўғри тушунчалар ҳосил қилади, уларга нарса-ҳодисалар ўртасидаги энг оддий боғланишларни тушунтириб беради, уларни ўйин, ўқув, меҳнат фаолиятида эгаллаган билим ва малакалардан фойдаланишга ўргатади.

Таълим дидактик принципларга риоя қилинишини тақозо этади. Дидактик принциплар биринчи марта чех педагоги Ян Амос Коменский XII асарда ёзган «Буюк дидактика» китобида ифодалаб берилган эди. Уша вақтдаёқ Коменский ўқитишнинг тушунарлилик, системалилик ва изчпллик принципни, босқичлилик, кўрсатмалилик, фаоллик ва бошқа принципларини илгари сурган эди.

Кейинчалик дидактик принциплар рус педагогикасининг асосчиси К. Д. Ушинский томонидан ишлаб чиқилди. У XIX асрнинг иккинчи ярмида физиология ва психология соҳасида эришилган ютуқлар асосида дидактик принципларни илмий равишда асослаб берди.

Педагогика фани мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ўқитиш асосини ташкил этадиган қўйидаги дидактик принципларни илгари сурди.

Ривожланиб борувчи таълим принципи. Таълим ўз олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун ривожланиб борувчи таълим бўлиши керак.

Ривожланиб борувчи таълим ғоясини машҳур психолог Л. С. Виготский илгари сурган эди. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, бу таълим ҳозир эришилган даражани кўзда тутмасдан, балки бола янги материални эгаллаб олишда куч-

ғайрат сарфлаши лозим бўлиши учун доимо ундан илгарилаб, бироз олдинга ўтиб кетиши керак.

Шу муносабат билан Л. С. Виготский ақлий ривожланишнинг икки даражасини белгилаб беради: биринчиси — мавжуд тайёргарлик даражаси бўлиб, у ўқувчининг топшириқларни мустақил бажариши билан ажралиб туради; иккинчиси — «яқин орадаги ривожланиш олди зонаси» бўлиб, унга катталарнинг озгина ёрдами билан бажариладиган ишлар киради. Тарбиячи ривожланиб борувчи таълим принципига амал қилиб, болалардан бироз куч-ғайратни, фаол-ақлий фаолиятни талаб этадиган, қийинлик даражаси етарлича юқори бўлган топшириқлар беради.

Тарбияловчи таълим принципи. Болаларга таълим бериш уларга фақат билим бериш билан чегараланмайди, балки у ана шу билимлар орқали ҳаётга, теварак-атрофдаги борлиққа, меҳнатга, кишиларга, уларнинг меҳнати ва меҳнат натижаларига тўғри муносабатни тарбиялашни ҳам талаб қилади. Таълим ва тарбия бир-биридан ажралмас жараёндир.

Машғулот мазмунини аниқлашда тарбиячи тарбиявий вазифаларни ҳам белгилайди. Масалан, «Кишилар бир-бирларини қандай билиб оладилар» мавзусидаги машғулотни режалаштиришда педагог қуйидаги таълим вазифасини, яъни болаларнинг кишилар бир-бирларини билиб олиш учун қандай алоқа воситаларидан фойдаланишлари, хат ёзиш ва уни юбориш учун қандай билим (буюм) лар кераклиги тўғрисидаги билимларини аниқлаш ва системалаштириш вазифасини қўяди. Тарбиячи билан биргаликда болалар бетоб ўртоқларига хат ёзадилар, унинг учун энг чиройли расмлар танлайдилар, унга бўлган ғамхўрликлари ва эътиборларини шу тарзда намён қиладилар ва ҳ. к.

Таълимнинг кўрсатмалилик принципи. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг тафаккури кўргазмали-образли, кўргазмали-ҳаракатли хусусиятга эга.

Тарбиячи бирор нарса ҳақида гапираётганида уни буюм, ҳодиса, ўйинчоқ ва суратларни кўрсатиш билан тўлдириб борса, болалар уни тез ва яхши тушуниб оладилар ҳамда яхши эслаб қоладилар. Шунинг учун болаларнинг теварак-атрофдаги дунё ҳақидаги билимларни онгли равишда ўзлаштириб олишлари учун турли хил идроклардан, кўриш, эшитиш, сезиш, таъм билиш ва ҳоказолардан фойдаланиш лозим. Масалан, кичкинтойларни мевалар билан таништираётганда тарбиячи меваларни кўрсатади, болаларнинг диққатини уларнинг ранги, шаклига қаратади, ушлаб (олма қаттиқ, силлиқ ва ҳ. к.), ҳидлаб кўришга беради. Машғулот охирида эса таъмин татиб кўришга рухсат этади (олма срсув, ширин ёки сал нордонроқ, мазали). Қ. Д. Ушинский мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг хусусиятлари ҳақида тўхталиб, шундай деб ёзган эди.

«Болалар табиати кўргазмалиликни талаб этади. Болани ўзига номаълум бўлган қандайдир бешта сўзга ўргатиш, у

буларни ўрганиши учун узоқ ва беҳуда азоб чекади, лекин шундай сўзлардан йигирматасини суратлар билан боғланг.— бола уларни бир зумда ўзлаштириб олади. Сиз болага энг оддий фикрни тушунтираяпсиз, бола эса сизни тушунмаяпти, сиз худди шу болага мураккаб суратни тушунтирсангиз, у сизни тезда тушунади» (Ушинский К. Д. Собр. соч., 6-том, 267—268-бетлар).

Болалар билиб олаётган нарсаларини ҳиссий идрок этишлари учун уларни кузатувчанликка ўргатиш керак.

Таълимнинг системалилиги ва изчиллиги. Болалар боғчасида таълим-тарбия дастурида материал мантиқий изчилликда, боғлиқликда тавсия этилади. Билимларнинг ҳажми ва мазмуни мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ёш хусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Агар болалар бундан олдинги машғулотда ўтилганларни уқиб олмаган бўлсалар, бундан кейинги машғулотда таништириладиган нарсаларни онгли суратда ўзлаштириб олмайдилар. Шунинг учун дастур материали аста-секин мураккаблаштириб борилади.

Системалаштириш — нарса ва буюмларни, воқеа-ҳодисаларни муҳим сифати ва хусусиятига қараб гуруҳлаштириш демакдир. Болалар боғчасининг кичик гуруҳи дастурига — нарса ва буюмларнинг ранги, шакли, катта-кичиклигига қараб гуруҳлаштириш киритилган; каттароқ гуруҳларда эса материалларни белгисига қараб гуруҳлаш (ёзда, баҳорда, богда, далада, полизда, ўтлоқда нималар ўсади), уй ҳайвонлари, учиб келувчи қушлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ўстки кийим-бош кабилар ишлатилиши, ташқи белгилари ва шунга ўхшашларга қараб гуруҳланади.

Таълимнинг тушунарли бўлиши. Дастур материаллари, уларнинг мазмуни ва ҳажми, ўргатиш методлари, болаларнинг ёшига, ривожланганлик даражасига мос бўлиши керак, шундагина болалар билимларни мустаҳкам ўзлаштириб оладилар.

Тарбиячи машғулот учун материал тайёрлаганда болаларнинг ёш хусусиятлари ва имкониятларини яхши билиши ҳамда бу материал болалар учун тушунарли, аммо ҳаддан ташқари енгил бўлмаслигига эътибор бериш керак.

Тушунарлилик принципини биринчи марта Я. А. Коменский шундай ифодалаб берган эди: «Таълим беришда яқиндаги нарсаларни ўрганишдан узоқдаги нарсаларни ўрганишга, осонроқ нарсаларни ўрганишдан нотаниш нарсаларни ўрганишга қараб бориш лозим». Масалан, дастлаб болалар бевосита гуруҳ хонасидаги, кейин эса болалар боғчасидаги, унинг теварак-атрофидаги, жонажон шаҳри, қишлоғидаги нарсалар билан, улар тўғрисидаги тушунчалар билан танишадилар. Уқитишнинг тушунарлилиги болалардаги мавжуд билимларга таяниш, материални баён қилишнинг аниқлиги билан таъминланади.

Болалар билан ўтказиладиган жамоа ва яқка тартибдаги ишларни бирга қўшиб олиб бориш. Таълим болалар жамоасида амалга оширилади. Педагог бутун жамоага билим берар экан, у айни вақтда ҳар бир болага нисбатан алоҳида йўл ҳам тутаяди, бу ҳамма болаларни муваффақият билан ўқитиш ва ҳар бир ўқувчида ижобий хислатларни, иқтидор ва қобилиятларни ўстиришга ёрдам бериш мақсадида ниҳоятда муҳимдир.

Ҳар бир бола ўзини намоён қилишда, хатти-ҳаракатда, теварак-атрофдаги оламни идрок қилишда, унга бўлган муносабатда фақат ўзига хос бир шахсдир. Ҳар бир бола ўзига сингдирилайётган маълумотларни, малакаларни ўзича идрок қилади.

Шунинг учун тарбиячи болалар билан амалга ошириладиган машғулотларга материал танлашда уларнинг билимини, хусусиятларини қизиқишларини ҳисобга олади. Машғулот билан шугулланишни ёқтирмайдиган болалар ҳам учраб туради. Уларни аста-секин, лекин албатта, ўқув фаолиятига кўниктириб бориш, улар олдига талаблар қўйиш керак.

Таълимда тарбиячининг раҳбарлик роли. Мактабгача таълим тарбиячининг раҳбарлиги, етакчи роль ўйнашини тақозо этади. Тарбиячи таълим жараёнида болаларга тўғридан-тўғри ва режали равишда таъсир кўрсатади: дастур материалларини уларга маълум қилади, иш кўриш усулларини ўргатади, бу усулларни мустаҳкамлайди ва бойитади.

Таълим жараёнида тарбиячининг роли таълим вазифаларига қараб хилма-хил бўлади: бири — маълумотларни, усулларни ўргатиш бўлса, иккинчиси — уларни мустаҳкамлаш ва учинчиси — аниқлашдан иборат.

Тарбиячининг фаолиятини белгилайдиган шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат: тарбиячи аввало болаларга қандай билим бериш, уларда қандай малакалар ҳосил қилиш мумкинлигини ва бу янги билимлар ўтилган материал билан қандай боғланганлигини аниқлаб олиши керак.

Сўнгра тарбиячи янги материални яхши ва тўлиқ ўргатишга имкон берадиган машғулотни ташкил этиш шаклини танлайди. Машғулот учун танланган материал болаларнинг ёшига ва имкониятига мос бўлиши керак.

Боғча дастурида фақат умумий тушунчалар берилади, тарбиячи машғулот мазмуни, кузатиш мавзуси ва тушунтириш лозим бўлган нарсаларни ўзи ишлаб чиқиши ва машғулотни болалар белгиланган материалларни онгли равишда ўзлаштириб оладиган қилиб ўтказиши керак бўлади.

Агар тарбиячининг олдида болаларга маълум қилинган (тушунтирилган) материални мустаҳкамлаш вазифаси турган бўлса, унинг етакчилик роли бошқача бўлади.

Машқ қилиш ва такрорлаш — таълим усуллари дир. Бу усуллар болаларнинг илгари ҳосил қилган билим, мадака, кўникма ва тасаввурларини эсга туширишларига ёрдам беради.

Болалар тасаввурларини фаоллаштиришда иккита таниш бўлган нарсани бир-бири билан таққослаб, идрок қилинган билим ва тасаввурларини ижодий равишда эсга туширадилар. Идрок қилинган нарса таққослаш, бирор белгисини ажратиб кўрсатиш йўли билан мустақкамланади.

ка, кўникмаларни эгаллаб олганликларига, булардан мустақил тарбиячи болаларнинг ҳақиқатан ҳам зарур билим, мала-фаолиятда фойдалана билишларига ишонч ҳосил қилади.

Тарбиячи болаларнинг билим, малака ва кўникмаларни қай даражада ўзлаштирганликларини уларнинг турли фаолиятларидан (ҳикоя, шеър ўқиш, расм солиш, ўйин, меҳнат юмушларидан) аниқлаб олади.

7-§. АҚЛИЙ ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМНИНГ МАЗМУНИ ҲАМДА УСУЛЛАРИ

Болалар боғчаларига доир тажрибалар ва ўтказилган педагогик ва психологик илмий-тадқиқот ишлари ҳар хил ёшдаги болаларга теварак-атроф тўғрисида бериладиган билимларнинг тахминий ҳажмини белгилаш, уларни мураккаблаштириб бориш имконини беради.

«Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури»да болаларнинг теварак-атрофдаги ҳаёт билан танишишларига доир асосий бўлимлар кўрсатиб берилган. Булар болаларни табиат билан, ҳар хил касбдаги кишилар меҳнати билан, баъзи бир ижтимоий воқеалар, нарсалар, уларнинг сифат ва хусусиятлари билан таништиришдир. Болалар билимларини фақат машғулотлар жараёнида олмай, балки ўзларининг кундалик ҳаётларида, ўйинларда, сайр вақтларида ҳам олишлари дастурда кўрсатиб берилган.

Бу дастурнинг асосий бўлимлари қуйидагилардир: теварак-атроф билан таништириш ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига қизиқишни, она юрти муҳаббатини тарбиялаш; табиат ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш; нутқ ўстириш; энг оддий математик тасаввурларни ўстириш; қуриш-ясаш; бадний адабиёт; тасвирий санъат; мусиқа; жисмоний тарбия.

Таълим дастури қуйидаги принципга асосланиб тузилган: билимнинг болаларга тушунарлилиги, ҳар бир ёшга хос билим ва малакалар, уларни секин-аста мураккаблаштириб бориш; материалнинг бир мақсадга қаратилганлиги, маҳаллий материалдан фойдаланиш, табиатдаги воқеалар; таълимга доир бўлимлар орасидаги боғлиқлик.

3 ёшгача бўлган болаларда теварак-атрофдаги нарсалар, уларнинг сифати, ҳар хил нарсаларнинг номи ҳамда уларни ишлатиш тўғрисида тўғри тушунча бўлиши керак.

Болаларни уй жиҳозлари ва буюмлари (мебель, идиш-товоқ, кийим, ўйинчоқ, машғулотлар учун материал) билан таништириш уларнинг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Бу нарса уларнинг нутқини бойитади, мустақилликни, гўзаллик ҳақидаги тасаввурларини тарбиялашга ёрдам беради (чиройли кийим, ҳар хил буюмларнинг шакллари).

Теварак-атроф билан таништириш дастури ҳар бир ёш гуруҳи учун муайян билимларни эгаллаб олишни назарда тутди. Масалан, биринчи гуруҳ тарбиячиси болаларнинг тева-рак-атрофдаги нарсаларнинг жойлашиши тартибини билиб олишга ўргатади. Кейинчалик болалар бошқа хоналарда нималар борлиги, у ерда болалар ва катталар нима иш билан шуғулланишларини билиб борадилар (мусиқа залида мусиқа машғулотлари, байрамлар ўтказилади, ошхонада овқат пиширилади, тиббиёт хонасида шнфокор болаларни кўради ва ҳоказо).

Тарбиячи, шунингдек, болаларни яқин атроф, кўчаларни, ўз ўйин майдончасини билиб олишга ўргатади. Катта гуруҳ болалари ўз уйлари адресини, боғчадан уйга кетадиган йўлни, яқин орадаги майдон ёки ҳибонларга борадиган йўлни билишлари керак.

Болаларнинг табиат билан бевосита алоқада бўлишлари уларнинг ҳар томонлама ривожланишларида муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳол уларнинг ақлий қобилиятларини тарбиялашда, ахлоқий ҳамда эстетик ҳисларини ривожлантиришда, қувноқлик, тетиклик, жисмоний ҳамда руҳий томондан бардам бўлишларида асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Табиат тўғрисидаги тасаввурлари секин-аста кенгайиб ҳамда чуқурлашиб боради. Болалар ўрмонга, боғлар, дарё ҳамда сув ҳавзаларига сайрга чиқадилар, янги ўсимликлар, ҳайвонат олами ҳамда табиат ҳодисалари билан танишадилар. Бир хил ҳодиса ва нарсаларни бир неча мартадан кузатиш натижасида табиат сирларини чуқурроқ тушуна борадилар.

Кичик гуруҳ болалари оби-ҳавони аниқлайдиган бўлиб қоладилар. Урта гуруҳ болалари йилнинг қайси фасли бошланганлигини ва унинг ўзига хос хусусиятларини билиб оладилар. Катта гуруҳ болалари эса йил фаслларининг алмашиши қонуниятлари билан танишадилар.

Расмлар орқали болалар бошқа ўлкаларнинг табиати, улардаги халқлар, миллатлар, ўсимликлар ҳамда ҳайвонлар тўғрисида маълумотга эга бўладилар. Шундай қилиб, болалар ўлкамизнинг кенглиги ва бой табиати тўғрисида тасаввур ҳосил қиладилар.

Болаларнинг табиат билан бевосита алоқада бўлиши уларнинг сенсор (ҳиссий) тарбиясига катта ҳисса қўшади. Табиат ўзининг мўл-кўл бўёқлари, шакллари, товушлари билан анализаторларни қўзғатади. Болалар боғда, далада сайр қилаётган пайтларида ёки бўлмаса ўз ер майдончасида ишлаётганда кўм-кўк барглари, ҳар хил рангли гулларни кўрадилар, уларнинг димоғига хушбўй ҳидлар урилади.

Улар гиёҳларнинг юмшоқлигини, қариқизнинг тақиртика-наклигини сезадилар, дарахларнинг шитирлашига, қушларнинг сайрашига қулоқ соладилар.

Табиат билан алоқада бўлиш эстетик тарбия вазифаларини ҳал этишга ҳам ёрдам беради. Чиройли манзаралар, ҳар хил

капалаклар болаларда қувонч ҳиссини уйғотади. Тарбиячининг вазифаси болаларда табиат гўзаллигига, унинг ранг-баранглигига қизиқиш уйғотишдир. Табиат ўз гўзаллиги ҳамда ранг-баранглиги билан болаларнинг ҳиссига ва хаёлига таъсир этиб, ижодий фаолиятининг ривожланишига ёрдам беради.

Табиат болаларда ватанпарварлик ҳиссини уйғотишда ҳам катта таъсир кўрсатади. Болаларнинг ёшлигида табиат бойлигидан олган таассуротлари Ватан тўғрисидаги тушунчани аниқ мазмун билан бойитади.

Болаларнинг катталар билан мулоқотда бўлишлари, уларни ҳар хил касбдаги кишилар меҳнати билан таништириш ҳам катта аҳамият касб этади. Бу ерда тарбиячининг асосий вазифаси — болаларда катталар меҳнатига ҳурматни тарбиялаш, уларнинг меҳнат фаолиятини болаларга тушунтириш ва меҳнат қилиш иштиёқини уйғотишдир. Шундай қилганда, болаларда жамият манфаати йўлида меҳнат қилиш эҳтиёжи ривожлантирилади.

Болаларнинг меҳнат тўғрисидаги тушунчалари қандай қилиб секин-аста кенгайиб ва чуқурлашиб бориши болалар боғчаси дастурида кўрсатиб берилган.

Кичик гуруҳдаги болалар боғчада ишлайдиган кишиларнинг меҳнати билан, онанинг уйдаги юмушлари билан ҳамда кўчадаги транспорт воситалари билан таништирилади.

Ўрта гуруҳ болалари меҳнат турлари ва меҳнат жараёнидаги изчиллик, меҳнатда керак бўладиган буюмларнинг номлари билан таништирилади.

Болаларга у ёки бу меҳнатнинг аҳамияти тушунтирилади. Болалар янги меҳнат турлари билан экскурсияга борганларида танишадилар. Катта гуруҳ болалари меҳнатининг ҳар хил турлари, ҳатто ўзлари бевосита кўра олмайдиган меҳнат турлари билан ҳам танишадилар. Улар билан жуда кўп экскурсиялар (кутубхонага, почтага, тикув устахонасига) уюштирилади, шунингдек улар колхозчилар, боғбонларнинг ҳосилни йигиб олиш жараёнини кузатадилар. Уларга кишиларнинг меҳнатини енгиллаштирувчи машиналар, техниканинг афзаллиги тўғрисида тушунча берилади.

Катта ёшдаги болалар меҳнатнинг аҳамияти, яъни ҳамма кишилар жамият учун меҳнат қиладилар, деган хулоса чиқаришга ўргатилади. Қишлоқдан шаҳарга озиқ-овқатлар, мевачевалар олиб келинади, шаҳардан қишлоққа эса кийим-кечак, китоблар, машиналар ва бошқа нарсалар олиб борилади.

Болаларни катталар меҳнати билан таништириш натижасида болалар жуда кўп керакли билимларга эга бўладилар. Бу эса уларни фикрлашга ўргатади, техникага қизиқишини оширади ҳамда нутқи ривожлана бошлайди.

Болаларнинг ўйинлари, расмлари ҳам уларда техника ва меҳнатга қизиқиш уйғотади. Катталарнинг меҳнати — болалар ўйинининг асосий мазмунини ташкил этади: болалар ўз ўйинларида оналари ва тарбиячилари меҳнатидан бошлаб то янги

шаҳарлар ҳамда космик кемалар қурилишигача акс эттирдилар.

Болалардаги ахлоқий сифатларни: кишиларга, жамоага муносабатни тарбиялашда катталар меҳнати билан таништириш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир кишининг муҳим маънавий сифати унинг меҳнатга ижобий муносабатда бўлишидадир. Болалар ҳам худди мана шу руҳда тарбияланмоғи лозим. Бу эса катталар меҳнатига ҳурмат ҳамда қизиқиш уйғотиш орқали амалга оширилади.

Болалар кузатадиган ҳар қандай меҳнат жамоа меҳнати бўлиб, жамият фаровонлиги учун қилинади. Бу тушунчани ҳаётдан мисоллар келтириш орқали болалар онгига сингдириб бориш лозим. Болалар боғчасида кичкинтойлар катталарнинг болалар учун қилаётган меҳнатини кузатадилар, улар билан бирга шугулланадилар, ўйнайдилар.

Меҳнаткашлар ва уларнинг меҳнатлари билан танишиш болаларда ўз юртига, халқига ва бошқа халқларга ҳурмат ва меҳр уйғотади.

Катта ёшдаги боғча болалари жамиятимиздаги турли халқларнинг меҳнати билан таништирилади. Китоблар, расмлар, катталарни ҳикояси орқали узоқ Шимолдан иссиқ мўйналар, ширин балиқлар олиб келинишини, у ёққа эса машиналар ва мевалар жўнатилишини килиб оладилар. Кишиларимиз дўстлиги, унда ҳамма халқларнинг биргалашиб қиладиган меҳнатлари тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар мана шу тарзда тўплана боради.

Катталар меҳнатини ва табиатни кузатиш болаларда эстетик ҳисларни тарбиялашга ёрдамлашади, ижодий фаолият (ўйин ва расмлар чизиш) учун материал беради. Болалар янги қурилаётган уйни кузатадилар ва қурувчиларнинг аҳиллик билан қилаётган меҳнатлари, ҳаракатлари чиройини кўрадилар. Қурилиш тамом бўлганда эса, уйнинг чиройлилиги ва кўчиб кираётган кишиларнинг қувончини кузатадилар.

Она юртига, шаҳрига, районига, қишлоғига бўлган муҳаббат дастлабки ватанпарварлик ҳисларини уйғотишга асос бўлади. Болаларни таништириш учун ҳамма ерда диққатга сазовор жойлар бор.

Ҳамма оилаларда умумхалқ байрамлари бўлган наврўз, ҳайит, янги йил ва бошқа кунлар кенг байрам қилинади. Болалар бу байрамларда қатнашадилар. Катта ёшдаги боғча болаларига ҳар бир байрам ва тантананинг аҳамияти уларнинг ёшларига мос ҳолда тушунтирилади. Бу ерда тарбиячининг энг муҳим вазифаси — болаларнинг ҳиссиётларига таъсир этиб, уларда ўз халқидан, унинг қадриятларида ғурурланиш ҳиссини уйғотиш, меҳнатсевар одамларга ҳурмат туйғусини тарбиялаб, уларга тақлид қилишга ўргатишдир.

Шундай қилиб, боғча болаларини табиат билан, ҳозирги давр воқеалари билан таништириш орқали уларнинг ақлий қобилиятлари, ахлоқий ва эстетик ҳислари шакллана боради.

8-§. СЕНСОР ТАРБИЯ

Сенсор тарбия тушунчаси. Теварак-атрофдаги борлиқни билиш сезги ва идрокка асосланади. Тасаввурнинг асосини бевосита сезиш орқали идрок қилиш ташкил этади. Бундай тасаввурнинг аниқлиги, тўлалиги сенсор жараёнларнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади. Сенсор тарбия сезги ва идрокни бирор мақсадга қаратилган ҳолда ривожлантиришдир. «Сенсор» сўзи латинча «sensus» — «туйғу», «сезги», «идрок», «сезиш қобилияти» маъноларини англатади. Борлиқни билиш сезиш, идрок қилишдан бошланади.

Инсон кўриш, сезиш ва ҳоказолар ёрдамида теварак-атрофдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида билимга эга бўлади, фақат шулар асосидагина унда хотира, тафаккур, хаёл каби жараёнлар ҳосил бўлади.

Боғча ва кичик мактаб ёшидаги болалар ақлий билимининг $\frac{1}{10}$ қисмини сезиш орқали идрок этилган таассуротлар ташкил этади. Сезги ва идрок қанчалик бой бўлса, инсоннинг теварак-атрофдаги олам ҳақидаги тасаввурлари шунчалик кенг бўлади. Болаларнинг сенсор маданияти, унда сезги ва идрокнинг ривожланиш даражаси билиш фаолиятининг муваффақияти учун муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

Сенсор тарбия педагогика фанида болаларнинг ақлий, эстетик, жисмоний ва меҳнат тарбиясининг асоси ҳисобланади.

Мактабгача ёш даври сенсор жараёнларни ривожлантириш давридир. Шунинг учун бу даврда сенсор тарбия муҳим ўринни эгаллайди. Сенсор тарбия ҳиссий билиш қобилиятларини шакллантиришга, сезги, идрокни такомиллаштиришга қаратилган педагогик таъсир системасидир.

Сенсор тарбиянинг мазмуни ва методи руҳшунослик фанида идрок ва сезгини ривожлантириш муаммоси қандай талқин қилиниши билан белгиланади. Бу муаммо фанда турлича ҳал этилган бўлиб, педагогика тарихида сенсор тарбиянинг ҳар хил системаси мавжуд.

Ўтмишдаги педагоглар (Ф. Фребель, М. Монтессори, О. Декроли ва бошқалар) томонидан ишлаб чиқилган система болаларнинг кўлидаги майда мускулларини ривожлантиришга, ранг ва унинг турлари, шакл ва ҳажми юсак даражада фарқ қилишга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Монтессорининг дидактик материаллари ўз-ўзини назорат қилиш принципига мувофиқ яратилган бўлиб, болаларга педагогнинг иштирокисиз, мустақил шугулланиш имконини берар эди. Аммо сезги аъзоларининг ривожланиши, нутқнинг ўсиши, самарали фаолият билан боғланмас эди.

Таниқли педагог ва руҳшунос олимлар сенсор тарбиянинг хилма-хил фаолият турлари жараёнида, фаолиятнинг тасвирий-амалий, мусиқали ҳаракат турларида болаларни теварак-атроф билан таништиришда амалга ошириш кераклиги тўғрисидаги принципиал янги системасини яратдилар ва бундай

системанинг мазмуни, метод ва назариясини ишлаб чиқдилар.

Сенсор тарбиянинг вазифаси ва мазмуни. Сенсор тарбиянинг мақсади мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг сенсор қобилиятларини ўстиришдан иборат.

Сенсор тарбия қобилиятларни ривожлантириш учун болалар буюмнинг фақат нимага ишлатилишини, номинигина билиши етарли бўлиб қолмай, балки улар буюмларни чуқурроқ идрок этиши, уларни ушлаш, улар билан муомалада бўлганда хилма-хил сезгилар иштирок этиши ҳам жуда муҳимдир, деб билади. Тарбиячи сенсор тарбиянинг ана шу томонларига алоҳида эътибор бериши, болаларга тегишли топшириқлар бериши: буюмларни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўйишда уларнинг оғирлигини ҳис қилиш, буюмни қўлига олиб, унинг сиртини сезиш ва сифатини — силлиқ ёки ғадир-будурлигини, иссиқ ёки совуқлигини ва шунга ўхшашларни аниқлаши керак.

Болаларнинг ёши улгайиб, ҳаёт тажрибалари ортиши, шаброитларнинг ўзгариши билан идрок этиш жараёни ва унга қўйиладиган талаб ҳам мураккаблашади. Навбатчилар тарелкаларнинг катта-кичиклиги, чуқур ёки юзалигини, пиёла ва тақсимчаларни фарқ қилишлари керак; улар иш жараёнида чинни идишларнинг оғирлигини, сиртининг силлиқлигини, ушлаганда совуқроқлигини, пластмасса буюмларининг енгиллигини ҳис қиладилар. Столларни у ёқ-бу ёққа силжитиш, стулларни жой-жойига қўйиш бошқача ҳаракат сезгиларини уйғотади, фазовий муносабатларни, контур чизиқлари ва ҳоказоларни идрок қилишни талаб этади.

Шунга асосланиб, сенсор тарбиянинг қўйдаги вазифалари белгиланади:

1. Болаларда перцептив ҳаракатларни шакллантириш.

2. Буюмларнинг хусусияти, сифати, муносабати тўғрисидаги умумлашган тасаввурлар сенсор эталонлар системасини шакллантириш. Сенсор эталонлар ижтимоий-тарихий тажриба жараёнида ҳосил қилинган намуналардир. Асосий ранглар, гесметрик шакллар, ноталарда ифодаланган муסיқали товушларнинг турли баландлиги ана шундай эталонлар жумласига киради. Агар бола эталонлар ва уларнинг оғзаки ифодаланиши билан таниш бўлса, унинг теварак-атрофни билиши осон бўлади, у ўзи учратган буюмларни маълум бир эталон билан таққослайди ҳамда буюмнинг ранги, шакли, катта-кичиклиги, деталларининг фазовий жойлашишини айтиб беради.

3. Перцептив ҳаракатлардан, эталонлар системасидан амалий фаолиятда ва билиш жараёнида мустақил фойдаланиш малакасини шакллантириш.

Сенсор тарбиянинг мазмуни ўз ичига теварак-атрофдаги ҳамма сенсор белгиларни қамраб олади. Булар болаларнинг ҳамма фаолиятлари орқали амалга оширилади ва ҳар хил сенсор асосга эгадир.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола рангларни фарқ қилиш ва уларнинг номини айтишга ўргатилади, уларда ранг туслари

ҳақида, бўёқларни аралаштириш натижасида янги ранг ёки туслар пайдо бўлиши тўғрисида тасаввур ҳосил бўлади, шунингдек улар (нутқнинг товуш томонларини, сўзнинг товуш тузилишини таҳлил қилиш қобилиятини) ва мусиқа тинглаш уқувини ривожлантириш ҳам сенсор тарбия мазмунига кириди. Сенсор тарбия, шунингдек, тактик сезгиларни, буюмларнинг сифтини пайпаслаб кўриб фарқлаш ва уларни тўғри айтиш (силлиқ, майин, дағал, юмшоқ, огир, енгил, совуқ, иссиқ ва бошқалар) кўникмаларини ривожлантириш ҳам сенсор тарбия вазифаларидан биридир.

Болалар секин-аста вақтни тушуна бошлайдилар ҳамда вақт тушунчасини ўзлаштирадидлар, вақтнинг кетма-кетлиги ва давомлилигини англайдилар. Дастлаб боланинг «кеча», «бугун», «эртага» тушунчаларининг нисбийлигини, вақтнинг давомлилигини (бир дақиқа, беш дақиқа, бир соат) тушуниб олиши қийин бўлади. Бунга тажрибанинг тўпланиб бориши ва бирор мақсадга қаратилган таълим натижасида эришилади.

Юқорида айтилганларга хулоса қилиб, сенсор тарбия болаларнинг ҳамма фаолиятларида амалга оширилади деб айтиш мумкин.

Сенсор тарбия усули. Сезги ва идрок бирор мақсадга қаратилган мазмунли фаолият жараёнида муваффақиятли ривожланади. Самарали фаолият (расм чизиш, лой ва пластилиндан буюмлар, аппликациялар ясаш) сезги ва идрокнинг ривожланиши учун қулай шароит яратибгина қолмай, балки буюмнинг шаклини, рангини, жойини билиб олишга ҳам эҳтиёж пайдо қилади. Бирор нарсанинг расмини чизишдан олдин болани буюмларнинг рангига қараб таққослашга ўргатилади, суратларни кўздан кечиришда эса қандай қилиб ранг ёрдамида тасвирнинг бадий ифодалилигига эришилишини кўриш қобилияти ривожланади.

Боғчада болалар бутун йил давомида табиат билан таништириб борилади. Уларга ўсимликларни, ҳайвонларни парвариш қилиш топширилади. Бу сув, ер, қуёш иссиқлигининг хусусиятларини сезиб билиб олиш учун катта имкониятлар яратади.

Болалар табиат билан бевосита муносабатда бўлиш туфайли гул, тошларнинг номини осонгина ва бажону дил билиб оладилар, кейинчалик уларнинг шакли, ранги, тузилиши, ҳиди, номини силлиқлиги ва майинлигига қараб топадилар.

Мақтабгача тарбия ёшидаги болалар «олдинга», «орқага», «тепада — пастда», «узюк—яқин», «чапда—ўнгда» каби фазовий тасаввурларни ўзлаштириб оладилар ва ҳаётий вазиятда уларга амал қиладилар, буюмларнинг шакли, улар ўлчамининг фарқига етадилар, уларни ўзаро таққослайдилар.

Болалар табиат билан тобора кўпроқ алоқада бўлишлари туфайли таассуротлари, эшитиб таъсирланиш хусусиятлари ортиб боради. Болаларни қушларнинг сайраши, баргларнинг шитирлаши, шамолнинг гувиллаши, ёмғирнинг шатур-шутури

ва момақалди роқнинг гумбуралини диққат билан тинглашга ўргатиш зарур.

Сенсор тарбиянинг асосий усуллари дан бири — текширишдир.

Текшириш — буюмларни махсус равишда ташкил этилган идрок қилишдан иборат бўлиб, унинг натижалари дан кейинчалик маълум бир мазмунли фаолиятда фойдаланилади. Текшириш жараёнида болалар катта-кичикликини, шаклини, фазовий муносабатларни, рангини, нутқ товушлари билан мусиқий товушларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратиш ва фарқлашга ўрганадилар.

Машғулотларда болаларнинг ҳиссий билиш тажрибасини эгаллаб олишлари муҳим роль ўйнайди. Ҳолбуки шу машғулотларда болаларнинг сезги, идрок ва тасаввурларини тарбиялашга жонли раҳбарлик қилиш учун барча шароитлар яратилади.

Болалар бирор буюмни нима учун синчиклаб қараш, баъзи товушларни яхшилаб эшитиш кераклигини аниқ тушунганларидагина, уларда синчиклаб қараш, нарса ва ҳодисаларни идрок қилиш малакаси ҳосил бўлади. Шунинг учун тарбиячи болаларни нарса ва ҳодисаларни идрок қилишга ўргатиб, уларга қиладиган ишларининг маъносини аниқ тушунтириб бериши лозим. Шундагина улар анча тушунган ҳолда идрок қиладилар ва у бирор мақсадга қаратилган бўлади: ахир, дарахт шоҳлари (новдаларини) яхшилаб кўздан кечирилмаса, унинг расмини чизиш анча қийин бўлади.

Бошқа фаолият турларига, масалан, меҳнатга тайёргарлик кўришда тегишли текшириш усуллари танланади.

Масалан, қоғоз ва газламанинг хоссаларини аниқлаш учун тарбиячи болаларга қоғоз ва газламани гижимланганда нима бўлишини эшитиб кўришни, қоғоз ва бир парча газламани йиртиб кўришни, қоғоз ва газламадан қилинган қўғирчоқ кўйлагини сувда ювишни таклиф этади.

Тўпланган тажрибаларни болалар бошқа буюм ва ҳодисаларга кўчирадилар, ундан кундалик ҳаётларида фойдаланадилар: «Кел, қумга сув қуямиз, у нам бўлади, биз ундан тоннел қурамиз», «Бу челакни кўтарма, унда қум бор, у жуда оғир».

Буюмларнинг хусусиятларини, номини ва таърифини аниқлаш, уларни маълум бир хоссаларига кўра таққослаш учун дидактик ўйин ва қўлланмалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Улар болалар билан олиб бориладиган хилма-хил машғулотлар, меҳнат, кузатишлар ва болаларнинг мустақил ишларида яхшигина қўшимча материал ҳисобланади.

9-§. МАШҒУЛОТЛАР

Таълим шакли деганда таълим берувчи педагог ва болаларнинг махсус ташкил этилган фаолияти тушунилади ва кун тартибиде маълум бир вақтда ўтказилади.

Таълим шакли болалар сони, педагог ва болалар ўртасида-

ги ўзаро таъсир хусусиятига, ўтказиш жойига, шунингдек кун тартибида эгаллаган ўрнига қараб бир-бирдан фарқ қилади.

Болалар боғчасида таълимнинг фронтал (умумий), группавий ва якка тартибдаги шаклларида фойдаланилади. Бундан ташқари, болаларга таълим бериш ишлари экскурсия, дидактик ўйинлар орқали, кун давомида болаларнинг машғулотдан ташқари ҳар хил фаолиятларида, уларнинг ўйинларига раҳбарлик қилиш жараёнида ва шунга ўхшашларда амалга ошириб борилади.

Машғулот болалар боғчасида болаларга таълим беришнинг асосий шаклидир. Машғулот — педагогнинг болаларни керакли билим ва малакалардан фронтал ҳолда хабардор қилишидир. Тарбиячи болаларга таълим беришни кун давомида амалга оширади: уларнинг билимларини бойитади, маданий-гигиеник, хулқ маданияти, гаплашиш нутқи, саноқ-ҳисоб ҳаракатлари каби турли-туман малака ва кўникмаларини шакллантириб боради. Аммо таълим беришда бош ролни машғулот эгаллайди. Машғулотлар болалар боғчасида таълимни ташкил этиш шаклидир. У мактабгача тарбия ёшидаги ҳамма болалар учун мажбурийдир: унда дастур мазмуни белгилаб берилган, кун тартибида унга маълум ўрин ва вақт ажратилган. Машғулот тарбиячи раҳбарлигида ўтказилади, тарбиячи машғулотда болаларни янги билимлардан хабардор қилади, болалар эгаллаб олган билимларни эса аниқлаб, мустақкамлайди, болаларнинг амалий машғулотларини ташкил этади. Ўқув материалнинг мазмуни аста-секин мураккаблаштирилиб борилади.

Машғулот болаларни мактабга тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Машғулот орқали болалар ўқув малакасини эгаллаб оладилар, ўз-ўзини яхши ташкил этадиган бўлиб қоладилар. Уларда барқарор диққат, иродани, диққатни жалб эта олиш каби қобилиятлар ривожланади. Изчиллик билан таълим бериш натижасида билимга қизиқишлари ривожлана боради.

Болаларга билим беришни жамоа усулида олиб бориш катта аҳамиятга эга: биргаликдаги фаолиятда болалар бир-бирларига фаол таъсир этишади, ўз ташаббуси, топағонлигини намоён қилиш имконияти туғилади. Болалар олдига умумий зўр беришни талаб этувчи вазифа қўйилганда биргаликда қайғуришади, жамоачилик ҳисси шаклланади. Экскурсиялар, расм қирқиб ёпиштириш, қуриш-ясаш ишларини биргаликда бажариш, умумий рақс-ўйинларини ижро этиш, бадий асарларни эшитиш, ўқишда пайдо бўлган биргаликдаги кечинмалар болаларнинг бирлашган дўстона жамоасини яратишга ёрдам беради, бирга ишлаш, яшашга ўргатади. Машғулотда таълим бериш орқали болаларда мактабдаги ўқишга қизиқиш тарбияланади, жавобгарлик ҳисси, ўзини тута олиш, меҳнат қилишга интилиш одати, топширилган ишни бажариш каби тўғри сифатлар ҳосил қилинади.

Болаларни мактаб таълимига руҳий жиҳатдан тайёрлашни,

уларнинг бошланғич синфларда дастур материални яхши ўзлаштириб олишларини таъминловчи билим ва малакалар машғулотлар жараёнида ҳосил қилинади.

Машғулотларда болаларда мустақил фикр юритиш малакаси таркиб топтирилади, тарбиячиларга қулоқ солиш, уларнинг фикрига эргашиш, ҳикоя қилинаётган воқеадаги асосий ғояларни ажрата олиш, қисқача умумлаштириш каби малакаларни ривожлантиришга катта эътибор берилади.

Тайёрлов гуруҳларида машғулотлар орқали болаларда ташаббускорлик ва мустақиллик, билимга қизиқувчанлик, фалол тафаккур қилиш, таққослаш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш каби малакалар тарбиялаб борилади. Болаларда кутатувчанлик, жавобгарлик ҳисси такомиллаштириб борилади, уларда меҳнат қилиш малакаси ва хоҳиши тарбияланади.

Болаларни мустақилликка ўргатиш иши мунтазам амалга ошириб борилади.

Болалар боғчасида кичкинтойларни теварак-атрофдаги ҳаёт, табиат билан таништириш, уларнинг нутқини, энг оддий математик тасаввурларини ўстириш машғулотлари, мусиқа машғулотлари, тасвирий санъат машғулотлари, қуриш-ясаш, жисмоний тарбия машғулотлари олиб борилади.

Илк ёшдаги болалар билан олиб бориладиган машғулотлар катта ёшдаги кишиларнинг ҳар бир бола билан режали суратда муомалада бўлишидан иборат бўлиб, бу машғулотларнинг мақсади болаларнинг нутқи ва ҳаракатини ривожлантириб боришдир; бу эса болаларни машғулотларга тайёрлаш босқичидир; гўдаклар ихтиёрий диққат ўсиб борган сари, бундай машғулотлар бир неча бола билан, кейинчалик эса бутун гуруҳ болаларни билан бир йўла олиб борилади.

Машғулотларда таълим бериш болалардан ақлий ва жисмоний зўр беришни талаб этади, яъни у боланинг актив фаолияти билан боглиқ бўлиб, бола маълум натижага эришиш учун интилади, бу эса боладан узоқ давомли ихтиёрий диққатни талаб этади. Шунинг учун машғулотга тайёрланишда болалар ёшини, имкониятини эътиборга олиш зарур; машғулотнинг вақтини, кун тартибидаги ўрнини, дастурнинг ҳар хил бўлимларини тўғри алмаштириб туришни олдиндан ўйлаб, аниқ белгилаб олиш зарур.

Машғулотларни куннинг биринчи ярмида ўтказиш мақсадга мувофиқдир, чунки, биринчидан, бола эрталабки соатларда ақлий вазифани яхши бажара олади, хона табиий ёруғлик билан яхши таъминланган бўлади.

Ҳар бир ёш гуруҳида неча марта машғулот ўтказилиши, унинг мазмуни ва ҳар бир машғулот ёш гуруҳлари бўйича неча дақиқа давом этиши болалар боғчаси тарбия дастурида уларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда белгилаб берилган.

Биринчи кичик гуруҳда машғулот болаларни икки гуруҳга бўлган ҳолда ўтилади. Гуруҳлардаги болалар сони ҳар доим

бир хил бўлади. Машғулот сеткасини тузганда ҳафтада болаларнинг иш қобилияти юқорироқ бўладиган кун танланади. Маълумки, ҳафтанинг ўрталарида (сешанба, чоршанба, пайшанба) болаларнинг иш қобилияти юқори бўлар экан, бу кунларга болаларнинг актив фаолиятини талаб этувчи мураккаброқ машғулот танланади (элементар математика, нутқни ривожлантириш, саводга ўргатиш ва ҳ. к.). Жадвал тузганда бу машғулотларни биринчи қўйиш керак, болалардан кўп ҳаракат қилишни, ҳиссий нагрукани талаб этувчи машғулотлар (мусиқа, жисмоний тарбия, тасвирий фаолият) иккинчи қилиб қўйилади.

Болалар ўзлаштириб оладиган билимлар мазмуни тарбияловчи бўлиши керак. Боғча дастури мактабгача тарбия ёшидаги болаларда табиат ҳақидаги билимларни (булар табиатга муҳаббат уйғотади, ўсимликлар ва ҳайвонларга ғамхўрлик билан қараш ҳиссини тарбиялайди), таркиб топтиришини назарда тутаяди: билимларни ўзлаштириб олиш асосида болаларда жонажон шаҳрига, ўз ватанига, халқига муҳаббат, улуғ кишиларга муҳаббат ва ҳурмат, ўлканинг ижтимоий ҳаётига қизиқиш пайдо бўлади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ижтимоий ҳодисалар, воқеалар тўғрисида умумлашган тасаввурлар таркиб топади. Масалан, қўшни ўлкалардаги болаларнинг ҳаёти, оддий кишиларнинг меҳнати, бошқа халқларнинг ҳаёти ва дўстлиги ҳақидаги дастлабки билимлар асосида ватан тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар вужудга келади. Тарбиячи янги машғулотларнинг мазмунини белгилар экан, улар у ёки бу машғулотларда ўзлаштирилган билимлар билан қандай боғланишини ўйлаб кўради. Масалан, ошпаз, кутубхоначи билан ўқитувчининг меҳнати ҳақидаги билимлар хилма-хил меҳнат турлари ҳақидаги маълумотлар системасининг бир қисмидир. Почтадаги турли ходимлар меҳнати ҳақидаги билимлар — ижтимоий меҳнатнинг жамоа характери тўғрисидаги билимлар системасининг бир қисми. Меҳнатнинг ижтимоий характери, моҳиятини тушуниш учун бола шунга ўхшаш кўпдан-кўп меҳнат турлари билан танишиши лозим.

Машғулотнинг турлари. Дидактик мақсадига кўра машғулотлар қуйидаги хилларга бўлинади: болаларга янги билим берувчи машғулотлар, болаларнинг эгаллаган билимларини мустаҳкамловчи ва системага солувчи машғулотлар; болаларнинг билимини текширувчи-синовчи машғулотлар; комплекс машғулотлар.

1. Болаларга янги билим берувчи машғулотларни ўтказишдан мақсад — уларни янги билимлардан хабардор қилиш, те-варак-атрофдаги нарса ва буюмлар, воқеалар тўғрисидаги билимларини аниқлаш ва кенгайтиришдир. Бундай машғулотларга янги объектни кузатиш, ҳикоя қилиб сўзлаб бериш ва бошқалар киради. Мазкур машғулотлар ҳамма ёш гуруҳларида ўтказилади.

2. Болаларнинг тўплаган билим ва тажрибаларини мустаҳ-

камловчи ва системага солувчи машғулотлар. Ундан кўзланган асосий мақсад идрок этилган нарсаларни англаб олиш ва дастлабки умумлаштиришга ўргатишдир. Бунинг учун таниш объект кузатилади, икки нарса солиштирилади (хона ўсимликлари, дарахтлар, ҳайвонлар), дидактик ўйинлар, суҳбатлар ўтказилади. Бундай машғулотни ўтказиш орқали тарбиячи болалар нимани яхши ўзлаштириб олган-у, нима яхши ўзлаштирилмаганини билиб олади. Тарбиячи машғулот жараёнида болаларнинг билимини янги нарсалар — деталлар билан боийтиб боради.

3. Болаларнинг билимини сиповчи машғулотлар. Бундай машғулотлардан мақсад тарбиячи болалар дастур бўйича ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ва малакаларни ўзлаштириб олдиларми-йўқми, шунни билиб олади ва ўзининг бўлажак иш мазмуни, методини белгилайди. Машғулотни тарбиячи ўз хоҳиши билан квартал, ярим йил ва йилнинг охирида, шунингдек мудира ва методистнинг илтимосига биноан ўтказиши мумкин.

4. Комплекс машғулотлар болалар боғчаси тажрибасида кенг тарқалган бўлиб, бундай машғулотларда болаларга янги билим берилади, эгалланган билимлар мустаҳкамланади ва такрорланади, системага солинади, олган билим ва малакаларини амалда қўллашга ўргатилади. Болалар боғчасида тасвирий фаолият конструкциялаш, товарак-атрофдаги ижтимоий ҳаёт ва табиат билан таништириш, нутқни ўстириш, савод ўргатиш, энг оддий математик тасаввурларни ривожлантириш, мусиқа ва жисмоний тарбия машғулотлари ўтказилади. Машғулотга тўғри тайёргарлик кўрилиб, уюшган ҳолда ўтказилганда, болалар олдига маълум ақлий вазифа қўйилган тақдирда, уларнинг фикрлаш фаолияти ривожланади. Ақлий вазифаларнинг бирлиги ва муайян қийинчилик болаларни уюштиради ва уларнинг диққатини маълум томонга йўналтиради. Энг аввало боланинг ақлий вазифани ҳал этиш йўлидаги қийинчиликни енгиш имконияти туғилади, натижада болада фаолиятга қизиқиш уйғониб, у малакани эгаллаш учун мустақил интилади, ўйлайди ва вазифанинг улдасидан чиқиш учун фаҳм-фаросатини ишга солади.

Нусха олиш тарзидаги вазифани бажариш натижасида бола тарбиячининг кўрсатмаси, намунасига қараб малака ва кўникмаларни ўрганади. Бу болаларнинг амалий ва ақлий фаолият усулларини эгаллаб олишлари учун зарурдир. Болалар қаламни, мўйқаламни, қайчини ушлашни, расм чизиш, нарса ясаш, солиштириш, умумлаштириш, абстракциялашни ўрганадилар. Тарбиячи бир нарсанинг ҳадеб такрорланаверишига йўл қўймаслиги керак.

Машғулотнинг тузилиши. Машғулот қўйидаги тузилишга эга: болаларни уюштириш, асосий қисм, яқунловчи қисм.

Болалар машғулотга қизиқиб қатнашишлари ва унда фаол иштирок этишлари учун унинг мазмуни ва методикаси яхши-

лаб пухта ўйлаб олиниси керак. Болалар ўқув фаолиятини қанчалик пухта эгаллаб олсалар, тарбиячини эътибор билан тинглаб, ўйиндан машғулотга осонлик билан ўтадилар.

Болаларни уюштириш. Тарбиячи болаларни йиғиб, уларнинг машғулотга тайёрлигини текширади: ташқи кўриниши, жой-жойига тўғри ўлтиришганлиги, диққатини тўплаганини синаб кўради.

Машғулот муваффақиятли ўтиши учун болалар олдида турган фаолиятга қизиқиш уйғотиши, бунинг учун болаларнинг ёши, қизиқиши, фаолиятига мос ҳар хил усулларни қўллаши керак.

Кичик гуруҳ болаларида машғулотга қизиқиш уйғотиш учун болаларни қизиқтирадиган мазмундаги, кутилмаган, топишмоқли усуллардан фойдаланади. «Қулоқ солинглар-чи, кимдир эшик қоқяпти! Бу қўғирчоқ бизникига меҳмонга келибди»,— деб машғулотни бошлаш мумкин. Болаларнинг нарсалар ва уларнинг нимага ишлатилиши тўғрисидаги тасаввурини тартибга солувчи машғулот мана шундай бошланади.

Катта гуруҳларда қандай машғулот бўлишини тарбиячи болаларга олдиндан айтиб қўяди. Бу болаларнинг бўлажак машғулотга қизиқишини орттиради. Масалан, мустақиллик майдонига экскурсияга боришни болаларга бир ҳафта олдин айтиб ўтади ва уларга расмларни кўришни, ота-онаси билан сайр қилганда нималарни кўрганини эслашни таклиф этади. Болалар бу кунни зўр қизиқиш билан кутишади.

Катта ва тайёрлов гуруҳларидаги болалар машғулотнинг зарурлиги ва мажбурийлигини тушунишлари, унга онгли равишда тайёрланишлари зарур.

Асосий қисм. Машғулотда болаларга янги билим берилади, топшириқни бажариш юзасидан йўл-йўриқ кўрсатилади, қийналган болаларга ёрдам берилади. Болалар билан бўладиган жамоачилик муносабатларини алоҳида муносабат билан қўшиб олиб борилади. Топшириқни бажаришни ҳамма болалар удалай олишлари учун тарбиячи ҳар хил метод ва усулларни қўллайди.

Машғулотнинг бошланишиданоқ болаларнинг диққатини ташкил эта билиш керак. Бу болалар олдида қўйилган ақлий вазифага боғлиқ. Болаларга қандай ишлар олиб бориш зарурлиги кўрсатилади ва тушунтирилади, уларни айрим болаларга алоҳида такрорлаш шарт эмас, балки ҳамма болаларни эътибор билан эшитиб ўтиришга ўргатиш керак. Зарурат туғилсагина такрорлаш мумкин.

Боғчадаги болалар ўқиш, ёзишни билмаганлари учун ўтилган материални қайтариб мустаҳкамлай олмадилар, шунинг учун болаларга берилган билимни мустаҳкамлаш учун тарбиячи такрорлаш ва машқ қилдириш усулларидан фойдаланади. Механик қайтариш, ёдлатишдан қочиш керак, чунки англаб олинмаган материал тезда эсдан чиқади.

Қайтариш, машқ қилдиришда тарбиячи фикрларни тўлди-

риб, тартибга солиб боради, бу болаларда билимга қизиқиш уйғотади ва шу нарса тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларини чуқурлаштиради. Машғулотни дастур мақсади ва болалар ёшига қараб мустақкамлашнинг ҳар хил усуллари қўлланилади.

Болалар ўзлаштириб олиши ва жавоб қилиши керак бўлган материал сўз орқали амалга оширилади. Шунинг учун у ёки бу ишни бажаришда болалардан уни қандай амалга оширмоқчи эканини сўз билан тушунтириб бериш талаб этилади (масалан, сон-саноққа ўргатишда, қуриш-ясашда, расм чизганда қандай қилиши, қандай тартиб билан бажариши, бунинг учун қандай материалдан фойдаланишни тушунтириб бериши талаб этилади).

Мустақкамлаш жараёнида дидактик материал билан бажариладиган машқ ақлий вазифани ўз ичига олса, болаларда мустақилликни тарбиялашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Масалан, сон-саноқ машғулотида болалар санаш материали билан ўзлари машқларни мустақил бажаришади: тарбиячининг топшириғига қараб нарсалар сонини камайтиришади ёки кўпайтиришади. Бунинг учун ўйинчоқлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Машғулот давомида педагог ҳамма болалар фаол қатнашишини ва ишни ўз вақтида пухта амалга оширишларини назорат қилиб боради. Агар машғулот якка тартибда олиб бориладиган бўлса (расм, лой ва пластилидан нарсалар яшаш, қуриш-яшаш, конструкциялаш), болалар ишни ҳар хил вақтда бажарганликлари учун тарбиячи машғулот тугашига бир неча дақиқа қолганда машғулотни тугатиш кераклиги тўғрисида уларни огоҳлантиради.

Машғулотни тугатаётиб, тарбиячи ўтказилган машғулотга якун ясайди: бажарилган ишни болалар билан биргаликда баҳолайди, болаларнинг машғулотда қатнашганини гапиради, баъзан келгуси машғулотда нималар ўтишларини айтади.

Болаларнинг ўқув фаолиятини яхши эгаллаб олишлари улар билимини тўғри баҳолашга боғлиқ.

Қўйилган вазифанинг бажарилишига қараб баҳо берилиши керак. Боланинг ишини тўғри баҳолаб, «тўғри» ёки «нотўғри» дейиш бола учун оддий мақтовдан анча қимматлидир.

Иш қанчалик яхши таҳлил қилинса, у боланинг келгусида ишини тузатиб олишига яхшироқ имконият яратади.

Машғулотдан кейин тарбиячи болаларни ўйинга таклиф этади, бошқа машғулот бўлмаса, сайрга тайёрланишади.

Машғулотда тарбиячининг болаларга қўядиган талаби уларнинг ёши ва имкониятларига мос бўлиши керак. Биринчи кичик гуруҳ болаларини иккига бўлиб машғулот ўтилади. Тарбиячи биринчи гуруҳ болалари билан машғулот ўтказганда иккинчи гуруҳ болаларига энага қараб туради. Тарбиячи машғулот пайтида ҳамма болаларнинг фаол қатнашишларига ҳаракат қилади: саволга тўғри жавоб беришларини, кўрсатиш-

ган нарсанинг номини айтишларини, расм чизишларини, нарса ясашлари ва ҳоказоларни кузатадн.

Агар болалар иккинчи кичик гуруҳга янги келган бўлишса, дастлабки 1—2 ҳафтада тарбиячи фақат хоҳлаган болалар билангина машғулот ўтказади: болалар янги шароитни яхши ўзлаштириб олганларидан кейингина ҳамма болалар билан машғулот ўтказилади.

Дастлабки машғулотларда тарбиячи болаларни гуруҳ хонаси, қўғирчоқ ва ўйинчоқлар билан таништиради. Қўғирчоқлар ёрдамида машғулот ўтказади. Тарбиячи аввал болаларда машғулотга қизиқиш уйғотади, кейин эса машғулотнинг ҳамма учун мажбурий эканлигини секин-аста болалар онгига сингдириб боради.

Секин-аста машғулот болалар хулқига мослаб мураккаблаштириб борилади. Улар машғулот пайтида ахлоқ қондаларини эгаллаб оладилар: тўғри ўтириш, чалғимаслик, тарбиячи ва ўртоқларини диққат билан эшитиш, тарбиячи сўрагандагина жавоб бериш, жавоб берганда ўрнидан туриш, керак бўлса столнинг олдига бориш ва ҳоказоларни ўрганадилар.

Катта болалар ўзларини тез ташкил эта билишлари лозим: бир фаолиятдан иккинчи фаолиятга осонлик билан ўтишлари, машғулот вақтида иш жойларини озода сақлашлари, расмга қараб сўзлаганда кўрсаткичдан фойдаланишлари, жавоб берганда гавдаларини тўғри тутиб туришлари, нутқлари тушунарли бўлиши, етарли даражада баланд овозда гапиришлари, тўла жавоб беришлари, машғулотдан кейин ўз иш жойларини йиғиштириб қўйишлари керак.

Машғулот пайтида талабни бажариш ахлоқ нормасига айланаб қолиши керак. Бу икки нарса асосида шаклланади, биринчиси тарбиячининг обрўсига асосланганда, иккинчиси маълум талабнинг ривожланиши билан (уқиб олиш ва бажариш учун эшитиш керак, қизиқарли бажариш зарур) амалга оширилади. Ташқаридан қараганда болалар хулқида ҳеч қандай фарқ кўринмайди — бу одатдаги интизомга бўйсунининг натижаси, иккинчидан, бу ўқув фаолияти ривожланганлигининг белгиси, таълимнинг таъсиридир.

Машғулотда ахлоқ қондаларига рўя қилиш болаларни мактабга тайёрлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, мактаб таълимига маданий тайёргарликнинг ҳиссий-ахлоқий қисми ҳисобланади.

Тарбиячининг машғулотга тайёрланиши. Машғулотнинг сифати ва унинг натижаси тарбиячининг унга қандай тайёргарлик кўрганига боғлиқ. Машғулотга тайёрланиш мазмунига қуйидагилар киради: машғулотни режалаштириш, керакли жиҳозларни тайёрлаб қўйиш, болаларни машғулотга тайёрлаш.

Тарбиячи бир бўлимдан битта эмас, балки бутун бир машғулотлар системасини режалаштиргандагина маълум натижага эришиши мумкин. Масалан: «Қийим қандай тикилади?» мавзусини режалаштиришда бир қанча машғулотларни белгилаб

чиқади: кийимни қандай тикиш тўғрисида гапиради ва тикиш учун керакли нарсаларни кўрсатади; яқинроқдаги ательега экскурсияга борилади, газламалар тўғрисида суҳбат ўтказилади. Биринчи машғулотда болаларнинг тикиш ва кийим тўғрисидаги билимлари аниқланади; болалар тикув машинаси ва тикиш учун керак бўладиган бошқа асбоблар билан танишишади; тарбиячи болаларга уларни кўрсатиб, гапириб беради, қисман тикиш жараёнини кўрсатади.

Иккинчи машғулотда болалар ательедаги асбоб-анжомларни, тикувчиларнинг иш жараёнини кузатишади, техник мосламалар (электр тикув машиналари, дазмоллайдиган механик пресслар, электр қайчилар) билан танишишади ва қандай кийимлар тикилишини билиб олишади. Учинчи машғулотда болалар ҳар хил матодан тикилган кийимлар билан танишиб, уларни бир-биридан фарқлашга ўргатилади.

Шундай қилиб, тарбиячи ҳар бир машғулот мазмунини конкретлаштиради, бажариш усулларини танлайди, бунда албатта болаларнинг ёши ва имкониятлари эътиборга олинади.

Баъзи бир машғулотларга олдиндан тайёргарлик кўрилади ва у режада ҳам акс эттирилади. Масалан, «Бизнинг байрам» деган мавзудаги расм машғулотидан олдин болалар билан байрамона безатилган кўчаларга сайр уюштириш, расмларни кўриш, ойнан жаҳон орқали кўрсатилган байрам эшиттиришлари бўйича суҳбат ўтказиш мумкин. Тайёргарлик ишлари болаларнинг машғулотга ҳиссиёт тайёргарлигини таъминлайди. Тарбиячи машғулотнинг боришини батафсил ўйлаб кўради. Унга ажратилган вақтдан самарали фойдаланишга интилади.

Масалан, юқорида айтиб ўтилган «Кийим қандай тикилади?» мавзусига оид биринчи машғулотнинг бориши қуйидагича бўлиши мумкин: педагог болаларга бир-бирларининг кийим-бошларини кўздан кечириш ва бу ҳақда гапириб беришни таклиф этади. Агар 3—4 боладан сўралса, бунга 3—4 дақиқа керак бўлади. Кейин тарбиячи: «Кийимларингизни ким тикиб берган?», «Магазиндан тайёр ҳолда сотиб олинadиган кийимлар қаерда тикилишини ким биледи?», «Тикиш учун қандай буюмлар керак?» деган саволларни беради. Бу саволларга жавоб бериш ҳам 3—4 дақиқа вақтни олади. Шундан кейин болаларга газлама, андаза, қайчи, сантиметр, игна, ангишвона, тикув машинасини кўздан кечириш ва ҳар бир буюмнинг вазифасини сўзлаб бериш таклиф этилади. Бунга 8—10 дақиқа вақт кетади. Шу машғулотнинг ўзида тарбиячи қўғирчоқ кийими тикишнинг айрим жараёнларини, андаза бўйича фартукни бичиб олиш, тикув машинасида чўнтакни тикиш, қўлда тугмаларни қадаш ва тикишдаги кетма-кетлик ҳақида гапириб бериши керак. Бундай машғулот 20—25 дақиқа давом этади.

Машғулотга тайёргарлик кўришда тарбиячи тегишли методик адабиётлардан фойдаланади.

Мураккаб машғулотларга тайёрланиш конспект тузишни тақозо этади. Унда машғулотнинг мазмуни (таълим ва тар-

биявий вазифалар), тайёрланиши керак бўлган жиҳозлар, болалар билан олиб бориладиган дастлабки ишлар (агар бунга зарурат бўлса), машгулотнинг бориши ва тарбиячи фойдаланадиган методик усуллар кўрсатилади. Машгулот жараёнини баён этиб ёзишда машгулотнинг боши ва охирида (якун чиқариши ва кейинги фаолият турига ўтишда) болаларни уюштиришни алоҳида ажратиб кўрсатиш керак.

Машгулот муваффақиятли ўтиши учун жиҳозларни ўз вақтида тайёрлаш зарур. Уларни танлаш машгулотнинг мазмунига ва тарбиячи белгилаган методик усулларга боғлиқ.

Одатда методика кабинетида «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури»нинг ҳамма бўлимлари бўйича методик қўлланмалар бўлади. Етишмаганини тарбиячи ўзи тайёрлайди, баъзан бу ишга катта ва тайёрлов гуруҳлари болаларини жалб этади. Машгулот учун керакли материалларни бир кун илгари тайёрлайди, унинг бузуқ эмаслигини, дидактик материаллар ҳамма болалар учун етарли эканлигини текширади.

Агар тарбиячи экскурсия ўтказадиган бўлса, у олдиндан экскурсия ўтказиладиган жойга бориб келиши, кузатиш учун объект танлаши, болаларни қандай жойлаштиришни ўйлаб қўйиши, энг яқин ва хавфсиз маршрутни танлаши керак. Майда саноқ материали, расм машгулоти, аппликация, қуриш-ясаш учун материаллар, шеър, эرتак матнлари олдиндан тайёрлаб қўйилади. Баъзи машгулотларга тайёргарлик анча олдин бошланади. Масалан, кичик гуруҳ болаларига экиш ёки кўчат ўтказишга қизиқиш уйғотиш учун уларга кўкариб турган ўсимликни кўрсатиш керак. Бунинг учун уни аввал етиштириш зарур.

Навбатчилар машгулотга керакли жиҳозларни тайёрлайдилар, стол, стулларни қулай қилиб жойлаштирадилар, қўлланма ва материалларни қўйиб чиқадилар. Жисмоний тарбия ва муסיқа машгулотларидан олдин болалар пойабзални алмаштирадилар, спорт формасини киядилар.

Машгулотларда тарбиячининг етакчилик роли ва уни ўтказишга тайёргарлиги. Тарбиячи болалар боғчасида асосий шахс ҳисобланади. Бутун ғоявий-тарбиявий ишларнинг сифати ва қолаверса, келажак авлодни тарбияланганлик ва билиш даражаси тарбиячининг гоёвий-сиёсий ва илмий-педагогик тайёргарлигига, жавобгарлик ҳиссига, педагогик маҳоратига ва ишга бўлган ижодий муносабатига боғлиқ.

Боланинг ўқув фаолиятига бўлган муносабати кўпроқ унинг тарбиячи шахсига муносабати билан белгиланади.

Тарбиячининг ўзига хос хусусияти — унинг юксак касб маҳоратидир. Энг муҳими — боланинг руҳиятини, ёш ва ўзига хос руҳий-физиологик хусусиятларини билишдир.

Болалар боғчаси дастури болаларнинг ёшини, жисмоний ва руҳий хусусиятларини ҳисобга олиб тузилгани билан ҳар бир боладаги алоҳида руҳий хусусиятнинг қай вақтда қандай намоён бўлишини олдиндан кўра олмайди, бу иш дастурда яхши тайёрланган тарбиячининг зиммасига юкланади.

Тарбиячи ўз гуруҳидаги ҳар бир боланинг жисмоний томондан яхши ривожланиши, унинг олий нерв фаолияти яхши ишлаши, шунингдек ақлий, ахлоқий, меҳнат, эстетик томондан нормал тарбияланиши учун яхши шарт-шароит яратди. Тарбиячи ҳар бир боладаги ўзига хос хусусиятларни яхши билган ҳолда ундаги ўзига хос хусусиятларни (зарарли бўлса) йўқота бориб, болага нисбатан қулай талаб қўяди.

Тарбиячи ҳар бир боланинг келажакда ҳақиқий инсон бўлишига ёрдам берадиган сифатларини ва имкониятини ривожлантириши лозим. Мактабгача тарбия ёши даврида тарбиячининг болага шахсий таъсири жуда катта бўлади. Чунки бу даврдаги ҳар бир таассурот боланинг хотирасида бир умрга сақланиб қолади.

Болани тушуна билиш ва унинг маънавий дунёсига кира олиш тарбиячидан зўр касб тайёргарлигини талаб этади. Бола билан жонли муносабатда бўлиш — фикрлар манбаи, педагогик янгиликлар, қувонч ва ташвишлардирки, бусиз тарбиячининг ижодий меҳнатини тасаввур этиб бўлмайди.

Машғулотда тарбиячи ўз овозидан қурол сифатида фойдаланиши мумкин. Секин, тинч овоз болага яхшироқ таъсир этишини педагог билиши зарур. Болага қаттиқроқ ва қатъий гапириш мумкин, ammo бунда сўз оҳанги болага тинчлантирувчи таъсир этиши лозим.

Тарбиячи асосан боланинг нормал руҳий тараққиёти асоси бўлган жисмоний ривожланишига алоҳида эътибор бериши лозим.

Боланинг кўп вақт ҳаракатсиз ўтириши унинг соглиги учун жуда зарарли, у боланинг ҳар томонлама ривожланишини секинлаштиради.

Боланинг кўп ҳаракатларни ўтириб бажариши ҳам гавда тузилишининг нотўғри ўсишига олиб келади. Шунинг учун фаолият турларини алмаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Яна боланинг нормал ривожланиши учун ҳар доим тинч, қувноқ муҳитни ташкил этиш лозим. Болани: «Тезроқ ювининглар — нонуштага кеч қоляпмиз», «Ўйинчоқни тезроқ йигиштиринглар, сайрга ёки машғулотга кеч қоляпмиз» ва ҳоказо деб шошилтириш керак эмас.

Таълим берганда уни шундай ташкил этиш керакки, ҳар бир бола фаол ишласин ва ҳар бири ижобий натижага эришсин.

Болаларнинг машғулотда олган билим ва малакалари бошқа фаолият турларида қўлланилиши мумкин. Болалар олган билимларини қўллай олишлари уларнинг яхши ўзлаштириб олганлигидан далолат беради, яъни улар ҳеч қандай қийинчиликсиз бу билимлардан фойдаланишлари мумкин. Таълимнинг амалий аҳамияти ҳам ана шундан иборатдир.

Агар болалар етарлича билим ва малакаларга эга бўлса, улар билан хилма-хил машғулотлар ўтказиш мумкин, бу машғулотларда болалар мавжуд билимлардан ижодий фойдала-

нишлари: бемалол расм чизишлари, бирор нарсани қуриш ёки ясашлари, ҳикоя қилиб беришлари мумкин. Бу машғулотлар одатдаги машғулотлардан бошқачароқ қилиб ташкил этилади: болалар ихтиёрига ҳар хил материаллар берилади ва уларга расм мавзусини ўзи белгилаш, қурилишни ўзи ўйлаб топиш, ҳикоя тузиш имконияти яратилади. Бундай машғулотлар дастурнинг айрим бўлимлари бўйича таълимнинг яқунловчи босқичларида ўтказилади.

Болалар олган билимларидан ўз ўйинларида кенг фойдаланидилар: расм чизиш, қирқиб олиш, қуриш-яасаш соҳасидаги малакаларни қўллаб зарур жиҳозларни тайёрлайдилар, иншоотлар барпо этадилар ва ҳоказо. Олинган билимлар турли хил ўйинларнинг мазмунида акс эттирилади.

10-§. ЭКСКУРСИЯ ТАЪЛИМ БЕРИШ ШАКЛИДИР

Экскурсия болаларга таълим беришнинг махсус шаклидир. Машғулотдаги каби экскурсияда ҳам дастур мазмуни билан боғлиқ таълим-тарбия вазифалари қўйилади ва ҳал этилади. Машғулотда бўлгани каби экскурсияда ҳам ҳамма болалар қатнашади. Аммо болалар фаолиятининг мазмуни, ташкил этилиш шакли ва таълим бериш системасига кўра, экскурсия болалар боғчасида таълимни ташкил этишнинг махсус ялпи шаклидир. Болаларни табиат билан таништиришда экскурсиядан кенг фойдаланилади. Бундай экскурсиялар йилнинг ҳар хил фаслларида далага, ўрмонга, шаҳар боғларига, ўтлоққа, сув манбаларига уюштирилиши мумкин. Болаларни катталарнинг турли хил меҳнати, меҳнат натижалари, ҳар хил ижтимоий воқеа ва ҳодисалар билан таништириш учун ҳам экскурсиялар ўтказилади.

Экскурсиядан кўзланган асосий мақсад — болаларнинг те-варак-атрофдаги ҳаёт тўғрисидаги тасаввур ва таассуротларини шакллантиришдир.

Шунга кўра экскурсияда асосан кузатиш методидан фойдаланилади. Бунда кузатиш бир неча марта такрорланиши мумкин. Экскурсия жараёнида тарбиячи кузатилаётган объект тўғрисида болаларга сўзлаб беради, тушунтиради.

Катталар меҳнати билан таништиришда ўша жойдаги ишчи ёки хизматчи билан суҳбатлашилади. Имконият бўлса, экскурсияни болаларнинг ўзлари катталарнинг меҳнатида қўлларидан келган ишлари билан қатнашадиган қилиб режалаштириш (ҳайвонларни овқатлантириш, бирон нарсани ташиб келишга ёрдам бериш) мумкин. Экскурсияга киритилган у ёки бу метод болаларга бериладиган ҳар хил топшириқлар, умумий вазифа нуқтаи назаридан режалаштирилиши ва болаларнинг кузатилаётган объект тўғрисидаги тасаввурлари конкретроқ, таассуротлари янада ёрқинроқ, таъсирчанроқ бўлишини таъминлаши керак.

Экскурсия вақтида баъзан режалаштирилмаган воқеа, ҳодисаларни кузатишга тўғри келиб қолади. Шунинг учун тар-

биячи экскурсияга олдиндан пухта тайёргарлик кўриши лозим (болаларнинг диққатини керакли объектга қарата олиши, уюшқоқлик, интизомлиликни сақлашга ўргатиши керак). Экскурсия учун машғулотга нисбатан кенгроқ мазмунни ўз ичига оладиган таълимий вазифа белгиланади. Экскурсиянинг жойи, тузилиши, методи, ундан кўзланган таълим вазифаси мазмунга қараб белгиланади. Экскурсияга тайёрланишда унинг яқин-узоқлиги, экскурсияда болалар йиғадиган нарсалар, унинг учун керакли асбоблар, уларни қандай жойлаштириб олиб бориш олдиндан пухта ўйлаб режалаштириб чиқилади.

Болаларда экскурсияга қизиқиш уйғотиш учун уларга ғаерга экскурсияга боришлари, ундан кўзланган мақсад тўғрисида тарбиячи қисқача сўзлаб беради.

Экскурсияга тарбиячи болалар билан биргаликда тайёргарлик кўради, олиб бориладиган жиҳозлар болалар билан биргаликда танланади, жойлаштирилади ва кимлар нимани олиб бориши белгиланади, тарбиячи болаларга экскурсияда ўзларини қандай тутишлари кераклигини эслатади. Бундай экскурсияларни мазмунли ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказишда тарбиячининг раҳбарлик роли муҳим аҳамият касб этади.

Кузатишларни ташкил этишда шундай жой ва объектни танлаш керакки, натижада болалар кузатиладиган объектнинг энг муҳим хусусиятнини кўра оладиган бўлишлари зарур. Болаларни кузатиладиган нарсалар билан бевосита боғлиқ бўлмаган саволлар билан чалғитмаслик, уларга қандайдир бошқа воқеалар ҳақида гапирмаслик керак.

Кузатишлар билан боғлиқ бўлган машғулотларнинг мазмуни аста-секин мураккаблашиб боради. Анча мураккаб кузатиш объекти танланади, унинг режаси тузилади, ҳодисаларнинг янги томонларига қараб чиқилади, улар ўртасидаги боғлиқликни билишга ўтиш белгиланади.

Кузатишлар фақат машғулотларда эмас, балки кундалик ҳаётда ҳам ташкил этилади. Улар қисқа муддатли (об-ҳавони, қушлар, балиқлар, ҳайвонлар хатти-ҳаракатини кузатиш) ва узоқ муддатли (ўсимликларнинг ўсиши, мавсумий ҳодисаларни кузатиш) бўлиши мумкин.

Боғчадан ташқарига ташкил этиладиган экскурсиялар ўрта гуруҳдан бошлаб режалаштирилади. Кичик гуруҳ болалари билан экскурсиялар асосан гуруҳ хонасига, боғча майдончасига, ошхонага ва шунга ўхшаш объектларга режалаштирилади ва тарбиячининг бевосита раҳбарлигида ўтказилади.

11-§. АҚЛИЙ ТАРБИЯ ВА ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Болаларга таълим бериш жараёнида тарбиячи ҳар хил метод ва усулларни қўллайди. Болалар боғчаларида кенг қўлланадиган методлар системасига қуйидагиларни киритиш мумкин: кўргазмали, оғзаки, амалий, ўйин методлари. Булар қуйидагиларни ўз ичига олади:

<i>Кўрсатмали:</i>	<i>оғзаки:</i>	<i>амалий:</i>	<i>ўйин:</i>
кузатиш	тушунтириш	машқ	дидактик ўйинлар
кўрсатиш	ҳикоя қилиб	мустақил	ҳаракатли ўйинлар
намойиш	бериш	иш, оддий	машқ-ўйинлар,
қилиш	сўзлаб бериш	тажриба	инсценировкалар
ТВ дан	ўқиб бериш		
фойдаланиш	суҳбат		
	педагогик		
	баҳо		

Болаларга таълим беришдан мақсад уларни аҳлий томондан ривожлантириш бўлганлиги сабабли юқоридаги методлардан шундай фойдаланиш лозимки, улар болаларда мустақил фикрлаш, танқидий ҳулосалар чиқаришга имкон берсин. Методлар таълимнинг мазмунига қараб танланади. Агар таълим бериш методи машғулотнинг маълум бир қисмига ёки айрим машғулотга қўлланилса, унда метод қисмларга бўлиниб, усулга айланиб кетади.

Усул — бу методнинг бир қисми. Усул мустақил вазифани ҳал этмайди. Метод бажарадиган вазифага бўйсунди. Шунинг учун битта усулни ҳар хил методда қўллаш мумкин ёки ҳар хил тарбиячилар битта методга ҳар хил усул қўшишлари мумкин.

Методларнинг ҳар бир гуруҳи тарбиячи ва болалар фаолиятининг ўзига хослигини белгилаб беради.

Кузатиш методи болаларни теварак-атрофдаги ҳаёт билан таништириш имконини беради, бунда болалар кўриш, эшитиш, сезиш идроклари орқали билимларни эгаллаш имконига эга бўладилар. Бу асосан янги билим беришда қўлланилади.

Кузатиш — боланинг нарса, буюм ва воқеаларни маълум мақсад билан режали равишда идрок этишидир; бунда идрок, тафаккур, нутқ бир-биринга фаол таъсир этади. Кузатиш методи орқали тарбиячи болаларни нарса ва буюмларни таққослашга, сабаб-оқибат боғланишларини фарқлашга, нарса-буюмлар ўртасидаги боғлиқликни уларнинг ўзига хос белги ва сифатларини ажрата билишга ўргатади.

Кузатиш методи маълум мақсадга қаратилган сайр, экскурсияларда, жонли объектларни (ҳайвонлар, ўсимликларни) кузатишда етакчи ўрин эгаллайди. Кузатишни болаларнинг фаол иштирок этиши билан боғлаб олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Кузатишда солиштириш усулидан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради. Агар кузатиш болаларнинг амалий фаолиятлари билан қўшиб олиб борилса, янада яхши бўлади: булар тасвирий фаолият, қуриш-ясаш, оғзаки нутқ, яъни кузатган нарсаларни амалда қўллай билишдир.

Намойиш этиш методи. Бу методда тарбиячи болаларга нарсанинг ўзини ёки тасвирини кўрсатади. Кўрсатиш сўз би-

лан қўшиб олиб борилади. Бу асосан бевосита кузатиб, кўриб бўлмайдиган нарсалар билан таништиришда (бошқа табиий зонадаги ҳайвонлар, кишилар, ўсимликлар ҳаёти ва шу каби-лар) қўлланилади.

Кўрсатиладиган материаллардан болаларнинг таниш нарсалар тўғрисидаги тасаввурларини аниқлаш, кенгайтиришда фойдаланилади.

Техникавий воситалардан фойдаланиш — болалар боғчаси-да таълим жараёнини қизиқарлироқ ўтказишни таъминлайди, теварак-атроф билан таништириш имкониятини кенгайтиради. Техникавий воситалардан тарбиячи катта ва тайёрлов гуруҳ-ларида фойдаланади. Эпидиаскоп тасвирланаётган нарсани катта қилиб кўрсатиш имконини беради, керак бўлса уни эк-ранда ушлаб туриш мумкин. Кичик гуруҳдан бошлаб бола-ларга буюмлар, предметли ва сюжетли расмлар, эртақларга, ҳикояларга ишланган суратлар кўрсатилади. Бу — буюм ва нарсаларни изчиллик билан идрок этиш имконини беради, ку-затувчанликни, синчковликни ўстиради.

Ҳикоя қилиб бериш — фактик материални жонли, образли, таъсирчан баён қилиш, билимларни маълум тартиб ва изчил-лик билан идрок этиш имконини беради. Маҳорат билан сўз-лаб бериш болаларнинг ҳаёли, тафаккури ва нутқини ривож-лантиради.

Ўрта гуруҳдан бошлаб бадний асарларни ифодали ўқиб бе-риш болаларга таълим беришда ва уларнинг ақлий ривожла-нишида муҳим аҳамият касб этади ҳамда мустақил метод си-фатида қўлланилади.

Суҳбат болалар боғчаси дидактикасида муҳим ўринни эгал-лайди. Бунинг моҳияти шундаки, тарбиячи болаларнинг билим ва амалий тажрибаларига суяниб, саволлардан фойдаланган ҳолда уларни янги билимларни эгаллаш ва мустақамлашга олиб боради. Суҳбат 3—4 ёшли болалар билан ўтказилмайди. 4—5 ёшли болалар билан ҳам суҳбат мустақил машғулот си-фатида ўтказилмайди. Бу ёшда кузатиш қисқа суҳбат билан қўшиб олиб борилади (нарса ва буюмларни, расми кузатиш жараёнида). 6 ёшдан бошлаб суҳбат мустақил машғулот тар-зида ўтказилиши мумкин.

Ахлоқий мавзудаги суҳбатлар алоҳида тарбиявий аҳамият касб этади. Бундай суҳбатга болалар, атрофдаги катталар ҳаётдан олинган фактлар яхши материал бўлади. Масалан, сайрдан қайтаётиб Қомил эшик олдида ҳамма болаларни тур-тиб, биринчи бўлиб ечиниш хонасига киради; унинг энага би-лан сўрашмагани, катталарга стул таклиф этмаганлиги «Қандай кишини биз хушмуомала, эътиборли, одобли, ғамхўр киши деб айта оламиз» деган ахлоқий суҳбатга мавзу бўла олади.

Амалий метод. Бу метод тарбиячига болаларнинг турли-ту-ман амалий фаолиятларини ташкил этишга, билим, малака, кўникмаларни эгаллаб олишига ёрдам беради. Бу метод ор-қали бола нарса ва буюмларнинг ўзига таниш бўлмаган хусу-

сиятларини биллиб олади. Тарбиячининг амалий машғулотда болалар олдига вазифа қўйиши болалардан машқ қилишни талаб этади. Шу орқали болалар билим, малака, кўникмаларни эгаллаб оладилар. Боғча таълимида ўйин методи катта ўрин эгаллайди. Бу метод дидактик вазифани тушунарлироқ, қизиқарлироқ, болаларнинг ёш имкониятларига мосроқ, таълимни эса қизиқарлироқ қилиб ташкил этишга ёрдам беради.

Ўйин таълим бериш методларидан бири сифатида болаларнинг ихтиёрий диққатларини оширади. Ўйин — бола иродасини ва ижодий фикрлашини ривожлантиришнинг энг ажойиб мактабидир.

Болаларга билим беришда таълим методлари ва уларни танлаш материалнинг мазмунига, болаларнинг ёшига ва тайёргарлик даражасига боғлиқ. Агар тарбиячининг олдида мактабгача тарбия ёшидаги болаларни буюмлар, ҳайвонлар, қушлар билан таништириш вазифаси турса, уларни кўздан кечириш, кузатиш ёки тегишли суратлар, диафильмлардан фойдаланиш энг мақсадга мувофиқ методлардан биридир; агар болалар ҳайвонни билсалар-у, лекин унинг ҳақидаги тасаввурларини аниқлаш талаб этилганда суратдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир; агар ҳайвонларнинг хатти-ҳаракати тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш зарур бўлса, бадний асарлардан фойдаланиш мумкин. Болаларнинг ёши ёки тайёргарлик даражасига қараб тарбиячи таълимнинг турли хил метод ва усулларини қўллайди: масалан, кичик гуруҳда ҳикоя қилишга ўргатиш учун суратлар ёки ўйинчоқларни кўздан кечириш, ўрта гуруҳда — кичикроқ эртақ ёки ҳикояларни қайтадан гапириб бериш, суратга қараб ҳикоя қилиш, катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида — режа бўйича, бошлаб бериш бўйича, хотира бўйича ижодий ҳикоялар тузиш ва ҳоказолар мақсадга мувофиқдир. Болаларнинг кўникма ва малакаларни эгаллаб боришига қараб таълим методлари ҳам ўзгаради: расм чизишга ўргатишда дастлаб кичкинтойлар тақлид қилиши керак бўлган намуна берилади, кейин эса болаларнинг тасвир хилини ўзгартира олишлари учун уларга бир нечта намуна тақлиф қилиниши мумкин ва, ниҳоят, зарур кўникма ва малакалар пайдо бўлгандан кейин ўзлари ўйлаб расм чизишлари тақлиф қилинади.

Ҳар бир машғулотда тарбиячи усуллар бирикмасидан фойдаланади. Масалан, «Қўғирчоққа уйча қурамыз» мавзусидаги машғулотни ўтказиш учун кичик гуруҳда шундай усуллар қўлланилади: кутилмаган ўйин усули («Эшикни кимдир тақиллатяпти»), буюмларни (дастлаб қўғирчоқни, кейин унинг мебелларини кўрсатиш), кўрсатилганларга тушунтириш, болаларга савол бериш («Стул нима учун керак?») ва дидактик ўйин (ўйин вақтида болалар хонасини мебель билан жиҳозлайдилар). Катта гуруҳда тарбиячи «Нима нимадан ясалади?» мавзусидаги машғулотни ўтказишда буюмлар турли материаллардан

тайёрланиши ҳақида болалар билан суҳбат ўтказади, буюмларни кўрсатиб, уларга тушунтиришлар беради, дидактик материаллар билан бажариладиган буюмларни туркумларга ажратишга оид ўйин-машқни, «Шиша, ёғоч, металл буюмлар номини ким кўпроқ айтади?» деган дидактик ўйинни ўтказишни белгилайди.

Машғулотларни ўтказишда метод ва усулларни тўғри танлай билиш билим, малакаларнинг анча сифатлироқ бўлишини таъминлайди. Дидактик ўйинлар таълим бериш шаклларида ҳисобланади. Дидактик ўйинлар янги билим бериш ва эгалланган билимларни аниқлаш ва мустаҳкамлаш учун қўлланилади. Айниқса кичик гуруҳларда дидактик ўйиндан таълим беришнинг асосий шакли сифатида фойдаланилади.

Фикрларни тўқнаштириш усули, тажриба ўтказиш, муаммоли вазият ҳосил қилиш, болаларга муаммоли савол бериш, солиштириш усули, ўйин усуллари қўлланиш мақсадга мувофиқдир. Шулардан бири — қарама-қарши фикрларни тўқнаштириш усули самаралироқ ҳисобланади. Бундай усул болани мантиқий фикрлашга, ўз мулоҳазасининг тўғрилигини исботлашга, асослашга ўргатади, яъни, бунда бола ўз фикрининг тўғрилигини асослаш учун воқеанинг моҳиятига чуқурроқ кириб, ундан ишончлироқ фактни, далилни излайди. Бундай пайтда болани дарров мақташ ҳам керак эмас, аксинча, унинг хатосини дарров айтиш зарур.

Билиш фаолиятини мустаҳкамлашнинг самарали усулларида бири тажриба ўтказишдир. Болаларнинг шахсий тажрибаси чегараланган бўлгани учун, уларнинг тафаккури кўргазмали-ҳаракатли ва кўргазмали-образли хусусиятга эга бўлгани сабабли улар кузатаётган воқеани тушунтиришимиз ҳар доим ҳам уларга тушунарли бўлавермайди.

Тажриба эса болаларга воқеанинг моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради. Масалан, катта гуруҳда ҳар хил материалдан тайёрланган буюмларнинг номини тажрибада кўрсатиш керак. Бунинг учун тарбиячи темирдан, шишадан, ёғочдан ясалган учта нарсани олиб қўёшга қўяди. Маълум вақт ўтгандан кейин болаларга уларни ушлаб кўриб қайси бири қай даражада исиганлигини аниқлашни айтади ва бола қўйилган вазифани мустақил ҳал этади.

Муаммоли вазият ва саволлардан фойдаланиш усули ҳам яхши натижа беради. Масалан, хон қизи қўнғпзчасининг фойдали ёки зарарли ҳашаротлигини аниқлаш учун тарбиячи дарахт бити билан зарарланган шохчани ва хон қизини битта шишага солиб қўяди, маълум вақтдан кейин шохча топ-тоза бўлиб қолади. Бундай вазиятдан болалар хон қизининг фойдали ҳашарот эканини мустақил билиб оладилар. Нарсаларнинг белгиларини, муносабатларини, хусусиятларини солиштиришга қаратилган кузатиш натижаларини тиклашга, эслашга, умумлаштиришга қаратилган саволларни бериш ҳам болаларнинг билиш фаолиятини кучайтиришда самарали усул ҳисобланади.

Саволлар болаларни фикрлашга мажбур этади, олган билимларини қўллашга ўргатади. Масалан, барча сарғайган дарахтларни топинг. Нима учун хонадаги гул очиляптию, ҳовлидаги худди шундай гуллар сўлиб қолган? Бу қандай дарахт? Нима учун сен бунини тут дарахти деб ўйлайсан? Нима учун қушлар жанубга учиб кетишди? ва ҳоказо.

Бундай саволлар болаларда фаол фикр уйғотади, уларда кузатувчанлик, воқеалар, уларнинг сабаб-натижалари устида ўйлаш, излаш, топиш ривожланади. Болаларга сўзли, мантиқий вазифада, бадний асар материалида ёки тарбиячининг ҳикояси асосида ифодаланган муаммоли вазиятни таклиф этиш мумкин.

Топишмоқдан фойдаланиш усули болаларнинг тафаккурини фаоллаштиради ва ривожлантиради. Уларда мантиқий вазифа бор.

Топишмоқларни топиш болалар тафаккурининг мустақиллигини ривожлантиради. Айниқса ҳар хил қилиб топиладиган топишмоқлар катта қизиқиш уйғотади. Масалан, «Урмонда туғилди, ўрмонда ўсди, уйга келганда ҳаммани ўз атрофига йиғди».

Болалар бу топишмоққа турлича жавоб топишлари мумкин. Топганини исботлаш болаларда жонли қизиқиш уйғотади, кузатувчанликни ривожлантиради, тафаккур ва нутқни шакллантиради.

Болаларнинг саволлари ва унга тарбиячи ва ота-оналарнинг жавоби. Болалар қўпинча билган нарсаларини сўрайдилар, уларнинг мақсади ўша нарсанинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилишдир. Узаро фикрлашишни чўзиш хоҳиши, бошқаларнинг фикрини билишга қизиқиш болада савол бериш иштиёқини уйғотади. Бу эса боладаги ақлий ривожланишни юқорироқ босқичга қўтаради.

Боланинг олдиди катталарнинг обрўси жуда юқори бўлади. Бола билмаган нарсасини билиш учун тарбиячи ва ота-оналарга ишонч билан мурожаат қилади. Мана шунда катталар боланинг саволига, уни қизиқтирган нарса тўғрисида жавоб беришдан бош тортсалар, бола бошқа манбалардан жавоб қидиришга уринади, булар аксарият ишончсиз манбалар бўлади.

Бу билан катталар боланинг ақлий ривожланишига тўсқинлик қиладилар, унинг маънавий ўсишига ёрдам бермайдилар. Болани қизиқтирган саволларга катталар ҳар доим ҳам батафсил жавоб беришлари шарт эмас, агар шу саволга боланинг ўзида етарли билим борлиги сезилса, у ҳолда болани мустақил фикрлашга ундан лозим (яъни «Қани, ўзинг ўйлаб кўр-чи, бу қандай нарса экан?»). Боланинг саволлари унинг билим даражасига мос бўлади. Аввалига унга нарса ва буюмларнинг номи, нималигини («Бу нима?», «Номи нима?») аниқловчи саволлар берилади. Шунинг учун мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш жараёнида уларнинг фикрлашини

фаоллаштирадиган бирорта ҳам метод ёки усул йўқки, у даров ижобий самара бериши. Шунинг учун тарбиячи таълим берувчи машғулот мазмунига қараб турли хил метод ва усуллардан фойдаланади.

VII б о б. АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Ҳозирги даврда ахлоқий тарбия муҳим аҳамият касб этмоқда, чунки сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни ҳал этиш кўп жиҳатдан жамиятнинг ва ундаги ҳар бир шахснинг ахлоқий даражасига боғлиқдир.

Ахлоқий тарбия — шахсни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисмидир. У болаларга ахлоқий тасаввур ва билимларни сингдириш, уларда шахснинг ахлоқий ҳис-туйғу ва сифатларини, ижобий муносабатлар ва хулқ маданиятини тарбиялашга қаратилган жараёндир.

Ахлоқий тарбия жараёнида бола ахлоқий жиҳатдан камолга етади. Ахлоқий тасаввурларнинг ривожланиши жараёнида энг аввало улар ўзларининг бошқалар билан бўладиган муносабатларини онгли тушуна бошлайдилар; тенгдошлари ва катталар билан бўладиган муносабатларида ахлоқ сабоқлари ривожлана боради.

Педагогика фани боланинг ахлоқий ривожланишида тарбия ва таълимни муҳим омил деб ҳисоблайди. Педагогика ва руҳиятга онд жуда кўп тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, мактабгача тарбия даври боланинг маънавий шаклланишида энг муҳим босқичдир. Худди мана шу даврда маълум мақсадга қаратилган таълим-тарбия таъсирида шахснинг ахлоқий сифатлари шакллана бошлайди, 6—7 ёшга борганда эса ижобий хулқ нормаларининг анча барқарор шакли юзага келиб, бола теварак-атрофдагилар билан бўладиган муносабатда ана шу эгаллаб олган ахлоқ қоида ва нормалари нуқтаназаридан иш тутадиган бўлиб қолади, шунинг учун болаларга илк ёшидан бошлаб ахлоқий тарбия бериб бориш муҳим аҳамият касб этади.

1-§. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ АСОСЛАРИ

Ахлоқ кишиларнинг хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини, уларнинг ўз-ўзига, бошқа кишиларга, меҳнатга, жамиятга муносабати каби ахлоқий тушунчаларни ўз ичига олувчи ижтимоий онгнинг алоҳида бир шаклидир. Ахлоқ тарихий хусусиятга эга, чунки у кишилик жамиятида авлодлар томонидан тўпланган ахлоқий тажрибалар ва муносабатларни акс эттиради.

Ахлоқ синфий хусусиятга эга, чунки ахлоқ, ҳис-туйғу, тушунча ва принциплар маълум ижтимоий формацияга хос бў-

либ, ижтимоий тузум ўзгариши билан у ҳам ўзгаради. Бизнинг жамиятимиздаги ахлоқ энг яхши умуминсоний хулқ нормаларини ўз ичига олган бўлиши керак.

Инсоннинг баркамоллиги унинг маънавий дунёси қандайлиги билан белгиланади. Яхши тарбия кишининг ғимматбаҳо бойлигидир.

Ўзбек халқининг маънавияти ҳақиқатгўй ва адолатли бўлиш, жаҳолат ва қабихлик йўлини тўсиш, инсонийлик, меҳр-шафқат, маърифат, дўстлик, мардлик, биродарлик, меҳмон-дўстлик, поклик, хушхулқлик, инсоф, ватанпарварлик каби инсоний фазилатларни сингдиришга чақиради.

Ўзбек халқининг урф-одатлари, турмуш тарзи, таълим-тарбия, маданият анъаналари мозийнинг узоқ-узоқ асрларига бориб тақалади. Ҳозирги ва келажак авлодимиз кишилари ўзбек миллий маънавиятини яхши билишлари ва унга риоя қилишлари лозим. Шундагина жамият тўқ, фаровон, кишилар осойишта ва маданий ҳаёт кечирадилар. Бу ҳамиша ҳамма авлод томонидан эътироф этилган.

Қадим-қадимдан ўзбек, шарқ классиклари ижодида ахлоқ-одоб масаласи марказий ўринни эгаллаб келган. Қайковуснинг «Қобуснома»сидан тортиб, Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг назмий ва насрий асарларида, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадгу билик» («Бахт келтирувчи билим»), Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул ҳағоийқ» («Ҳақиқат совғалари»), имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-Адаб Ал-Муфрад» («Адаб дурдоналари») каби жаҳонга машҳур асарларида, Алишер Навоийнинг ўлмас шеъриятида, Мунис Хоразмийнинг «Саводи таълим» ида, Камолидин Хусайн Воиз Кошифийнинг «Ахлоқи Муҳсимий», «Равзати шаҳодат» («Шаҳодат боғи») каби асарларида ахлоқ, одоб масалалари ёритилган.

Кошифийнинг асарларидаги таълим-тарбия, ахлоқ масалалари кўпчилик учун андоза, намуна, одоб нормаси сифатида қисқа, асосли, лўнда қилиб ёзилган. Кошифийнинг фикрича, инсон фазилати унинг эгаллаган таълим-тарбиясига боғлиқ. Шундагина у одобли ҳисобланиши мумкин.

«Одоб — бу қалбни ёмон сўзлардан ва ножўя хулқдан сақлай олиш, ўзини ва ўзгаларни ҳам ҳурмат қила билишдадир», дейди слим. Унинг фикрига яқин фикрни А. Навоий ижодида ҳам кўрамиз. «Одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча одамлар учун ёқимлироғидир», — дейди буюк шоир. Бу билан у кишиларнинг инсонийлик белгиси унинг одобли, ахлоқли эканлиги билан ўлчанади, деб таъкидлайди ва барча инсонларни яхши хулқли бўлишга чақиради.

А. Навоийнинг «Маҳбул қулуб» асарида одоб, ахлоққа онд ҳеялар илгари сурилган. Унинг бирдан-бир орзу-умиди, идеали инсонга бўлган меҳр-муҳаббат, самимийлик эди. Унинг қуйидаги мисралари фикримизнинг яққол далилидир:

*Менга на ёру на ошиқ ҳавасдир,
Гарчи мен одам ўлсам — ушбу басдир.*

ёки:

*Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил,
Ҳам жонларига моли дармон бўлгил.*

ёки:

*Нафънинг агар халққа бешак эрур,
Балки бу нафъ ўзингга кўпроқ эрур.*

Юқоридаги шеъринг сатрлардан кўриб турибмизки, А. Напий инсонпарварлик ғояларини ниҳоятда улғулаган. У одамларни бир-бирини ҳурмат қилишга, бир-бирига ёрдам қўлини чўзишга, кишилар манфаатини кўзлаб иш юритишга чақирган.

Мутафаккирларимизнинг асарларида халқ сўзига, мақолга айланиб кетган ҳикматли гапларни кўплаб келтириш мумкин. Кошифийнинг

*«Ёлғончилик сени жарликка етаклайди,
Ростгўйлик эса бахтсизликдан сақлайди»*

ва «Одоб — олтиндан қиммат» каби дурдона фикрлари шулар жумласидандир.

Имом Исмоил Ал-Бухорийнинг «Ал-адаб Ал-Муфрад» («Адаб дурдоналари») китоби ота-онани ҳурмат қилиш зарурлиги тўғрисидаги сўзлар билан бошланади. Жумладан, китобнинг 13-саҳифасидаги ҳадисда шундай дейилади:

Аллоҳ Таолонинг рози бўлиши аввало онанинг, онанинг ва яна онанинг, кейин эса отанинг рози бўлишига боғлиқдир.

Донишмандлар айтибдурларким, одобли инсон барча одамларнинг яхшисидир ва барча халқлар учун ёқимлидир. У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан ҳурматлироқдир.

Ешларни кўзга улғу қилиб кўрсатадиган феъл-атвори ҳам одобдир.

Буюк мутафаккир, форс-тожик адабиётининг классикларидан Абулқосим Фаррухий одобнинг қимматини шундай таърифлайди:

*Яхши хулқ шоҳлик ва катта мамлакатдан яхшироқ,
Соф табиат тилла гавҳар конидан ҳам яхшироқ.*

Воиз Қошифий инсонларда оқ кўнгиллилик, бағри кенглик, меҳнатсеварлик, софдиллик, ростгўйлик, саҳийлик, виждонийлик, иродалилик, қатъиятлилик каби фазилатлар бўлиши шарт ва булар инсоннинг баркамоллигидан далолат беради, дейди. Аммо хасислик, тамагирлик, очкўзлик, дилозорлик, пасткашлик, туҳматчилик, хоинлик, ёлғончилик кишиларни бебурд, ах-

лоқсиз қилиб қўяди. Бундай салбий хислатлар уларни обрў-сизлантиради, ҳаётини издан чиқаради, нотўғри йўлга бошлайди. «Пасткаш, бахил одамдан яхшилик кутиш мевасиз дарахтдан мева кутишга ўхшайди», деб таъкидлайди Кошифий.

Улуғ аллома Ибн Сино инсон ҳаёси тўғрисида шундай деган: «Инсонда доим турадурғон ҳусн ила латофат ҳаё ила ибодур. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидур».

Сукрот: «Хотинларнинг энг гўзали ҳаё ва ифбат пардасига ўралганидир», дейди.

Абу Наср Фаробий инсон ўзининг яхши хулқи билан бахт-саодатга эришиши мумкин, дейди.

Замонамизнинг йирик маърифатпарварларидан бўлмиш Абдулла Авлоний инсон баркамоллиги унинг ақлида, жисмоний соғломлигида ҳамда одобли хушхулқида, деб билади.

Абдулла Авлоний тил ва сўз одоби ҳақидаги умуминсоний фикрларни шундай таърифлайди: «... сўз инсоннинг даража ва камолини, илм ва фазлини ўлчаб кўрсатадиган тарозидир. Ақл соҳиблари кишининг дилидаги фикр ва ниятини, илм ва қуввати, қадр ва қимматини сўзлаган сўзидан билурлар».

Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд Ахлоқ» китобининг «Ҳаққоният» деб аталган бобида ростлик ва тўғри сўзликни инсоннинг энг инсоний сифатларидан бири деб ҳисоблайди ва у тўғрида шундай ёзади:

«Ҳаққоният деб ишда тўғрилиқ, сўзда ростликка айтилув. Инсон бўстони саломатга, гулзори саодатга ҳаққоният йўли ила чиқар. Инсониятнинг илдизи ўлан раҳмдиллик, ҳақшунослик, одиллик каби энг яхши сифатларнинг онаси ҳаққониятдир...»

У инсон одобидеги ҳаё ва ифбатни юқори баҳолайди. Ҳаё деганда ишда, сўзда одобга рия қилмоқни тушунади, уни инсонийликнинг муҳим белгиси, деб билади.

Абдулла Авлоний ахлоқ — бу хулқлар мажмузасидир, аммо яхши хулқ ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит — тарбия кераклигини гапиради. У бола тарбиясида, у ўсаётган шарт-шароит ва тарбиянинг ролига алоҳида эътибор беради ва тарбиянинг бола камолотида тутган ўрни тўғрисида шундай дейди:

*Темирчининг боласи тарбият топса бўлур олим,
Бузилса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлғуси золим!*

Давримизнинг таниқли алломаларидан бири, профессор Шоислом Шомуҳамедов одобли бўлиш фазилати тўғрисида шундай ёзади:

*Одабийлик дебочаси одоб экан,
Одоб киши ҳаётида офтоб экан.
Қимда одоб маюб бўлса, дили мажруҳ,
Бахти кулмас саодати бетоб экан.*

Одобли бўлишнинг фазилати тўғрисида шеър ва дostonлардан, адабий манбалардан жуда кўплаб парчалар, шеърӣ мисралар келтириш мумкин.

Одобли, яхши хулқли бўлиш тўғрисида доно халқимиз тўқиган кўплаб мақол, маталлар асрлар оша оғиздан-оғизга ўтиб келмоқда:

*Барча ишдан хулқи хуш яхши эрур,
Хулқи хуш одамни эл иззат қилар.
Одоб ақл ва имоннинг чироғи, обрў-эътибор
сармоясидир.*

*Одобинг — обрўйинг.
Одоб — кишининг зебу зийнати.
Олтин олма одоб ол,
Одоб олтин эмасми.
Инсон одоби билан,
Осмон офтоби билан.
Яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир,
Ёмонликка яхшилик эр кишининг ишидир*

ва ҳоказо.

Юқоридаги айтилганлардан хулоса қилиб шуни айтса бўладики, ахлоқ, одоб ўзбек миллати ҳаётининг мағзи ҳисобланади.

Қаерда, қайси даврда, қайси жамиятда яхши хулқ қарор топса, ўша жамиятдаги кишиларнинг ҳаёти фаровон, турмуши тинч, одамлари пиру бадавлат бўлади.

Бизга тиқиштирилган совет тузуми даврида халқимиз ўз аждодаларининг миллий қадрият ва маданиятидан, урф-одатларидан, тилидан, миллий-маданий анъаналаридан бенасиб қилиб келинган халқимиз, айниқса ёшларимиз орасида илмсизлик, маънавий қашшоқлик иллатларини юзага келтирдики, бу кўп ҳолларда ўзининг нохуш аччиқ мевасини бермоқда, бу бой миллий тарихимиздан камхабар ёшларимиз орасидаги илмсизлик, ахлоқсизлик, қўполлик, қўрслик, маънавий қашшоқлик каби иллатларнинг илдизи бевосита юқоридаги ҳолатларга бориб тақалади.

Бас шундай экан, ҳозир жумҳуриятимиз мустақилликка эришган ва ўз истиқлолини тиклаётган бир вақтда, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан биз яшаб турган жамиятнинг ва ундаги ҳар бир шахснинг ахлоқ даражасига боғлиқ.

Бунинг учун доно халқимизнинг, мутафаккирларимизнинг дурдона фикрларига риоя қилиб, ёшларимизга болаликдан бошлаб аждодаларимиз томонидан қўллаб келинган энг халқчил одоб намуналарини ўргатиб боришимиз зарур. Тарбияни ёшликдан бошлаш зарурлигини барча мутафаккир олимларимиз таъкидлаб келишган. Жумладан, буюк мутафаккир Абу

Шукур Балхий бола тарбияси ёшлигидан бошланиши кераклигини шундай таърифлайди:

*Ёшлик чоғида ўрганиш билан
Ақл ҳам идрок топишинг осон.
Хоҳлаган томонга эгиб қўяди
Ниҳоллигида дарахтни боғбон.
Қийшигини ҳеч ким тўғрилай олмас,
Ниҳол улғайиб, бўлганда йўғон.*

Қадим-қадимдан илмли кишилар жамиятнинг энг баобрў кишилари ҳисобланганлар. Шу билан бирга, илмли бўлиш одоб-ахлоқ қондаларини эгаллаш билан узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириб борилган. Аксарият, одоб ҳар қандай илмдан юқори қўйилган ва бу ҳол бола тарбиясида, унинг келажакда жамиятга муносиб киши бўлиб етишишида ўзининг жуда яхши самарасини берган.

Педагогика фани ҳам болани ҳар томонлама тарбиялашни муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди. У болаларга ахлоқий тасаввур ва билимларни сингдириш, уларда шахснинг ахлоқий ҳис-туйғулари ва сифатларини, ижобий муносабатлар ва ҳулқ маданиятини тарбиялаш зарур, деб қарайди.

Давримиздан етти аср аввал яшаб ўтган Насриддин Тусий ҳам кишиларда ижобий фазилатларни шакллантиришда тарбия асосий ўринни эгаллайди, дейди.

Олимнинг ўша даврда кенг тарқалган «Ахлоқи Насрий» асарига яхши тарбиянинг муҳимлигига кўп ўрин берилган.

Болаларнинг ахлоқий тарбиясига тарбиявий таъсир кўрсатишнинг самаралироқ бўлиши учун ҳар бир ёш босқичи руҳиятини яхши билиш керак. Психолог ва педагог олимлар олиб борган илмий тадқиқот ишлари натижаси болаларда ахлоқий ривожланиш жуда эрта бошланишини кўрсатди: бола ҳаётининг биринчи ойидаёқ катталар у билан гаплашганидан қувониб кетади. Боғча ёшига келганда катталар болани яхши парвариш қилсалар, у катталарга меҳр қўяди.

Тадқиқот ишлари натижаси шунини кўрсатадики, бола 2—3 ёшга кирганидаёқ унда уятчанлик, мустақиллик ёки ўзига ишончсизлик, худбинлик ёки ғамхўрлик, ўз тенгдошларига эътибор билан муносабатда бўлиш каби шахсий хусусиятлар намён бўла бошлайди. Булар ҳаммаси болаларнинг тевақатрофдагилар билан бўладиган муносабатини белгилайди. Бир қанча олимларнинг таъкидлашича, катта гуруҳ болалари ҳозиржавоблик, ҳайрихоҳлик ва ҳаққонийлик каби ахлоқий ҳислатларни эгаллаб олар эканлар. Шу билан бирга, улар бошқаларнинг изтироб чекаётганига кўпинча бефарқ бўлар эканлар, бундай ҳисларни улар англаб столмас эканлар.

Болаларни ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар тўғрисидаги энг оддий билимларни эгал-

лаб олишлари уларда дастлабки ватанпарварлик ва байнал-милалчилик ҳисларини тарбиялашга асос бўлиб хизмат қилади.

Мактабгача тарбия ёшининг ўзига хос томони шундаки, бу ёшда болалар ҳали ахлоқий тушунча ёки хулқни сўз билан аниқ таърифлаб беролмайдилар, уни бошқа шунга ўхшаш воқеалар билан эслиштира олмайдилар. Аммо болалар боғчасидаги тўғри ташкил этилган педагогик жараён ахлоқий воқеаларнинг умумий маъносини англаб олишга ёрдам беради. Агар болалар бошқаларда яхши хулқ намуналарини кўрсалар, ўзлари ҳам уларга ўхшашга ҳаракат қиладилар.

Ахлоқий тарбиянинг ғоявий асоси унинг мақсади, вазифаси ва принципини белгилайди, руҳий-педагогик асоси эса болалар боғчасида ахлоқий тарбия беришнинг аниқ вазифаси ва мазмуни, воситалари ва методини, шунингдек педагогик шарт-шароитини белгилаб беради. Ахлоқий тарбия жисмоний, ақлий, меҳнат, эстетик тарбия билан ва балаларнинг ўз фаолияти билан ўзвий боғлиқдир.

2-§. АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ВАЗИФАСИ, МАЗМУНИ ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш вазифаси ва мазмуни боланинг маънавий дунёсини, унинг онгини, ахлоқий ҳисларини, шахсий сифатлари ва хулқини тарбиялаш ва ривожлантиришни тақозо этади. Ахлоқий тарбиянинг вазифалари асосан қуйидагилардир:

1. Болаларда ахлоқий ҳис-туйғулар, тасаввурлар ва хатти-ҳаракатларни тарбиялаш.

2. Хулқ маданияти ва ижобий муносабатларни тарбиялаш.

3. Шахсда ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш.

4. Хулқдаги салбий ҳисларни барҳам топтириш.

Бу умумий вазифалар ёш гуруҳлари бўйича конкретлаштирилади ва ўқув-тарбиявий жараённинг мазмунида ўз аксини топади.

Ахлоқий тарбиянинг мазмуни болалар боғчаси дастурининг махсус бўлимида баён қилиб берилган.

Дастлабки ватанпарварлик ва байналмилалчилик ҳис-туйғуларини тарбиялаш болалар боғчаси дастурининг «Теваракатроф ва ижтимоий ҳаёт воқеалари билан таништириш» (машгулотда ва машгулотдан ташқари) бўлими орқали амалга оширилади. Ахлоқий тарбиянинг вазифаси ва мазмуни болалар боғчасида ахлоқий тарбия беришнинг асосий принциплари ва педагогик шарт-шароитларига риоя қилиш асосида бажарилади. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ахлоқий тарбиясининг вазифаси ҳамда мазмунига мувофиқ унинг принциплари ишлаб чиқилган.

Ахлоқий тарбиянинг асосий принциплари қуйидагилардир:

— ғоявий ва тарбиявий ишнинг маълум мақсадга қаратилганлиги;

— таълим-тарбия ишига бола шахсини ҳурмат қилган ҳолда ёндашиш;

— ахлоқий тарбия ишини ҳаёт ва замон билан боғлаб олиб бориш;

— болаларнинг фаоллиги;

— жамоада тарбиялаш;

— тарбиявий ишнинг системалилиги ва изчиллиги;

— таъсирчанлиги;

— оила, богча ҳамда катталар тарбиявий таъсирининг бирлиги;

— боладаги ижобий сифатларга суяниш;

— бола шахсини ҳар томонлама ривожлантиришни кўзда тутиш.

Ахлоқий тарбия иринципларини педагогик шарт-шароитлар билан қўшиб амалга ошириш боланинг ахлоқий ривожланишига самарали таъсир этади. Олиб борилган бир қанча илмий ишларнинг натижалари болалар богчасида ахлоқий тарбия беришнинг педагогик шарт-шароитини белгилаш имкониятини яратади. Булар:

1. Ўзаро тўғри муносабат услуби:

а) жамоанинг катта аъзолари ўртасида;

б) педагогик ва ота-оналар жамоаси ўртасида;

в) катталар ва болалар ўртасидаги муносабат, катталарнинг болаларга муносабати. Катталар (педагоглар)нинг болаларга нисбатан инсонпарварлик принципида, ўзаро ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ҳурмат муносабатида бўлиши энг муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

2. Болалар богчасида ўрнатилган қатъий режим.

3. Болалар богчасида ўз тенгдошларига ва бошқа кишиларга нисбатан ижобий ҳиссий муносабатни юзага келтирувчи муҳит яратиш.

4. Болаларни ахлоқ нормалари ва қоидаларига ўргатиш ҳамда шулар асосида бола шахсида ижобий ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш.

5. Жамоада ҳамма болалар учун тенг шароит яратиш ва болалар жамоаси ўртасида тўғри муносабат ўрнатиш.

6. Кун давомида болаларнинг хилма-хил қизиқарли фаолиятларини ташкил этиш.

7. Болаларнинг ижобий ахлоқий хулқини машқ қилдирадиган шарт-шароит туғдириш.

8. Болалар богчаси билан оиланинг алоқаси ва бошқалар.

3-§. БОЛАЛАР БОГЧАСИДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИ

Болалар богчасида ахлоқий тарбия бериш ҳар хил воситалар ёрдамида амалга оширилади. Аввало болаларни ҳар хил фаолиятлар воситасида катталар меҳнати билан таништириш, машғулотларда ва машғулотдан ташқари вақтларда таълим бериш; кун давомидаги маиший фаолиятда; мустақил бадий

фаолиятда, кўнгил очишларда қатнаштириш орқали бу иш ҳал этилади.

Ҳар хил байрамлар, санъат воситалари, ижтимоий ҳаёт воқеалари; болалар бадий адабиёти, мусиқа, ашула, тасвирий ва амалий санъат; ўйинчоқ ва ўйин материаллари; оммавий ахборот воситалари, ойнан жаҳон ва радио, кино ва диафильмлар, диопозитивлар ва бошқалар болаларнинг ахлоқий тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Бу ҳамма воситалардан кенг равишда, маълум изчиллик ва системалилик билан фойдаланилгандангина болаларнинг ахлоқий тарбиясига самарали таъсир этиш мумкин. Масалан, кичик ёшли болалар ахлоқий тасаввур ва билимларни фақат ўйин-машғулотларда яхши ўзлаштириб оладилар. Болалар томонидан ўзлаштириб олинган ахлоқий тасаввур ва тушунчаларни улар онгли равишда тушуниб етишлари дастлаб машғулотларда, кейинчалик ўйин, меҳнат, яхши йўлга қўйилган кун тартибидоги айрим тадбирларда, сайр ва экскурсияларда, шунингдек болаларнинг мустақил фаолиятлари орқали амалга оширилади.

Болалар ахлоқий тасаввур ва билимларни, маданий хулқ малакаларини ўзлаштириб олишлари лозим. Шу билан бир қаторда уларда ахлоқий ҳис-туйғулар ва шахснинг ахлоқий сифатларини ҳам тарбиялаб бориш лозим. Болалар богчаси таълим-тарбия дастурида белгилаб берилган ахлоқий тарбиянинг вазифаси ва мазмуни маълум система ва изчиллик билан муваффақиятли амалга оширилиши зарур. Бунинг учун истиқбол режаси тузилади.

Унда ахлоқий тарбиянинг ҳар бир мавзуси бўйича таълим-тарбия ишларининг бутун системаси ва изчиллиги, педагогик жараёни ташкил этишнинг ҳар хил шакллари акс этирилади.

4-§. АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИ

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга ахлоқий тарбия беришда ҳар хил метод ва усулларни қўллаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ахлоқий тарбия методлари — болаларнинг ахлоқий тасаввур ва билимларни эгаллаб олишига, уларда маданий хулқ ва ижобий муносабатларни, шахснинг ахлоқий ҳис-туйғуларини ва сифатларини тарбиялашга қаратилган фаолият усулидир. Ахлоқий тарбия методлари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

I гуруҳ — ахлоқий онгни, яъни ахлоқий тасаввур ва билимларни, уларни бажариш хоҳишини шакллантиришга қаратилган методлар.

II гуруҳ — маданий хулқ-автор ва ижобий муносабатларни шакллантиришга қаратилган методлар.

III гуруҳ — ахлоқий ҳис-туйғулар ва муносабатларни рағбатлантиришга қаратилган ёрдамчи методлар.

Ҳамма гуруҳ методлари ахлоқий ҳис-туйғулар ва шахсий

сифатларни тарбиялашни таъминлайди. Қўрсатмали, оғзаки методлар: тушунтиришни кўрсатиш билан қўшиб олиб бориш, тарбиячининг ҳикояси, ўқиб бериш, ахлоқий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш (расмга қараб, тажрибага асосланиб, ўқилгани бўйича), кузатиш, расмларни намойиш қилиш, болалар адабиёти ва ҳаётдаги ижобий мисоллардан фойдаланиш асосида олиб борилади.

Юқорида келтирилган ҳамма методлар орқали болаларга ахлоқий норма ва қоидалар, ижтимоий ҳаёт воқеалари ўргатилади, уларда ахлоқий тасаввур ва тушунчалар шакллантирилади.

Бу гуруҳ методларига қўйиладиган асосий талаблар: болаларнинг яхшилик ва ёмонлик тўғрисидаги тасаввурларини эътиборга олиш; ахлоқий хулқ-атвор нормаларини муҳокама қилиш учун махсус яратилган вазиятда болаларнинг ўзларини фаол қатнаштириш;

ҳар бир боланинг ҳис-туйғусига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш.

Болани ноўрин танқид қилиш, унинг устидан кулиш, унга нисбатан эътиборсизлик қилиш қатъиян ман этилади. Ҳамма методлардан маълум изчиллик билан, комплекс равишда фойдаланилади.

Ҳар бир метод ўзига хос бўлиб, маълум вазифани бажаради. Буни бир қатор мисоллар орқали кўриб чиқамиз.

Тушунтириш бу кўпинча болаларга янги ахлоқий тушунча, норма, қоида баён қилиб берилганда ишлатилади. Тушунтириш катталарнинг жонли сўзи ва намунасига асосланади. Масалан: Рўпарадан келаётган таниш кишига хушмуомалалик билан салом бериш учун бироз тўхтаб, у кишининг юзига қараб, кулимсираб «Ассалому алайкум» дейиш, кейин йўлда давом этиш керак. Тушунтириш ва кўрсатиш табиий бўлмоғи лозим. Ахлоқий мавзулардаги суҳбатни мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳамма гуруҳларида қўллаш мумкин. Ҳикоянинг мазмуни ёрқин тушунарли бўлиб, болаларнинг ҳис-ҳаяжонига етарлича таъсир этиши керак.

Бу методнинг асосий вазифасига қуйидагилар киради:

— Болаларда ижобий ахлоқий ҳисларни қўзғата олиш, асар қаҳрамонларига ҳамдардлик билдириш — ютуғидан қувониб, муваффақиятсизлигига биргалашиб ачиниш;

— болаларга тушунарсиз бўлган айрим ахлоқ қоидаларининг мазмунини очиб бериш;

— ахлоқий мавзулардаги ҳикоялардан машғулотларда, сайрларда, болаларнинг ўз ҳаёти билан боғлиқ бўлган жойларда ҳам фойдаланиш.

Ахлоқий мавзулардаги суҳбатлар орқали болалар ахлоқ нормалари ва қоидаларини, ижобий хулқ шакллари эгаллабгина қолмай, шу билан бир қаторда уларда ахлоқ қоидалари ва нормаларига нисбатан талаб юзага келади.

Болаларнинг ахлоқий тажрибаларини кенгайтириб бориш,

хулқининг ахлоқий сабабларини аниқлаб бериш керак. Суҳбат вақтида болалар ўз фикр-мулоҳазаларини айтишларига кенг имкон борилади. Шунда улар ҳар бир хатти-ҳаракатини онгли равишда, ахлоқ нормалари ва қоидалари доирасида бажаришга уринадилар.

Бадий адабиётни ўқиб бериш, санъат асарлари ва амалий санъат буюмларини томоша қилиш, мусиқа ва ашула эшитиш болаларда эстетик ҳисни уйғотади, шу билан бир қаторда ахлоқ қоидалари ва нормаларини сингдириб боради.

II гуруҳ методларига амалий ва ўйин методлари киради: булар ўйин-машқлар, машқлар, муаммоли вазиятлар, изланувчанлик фаолияти, педагогик масалаларни ечиш, дидактик ва ҳаракатли, саҳналаштирилган ўйинлар, инсценировкалардир; болаларнинг ҳамма фаолиятига раҳбарликни ҳам шу гуруҳ методларига киритиш мумкин (ўйиннинг ҳамма турлари, меҳнат, тасвирий фаолият ва шунга ўхшашлар). Бу ҳамма методлар ахлоқий тасаввур ва тушунчаларни мустаҳкамлашга, болаларда ахлоқий тажрибани тўплашга, ахлоқ нормалари ва қоидаларини онгли равишда эгаллаб олишларига ёрдам беради.

Машқ (ўйин кичик боғча ёшидаги болалар учун машқ ҳисобланади)— ахлоқий хулқ ва одатларни тарбиялашнинг энг таъсирли усулидир. Унга қоидаларни машқ қилдириш — фойдали одатларни қайтариш киради. Эслатиш, ўргатилган тажрибани янгилаш; назорат — ўргатилган одатнинг тўғри ва самарали эканлигини текширишдир, ўз-ўзини назорат қилиш болани фаоллаштирувчи шахсий гигиена қоидаларини, овқатланиш маданиятини, кўчада, болалар боғчасида хулқ маданиятини эгаллашни машқ қилдириш бунга мисол бўла олади.

Муаммоли вазият ўзининг аҳамияти жиҳатдан машққа жуда яқин туради, аммо унинг ўзига хос томони болада фаоллик, ижодкорлик, мустақиллик намоён бўлиши учун шароит яратади. Дастлаб ҳикоя-вазият (тугалланмаган ҳикоя) тавсия этилади, масалан, биронта ҳикоя маълум ерида тўхтатилади.

Тарбиячи болаларга ҳикоядаги қаҳрамонлар хулқини баҳолашни тавсия этади. Болаларнинг жавоблари муҳокама этилади ва ҳикоядаги ижобий, инсоний хулқ ҳақида бир фикрга келинади. Кейинчалик болаларга реал муаммоли вазият таклиф этилади: футбол ўйини кетаяпти. Битта команданинг капитани яхши ўйинчи, унинг командаси ҳар доим ютиб чиқади. Мана шундай воқеа содир бўлди: у командадаги бир ўйинчи коптокни нотўғри тепгани учун уни қаттиқ уради. Ундан ўйинчи билан қўпол муносабатда бўлгани учун ўйинчидан кечирим сўраш талаб этилади. У кечирим сўрашдан бош тортади, демак, уни ўйиндан четлаштириш керак. Катта гуруҳ болаларига аввал тарбиячининг ёрдамида, кейинчалик эса мустақил равишда бу муаммони ҳал этиш тавсия этилади.

Ахлоқий тарбия беришда учинчи гуруҳ методлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу гуруҳ методларидан тарбиячи болаларда

ижобий ахлоқий сифатларни мустаҳкамлаш, бола хулқидаги салбий томонларни йўқотиш мақсадида фойдаланади. Бунда тушунтириш, ишонтириш, суҳбат шакллари қулай бўлади.

Тушунтириш болаларни хулқ қоидалари билан таништиришда кенг қўлланилади ва кўпинча кўрсатиш билан боғлаб олиб борилади.

Ишонтириш тарбиячининг фаолиятида катта ёрдам беради («Қасал бўлмаслик учун овқатланишдан олдин қўлни ювиш керак», «Уртоғини уриш ёмон»). Рағбатлантириш ва жазолаш — ахлоқий тарбиянинг қўшимча методи бўлиб, у асосий методларга таъсир этишнинг ўзига хос воситаси бўлиб хизмат қилади. Тарбиячи боладаги ижобий хулқни қўллаб-қувватлаш, бундай хатти-ҳаракатни фаоллаштириш ёки бўлмаса болани ёмон қилиқлардан қайтариш учун рағбатлантиришдан фойдаланади.

Болалар богчасидаги рағбатлантириш шакллари: мақташ, маъқуллаш, болага ўйинда бош ролни бериш ва шунга ўхшашлардир. Аммо болани арзимаган ютуғи учун ҳам мақташ керак эмас. Эришилган натижалардан, яхши хулқдан, яхши ишдан қониқиш энг катта мукофот бўлиши керак.

Танбеҳ, маъқулламаслик, яхши кўрган ўйинчоғини бермаслик ва бошқалар — жазо шакллари ҳисобланади. Жисмоний жазо қатъиян ман этилади. Жазонинг бош вазифаси юзага келган низоларни бартараф этиш, янгисининг юзага келишига йўл қўймасликдир (масалан, болани жазолаш учун унга ҳеч нарса бермай стулга ўтказиб қўйилади, у шу вақт ичида бир қанча болани уришга ва ўйинчоғини тортиб олиб синдиришга улгурарди). Шунинг учун тарбиячи тарбиявий жараёни жазосиз, яхшилик билан, фойдали ишларни ташкил этиш билан олиб бориши керак.

Машғулотда ҳар доим I, II ва III гуруҳ методларидан комплекс равишда фойдаланилади.

Болалар ҳар қандай вазиятда ҳам яхши хулқ намуналарини кўрсатишини шаклантириб бориш зарур. Секин-аста жамоа ҳаётида юзага келган низоларни аввал тарбиячининг ёрдамида, кейинчалик эса мустақил равишда ҳақгўйлик билан бартараф этишга ўргатиб борилади. Бола катта бўлган сари унинг шахсига мураккаброқ ахлоқий талаблар қўйила бошланади. Ахлоқий қоида ва нормаларни кичкинтойларнинг одатига айлантириш ахлоқий тарбия системасида муҳим аҳамият касб этади.

Ахлоқий одатларни тарбиялашнинг педагогик шарт-шароитлари қуйидагилардан иборат:

1. Ахлоқий тарбия жараёнини инсонпарварлаштириш, яъни педагог ва болаларнинг ўзаро муносабатлари боланинг шахсига нисбатан ҳурмат билан қарашга асосланиши керак.

2. Педагогик жараёни шундай ташкил этиш керакки, унда боланинг ўзи ижобий одатларни эгаллаб борсин, салбий хусусиятларни йўқотишга интилсин.

3. Ахлоқий тарбия боланинг ижобий хулқига асосланиб амалга оширилиши зарур.

4. Болани тарбиялаш учун яхши ҳиссий муҳит яратиш керак. Жазолаш билан ҳам, қўрқитиш билан ҳам болада ижобий ахлоқий сифатни тарбиялаб бўлмайди.

5. Болада ахлоқий одатларни шакллантириш учун ундаги маълум одатларга асосланиш керак.

6. Одатдаги ҳаракатлар ижобий натижа бергунча машқ қилдириб борилади.

7. Болага таъсир этишда уни тарбиялашда иштирок этувчи ҳамма шахслар ўртасида бирлик бўлиши керак.

8. Ижобий одатларни юзага келтирувчи қизиқарли фаолиятларни ташкил этиш лозим.

Шундай қилиб, болаларнинг ахлоқий тасаввур ва тушунчаларни эгаллаб олиб, уни кундалик одатга айлантиришлари учун болаларнинг катталар раҳбарлигидаги қизгин фаолиятни ташкил этилиши лозим. Тарбиячи бола шахсида ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбиялаш учун ҳамма восита ва методларни қўллайди, чунки у шундай қилингандагина яхши хулқ намуналарини ўргатиши мумкин.

5-§. БОЛАЛАР ЖАМОАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Инсон мавҳум, оламдан ташқарида яшайдиган қандайдир мавжудот эмас. Инсонни жамиятдан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Киши жамиятда яшаш учун яратилган. У жамиятда ҳаётга келиб, жамиятда улгайиб фаолият кўрсатади, жамиятнинг бошқа аъзолари билан фаол мулоқотда бўлади. Шахс оиладами, мактабдами, олий ўқув юртидами, иш жойидами у қандайдир одамлар гуруҳи, қандайдир жамоа билан муносабатга киришади ва улар мана шу гуруҳ ёки жамоа таъсирида бўладилар. Мутафаккирлар айтганидек: «Фақат одамлар орасидагина киши ўз-ўзини англашга қодирдир».

Дарҳақиқат, якка одам узлатда қолган Робинзон сингарни ожиздир, фақат бошқалар билан ҳамкорликдагина у кўп ишларни қила олиши мумкин. Бола дунёга келган вақтда шахс бўла олмайди. У секин-аста ўсиб, тараққий қилиб шахсга айланади. Бунда оила, боғча, мактаб жамоаларининг ҳиссаси катта бўлади. Шахс ўзидан олдинги авлодлар тажрибасини эгаллар экан, ҳаёт тажрибаси ортиши натижасида уни такомиллаштириб боради.

Одам шахсининг жамиятдаги ривожланиши табиат, муҳит ва инсоннинг ўзи ўртасидаги мураккаб алоқа таъсири остида рўй беради, инсон уларга фаол таъсир этади ва шу йўл билан ҳаётни ва ўз табиатини ўзгартиради. Кишиларнинг жамиятда бирга яшаши, ўзаро бир-бирларини қўллаб-қувватлаши, озчиликдан кўпчиликнинг афзаллигини ҳақида Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадисларида: «Икки киши бир кишидан яхши, уч киши икки кишидан яхши, тўрт киши уч кишидан яхши, кўпчилик

билан бирга бўлинглар. Тангри умматларини фақат тўғри йўлда боришликка бирлаштиради»,— дейилган. Кишиларнинг ўзаро муносабатлари доимо яхши бўлиши, ўз манфаатидан ўзгалар манфаатини юқори қўйиш тўғрисида, кишиларга яхшилик қилиш лозимлиги ҳақида яна ҳадисда: «Одамларга яхшилик қилинг, бу савоби тез тегадиган хайрли ишдир. Зулм ва қариндошлардан узилиб кетишлик эса жазоси тез билинадиган ёмон ишлардандир»— дейилган.

Бундан кўриниб турибдики, халқдан, қариндош-уруғдан ажралиш оқибати яхши натижага олиб келмайди. Шу ўринда ўзбек халқ мақолидан «Арқонга қил қувват»ни келтириш ҳам мумкин. Чунки кишининг бошига яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам тушганда албатта халқ, қариндош-уруғ мададкор бўлади. Буни айниқса бизнинг ўзбек урф-одатларида кўришимиз мумкин. Масалан: ҳашарлар, тўйга тўёна билан келиш ва ҳоказо.

Бир неча юз йиллардан бери мерос бўлиб келаётган ҳадисда яна: «Мўминлар бир-бирларининг оғриқларига шерик бўлишлари керак. Бу бош оғриганда бамисоли бутун тана оғригани кабидир»,— дейилган.

Киши жамиятда яшамай, кишилар орасида меҳнат қилмай ҳеч қачон бахтли бўла олмайди. У кишилар орасида бўлар экан, билмаган нарсасини билиб олади, яхши нима, ёмон нималигини ажратади, феъл-атворидаги камчилик ва нуқсонларини ўз вақтида берилган танбеҳлар орқали тuzатади. Кишиларни жамоа фақат тўғри тарбиялайди, деб айтолмаймиз, сунга сабаб ҳар қандай жамоа ҳам яхши бўлавермаслидир.

Ахлоқ ижтимоий онг формаларидан биридир. Ахлоқ кишилар фаолиятдан ташқарида бўлмайди. У кишиларнинг Ватанга муҳаббати, жамият фаровонлиги учун фидокорона меҳнати, жамоачилик, ўзаро ёрдам муносабатлари ва ҳоказоларда ўз аксини топади. Бутун халқнинг, жамоатчиликнинг фикри ахлоқ принциплари ва нормалари асосида ташкил топади. Инсоннинг ахлоқий ривожланишида, одамларнинг бирга яшашлари жараёнида шаклланган ва ривожланган, бойиган ҳолда авлоддан-авлодга ўтадиган оддий ахлоқ нормаларини эгаллаш катта аҳамият касб этади. Бизнинг ўзбек халқимизда ажойиб инсоний фазилатлар мавжуддир. Бу фазилатлар катта кишиларнинг юриш-туришларига қанчалик файз бағишласа, улардаги бу файз келажак авлод учун қимматбаҳо мерос бўлади. Масалан, ўзбек миллий урф-одатларидан: ўнг қўлини кўксига қўйиб катта ёшдагиларга, теварак-атрофдагиларга ҳурмат билан бош эгиб «ассалому алайкум» дейиш, даврада ёши улур кишиларни давра тўрига ўтказиш, улар гапирганда итоаткорлик билан тинглаб, гапини бўлмаслик, ёлғиз яшайдиган кишиларнинг юмушларига қарашиш, бемор одамни йўқлаб бориш, ота-она ҳурматини жойига қўйиш, каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиш ва ҳоказоларни мисол келтиришимиз мумкин.

Муҳаммад пайғамбарнинг ҳадисларида кишилар билан яхши муносабатда бўлиб, бу кишиларнинг бир-бири билан муомалада хулқининг чиройли бўлишидир, дейилган. Шу билан бирга, кишиларнинг бир-бирлари билан, биродарлари билан саломлашиб юриши, аҳил бўлиши ҳам алоҳида зикр этилган. Бу мусулмон кишилари учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Ўзбек халқ мақолларидан бирида «Кўлнинг отини балиги чиқарар», дейилади. Бундан биз ҳозирда мустақил деб таънинган юртимиз шуҳратини ҳимоя қиладиган, унинг ривожланишига, тараққиётига ўз жонини фидо қилишга тайёр турадиган ҳақиқий ўзбек мутахассисларини етиштириш учун курашмоғимиз зарур. Ҳадисда шу фикрга монанд «Фарзандларингизни хуш ахлоқли қилиб тарбияланг»,— дейилган. Ўз-ўзидан равшанки, хуш ахлоқли инсондан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Ахлоқий фазилатлар одамнинг ниятида акс этади. Ахлоқли киши ўз ҳаёти учун кам қайғурса ҳам дўстлари ва ватани учун кўп ишларни қилишга қодир бўлади.

*Балиқнинг тириклиги сув билан,
Одамнинг тириклиги одам билан.*

Шундай экан, болани ёшлигидан атрофидаги одамларга, фақат ўзи учун эмас, балки бошқалар учун ҳам муҳим бўлган фаолиятга жонқуяр бўлишга, ўз манфаатидан ўзгалар манфаатини доимо устун қўя билишга, уюшқоқлик, масъулият, бурч, адолат ҳисси куртакларини пайдо қилишга ўргатиш жуда муҳимдир.

Шахсни шакллантиришнинг муҳим омили бўлган жамоа тўғрисидаги таълимот ахлоқ тарбиясида марказий ўринни эгаллайди. Бунинг учун болаларни аста-секин, аввал бир неча кичик-кичик гуруҳга уюштириб, сўнг бирор ишни биргаликда бажаришга тортиш керак. Бунда қўйилган мақсад болаларга тушунарли бўлиши керак.

Умумий иш ҳар бир бола озгина бўлса ҳам иштирок этадиган қилиб ташкил этилиши лозим. Болага ёлғиз ҳолда ўйнашга, ишлашга имкон бериш керак. Лекин жамоа энг асосий куч бўлиши лозим.

Бундай сифат ва хусусиятларни тарбиялашда санъат, болалар байрамлари, биргаликдаги меҳнат ва фаолиятларнинг тугган ўрни бениҳоядир. Болалар ўйинлари ва меҳнатининг жамоа тусида бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Булар болаларни бирга ҳаракат қилишга, ўз интилишларини умум мақсадга йўналтиришга, ўз ишини ва ҳаракатини бошқалар иши ва ҳаракатига бўйсунган ҳолда бошқаришга ўргатади.

Биргаликдаги ўйинлар болаларни бошқалар фикри билан ҳисоблашишга ва унга бўйсунушга ўргатади. Ўртоқларининг муносабати болаларни интизомли қилади ва уюштиради.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар жамоаси бу машғулотларнинг умумийлиги ва ўзаро муносабатларнинг муайян

системаси туфайли бирлашган болалар гуруҳидир. Унинг шаклланиши бутун тарбиявий жараённинг натижаси, тарбияланувчилар ҳаёти ва фаолиятининг тўғри ташкил этилишига боғлиқ бўлади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг бошланғич жамоаси болалар боғчасининг турли ёш гуруҳларидир. Унда болаларни фаолият турлари бўйича бирлаштирувчи вақтинча ҳаракатчан кичик жамоалар вужудга келади.

Инсон хулқидаги ижобий намуналардан бири кишилар жамоасига қўшила олиш ва ўша жамоа аъзолари орасида муносиб ўрин олишдир. Бу ҳар бир кишидан юқори савиядаги одоб, ахлоқни талаб этади.

Ҳар бир киши бошқалардан ўзига хос феъл-атвори билан ажралиб туради. Ҳар бир кишидаги феъл-атвор, хусусиятлар у яшаган шароит, олган таълим-тарбия ва ундаги олий нерв фаолиятининг мажмуасидир.

Кишининг қандайлиги, одоби, билими, жисмоний камолоти жамоа ичида жуда тез кўзга ташланади.

Бола ёшлигидан бошлаб ўзида бошқалар билан, болалар жамоаси билан мулоқотда, биргаликда бўлишга эҳтиёж сезади. Аммо кичкина бола жамоани ўзи танлай олмайди. У бирон жамоага шароит тақозоси билан келиб қолади. Яшаб турган жойидаги ёки ота-онасининг иш жойидаги боғча ёки мактабга қатнай бошлайди, ташландиқ болалар эса болалар уйларига (етимхоналарга) топширилади. Аммо бу муассасаларга бола ўз хоҳиши билан бормайди. Шунга қарамай бола ўзи тушган жамоанинг қонун-қоидаларига бўйсунishi, унинг тартибига риоя қилиши шарт, акс ҳолда уни жамоа кечирмайди. Натижада бола ўзи яшаётган жамоанинг ахлоқ, одоб тажрибасини эгаллашга мажбур бўлади. Шунинг учун буюк мутафаккиримиз А. Навоий бола ёшлигидан оқил ва фозил кишилар жамоасида қатнашиб, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиши кераклигини тавсия этган.

Бола яшаётган жамоа жозибали этиб ташкил қилиниши, бундай жамоада у ўзини эркин сезиши, шу билан бирга бу жамоа мазмунан бой, ундаги ўзаро муносабатлар инсонпарварликка асосланган бўлиши керак.

Жамоадаги ҳар бир бола баркамол инсон бўлиб шаклланиши учун ундаги иқтидор ва қобилиятларни ривожлантирадиган шарт-шароитлар муҳайё бўлиши зарур. Ҳар бир бола ахлоқ-одобли, ақл-заковатли бўлиб етишиши учун унга меҳр-муҳаббатли, тажрибали моҳир мураббий раҳбарлик қилмоғи зарур.

Болалар жамоасини ва бу жамоадаги болалар ўртасида дўстлик ҳиссини тарбиялаш учун мураббий ҳар бир боланинг имкониятларини ва шу жамоада тутган ўрнини аниқлаб олиши керак. Бу хусусда илмий тадқиқотлар олиб борган педагог ва психолог олимларнинг изланишлари натижасида болалар ўзи яшаётган жамоага бўлган муносабатига қараб бир неча гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳ ижобий хулқли болалар бўлиб, улар тез дўстлашадилар, ҳозиржавоб бўладилар ва уларни жамоа аъзолари ҳурмат қиладилар. Бу тоифадаги болалар жамоанинг фаоллари бўлиб, мураббия жомоа муносабатларини ўрнатишда уларга суянади.

Иккинчи гуруҳга кирувчилар фаоллар ташаббусига қўшилишади, аммо беқарор бўлишади.

Учинчи гуруҳдагилар тортинчоқ бўлиб, ўйинда қатнашишмайди, машғулотларда ҳам суст бўлишади. Бундай болаларга алоҳида эътибор ва ёрдам бериш зарур.

Шунга қарамай, муайян гуруҳга кирувчи ҳар бир бола ўзининг феъл-атвори, тушунчаеи, қобилиятлари нерв система-сининг типологик хусусиятлари билан иккинчи боладан фарқ қилади. Бу, албатта, тарбиячининг ҳар бир болага нисбатан диққат-эътиборли бўлишини ва педагогик маҳорат билан ёндашишини тақозо этади. Масалан, тортинчоқ болаларни жамоага жалб этиш чора-тадбирларини ўйлаб топиш, гуруҳлардаги фаол болаларни эса ижобий хатти-ҳаракатлар қилишга йўналтириб туриш керак.

Тарбиячи болалар билан амалга оширадиган якка тартибдаги ишларни ташкил этишда маълум шарт-шароитларга риоя қилиши лозим. Масалан, якка тартибдаги суҳбатлар, машғулотлар, раем ва китобларни кўриш, дидактик ўйинлар эрталабки соатларда, сайрда, кечки соатларда ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Қайси бола билан нима иш олиб бориш тарбиячининг умумий режасида кўрсатилиши керак. Олиб борган ишнинг натижа ва хулосаларини тарбиячи ўзининг кундалик дафтарига ёзиб боради.

6-§. БОЛА ШАХСИНИ ТАРБИЯЛАШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Инсон бутун умри давомида оилада, мактабгача тарбия муассасаларида, умумий таълим мактабларида, ўрта ва маҳсус ўқув юртларида ҳамда олий ўқув юртида, қолаверса меҳнат жамоаларида тарбияланиб боради.

Жамоа кишидан маълум мақсад йўлида интиладиган, ижтимоий фаол, ўзининг ҳамма куч-ғайратини ижтимоий фойдали мақсадларга сарф қиладиган бўлишни талаб этади. Жамоанинг фикрини ҳурматлаш, жамоа учун муносиб киши бўлишга интилиш ҳар бир кишининг ўзига хос белгисидир.

Таниқли рус педагоги А. С. Макаренко болалар жамоасини вужудга келтиришни тарбиянинг мақсади ҳамда воситаси деб ҳисоблади, чунки бола жамоада ижтимоий ҳаётга тийёргарлик мактабини ўтайди. У жамоани тарбияланувчига таъсир этиш воситаси деб қарар эди. Макаренко ўзининг кўп йиллик амалий тажрибасидан олинган мисоллар орқали фақат жамоадагина болада ўртоқларига бўйсунуш, амалий фаолиятда маълум мақ-

садга интилиш, иродавийлик, ростгўйлик, ишчанлик, дўстлик, инсонпарварлик ҳислари тарбияланиши мумкинлигини исботлайди.

Болаларда бурч ҳиссини ва шон-шараф тушунчасини тарбиялаш керак, бошқача айтганда, бола ўзининг ва ўз синфининг қадр-қимматини сезиши ва ғурурланиши лозим. У ўртоғига бўйсунма билиши ва ўртоғига буюра олиши лозим. Бола ҳаёт ва кураш шароитига қараб, хушмуомала, қаттиққўл, раҳмдил ва раҳмсиз бўла олиши лозим. У фаол ташкилотчи бўлмоғи ва бошқаларга таъсир этмоғи керак; агар уни жамоа жазоласа, у ҳам жамоани, ҳам жазони ҳурмат қилиши лозим. У қувноқ, дадил, сергак бўлмоғи, кураш ва қуришга, яшаш ва ҳаётни севишга қобилиятли бўлиши керак. У бахтли бўлиши лозим ва у фақат келажакда эмас, балки ҳозирги ҳар бир кунда ҳам ана шундай бўлиши лозим, деб ёзган эди Макаренко. Қишининг шаклланишида у мактабгача давр муҳим аҳамиятга эга эканлигини бир неча маротаба таъкидлаган эди. «Тарбиянинг энг муҳим асослари беш йилгача барпо этилади, сиз 5 ёшгача нима қилган бўлсангиз, бу бутун тарбиявий жараённинг 90 фоизидир, кейин кишини тарбиялаш давом этади, аммо умуман сиз мевасини ея бошлайсиз. Сиз парвариш қилган гуллар беш ёшгача очилиб бўлган эди». У, албатта, беш ёшгача боланинг характери тўла шаклланиб бўлди, демайди, аммо унинг ривожланиши учун асос мактабгача тарбия ёшида қўйилишини таъкидлайди.

Болалар жамоасини шакллантириш — узоқ вақтни талаб этадиган мураккаб жараёндир. Аввалига биргаликдаги фаолият кўпинча ўйин билан боғлиқ бўлган фаолиятга бирлашади. Бу бирлашиш беқарор, қисқа вақтли бўлиб тез бузилади. Бундай дастлабки бирлашишнинг биринчи ташкилотчиси тарбиячидир. Чунки у болаларга биргаликда ўйнашни таклиф этади. Болаларнинг биттаси машинага юк юкласа, иккинчиси ташийди, учинчиси юкни туширади; 4—5 қиз қўғирчоқ билан «Оила» ўйинини ўйнайди, тарбиячи эса уларга ролларни тақсимлашда ёрдам беради. Болаларни жамоага бирлаштиришнинг дастлабки босқичида тарбиячи бу бирлашишнинг марказида туради: кичкина гуруҳ болаларига ҳикоя, эرتак айтиб беради, ашула ўргатади, қизиқ ўйинчоқларни кўрсатади.

Тарбиячи болаларни бир гуруҳга бирлаштиришда уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олади, чунончи битта гуруҳга серҳаракат ва пассивроқ болаларни бирлаштиради. Тарбиячининг болаларни жамоага бирлаштиришдаги фаол иши ҳам шундан иборат.

Иккинчи босқич: болалар жамоасининг барқарор бўлишини таъминлашдир. Бу даврга келиб болалар анча мустақил ҳамда ташкилотчилик қобилиятини эгаллаган бўладилар, жамоада қатнашувчилар сони ҳам 8—10 кишига етиб қолади.

Биргаликдаги фаолиятни мураккаб мақсадлари олдинга сурилади — ўйин-меҳнат ўргатилади. Бу босқичда тарбиячининг

вазифаси ҳамма болаларда ташкилотчилик қобилиятини шакллантиришдир. Машғулот ўтказаетганда унинг ўзи ҳаммага кўриниб туриши, сўзи эса ҳамма учун тушунарли бўлиши лозим. У болаларни ўз ўртоқларининг ишини таҳлил қилишга жалб этиш орқали уларни изланувчанликка, ҳақиқатгўйликка ўргатади. Педагог болаларнинг ўз тенгдошларига хайрихоҳ муносабатда бўлишларини тарбиялайди.

Кичик гуруҳ болаларининг майдончасини тозалашга ёрдамлашиш, уларга қордан тепалик ясаб бериш, ўйинчоқ ясаб бериш, сайрга чиққанда кийинишда ёрдам бериш, болаларда кичикларга нисбатан ғамхўрликни тарбиялаш керак. Катта гуруҳ болалари ўз майдончаларида кичик гуруҳ болаларини меҳмондўстлик билан кутиб олиш, уларга кўнгирчоқ театри кўрсатиш, қизиқарли ўйинларни биргаликда ташкил этиш каби ролларни бажону-дил бажарадилар.

Болаларда жамоада қандай яшаш лозимлиги, яхши ўртоқ ва дўст бўлиш нимадан иборат эканлиги тўғрисидаги тасаввурларни шакллантириш учун тарбиячи бадний асарлардан, халқ мақол ва маталларидан ҳам фойдаланади.

Болалар боғчасида ўтказиладиган байрам эрталиклари, яхши ташкил этилган кичик кўнгилочар ўйинлар болаларда яхши таассурот қолдиради ва қувонч ҳиссини уйғотади. Шу билан бирга бу байрамлар болаларда меҳмондўстлик, инсонпарварлик каби хислатларни тарбиялашда кенг қўлланилади, уларда болалар боғчаси — болаларнинг ягона, дўст оиласидир деган ҳиссиёт тугилади.

Мақтабгача тарбия ёшидаги болада одамга эл бўлиш хусусияти аста-секин ривожланиб, танланиш тусини олади ва 2--4 кишидан иборат кичик гуруҳ бўлиб қолади. Болаларнинг бир-бирига яқинлашишига кўпинча ташқи ҳолат сабаб бўлади (бир уйда яшашади, бир столда ўтиришади ва ҳ. к.). Бу муносабат биргаликдаги фаолиятда янада чуқур ва барқарор тус олади: бир-бирига ҳурмат, ёрдам беришга тайёр туриш, ҳимоя қилиш, сирлашиш, ўз шахсий манфаатига зарар бўлса ҳам ўртоғига яхшилик қилиш ва бошқа хислатлар ривожланади.

Дўстлик куртакларини кўрган тарбиячи уни ҳар томонлама ривожлантиришга, унга ижобий таъсир кўрсатишга интилади.

Дўст бўлиб қолган болаларни бирга навбатчиликка тайинлайди, сайрга чиққанда бирга қўяди, бир столга ўтқазди. Баъзан бундай болаларда бошқа болаларга нисбатан меҳрсизлик оқибати пайдо бўлади, ўзаро дўстлик худбинлик кўринишида бўлса, буни сезган тарбиячи дарров уларнинг бу ноўрип ҳаракатига керакли таъсир эта бошлайди.

Болалар жамоасининг юқори босқичи уларда мустақилликнинг ортиши билан белгиланади: улар ўзлари бирлашадилар, ўзаро муносабатларини ўзлари бошқарадилар, айрим жамоа аъзолари хулқини ўзлари ҳал этадилар, хоҳлаганларини ўз

гуруҳларига қабул қилишса, хоҳламаганларини бу гуруҳдан чиқаришади. Бу босқичда ўзини жамоа аъзоси сифатида англаб олиш юзга келади.

Болалар бир гуруҳга бирлашиб, кичкинтойлар учун ўйинчоқ ясашади, болалар боғчасидаги майдончани чопишади ва ҳ.к. Ҳар бир бола ўзини гуруҳ ҳаётида иштирокчи деб ҳисоблайди.

Вақти-вақти билан ҳамма учун керак бўлган топшириқ ва вазифаларни бажаришади (навбатчилик, жонивор ва ўсимликларни парвариш қилиш, байрамга гуруҳ хонасини безатиш). Бу босқичда тарбиячининг тутган йўли ўзгаради, у бевосита таъсир кўрсатишдан бавосита таъсир кўрсатишга ўтади: у маслаҳатчи, катта ёшдаги ўртоқ ролини бажаради, яхши ташкилотчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлайди. Ҳар доим ўз фаоллиги билан тортинчоқ болалар ташаббусини бўғиб қўйган болалар билан тушунтириш ишлари олиб боради.

Болалар жамоасини шакллантириш болаларда жамоачилик ҳиссини тарбиялаш вазифаси билан боғлиқдир. Улар энди тез-тез ўз хулқларининг жамоа манфаати билан боғлиқлиги ҳақидаги баҳони эшитадилар. («Бизнинг навбатчилар яхши ишлашди, энди столга ўтириш ҳаммага ёқимли».) Ёки болалар гуруҳи номидан танбеҳ эшитишлари мумкин. («Сен бизнинг ҳаммамизни ушлаяпсан, сени дэб сайрга ёки овқатланишга кеч қолаяпмиз» ва ҳ.к.). Болаларнинг ҳаммаси битта ўртоғи учун қайғуриши ҳам болалар жамоасининг шаклланишини кўрсатади.

Бола жамоа фикри ва баҳоси билан ҳисоблашса, ўзининг жамоа учун зарурлигини сезса, у билан ғурурланса, умумий ҳаётнинг ёқимли ва қувончли бўлиши учун интилса, бу жамоанинг етарли даражада шаклланишидан далолат беради.

Бола мактабгача тарбия муассасасига келиши билан болалар жамоасининг аъзоси бўлиб қолади, у бошқа болалар билан бирга уйнашни, меҳнат қилишни, келишишни, керак бўлса ён босишни ўрганиб олади. Тарбиячи болаларга ўз ўртоқларига ёрдамлашишдан қувониш, хурсанд бўлиш ҳиссини уйғотади. Бунда болалар бир-бирларига хайрихоҳ, бир-бирларини ҳурмат қиладиган бўлишлари лозим.

Педагог ҳар бир боланинг қобилиятини алоҳида баҳолаб, Қобил яхши расм чизади, Баҳодир яхши қурилмаларга уста, Нигора навбатчиликни яхши бажаради, деб болаларни бир-бирига таништиради, бу эса болаларнинг бир-бирлари билан тез танишиб олишига ва бир-бирларини яхшироқ билиб олишига ёрдам беради.

Кейинчалик бориб жамоада ҳаёт тажрибасининг тўпланиши натижасида «мен», «меники» тушунчасининг ўрнини «биз», «бизники» деган тушунчалар эгаллайди ва кўпинча «мен», «менга» тушунчалари боғчага киргунча биринчи ўринда бўлган бўлса, эндиликда кейинги ўринга ўтади. Бу болаларнинг ўзини жамоа аъзоси деб тушуниб олганидан ва ўз шахси ман-

фаатини умумий манфаатга бўйсундира оладиган давридан бошланади.

Яхши ўртоқ бўлиш — бу бошқалар билан ўзини бир қаторда тутиш, улар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, шу билан бирга сен ёлғиз эмассан, сен тўғрингда ҳам бошқалар ўйлайди, сенга ҳам бошқалар ғамхўрлик қилади, деган маънони англатади.

Тарбиячи эса ҳар доим болаларнинг биргаликда қилган ишларини рағбатлантириб, уларнинг жамоатчилик руҳида тарбияланишларига қизиқиш уйғотиб боради. (Масалан, «Ҳаммангиз биргаликда аҳил ишлаганингиз учун гуруҳимиз хонаси тоза ва чиройли бўлиб қолди».)

Болаларда ўртоқлик муносабатларини тарбиялашда адабий, бадиий асарларни ўқиб, сўзлаб бериш ҳам яхши натижалар беради.

7-§. БОЛАЛАР ЖАМОАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ЁРДАМ БЕРУВЧИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Болалар жамоасини шакллантириш учун маълум шарт-шароитлар зарур. Булар қуйидагилардир:

- боғча ходимларининг аҳил жамоаси мавжуд бўлиши;
- болалар ҳаётини тўғри ташкил этиш;
- ўйинчоқларнинг болалар ёшига, қизиқишига мос келиши ва миқдор жиҳатдан болалар сонига етарли бўлиши;
- болаларда ўзаро аҳиллик, ғамхўрлик, жамоачилик, инсонийликни тарбиялашга ёрдам берувчи машғулотлар;
- ҳар хил қизиқарли фаолиятларни ташкил этиб бориш;
- оила билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш;
- болаларни ахлоқ нормалари ва қондаларига ўргатиб бориш;

— болалар муассасасида, гуруҳида ижобий хайрихоҳлик муҳити яратиш (болалар бир-бирлари билан мулоқотда бўлганларидан қувониш ҳиссини сезсинлар).

Жамоачиликни шакллантиришда тарбиячининг раҳбарлик роли муҳим роль ўйнайди. «Жамоа» тушунчаси мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ўзига хос хусусиятга эга. Бу ёшда жамоага ҳар доим катталар раҳбарлик қилади. Бунда у болаларнинг ҳаракатларини маълум томонга йўналтиради, бошқаради, фаолиятда умумий натижаларга эришишда ҳар бир боланинг жамоадаги роли тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиради, болаларнинг биргаликдаги фаолияти ва умумий кечинмалари болалар жамоасининг ташкил топишида асосий шарт-шароит ҳисобланади. Тарбиячининг, умуман катталарнинг болалар тарбиясида раҳбарлик ролини тасдиқловчи қуйидаги халқ мақолини келтириш жуда ҳам жониз бўлур эди: «Дарё қаёққа оқса, ирмоқ ҳам шу ёққа оқади».

Мураккаб ахлоқий сифат бўлган жамоачилик мактабгача тарбия ёшидаги болаларда дўстлашиш, бирга ўйнаш хоҳиши пайдо бўлиши, у ёки бу масалани биргаликда ҳал этиш истиги, бир-бирини ҳурматлаш (ёқтириш), ўртоғининг хафалик

ёки хурсандчилигини ҳис эта билиш каби айрим ижтимоий ҳисларнинг пайдо бўлиши орқасида юзага келади.

Боланинг ахлоқ қоидаларини ўзлаштириш жараёни нима билан характерланади? В. А. Горбачеванинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, кичик боғча ёшидаги болалар бу қоидаларни катталарнинг қонкрет болаларга қўйилган талаби деб тушунар эканлар. Кейин бундай талабнинг тақорлана бориши натижасида, улар ҳамма болаларга қаратилган умумий талаб деб тушуна бошлашар экан.

Бундан кўриниб турибдики, қондани аввалига болалар онгли ўзлаштиришмайди. Болалар ўз онгида ҳам қондани ажрата олмайди. Болалар аввалига фақат ўртоқлари хулқини англай бошлайди. Кейинчалик бориб ўз хулқининг ўртоқлари хулқига тўғри келиш-келмаслигини, ниҳоят ўз хулқини англай бошлайди. Етти ёшга борганда қондани тушунади. Шундан кейин қондани болаларга қўйилган умумий талаб деб тушуна бошлайди. Бола хулқи энди барқарор, эркин, бошқаларнинг хулқига боғлиқ бўлмай қолади. Болалар ўз тенгқурларига онгли таъсир эта бошлайдилар. Маълум мақсадга қаратилган педагогик иш натижасида болалар ўз хатти-ҳаракатларини онгли равишда, қондага биноан бошқарадилар ва бир-бирларига ижобий таъсир қила бошлайдилар.

Қонда жамоа аъзолари хулқини баҳоловчи эталонга айланади. Боланинг норма ва қоидаларни эгаллаб олиши унинг ўз тенгдошлари ўртасидаги мавқеини ўзгартиради. Болалар бундай ахлоқ қондасига биноан иш тутувчи ўртоқларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўла бошлайдилар.

Энг муҳими бола хулқида юз бераётган ижобий томонларни назорат қилиб бориш, яъни ташқи талабни унинг ички эътиқодига айлантириб боришдир. Бола шахси фаолиятнинг ҳар хил турларида шаклланиб боради (ўйин, ўқув фаолияти, меҳнат ва ҳ.к.)

Ҳар бир ёш гуруҳи болаларининг жамоачилик муносабатларига раҳбарлик қилиш «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури»да белгилаб берилган. Дастурда ҳар бир ёш гуруҳи учун жамоадаги ахлоқ нормалари ва қоидалари белгиланган.

8-§. ЖАМОАЧИЛИҚНИ ТАРБИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРНИ ТАҚОМИЛЛАШТИРИШ

Инсонпарварлик ҳиссини тарбиялаш. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда жамоачилик муносабатларининг бошланғич белгилари ахлоқий сифатларнинг мураккаб гуруҳидир. Бунга болаларнинг дўстлашиши, бирга ўйнаш ва меҳнат қилиш хоҳиши, қобилияти, бошқаларнинг хоҳиши, қизиқиши билан ҳисоблаша олиши, бир-бирига ёрдам бера олиши, топшириқни виждонан бажариши, умумий иш ва умумий нарс,

буюмлар учун ғамхўрлик қилиш каби ахлоқий сифатлар мажмуаси киради.

Бундай ҳис-туйғу, тасаввур, тушунчалар бола шахсининг ижтимоий йўналтирилган ҳолда шаклланишига ёрдам беради, болада инсонпарварликнинг дастлабки намуналари шаклланишига таъсир этади.

Кичкинтойларда тарбияланадиган ахлоқий хусусиятлар, хулқ-атвор қондалари орасида инсонпарварлик муҳим ўрин тутадн.

Инсонпарварлик ҳисси ахлоқ нормалари ва қондаларини ўргатиш асосида ривожланади. Бунинг учун болаларни яхши ишларни қилишга ўргатиб бориш керак. Инсонпарварликни тарбиялашда болаларнинг ёшину эътиборга олиш зарур. Кичик болага яхши бўлиш керак деганингиз билан у яхши бўлиб қолмайди, чунки унда яхшилик ва ёмонликни тўғри таҳлил қилиш ҳаётий тажрибаси етишмайди. Энг муҳими, бу ёшдаги болалар яхши ишлар қилишга ўргатилади ва бунда ҳар бир қулай вазиятдан фойдаланилади: йиқилиб тушган болани тургазиб қўйишга ёрдам бериш, унинг устки кийимини қоқиб қўйиш, юпатиш, яхши сўзлар айтиб кўнглини кўтариш, ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш, ўйинчоғини ўртоғига бериб туриш, тик турган кишига жой кўрсатиш, энг муҳими бошқаларга кўрсатган хизматидан хурсанд бўлишга ўргатиш ва ҳ. к.

Тарбиячи кичкина болаларга айрим хатти-ҳаракатларни сюжетли ўйинчоқлар билан ўйнаш орқали кўрсатади. Масалан, қўғирчоқни эркалаб, силаб-сийпалаб, эркалатувчи сўзлар айтиб ухлашга ётқизади, касалга раҳмдиллик кўрсатади, ҳайвонларни эркалаб тагини тозалайди, овқат беради. Ўсимликларнинг эҳтиёткорлик билан баргини артади, тагини тозалайди, тупроғини юмшатади ва ҳоказо.

Инсонпарварликка ўргатувчи ўйин-машғулотлар ўтказилади (кичкина гуруҳларда «Лолахонни ухлашга ётқизамиз», «Айиқ-полвонни кузатиб қўямиз» ва шунга ўхшашлар). Катта гуруҳда «Яхши киши тўғрисида», «Сахийлик», «Раҳмдиллик» мавзуларидаги машғулотлар ўтказилади.

Қундузги ва кечки сайрларда тарбиячи болаларга «Мушукча» эртагини ўқиб беради, расмларни биргаликда томоша қилишади, кино-, диа-, телефильмлар, радиоэшиттириш ва бошқалар намойиш этади.

Қўпгина тарбиячилар катталарга ва болаларга хушмуомалада бўлиш орқали кичкинтойларни шунга ўргатиш учун қулай муҳитни вужудга келтирадилар.

Катталар ҳар бир болага меҳрибонлик билан муносабатда бўлиб, уларда шу хислатни тарбиялашга ижобий таъсир кўрсатадилар. Болаларда тенгдошлари билан алоқада бўлиш эҳтиёжи жуда вақтли, бир ёшга тўлиш арафасида кўрина бошлайди. Тарбиячи болаларнинг бир-бирини ёқтиришга асосланган алоқаларини ташкил этади, ўзаро муносабатларини йўлга қўяди, тенгдошларига илтифот кўрсатишни рағбатлантиради

ва қўллаб-қувватлайди. У болаларнинг ўйиндаги дастлабки уюшмаларини ташкил этади, маъқуллайди ва рағбатлантиради («Раъно билан Юлдуз жуда яхши, аҳил ўйнаяпти»). Биргаликдаги фаолият жараёнида педагог болаларни бир-бирига ёрдам беришга ўргатади.

Тарбиячи болаларни тенгдошлари билан саломлашишга, ҳаммаларини эса янги келган кишининг саломига жавоб беришга одатлантиради, касал болага хат ёзишни, унга расмлар юборишни, телефон қилишни ва ҳоказоларни таклиф этади. Анчадан бери богчага келмаётган боланинг келиши қувончли бўлиб, унга алоҳида эътибор билан қаралади.

Ўрта ёшдаги болаларнинг уюшмалари анча барқарор бўлади, улар биргаликда ўйнабгина қолмай, биргаликда меҳнат ҳам қиладилар. Масалан, бир неча болаларга уй жиҳозини ёки хона ўсимликлари баргини артиш топшириғи берилади. Улар бирга ишлаш қизиқарли бўлиб, яна кўпроқ ишлар қилиш мумкинлигига ишонч ҳосил қиладилар. Беш ёшга қадам қўйган болалар ўз ҳаракатларини мувофиқлаштиришни, биргаликдаги ўйин ёки ишлардан олдин келишиб олишни билишлари керак. Бунга тарбиячининг: Ким ким билан ўйнайди? Ўйинда ким нима бўлишни хоҳлайди?— қабилидаги саволлари ёрдам беради. У тотувлик билан ўйнаётган ва меҳнат қилаётган, ўз ташаббуси билан ўртоғига ёрдамга келадиган болаларни рағбатлантиради.

Боғчада болаларнинг туғилган кунларини нишонлаш анъанаси ўзаро муносабатларга самимийлик киритади.

Тарбиячи болаларнинг бир-бирига ҳурмат ва эътибор кўрсатишларини машқ қилдириш учун кундалик ҳаётдаги, турмуш фаолиятидаги ҳар қандай имкониятдан фойдаланади. Ювиниш ва сайрга чиқиш вақтида тезроқ ҳаракат қилиш талаб этилади. Бунга сабаб бошқа бировни тўхтатиб қолиш мумкин эмаслигидир. Кийиниш ва ечиниш вақтида тарбиячи болаларни ўртоқларига ёрдам сўраб мурожаат қилишга ва жон деб ёрдам кўрсатишга ўргатиб боради.

5—6 ёшли болаларнинг ўзаро муносабатлари анча мураккаб бўлади. Педагог болаларнинг биргаликдаги ишларини ташкил этишга, уларнинг кўпроқ мустақил бўлишларига эришади. Уларда ташкилотчилик қобилиятлари, жанжал ва низоларни ҳаққоний ва бамайлихотир ҳал этиш, жамоа фикри билан ҳисоблашни малакаларини тарбиялайди.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда инсонпарварликни тарбиялаш узоқ вақтни талаб этадиган мураккаб жараён дир. Уни муваффақиятли амалга ошириш учун педагоглар жамоаси ва ота-оналар ўзаро ҳамкорликда ишлаб, болаларда ижобий ҳис-туйғуларни уйғотишга қаратилган тарбия усулларини изчиллик билан амалга ошириб боришлари керак.

✓ **Характернинг ахлоқий сифатларини тарбиялаш.** Характер ҳаёт ва тарбия таъсири билан ҳосил бўлган ва мустаҳкамланган муайян муносабат усули ва умуман киши хулқидир. ✓

Шахс характери дейилганда, аввало инсоннинг жамият олдигаги бурчига, кишиларга ва ўзига муносабати кўзда тутилади.

Ирода характернинг асосий хусусиятидир. Иродавий хусусиятлар характернинг амалий томонини ўз ичига олади. Фидойилик, матонатлилик, ўзини тута билиш, жасурлик ва журъатлилик муҳим иродавий хусусиятлар ҳисобланади. Бу хусусиятларнинг барчаси инсон ҳаёти, унинг ҳар қандай фаолияти учун зарурдир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда характернинг иродазий хусусиятлари — бу боланинг олдига мақсад қўйиб, уни бажаришда қийинчиликларни енгиб, бошланган ишни охирига етказа олиши, бирор ишдан ўзини тия билиш, унда дадилликни тарбиялаш учун зарурдир.

Характернинг иродавий хусусиятларини тарбиялашнинг методик усуллари хилма-хилдир. Энг муҳими эса, теварак-атрофдаги ажойиб кишилар ҳаётидан мисоллар келтириш, тарбиячи ва ота-оналарнинг шахсий намуна кўрсатишидир.

Бироқ иродани тарбиялаш учун шахсий намунанинг ўзи етарли эмас. Болаларда иродани тарбиялашда уларнинг шахсий фаолияти, шахсий тажрибаси, машқ қилиши, боланинг ўз фаоллиги муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бунда тарбиячининг асосий вазифаси болаларнинг ўз олдиларида турган фаолият (ўйин, меҳнат, машғулот)нинг аниқ мақсадини белгилаб олишларини таъминлайдиган шароит яратишдир.

Ўйин бошлашдан олдин тарбиячи болалардан нимани ва қандай ўйнашларини, ўйин учун нималар кераклигини, ролларни қандай тақсимлашларини сўрайди. Болаларда қатъийлик, жавобгарлик, тўғрилик каби иродавий ахлоқий сифатларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, 4—5 ёшли болаларни қурилиш материали билан ўйнаб бўлгандан кейин уни яшикка яхшилаб тахлаб, жойлаштириб қўйишга ўргатиш керак. Кўпинча болалар аввалига бу ишнинг уддасидан чиқиша олмайди. Шунда тарбиячи бошқача қилиб жойлаштиришни таклиф этади, агар бундай усул орқали бола тўғри жойлаштира олса, у хурсанд бўлиб, иккинчи марта йиғиштираётганда уни яхшироқ жойлаштиришни ўйлаб амалга оширади, тезроқ натижага эришади.

«Яширилган нарсани топ» ўйинида тарбиячи қайси бола тўғри ўйпаяпти-ю, қайси бола айёрлик қилаётганини тез билиб олади. Бунинг учун қуйидагича усул қўлланилади: болалар девор олдида ярим доира бўлиб туришади. Уларга буюмни яширгунча кўзларини юмиб туриш таклиф этилади. Кейин бир кўзларини очиб яширилган нарсани излашга боришади. 1—2 та бола тўғри топади ва дарров олиб, мана мен биринчи топдим, деб гапирди. Ўйин такрор-такрор қайтарилганда ҳам худди шу болалар яна топишади. Эндиги вазифа болада тўғриликни тарбиялашга ёрдам берувчи тарбиявий таъсирни топшидир.

Меҳнат фаолиятига киришишдан аввал эса тарбиячи ундан кузатилган мақсадни (ўйинчоқларни кузатиш ва китобларни ямаш, гулларга сув қуйиш ва ҳ.к.) аниқлайди, болаларнинг ўзларига мақсадни белгилашни таклиф этади. Гуруҳ хонасини биргаллашиб йиғиштиришдан олдин тарбиячи жиҳозлар, ўйинчоқлар, китоблар, ўсимликларни кузатиб, бугун нима иш қилиш кераклигини аниқлашни айтади.

Шундай қилиб, тарбиячи болаларнинг мақсадни белгилаб олиш, бошланган ишни охирига етказиш каби характернинг иродавий хусусиятларини тарбиялаб боради. Бунда болаларни маълум фаолият турига тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бола бирон ишни бажариш бўйича зарур малака ва кўникмаларни эгалламаган бўлса, бундай ҳолда у маълум ишни бажаришдан бош тортади. Буни И. П. Павлов ўзининг физиологик таълимотида қўрқувнинг физиологик асоси, биологик эҳтиёткорликнинг пассив мудофаа рефлeksi деб атаган. Бундай пайтда тарбиячи болага ёрдам бериши, унинг мустақиллигини бўғмаган ҳолда билмаган нарсаларни ўргатиши лозим.

Болаларнинг инжиқлиги ва қайсарлиги. Кичкинтойлар инжиқлигининг сабаблари турли-тумандир:

1. Боланинг бирон нарсдан норозилигини ифодалайди, бундай ҳолда бола йиғлайди, катталарнинг саволига қўрс жавоб беради.

2. Инжиқлик бола касаллиги сабабли ёки кун тартибининг нотўғри тузилганлигидан келиб чиқиши мумкин. Масалан, баъзап кун тартиби боланинг ёшига мос келмаган қилиб тузилади. Бола ёшига мос келмайдиган узундан-узоқ спектакллари, фильмларни кўриб ўта ҳаяжонланиши, чарчаши орқасида ҳам инжиқлик қилиши мумкин.

Болаларнинг ўжарлиги уларнинг ҳамма нарсда катталарга қарши чиқишида, ҳамма нарсани ўзлари бажаришда, ҳатто терс гапиришида сезилади. Катталар томонидан боланинг мустақиллиги чеклаб қўйилса, унинг муваффақияти ва муваффақиятсизлигига бефарқ қаралса, унга бениҳоя қаттиққўл бўлинса, оила-боғча, ота-оналар ўртасидаги келишмовчилик болалар олдига ҳал этилса ўжарлик пайдо бўлиши мумкин.

Боланинг камчиликларини ҳадеб пеш қалавериш унда қайсарлик, инжиқлик, ўжарликни келтириб чиқаради.

Авалло болаларнинг инжиқлик, ўжарлик ва ғазабланнишига бамайлихотир қараш керак, лекин уларнинг аланга олишига йўл қўймаслик керак.

Энг яхшиси бола йиғлаган, бақирган вақтда ҳовурдан тушгунча уни ёлғиз қолдириш лозим. Аммо совуққон бўлиш керак эмас, ҳовуридан тушган кўпинча ёш бола келишмоқчи, ярашмоқчи бўлади. Шунда дарров хушмуомалалик билан уни эркалатиб кўз ёшларини артиш, кийим-бошини тузатиб, қизиқарли машғулотга жалб қилиш лозим.

Болаларга қўйиладиган талаблар уларнинг ёши ва имкониятига мос маълум изчиллик билан олиб борилиши, охирига етказилиши лозим.

Тарбияда «табiiй жазо»дан фойдаланиш мумкин. Бола сочиб ташлаган ўйинчоғини йиғиштиришдан бош тортса, ўйинчоқни 2—3 кун яшириб қўйиб, бермаслик керак. Ўз вақтида кийинишни хоҳламаса, уни қолдириб сайрга кетаверишлари мумкинлиги айтилади.

Агар бола бекорчиликдан зерикса, унга қизиқарли фаолият учун шароит яратиш зарур.

Камтарлик, тўғрилиқ, ҳалоллик ва қувноқлик хусусиятини тарбиялаш. Бу хусусиятлар соғлом кишини тарбиялашнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Болалар кайфияти кўп жиҳатдан богчада ва уйда улар ҳаётининг ташкил этилиши ва мазмунига боғлиқ. Соғлом бола катталар сингари ўзининг жисмоний кучига ва умумий ривожланиш даражасига қараб тўлақонли яшашга ҳаракат қилади. У хилма-хил янги кечинмалар, янги тушунча ва тасаввурларга ташна бўлади. Богча тарбиячилари буни назарда тутиб, болаларни ишсиз ва машғулсиз қолдирмасликлари лозим.

Камтарлик ҳар бир кишининг энг муҳим ва олижаноб фазилатларидан биридир. Бу асосан мактаб ёшидан тарбияланади. Аммо мактабгача тарбия ёшидан бошлаб болаларга камтарлик ҳиссини сингдириш, манманлик, такаббурилик ва мақтанчоқликни йўқотиб бориш зарур.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўзларини бошқа болалардан устун қўйишга уринадилар («Мен расмни ҳаммадан яхши чизаман, ашулани яхши айтаман» ва ҳ. к.), баъзан ота-оналарининг касби билан ҳам мақтанадилар («Менинг отам директор, унинг «Волга» машинаси бор, у ҳамма нарсани қила олади»). Бундай ҳолатда болаларнинг ота-оналари билан тегишли иш олиб бориш, ҳар бир касбнинг ҳам зарурлиги ва муҳимлиги тўғрисида аниқ мисоллар билан тушунтириш лозим.

Бунда яқин атрофдаги кишилар билан учрашув ўтказиш, турли касбдаги кишилар меҳнатини кузатиш ҳам, болалар бадий адабиёти, тасвирий санъат асарлари ҳам ёрдам беради.

Болалар айрим ишларнинг уддасидан чиқиб, бошқа болаларни камситсалар, тарбиячи болага бирор нарсани билмаган ўртоғига ўргатиш кераклиги, ўзини-ўзи мақташ ярашмаслигини тушунтиради («Сен Ботирга қандай ва нима қилиш кераклигини ўргат, шунда Ботир ҳам чиройли пароход ясай олади»).

Софдиллик ва ростгўйликни тарбиялаш ёлғончилик ва виждонсизлик пайдо бўлишининг олдини олиш ва унга қарши кураш билан узвий боғлиқдир.

Баъзи болалар ўзлари тўқиган, катталардан эшитган эртакни тушларида кўргандек қилиб кўрсатишга уринадилар.

Бундай ҳолда ҳам уришмасдан «Эртак тўқишни яхши билгани учун» мақташ керак.

Шундай қилиб, болалардаги характернинг ижобий намуналарини уларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ахлоқий тарбиянинг ҳамма самарали усуллари билан тарбиялаб борилса, ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Интизомлилик ва хулқ маданиятини тарбиялаш. Интизомли бўлиш ҳар қандай фаолиятни ташкил этиш учун жуда зарурдир. Киши ўз интизомлилигини намоён қилиш орқали жамиятда бирга ишлайдиган, бирга яшайдиган, бирга дам олаётган кишиларига ҳурматини билдиради.

Интизом киши шахсининг шаклланишида катта аҳамиятга эга, у кишида жамоа талабига бўйсунушга, жамоат томонидан ўрнатилган қоидаларга бўйсунушга, жамият манфаатига зид ишлардан ўзини тийишга, бошқаларга қулоқ солишга, ўз-ўзини кузатиб туришга ўргатади. Шунинг учун ҳам интизом бутун таълим-тарбиявий ишнинг натижаси деб қаралмоғи лозим.

Боғча ёши даврида таълим-тарбиявий иш тўғри амалга ошириб борилган бўлса, болаларда интизомлилик анча яхши тарбияланади. Кичик гуруҳда тарбиячининг оқилона олиб борган тарбиявий иши ва махсус яратган вазиятлари натижасида болалар анча ўзини тута оладиган, интизомли бўлиб қолади (ўринлардан секин туришади, сайрга чиқишдан олдин ўйинчоқларни йиғиштириб қўйишади, ўзлари мустақил тартибли ки-йинишади ва ҳ. к.).

Катта боғча ёшидаги болалар нима «мумкин», нима «мумкин эмаслигини» ўзлари мулоҳаза қила оладилар. (Масалан: «Хоҳлайман, лекин мумкин эмас, шунинг учун ўз хоҳишимдан воз кечишим керак». «Хоҳламайман, лекин керак, шунинг учун топшириқни бажаришим керак».)

Илк ёшли болаларда катталарга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Катталар билан тўғри муомала қилишга ўргатиш, уларга қулоқ солиш, ишониш, ҳурмат ҳиссини тарбиялаш зарур (катталарнинг сўзини жон қулоғи билан эшитиш, уларни айтганларини батафсил бажариш, ҳушёр бўлиш, ўз ахлоқи билан катталарни хурсанд қилишга интилиш ва ҳ.к.)

Таълим-тарбия иши тўғри амалга ошириб борилса, катта боғча ёшида бу сифатларнинг ҳаммаси шаклланган бўлади. Болалар жамоат жойларидаги ахлоқ қоидаларини биллиб оладилар, кишиларга мулойим, хушмуомала қиладиган бўлиб қоладилар.

Болалар боғчасида болалар ўз тенгдошлари билан бирга бўлганликлари сабабли тарбиячи болаларда ўз тенгқурларига нисбатан ҳурмат, ҳозиржавоблик, хайрихоҳлик, ўзаро ёрдам ҳисларини тарбиялаб боради.

Илк ёшда болалар бир-бири билан ўйнаганда халақит бермаслик, ўйинчоқни тортиб олмаслик, керак бўлса сўраб олиш,

Ўртоғи ўйнаб бўлгунча кутиб туриш каби хусусиятларни ўзларига сингдириб борадилар.

Натижада ижобий муносабатнинг дастлабки шакллари намоён бўла бошлайди (йиглаб турган ўртоғини юпатади, ўз ўйинчоғини бериб хурсанд қилади), бирга ўйнаш хоҳиши пайдо бўлади. Тарбиячи бундай ижобий муносабатни, биргаликдаги фаолиятни рағбатлантиради.

Ўрта гуруҳ болаларида хушмуомалалик, ўртоғига ачиниш ёки хурсандликдан қувониш, уни хурсанд қилиш, нарсасини бўлишиш каби хусусиятлар тарбияланади.

Болалар ўйинчоқдан биргаликда фойдаланиш тўғрисида келишиб оладилар, ўйинда ким қайси ролни бажаришини тортишмай осонгина ҳал этадилар, бир-бирларига умумий ишда ва бошқаларда ёрдам берадилар.

Катта гуруҳ болаларининг ўз тенгдошларига муносабати онгли тусда бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз тенгдошларига меҳрибон, касал бўлганда ғамхўрлик қиладиган бўлиб қоладилар, бу ёшдаги болаларда жамоатчиликнинг дастлабки намуналари шаклланади. Тортишувларни ҳаққоний ҳал этадилар, ўртоғининг ноҳақлигини унга тушунтира оладилар. Ўртоғига ўнғай бўлсин учун ноннинг тарелкасини унинг олдироғига суриб қўядилар, ўртоғи хато қилса, унинг олдини олиш учун хушмуомалалик билан огоҳлантирадлар.

Болалар боғчасидаги болаларда дўстона муносабатларни тарбиялаш учун имконият жуда катта бўлиб, бундан тарбиячи оқилона фойдаланиши зарур.

Болалар боғчасида буюм ва нарсаларга эҳтиётлик билан қараш ҳам тарбияланиб боради, уларни асраш, уни яратган кишиларга ҳурмат ҳиссини тарбияланади.

Меҳнатга ижобий муносабатда бўлиш ҳисси тарбияланади.

Кичик гуруҳ болаларида бу топшириқни бажонудил бажариш, катталарнинг меҳнатига қизиқиш шаклида намоён бўлиши лозим.

Ўрта гуруҳ болалари тарбиячи уларга мос меҳнат ҳаракатларини «қўлимдан келган ишни ўзим қиламан» деган қондага биноан бажаришни ўргатади. Уларда ўртоқларига ёрдам бериш хоҳиши, уларнинг қийналганини кўра билиш ва ёрдамга шошилиш, жамоага ғамхўрлик билан боғлиқ бўлган айрим топшириқни бажариш одати тарбияланади.

Катта гуруҳ болаларига меҳнатнинг зарурлигини тушуниш, топширилган ишга жавобгарлик ҳисси сингдирилади. Бу топшириқни, навбатчилик вазифасини онгли суратда бажаришда, меҳнатнинг маълум мақсадга қаратилган бўлишида намоён бўлади. Болаларда меҳнатсеварлик, ўз ташаббуси билан иш қилишга интилиш, уни қатнашувчилар ўртасида тўғри тақсимлаш, бир-бирига ёрдам бериш, айниқса муҳимдир. Ишнинг натижаси бажарувчиларнинг ҳар бири унга виждонан муносабатда бўлишига боғлиқдир.

Болалар боғчасида кичкинтойлар ўрта гуруҳдан бошлаб маълум бир вазифани бажаришга ўргатиб борилади. Тарбиячи болаларга ишнинг мазмунини, уни нима учун ўз вақтида бажариш зарурлигини, бу ишни бажаришда жамоадаги ҳар бир бола жавобгар эканлигини тушунтиради. Тарбиячи ишни бажаришда болаларга ёрдам беради.

Катта гуруҳ болалари ўз вазифаларига кўпроқ жавобгарликни сезган ҳолда муносабатда бўлишлари, унинг аҳамиятини тушунишлари, ташаббус кўрсатишлари, бошлаган ишни охиригача олиб боришлари лозим.

Педагог болаларда ўсимликларни эҳтиётлашга, кичкиналарни фақат йўлқадан юришга, гулларни босмасликка, узмасликка, тўкилган барглари теришга, табиатда юз бераётган ўзгаришни кўра билишга ўргатади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда интизомлиликни ва маданиятли хулқни тарбиялашда қўйидаги шарт-шароит зарур:

1. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда интизомлилик ва хулқ маданиятини тарбиялашда тарбиячи, ота-оналар обрўйи ва маданияти, уларнинг ўзаро муносабатлари энг муҳим ва биринчи даражали аҳамиятга эга.

Тарбиячи ва ота-оналар бола хато қилиб қўйганда танбеҳ ўрнига маслаҳат беришлари керак. Баъзан эса ҳазилдан фойдалана билиш, йўл қўйилган хатони одоб билан тузатиш, болалар бошлаган ишга қизиқиш, уларни қўллаб-қувватлашга интилиш, уларга нисбатан ишонч ва меҳрибонлик, болаларда тарбиячи ва ота-онасининг буйруқларига бўйсунуш, уларнинг илтимосига ҳозиржавобликни тарбиялайди. Бундай педагог ва ота-оналарнинг болалар олдида обрўси катта бўлади. Болалар обрўли тарбиячига тақлид қиладилар, унинг ширин муомаласини, одоблигини тенгдошлари билан бўладиган муносабатларига кўчирадилар.

2. Болаларни интизомлиликка ўргатишда аниқ тузилган кун тартиби ҳам муҳимдир.

Агар бугун тишни тозалаш керак бўлса, уни эртага ҳам, индинга ҳам, хуллас ҳар доим тозалаб бориш керак.

Ҳар гал тартиб бузилганда танбеҳ бериб туриш керак.

Умуман интизом катталарни ҳурмат қилиш, ўртоқлари билан иноқ бўлиб ўйнаш, ўйинчоқ ва бошқа буюмларни эҳтиётлаб сақлаш, талабларни ўз вақтида бажариш демакдир.

Бундай хулқ-авторни тарбиялаш учун болаларнинг бутун ҳаёти ювиниш, кийиниш, йиғиб-териш каби ишларни бажариш ва қатъий тартибга бўйсундирилган бўлиши керак.

3. Болалар яшайдиган хона асбоб-анжомларининг тўғри жойлаштирилиши ҳам интизомлиликни ва ахлоқ маданиятини таркиб топтиришда муҳим аҳамиятга эга.

4. Болалар гуруҳида уларнинг қизиқиши, ривожланиши, ёш хусусиятига мос бўлган ўйинчоқларнинг етарлича бўлиши — турли хил фаолиятни бошлаш ва ривожлантириш, биргаликда

ўйнаш, меҳнат қилиш, қизиқишлар бўйича машғулот билан банд бўлишга шароит яратади ва номақбул хатти-ҳаракатларнинг олдини олади.

5. Болаларда интизомлилик ва хулқ маданиятини тарбиялашда боланинг онглилигига асосланиш керак. Бунинг учун катталар боладан талаб қилинаётган нарсани нима учун бажариш кераклигини унга яхшилаб тушунтиришлари керак. Бола муайян қондани эгаллаб олгандан кейингина топшириқни аниқ ва тўлиқ бажаришга ҳаракат қилади.

6. Педагог болалар гуруҳида илтифотлилик муҳитини яратиш учун болаларнинг фаолиятлари хилма-хил ва мазмунли бўлишига эътибор беради. Бу болаларда доимо бирор иш билан машғул бўлишга интилиш уйғотади, уларнинг ҳаётини йўлга қўяди, интизомлилик ва хулқ маданиятини таркиб топтиришга ижобий таъсир этади.

Интизом ва маданий ахлоқни тарбиялаш усуллари. Болаларга бериладиган ҳар қандай ахлоқ қондаси уларнинг ёшига мос ва тушунарли бўлиши, ман этиш шаклида эмас, балки кўрсатиш тарзида бўлиши керак. Тарбиячи ҳар доим эслатиб, огоҳлантириб туриши лозим. Масалан, «Ечиниш хонасига киришдан олдин ҳаммангиз оёқларингизни артиб киришлар, энагамиз полни тозалаб ювиб қўйган, уни ифлос қилмасликка ҳаракат қиламиз» ёки «Зухра биринчи бўлиб хонага кирди, у оёгини артишни унутмади. Мен ишонаманки, ҳамма болалар ҳам шундай қилишади».

Ўрта гуруҳ болаларига ҳам ахлоқ қоидаларини эслатиш керак, чунки уларда ўз-ўзини назорат қилиш ривожланган, аммо бу жонга тегмайдиган бўлиши керак. Масалан: жанжал чиқишини кўрган тарбиячи шундай дейди: «Мен ўйлайманки, дўстлар қандай бўлишини сизларга эслатишнинг кераги йўқ. Сизлар келишиб олишни яхши биласизлар. Қани ким биринчи бўлиб айтади: «Дўстлар қандай бўлиши керак?» Тарбиячининг болаларга бундай мурожаат қилиши натижасида болаларда ўзларининг яхши эканлигига ишонч туғилади ва ўзаро келишиб олишга, ўртоқлик муносабатини ривожлантиришга ёрдам беради.

Тарбиячи болаларга янгитдан киритилган ахлоқ қоидаларининг мазмунини тушунтириб беради: «Агар сен уни туртиб юборганинг учун кечирим сўрамасанг, у атайлаб туртгансан деб сендан хафа бўлиши мумкин». Ахлоқ қондасига мос келадиган ахлоқ тажрибаси уни бажаришни машқ қилиб борилгандагина юзага келади. Буни А. С. Макаренко ҳам гапириб келган эди. У айтади: «Қандай бўлиш кераклиги тўғрисидаги билим билан одатдаги хулқ ўртасида кичкина ариқча борки, буни тажриба билан тўлдириб бориш керак».

Ахлоқ қоидаларини машқ қилдиришда педагогик талаб бир хил бўлиши лозим. Яъни ҳар иккала тарбиячи ҳам бир хилда иш олиб бориши керак, акс ҳолда, болаларнинг катталар хусусиятига мослашиши қийин бўлади.

Ахлоқ қоидалари бирин-кетин ўргатиб, сингдириб борилди, акс ҳолда бола бирданига ҳаммасини ўзлаштириб ололмайди. Болаларнинг ахлоқ қоидаларини ўзлаштириб олишини тарбиячининг назорат қилиб туриши муҳим аҳамиятга эга. Назорат қилиб туриш баҳолаш билан қўшиб олиб борилади. Тарбиячи болалар хулқини қўллаб-қувватлайди ёки айримлари қайтарилмаслиги учун огоҳлантиради. Масалан: «Бизнинг Лола қандай сарамжон, у ҳамма ўйинчоқларни қутисигә солиб, қопқоғини ёпиб қўйди».

Булар ҳаммаси болаларни яхши намунага тақлид қилишга, тарбиячининг мақтовини эшитишга ундайди.

9-§. ВАТАНГА МУҲАББАТНИ ТАРБИЯЛАШ ВА БАЙНАЛМИЛАЛЧИЛИК ТАРБИЯСИ

Ватанпарварликни тарбиялаш. Ватан ҳисси... У болада оилага, энг яқин кишилари — ота, она, бува, буви, ака-ука, опа-сингилларига бўлган муносабатдан бошланади. Бу уни қадрдон уйи ва яқин кишилари билан боғлайдиган илдиэлардир.

Эрамиздан олдин яшаган юнон адибларидан бири «Ватан шаънига» асарида: «Менинг бу гапларим ғоят эски гаплардир. Лекин ҳақиқат шундай: ўз отасини севмаган фарзанд ўзганинг отасини ҳам ҳурмат қила олмайди, ўз ватанини севмаган киши ўзгалар ватанини қадрлай олмайди», деб ёзган экан. Унинг бу гаплари орадан икки минг йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса ҳам, унинг учун ўша пайтда «эски бўлган гаплар» ҳозир нақадар замонавий жарангламоқда.

Ватан деганда нимани англаш мумкин? Ватан — арабча она юрт дегани. Ватан — бу одам туғилиб ўсган, тарбияланган, меҳнат қувончини тотган, шу одам мансуб бўлган халқ тарихи билан боғланган ҳамда тарихан шаклланган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий муҳитдир.

Ватан — кўп қиррали тушунчадир, бу маълум халқ яшайдиган ҳудуд, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузум, миллий ҳаёт, маданият, тил, миллий анъаналар, яъни киши мансуб бўлган жамиятнинг моддий ва маънавий шароитлари йиғиндиси ўз ичига олади.

Ватанпарварлик — ватанга муҳаббат, унга содиқлик, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилишга тайёр туриш демакдир.

Ватанпарварлик ижтимоий, тарихий ва ахлоқий ҳис-туйғу сифатида одамнинг ижтимоий тараққиёти давомида пайдо бўлади. Ибтидоий жамоа тузумида ватанпарварлик фақат ўз уругдошларига, она ерга, она тилига, урф-одатларга боғлиқ ҳис бўлган бўлса, синфлар пайдо бўлиши билан ватанпарварлик ғоялари чуқурлашиб, ижтимоий ҳаётнинг тобора кўпроқ соҳаларига чуқурроқ кириб борди. Даврлар ўтиши билан бу туйғу буюк қудратга айланди.

Буюк ўзбек мутафаккирларининг фикрича, «Биз туғилган юртимиздан узоқ кетсак, бизни тортиб келатурғон қувват ўз ватанимизнинг, она тупроқнинг меҳру муҳаббатидир».

Биз Ватан сўзини не-не сўзларга қўшиб, не-не қадриятларга сифат бериб ишлатамиз: «Ватан тупроғи», «Ватан адабиёти», «Ватан туйғуси», «Ватан тарихи».

Мақолларимизда ўзбек халқининг она ватанга бўлган чексиз муҳаббати, ҳурмати, садоқати ўз ифодасини топган. Уларда ватан, эл-юрт улуғланади, ҳар ким ўз элида эркин нафас олиши, иззат-ҳурматда яшаши кўрсатилиб, ватанни севиш, унга ҳамиша содиқ бўлиш зарурлиги уқтирилади. «Булбул чаманин севар, одам ватанини», «Онага бўлган муҳаббат — ватанга бўлган муҳаббатнинг куртаги», «Ким онасин севмаган, ким ватанин севмаган?!», «Ҳар кимнинг ўз элати ўзига ширин», «Ҳар қуш ўз уясида эркин», «Ҳар қуш ўз уясига қараб учади», «Ҳар тойча сув ичган булоғини мақтайди», «Ҳар кўкатнинг ўз сўйган тупроғи бор», «Товушқонга туғилган тупроғи азиз» каби мақолларда она юрт ўзининг бутун борлиғи билан мадҳ этилади ва ҳар кимнинг ўз ватани ўзга юртлардан афзаллиги, нақадар ёқимли ва ниҳоятда азизлиги фахр ва ғурур ила мадҳ этилади.

Шу билан бирга ўз ватанини фақат севибгина қолмай, балки уни асраб, авайлашга чақирувчи халқ мақол ва маталларини ҳам кўплаб учратиш мумкин: «Ўлсанг ўл — ватанда бўл», «Ватанинг тинч — сен тинч», «Элинг омон бўлса, сен омон», «Ватанга фалокат — ўзингга ҳалокат», «Она юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас» каби мақолларда Ватаннинг тинчлигини сақлаш, унинг даҳлсизлигини таъминлаш, она тупроғини душман оёғи остида топтамаслик, вайрон бўлишига йўл қўймаслик — олий бурч эканлиги уқтирилади.

«Юртим — кўксим, элим — илигим», «Эси бутун элидан чиқмас», «Тоғ гулининг тоғда ўсгани яхши», «Туққан ердан оёқ узилса ҳам кўнгил узилмас», «Шунқор қиясин соғинар, тўрғай уясин», «Ойдан ёруғ нарса йўқ қора булут бўлмаса, одамдан ғариб нарса йўқ қайтиб юртин топмаса», «Ажралган ажриққа зор», «Ватан гадоси — кафан гадоси», «Вафосизга ватан йўқ» каби мақолларда униб ўсган юртни ношукурчилик қилиб ташлаб кетиш жуда ёмон ва хунук оқибатларга олиб бориши таъкидланади.

Бу ҳақда бобокалон шоиримиз А. Навоий шундай ёзганлар:

*Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.*

Чунки ватандан ташқарида бахт йўқ, бегона юрт ҳеч қачон ватан бўлолмайди. Ўз ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган ва чет элларда яшашга мажбур бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз ватанини чексиз севган, ўз халқига чуқур ҳур-

мат билан қараган ватанпарвар шоирдир. Унинг ватан муҳаббатини куйлашга багишланган чиройли рубойлари бор:

*Толе йўқи жонимга балолиғ бўлди,
Ҳар ишни айладим хатолиғ бўлди.
Ўз юртни қўйиб ҳинд сари юзландим,
Ераб нетайин не юз қаролиқ бўлди.*

У чет элда бўлса ҳам ўз она юртидан бир дам бўлса-да кўнглини узолмади, она ватанини қўмсаб азоб чекди:

*Кўпдин бериким ёру диёрим йўқдур,
Бир лаҳзаи бир нафас қарорим йўқтур.*

Бошқа ўринда:

*Ёд этмас эрмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнглини жаннатда киши.
Кўнглум бу ғарибликда, шод ўлмади оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш албатта киши,*

деб ўз тақдиридан нолийди.

Ҳақиқий ватанпарварлик ватан манфаати йўлида керак бўлса ҳатто қурбон бўлишга ҳам тайёр туришда намоён бўлади. Чунки ўзингни ватанга қанчалар яқин ҳис этсанг, уни шу қадар вужуд каби аниқроқ ва севиброқ тасаввур қиласан. Ўз ота-онаси, ўз она тупроғи, қишлоғи, ўз миллати ва халқи, ўз тарихи, маданиятини севамаган кимса қандай қилиб бегоналарни севолин, қандай қилиб бундай шахсдан том маънодаги байналмилалчи қиқсин?

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ўзининг «Ўзбегим» қасидасида она ватанни чиройли таърифлаган:

*Тарихингдир минг асрлар ичра пинҳон ўзбегим,
Сенга тенгдур Помиру оқсоч Тяньшон ўзбегим.
Сўйласин Афросиёбу сўйласун Урхун хати,
Кўҳна тарих шодасида битта маржон ўзбегим.
Мен буюк юрт ўғлидурман, мен башар фарзандиман,
Лекин аввал сенга бўлгум содиқ ўғлон ўзбегим.*

Тарихий обидаларга, боболар руҳи уфуриб турган асори-атиқаларга ҳурмат ила муносабатда бўлиш тарихга бўлган ҳурмат, эҳтиромнинг бир қиррасидир. Унут бўлган тарихимизни тиклаш, пайҳон бўлган заминимизни поклаш, келажак авлодга аждодларимиздан қолган меросимизни эсон-омон етказиш — ҳар бир инсоннинг, ватанпарвар, халқпарвар, тарихпарвар инсонларнинг ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Ватанпарварлик туйғуси, тарбияси ота-онага, ўз маҳалла, қишлоғига, ноҳия, шаҳар, вилоят ва жумҳуриятига бўлган чек-

сиз муҳаббатдан, унинг тарихи ва маданиятига бўлган мислсиз ва тенгсиз ҳурмат ва садоқатдан бошланади.

Ватан туйғуси кичкина одам кўз ўнгида кўраётган нарсдан қойил қолишидан, уни ҳайратлантирадиган ва қалбида акс-садо берадиган нарсалардан бошланади.

Катталарнинг вазифаси — бола оладиган кўплаб таассуротлардан унга энг тушунарли бўлганларини: энг яқин кишилари, жонажон ўлка табииоти ва ҳайвонот дунёси, кишиларнинг халқ фаровонлиги, ватаннинг гуллаб-яшнаши йўлидаги меҳнати, ўртоқлик, ўзаро ёрдам ва бошқаларни танлаб беришдан иборатдир.

Хўш, мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тушунчасига нима кўпроқ мос келади ва нима уни қизиқтириши ва ҳаяжонлантириши мумкин?

Даставвал, бу у туғилган ва яшаётган жойлардир. Жонажон она табииат ватанга муҳаббатни тарбиялашнинг кучли омилларидан ҳисобланади. Унинг гўзаллиги билан завқланиш, табииат дунёсига эҳтиёткорона муносабатда бўлишдан, инсон меҳнатининг табииатдаги ўзгартирувчилик ролини тушунишигача — буларнинг ҳаммаси жонажон ўлкага муҳаббатни шакллантиришнинг манбаларидир. Болаликда жонажон табииат ҳақида ҳосил қилинган ёрқин таассуротлар инсон хотирасида бир умрга сақланиб қолади, чунки унинг образларида ватан ўзифодасини топган бўлади. Одам ватанга бўлган муҳаббатини ўзи туғилган ва ўсган оиласи, болалар боғчаси ва мактаби, болалар билан ўйнаган ўйинлари ва жойлари билан боғлайди.

Ватанга муҳаббатни тарбиялаш. Ватанга муҳаббат — энг чуқур ижтимоий ҳислардан биридир. Бизнинг давлатимизда Ватанга муҳаббат ҳисси байналмилалчилик ҳисси билан уйғунлашиб кетади. Ватанга муҳаббат ҳисси мактабгача тарбия ёшидаги болаларда катталар томонидан болаларнинг руҳий тараққиётини ва улар тафаккурининг аниқ ва образлилигини эътиборга олган ҳолда маълум изчиллик билан тарбиялаб борилади. Шунинг учун бу ёшдаги болаларда ватанга муҳаббат ҳиссини уларга яқин ва таниш бўлган аниқ фактлар, ёрқин мисоллар орқали тарбиялаб борилади. Тарбиячилар болаларда ўз оиласига, уйига, болалар боғчасига ва болаларни ўраб турган теварак-атрофга меҳр-муҳаббатни ва уларга содиқ бўлишни тарбиялаётиб, энг муҳим ижтимоий ҳис бўлган ватанга муҳаббатни тарбиялаб боради.

Кичик боғча ёшидаги болалар теварак-атрофдаги воқеа, ҳодисаларнинг фақат ташқи белгиларини англаб оладилар. Улар Ҳайит, Наврўз байрамини ҳамма кишилар шодиёналик, билан кутиб олишларини кўрадилар, бундан жуда завқландилар, аммо бунинг сабоблари, натижалари билан қизиқмайдилар. Аммо бу ёшдаги болалар теварак-атрофдаги кишилар меҳнати, уларнинг болаларга кўрсатаётган ғамхўрликлари билан катталар таништириб борсалар, аниқ мисоллар орқали тушунтирсалар, айни муддао бўлади.

Ўрта гуруҳ болалари ижтимоий ҳаёт воқеалари бўлган катталарнинг қишлоқ ҳўжалигидаги, фабрикадаги, заводдаги меҳнатини, улар кўпчилик манфаатини кўзлаб ишлаётганлиги, шаҳар ва қишлоқларни обод қилаётганлиги, маиший ва уй-жой биноларини қураётганлигини тушунадиган бўлиб қоладилар.

Катта гуруҳ болалари эса бизнинг жумҳуриятимизда ҳар хил миллат вакиллари бирга яшайди деган ҳақиқатни ҳам тушуниб оладилар.

Кичкина гуруҳда ватанга муҳаббат ҳисси ўз уйига, богчасига, тарбиячига муҳаббатни тарбиялашдан бошланади. Болалар ота-оналари ва педагоглар уларга қандай гамхўрлик қилаётганини кўрадилар ва ҳис этадилар, натижада болаларда уларга бўлган муҳаббат янада ортади, уларнинг гамхўрлиги ва ҳимоясига ишонч ҳосил қиладилар.

Ўрта гуруҳда болалар энди кенгроқ доирадаги кишилар билан муносабатда бўла бошлайдилар. Улар ота-оналари ва тарбиячилардан ўз шаҳри, қишлоғи тўғрисида кўп нарсани билиб оладилар.

Вазифа кишиларга бўлган муҳаббат ва меҳрибонлик туйғуларини анча анланган ва таъсирчан қилишдан иборатдир. Шу мақсадда тарбиячи суҳбатлардан, бадиий адабиётлардан фойдаланади, расмлар кўрсатади, экскурсиялар уюштиради.

Боланинг ўзига хос хусусиятини эътиборга олиш, унинг ахлоқий тасаввурлари билан конкрет хатти-ҳаракати ўртасида қарама-қаршилик бўлиши мумкинлигини назарда тутиб, кишиларга нисбатан чинакам муҳаббатни тарбиялаш учун уларга ёрдам бериш истагини (дастурхон ёзиб, стол тузаш, идиш-товоқларни ювишга ёрдам бериш ва шунга ўхшашлар) уйғотишга алоҳида эътибор бериш керак.

Катта гуруҳ болаларига уйда оналарига, бувиларига ва оталарига ёрдам бериш топширилади. Бутун гуруҳ болалари билан улар оилада катталарга қандай ёрдам берганликлари тўғрисида суҳбатлашилади.

Онага ҳурмат ва муҳаббатни тарбиялашда 8 март байрамини уюштириш яхши ёрдам беради. Бу куни болалар ва тарбиячилар шеърлар ўқийдилар, ашулалар ижро этишади, оналари ҳақида ҳикоя қилиб беришади.

Байрамга тайёргарлик даврида оналари, уларнинг меҳнати, оиладаги гамхўрлиги ҳақида суҳбат ўтказилади. «Онага совға» расми кўрилади, она ва бувиларга совғалар тайёрланади.

Тарбиячи ота-оналарга муҳаббатни тарбиялашда бадиий адабиётдан ҳам кенг фойдаланади.

Тайёрлов гуруҳидаги болалар билан олиб бориладиган суҳбатларда она меҳнат қилиб, фақат ўз оиласигагина эмас, жамият учун ҳам фойда келтириши таъкидланади. Мактаб, темир йўл станцияси, тикувчилик устахонаси, почта, кутубхонага экскурсиялар уюштирилади.

Экскурсияларда оналарнинг қандай ишлаётганлари кўрса-

тилади. Экскурсиядан кейин «Оналар қандай ишлайдилар» деган мавзуда суҳбат ўтказилади.

Оилага, боғчага, яқин кишиларга меҳр-муҳаббат ҳисси аста-секин кенгайиб, болаларнинг туғилган шаҳри, қишлоғи, жонажон табиатга бўлган меҳри билан қўшилиб кетади ва мураккаблашиб боради.

Тарбиячи болаларга жонажон шаҳар, қишлоқдаги энг чиройли кўчаларни, майдонларни, биноларни, боғларни кўрсатади. Кўчалар, майдонлар, хиёбонларнинг номи шаҳар ёки қишлоқнинг таржимаи ҳолини, халқнинг ўтмишини англатишини тушунтиради. Бу номлар буюк олимлар, саркардалар, ёзувчилар, халқ эъзолаган бошқа кишилар шарафига қўйилганини тушунтиради.

Педагог кичик гуруҳдан бошлаб болаларда жонажон ўлка табиатига муҳаббат уйғотиши, унинг гўзаллигини ҳис этиш қобилиятини тарбиялаши, унинг бойликларини сақлаш ва кўпайтириш истагини уйғотиб бориши лозим. Бунинг учун у болалар билан боғларга, полизга, иссиқхоналарга, пахта дала-сига, гулзорга, дарёга, пиллахоналарга, товуқхона, фермаларга сайр-экскурсиялар уюштиради.

У ўзбек ва бошқа миллат ёзувчи-шоирларининг табиат ҳақидаги шеър ва қўшиқларидан, буюк рассомларнинг расмларидан фойдаланади. Тарбиячи болаларни жумҳуриятимизнинг бошқа ноҳия ва қишлоқлари, шаҳарлари, ундаги ижтимоий ҳаёт билан таништиради. Болалар китоб, ҳикоя, кинофильмлардан бепоён ватанимиз халқлари, уларнинг ҳаёти ва меҳнати, ўлкамиз бойликлари тўғрисида тасаввурга эга бўладилар.

Тарбиячи «Ватан», «Бизнинг шаҳар», «Ўзбекистоннинг пойтахти — Тошкент», «Қишлоғимизнинг энг яхши кишилари», «Шаҳримизнинг энг яхши кишилари» ва шунга ўхшаш мавзулар бўйича китоб ва расмлар танлайди, турли альбомлар, папкалар тайёрлаб, болалар билан олиб борадиган таълим-тарбиявий ишида фойдаланади.

Ҳар бир даврда юз берадиган воқеа-ҳодисалар болаларга бевосита ва бавосита таъсир этади. Бундай воқеа-ҳодисалар тўғрисида тарбиячининг болаларга моҳирона ҳикоя қилиб бериши ватанпарварликни тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Байналмилал тарбия. Бизнинг республикамиз ўз моҳияти билан байналминалдор. Шунинг учун мактабгача тарбия ёшидаги болаларда байналмилалчилик, халқлар дўстлиги ҳисларини тарбиялаб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни байналмилалчилик руҳида тарбиялаш асосида бошқа миллат ва халқларга ижобий муносабат ва дўстона ҳис-туйғулар уйғотиш, турли халқлар ҳаётига қизиқиш ҳиссини пайдо қилиш мақсади ётади. Бундай ҳис-туйғуларни ривожлантириш асосан тақлид қилиш орқали мукамаллашиб боради.

Гуруҳда байналмилалчилик туйғуларнинг шаклланишини таъминловчи ижобий муҳит юзага келтирилиши лозим. Бу болаларнинг эзгу ҳисларини, жамоачилик муносабатини, инсонпарварликни, бировларга беминнат хизмат қилишни таъминлаш шароитида ўтади.

Болаларни у ёки бу жумҳурият билан таништиришни ҳар бир жумҳуриятнинг ўзига хос томонларини, яъни одамларининг меҳнати, уларнинг ташқи кўринишлари, маданияти ва табиатини эслаб қолишларини таъминлайдиган қилиб ташкил этиш лозим.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни байналмилалчилик ҳис-туйғулари асосини шакллантиришда аввалига айрим жумҳуриятларда яшайдиган ҳар бир миллат вакиллари билан учрашувлар ўтказиш; улар билан ёзишмалар олиб бориш; махсус машғулотларда уларнинг урф-одатлари, маданияти, санъати, табиати тўғрисидаги адабиётларни ўқиб бериш, суҳбат ўтказиш, расмларни кўрсатиш, диафильмлар намойиш қилиш, миллат болалари ҳаёти тўғрисидаги, турли миллат кишиларининг меҳнати ва турмуши ҳақидаги ҳикоялардан ўқиб бериш фойдали бўлади.

Машғулотларни жумҳуриятларни бир-бирига қиёслаган ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Масалан, болалар Қозғистон деҳқонлари кўпроқ ғалла етиштиришларини, белоруссиялик деҳқонлар эса зиғир, ўзбекистонлик деҳқонлар эса пахта ва турли мевалар етиштиришларини билиб оладилар.

Болалар ўз жумҳуриятлари тўғрисидаги кўп нарсаларни кузатиш, экскурсиялар ўтказиш, сайрларга чиқиш орқали ҳамда бадий асарлар орқали ҳам билиб оладилар. Тарбиячи йил давомида бундай асарлар, ҳикояларни ўқиб, сўзлаб бериб боради, шеърларни ёдлатади.

Мусиқадан фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Мусиқа тинглаш жараёнида киши қалбида уйғонадиган ҳис-туйғулар болаларда ўз халқининг миллий маданиятига қизиқиш уйғотади.

Болаларда байналмилалчилик ҳиссини тарбиялашда миллий қўғирчоқлар катта ўрин эгаллайди.

VIII б о б. МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

1-§. МЕҲНАТ ИНСОННИ УЛУҒЛАЙДИ

Меҳнат ижтимоий тараққиётнинг манбаи, барча моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришнинг асосий шарт-шароитидир, шу билан бирга инсон ҳаётининг фаолиятининг асосий шаклидир, киши ҳаётининг мазмуни ва ҳар бир жамият аъзосининг вазифаси, шахс тараққиётининг асосидир. Меҳнат қадимдан жамиятнинг ахлоқий принципи ҳисобланиб келинган.

Меҳнат — фақат шахей моддий фаровонлик манбаигина эмас, балки халққа хизмат қилиш, ватанимиз гуллаб-яшнаши ва унинг қудратини оширишнинг асоси ҳамдир.

Маданиятли киши меҳнатсевар бўлиб етишади. Меҳнатни севмайдиган ва қадрламайдиган одамдан маданиятли киши чиқмайди. Инсоннинг онглилиги, тарбияланганлиги аввало меҳнатга бўлган муносабатида кўринади.

Меҳнат инсонни улуғлайди, гўзалликка чорлайди. Меҳнатсиз турмуш мазмунсиз ўтади. Меҳнат қилмайдиган инсон ҳаёти зерикардидир. У маънавий қашшоқ, жисмоний заиф бўлади. Узоқ умр кўриш сири ҳам меҳнатдадир. Меҳнат қилмасанг, ҳатто буюк истеъдод ҳам сўнади, меҳнат ҳар қандай қобилиятни ривожлантиради. Терлаб-пишиб қилинган меҳнат эрта ҳосил беради, меҳнатдан қобилият, қобилиятдан истеъдод, ундан эса даҳолик пайдо бўлади. Ҳаммасининг замирида сидқидилдан қилинган меҳнат ётади.

Меҳнат бахт тимсоли эканлиги ҳаммага аён. Инсон яралгандан бери меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келган.

Инсон ҳаётида меҳнатнинг аҳамияти ҳамма вақт барча халқларнинг энг асл фарзандлари — мутафаккирлари, олиму фозилларининг диққат марказида бўлган.

Утмишдаги истеъдодли шоир Абу Шукр Балхийнинг меҳнатни улуғловчи қуйидаги шеърий сатрини келтириш мумкин:

*Орзу-тилак йўли меҳнат тагида,
Хазинанинг мўли меҳнат тагида.*

Тожиқ шоири Носир Хусрав инсон меҳнатининг натижасини шундай изоҳлайди:

*Жаҳоннинг шодлигин боиси деҳқон,
Унинг бирла экинзор боғу бўстон.
Бу ишдан яхши оламда на бордир,
Одам наслига бу иши ёдгордир.*

Ўзбек шоирлари, ёзувчилари: Алишер Навоий, Фурқат, Муқимий, Ҳамза меҳнатнинг инсонни маънавий гўзаллаштирувчи ролига, меҳнатсеварликни тарбиялашга ва меҳнат аҳлини қадрлашга катта ўрин берадилар.

А. Навоий меҳнат қилиб яшаш зарурлигини шундай ифодалайди:

*Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,
Яхшироқ андинки биров берса ганж.*

Азалдан меҳнаткаш, тиниб-тинчимас халқимиз ўзининг меҳнати билан боғларни гулистонга, чўлни бўстонга айлантириб келмоқда. Қадимда ота-боболаримизнинг меҳнат ҳақида ай-

тилган доно нақллари ҳозирга қадар ҳам ўз қадрини йўқотгани йўқ.

Масалан:

*Меҳнат қилсанг, кўксинг тоғ,
Ҳурмат қилсанг, дилинг боғ.*

*Меҳнатли нон — шакар,
Меҳнатсиз нон — заҳар.*

*Меҳнат бахт келтирар.
Меҳнат қилиб топганинг,
Қанду асал тотганинг.*

Бу мақоллар орқали доно халқимиз меҳнатни улуғлайди, унинг самараси ҳақида фикр юритади.

Ўзбек болалар ёзувчи ва шоирлари ҳам катталар меҳнатининг мазмунини ёритиб берганлар. Бунга Қ. Муҳаммадийнинг «Этик», «Бир ҳовуч ёнғоқ», Қ. Ҳикматнинг «Сув» каби шеърлари мисол бўлади.

Юқорида айтганларимиздан кўриниб турибдики, меҳнат ҳар қандай моддий ва маънавий бойликларнинг асосий манбаи, шу билан бирга шахсни ҳар томонлама камол топтиришнинг муҳим воситасидир. Меҳнат жараёнида инсоний ҳислатларнинг фаол намоён бўлиши учун энг қулай шароитлар яратади ва ҳар бир кишида маънавий қониқиш ҳосил қилади.

Ҳар бир бола мактабгача тарбия ёшидан бошлаб меҳнатда иштирок этиши зарур. Болалар боғчасида, оилада бажариладиган унча мураккаб бўлмаган ҳар бир топшириқ унинг кундалик вазифасига айланиши керак.

Бола меҳнатнинг аҳамияти ва моҳиятини тушуниб етиши учун педагог катталарнинг меҳнати, болаларнинг ўзлари бажарадиган меҳнат турларини кузатиш юзасидан экскурсиялар уюштиради.

Болалар қурувчиларнинг меҳнатини кузатишяпти, дейлик. Қурилиш майдончасига катта-катта блоклар келтирилиб, улар кўтарма кран билан туширилади. Кейин болалар ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, том ёпувчилар, бўёқчилар меҳнатини кузатадилар.

Болаларнинг қурилиш билан танишиш давомида билиб олган барча тасаввур ва тушунчалари, уларнинг кўзи олдида ажойиб бино бунёд этган кишилар меҳнатининг гўзаллиги намоён бўлади.

Мана, тарбиячи болалар диққатини чинни буюмларга гул солувчи кишилар меҳнатига жалб этади. Болалар тарбиячи билан биргаликда уларнинг моҳирона чизган расмлари натижасида чинни идишларнинг ҳар хил жило бериб турланишидан завқланиб, «Уларнинг қўллари гул экан», дейдилар.

Буларнинг барчаси болаларда кишилар меҳнатига муҳаббат уйғотади. Педагог болаларни меҳнатнинг моддий бойлик келтирувчи томонини ҳам, эстетик томонини ҳам кўра билишга ўргатади. Апрель кунларидан бирида тарбиячи болаларни дарахтлар гуллаб турган боққа олиб киради. Гулсапсар ва пиён-гул билан ўралган йўлкаларга қум сепилган, дарахтларнинг танаси боғбонлар томонидан оҳак билан оқланган. Тепада эса гуллаб турган ўрик, гилос, олма, олча, шафтоли. Гулларнинг атрофида асаларилар ғувиллашиб учиб юрибди. Буларнинг ҳаммаси болаларда ажойиб завқли кечинмалар уйғотади.

Меҳнат болаларнинг жисмоний, тўғри ривожланишида зарур шартлардан бири ҳисобланади. Меҳнатда бола ўзининг ишлаш, ҳаракат қилиш эҳтиёжини қондиради, ҳаракатларнинг аниқ, уйғун бўлишини таъминлайди. Меҳнат жараёнида бола организмнинг умумий ҳаётий фаолияти, унинг чидамлилиги ортади.

Болаларнинг турли хил меҳнат жараёнларида иштирок этишлари, катталар меҳнати билан танишишлари уларнинг тевақат-атрофдаги ҳаёт ҳақида, кишиларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида, нарсалар ва уларнинг хусусиятлари, материалларга ишлов бериш усуллари ҳақида, қурилмалар ва асбоблар тўғрисида муайян тасаввурларга эга бўлишларига ёрдам беради.

Меҳнат болалардан диққат, ўткир зеҳнлилик, топқирлик, билиб олган малака ва кўникмаларини амалиётда қўллай билиш, ижодкорлик қобилиятларини эгаллашни талаб этади. Меҳнат жараёнида болалар айрим иш турларини (бир варақ қоғозни буклаш, керакли узунликни ўлчаш, андазага қараб шаклни қирғиб олиш каби ҳаракатларни) англатувчи бир қанча тушунча ва атамалардан фойдаланишга, бажарилган ишдаги изчилликни сўзлаб беришга тўғри келади. Булар бола нутқини янги сўзлар билан бойитади, унинг мантиқий боғлиқ равишда грамматик жиҳатдан тўғри шаклланишига имкон беради.

Болаларни энг оддий меҳнат қуроллари, материалларга ишлов бериш усуллари билан таништириш керак. Боғчадаги меҳнат уларни мактабдаги политехник таълимга тайёрлайди.

Меҳнатнинг ахлоқий қиммати унинг жамият учун қанчалик аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади. Меҳнат ҳар бир болани ўз меҳнатининг ижтимоий аҳамиятини тушуниб етишга, унинг жамият ҳаётига кириб боришига, ўзини шу жамиятнинг аъзоси деб ҳис этишига имкон яратади.

Ҳар бир бола оилада, болалар меҳнатида ўз улуши борлигини ҳис эта билиши лозим. Ишнинг шу тарзда ташкил этилиши болаларда жамоачилик ва интизомлиликни, бурч ҳиссини тарбиялайди. Шунинг учун болаларни жамоа меҳнатида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Меҳнатнинг болаларни ақлий томондан ривожлантиришдаги аҳамияти шундаки, меҳнат жараёнида улар борлиқни фаол

англай бошлайдилар, дунёни материалистик идрок этиш имконияти яратилади.

Боғча ёшидан бошлаб болаларга меҳнат тарбияси бериш уларни эстетик ва жисмоний жиҳатдан ҳам ривожлантиради.

2-§. БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ ВА ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Ёш авлодга меҳнат тарбияси бериш масаласи ҳозирги даврда энг долзарб мавзу ҳисобланади. Меҳнат ҳар бир киши камолотида ва умуман жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Боғча ёшидаги болаларни жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик томондан тарбиялашда меҳнат тарбияси муҳим аҳамиятга эгадир.

Меҳнат ҳар бир ёш гуруҳидаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб ташкил этилади, унга тўғри раҳбарлик қилгандагина етарли натижага эришиш мумкин.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар меҳнатининг ўзига хос томонлари кўпгина олимлар томонидан олиб борилган илмий ишларда кенг ўрганиб чиқилган.

Болалар меҳнатининг муҳим белгиси унинг маълум мақсадга ғаратилганлигидир. Кичик боғча ёшидаги болаларнинг меҳнати бирор жараёнга оид ҳаракат бўлиб, у фақат катталарнинг раҳбарлиги натижасидагина амалга оширилиши мумкин.

Бола кубикларни бир жойдан иккинчи жойга: машинадан — столга, столдан — машинага кўчиради ва ҳоказо. Тарбиячи бошқа стол устидаги кубикларни кўрсатиб, уни машинада шкафга олиб бориш кераклигини айтади. Бола кубикларни машинасида шкафга таший бошлайди ва жойига тартибли қилиб жойлаб қўя бошлайди. «Қатнов» бир неча марта такрорланиб, барча кубиклар жойига йиғиштириб қўйилади. Болалар фаолиятда мақсад пайдо бўлади. Кейинги галда боланинг ўзи ўйнаётган ўртоқларига ўйнаб бўлмандан кейин ўйинчоқларни машинада жойига олиб бориб қўйишни айтади.

Катта гуруҳ болаларида мустақил мақсад қўйиш қобилияти моддий самара берадиган меҳнат турларида муваффақиятли ривожланади: гулзорда, экинзорда ишлаш, ўйинчоқлар ясаш ва бошқалар.

Фаолиятни режалаштириш меҳнат тарбиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Болаларни кузатиш улар фаолиятининг тартибсиз, режасиз эканлигини кўрсатади. Болалар бундай ҳаракатлар орқали бирор натижага эришиш учун жуда кўп вақт ва куч сарфлайдилар, шу билан бир вақтда ўз ишларидан ўзлари қониқмайдилар.

Тарбиячи болаларни ўз фаолиятларини тахминий режалаштириб олишларига ўргатиши ва улар фаолиятига раҳбарлик қилиши лозим. Шундай қилиб, бутун боғча ёши даврида меҳнат ва ўйин ўзаро боғлиқ ҳолда кечади, бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам болалар меҳнاتини ўйинга айлантириш, уларнинг

фарқини йўққа чиқариш нотўғри бўлур эди. Тарбиячилар ва ота-оналар таъсирида аста-секин болалар меҳнати ўз вазифаси, мазмуни, методи ва ташкил этилиши билан мустақил фаолият сифатида ажратиб борилади.

Меҳнатда унинг берадиган самараси фаолиятнинг мажбурий, таркибий қисми ҳисобланади. Аммо болалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишда меҳнат натижасига болаларда меҳнатга ҳавас ҳиссини тарбиялаш учун ёрдам берадиган педагогик омил деб қараш керак.

Меҳнатда натижага эришишда, меҳнат малакаларини шакллантиришда педагогнинг ва болалар ўртоқларининг баҳоси ва ўзига-ўзи баҳо бериш катта аҳамиятга эга. Болалар ясаган буюмлар ўйин ва машғулотларда қўлланилса, улар ўзлари ясаётган буюмлар янада сифатли бўлишига интиладилар.

Мактабгача тарбия ёши даврида болаларнинг ёши улгайиши билан меҳнат сабаблари ҳам ўзгариб боради. Я. З. Неве-рович, Л. Е. Образцовларнинг олиб борган илмий изланишлари натижаси шуни кўрсатадики, болаларни катталар меҳнати билан таништириш орқали улар катталардан меҳнатнинг ижтимоий сабабини анча эрта ўзлаштириб олар эканлар.

Лекин улар бирон ишни мустақил бажарганларидagina ўз меҳнатлари бошқалар учун фойдали эканлигини онгли равишда билиб оладилар. Масалан, оналар ва бувилар учун 8 мартга совға тайёрлаш, кичик гуруҳ болалари майдончасини йиғиштиришга ёрдамлашиш, йиртилган китобларини ямаб бериш, концерт ва театр қўйиб бериш ва бошқалар болаларда меҳнатнинг муайян натижасига интилиш уйғотади, фаолиятнинг ижтимоий сабабларини англашиб, меҳнатга ҳавасини, ишни бажаришда болаларнинг ўз олдларига қўядиган талабларини оширади.

В. И. Логинованинг олиб борган илмий-тадқиқот ишларида таъкидланишича болаларга меҳнат тарбияси бериш учун улар меҳнат ва меҳнат малакалари тўғрисидаги билимлар системасини ўзлаштириб олишлари керак экан:

1. Меҳнат мақсад қўйиш ва унинг натижасини белгилаб олишдан бошланади: мақсад — меҳнат тасвири.

2. Меҳнат қилишдан кўзланган мақсад бўйича керакли материалларни танлаб (ажратиб) олиш.

3. Материални ишлаш учун керакли асбобларни танлаб (ажратиб) олиш.

4. Натижага эришиш учун меҳнат ҳаракатларини бажариш.

Бу системани қуйидаги схемада келтириш мумкин: мақсад, меҳнатни танлаш, материални танлаш, меҳнат фаолияти — меҳнат қуроли, меҳнат натижаси.

Шундай қилиб, мактабгача тарбия ёши даврида меҳнат фаолияти шакллантирилади. Педагог раҳбарлигида меҳнатнинг ижтимоий сабабларини ҳамма муҳим томонлари шаклланади. Катталар меҳнати ва унинг ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги билимлар ўзлаштириб олинади.

Мактабгача тарбия ёши даврининг ўзига хос томонларидан яна бири болалар меҳнатининг ўйин билан боғлиқлигидир.

Ўйин жараёнидаги бирор ҳаракат доимо бирор меҳнат жараёнини акс эттиришга йўналтирилган бўлади. Иккинчи томондан, меҳнат жараёнини бажаришда уни ўйин шаклига айлантиришади, масалан, баргларни замбилларда ташишади, машиналарда юришади.

Шу билан бирга ўзининг хусусияти, мазмуни, юзага келиш сабабига кўра меҳнат ва ўйин бир-биридан фарқ қилади. Меҳнатда мақсад қўйилади, уни ~~сма~~лгалга ошириш, натижага эришиш учун шарт-шароит яратилади, воситалар излаб топилади. Ўйинда эса болалар катталарнинг меҳнат фаолиятига тақлид қилади. Ўйинда меҳнат сингари бирор аниқ натижага эришилмайди, аммо у меҳнат сингари болаларга қувонч бағишлайди, улар ўзларида қониқиш ҳиссини сезадилар. Ўйинда бола ўз ўйлаганини ривожлантириши етакчи ролни ўйнайди, меҳнатда натижага эришиш учун меҳнат ҳаракатларини бажаради. Ўйинда боланинг ўйлаган нарсаси етакчи ролни ўйнайди, меҳнатда эса натижага эришиш йўлидаги меҳнат ҳаракатлари, ўйин ўзининг ривожланишидаги ҳар қандай босқичда тўхтатилиши мумкин, меҳнатда эса албатта кўзланган натижага эришилади.

Болаларнинг меҳнат фаолияти қачон ва қандай қилиб ўйиндан ажратилади? Кичик боғча ёшидаги болалар меҳнатининг асосий тури ўз-ўзига хизматдир. Бу кичик болалар учун анча машаққатли иш. Шунинг учун бу ёшдаги болаларни меҳнатнинг бу турига ўргатишда кўпинча ўйин вазиятларидан фойдаланилади («Қўғирчоқни сайрга отлантирамиз», «Қўғирчоқни ухлатамиз» ва шуларга ўхшашлар). Аввалига болалар ўйин образи орқали меҳнатга ўргатилади. Шу орқали болалар ишонч билан ҳаракат қилишни ўрганадилар.

Секин-аста ўз-ўзига хизмат қилиш малака, кўникмалари шакллана боради.

3-§. БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЗМУНИ

Меҳнат тарбиясининг асосий мақсади болаларни ҳар томонлама ривожлантириш, ахлоқли қилиб тарбиялаш, келажакдаги меҳнат фаолиятига руҳий жиҳатдан тайёрлаш, меҳнат қилиш хоҳишини сингдириб боришдир.

Меҳнат тарбиясининг вазифалари хилма-хилдир, шунинг учун уларни гуруҳлар бўйича қуйидагича туркумларга ажратилади (В. И. Логинова):

Биринчи гуруҳ вазифалари болаларнинг мустақил меҳнат фаолиятига педагогик таъсир кўрсатиш билан белгиланади:

1. Болаларни мақсад қўйишга, меҳнат малакалари, кўникмалари, меҳнат маданияти бўйича керакли материаллар ва меҳнат қуролларини танлаб олишга ўргатиш.

2. Болаларда бўлажак меҳнат фаолиятини шакллантириш, меҳнат жараёнларини меҳнатда қатнашувчилар ўртасида тақсимлаш, меҳнатда яхши натижаларга эришиш малакаларини шакллантириш.

3. Меҳнат фаолиятининг дастлабки ижтимоий сабабларини шакллантириш, буюмлар ва ҳаракатларга қизиқиш уйғотиш орқали меҳнат натижаларига эришиш, катта группаларда эса меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятли эканлигини тушуниб етиш.

Иккинчи гуруҳ вазифалари катталар меҳнатига ижобий муносабатни тарбиялашга қаратилган:

1. Болаларга катталарни қандай натижаларга эришиш учун меҳнат қилаётганини тушуштириш.

2. Болаларда меҳнат аҳлига ҳурматни, уларга қўлидан келганича ёрдам бериш хоҳишларини тарбиялаш.

3. Катталарнинг меҳнат натижаларини асраб-авайлашга ўргатиш.

Учинчи гуруҳ вазифалари меҳнат фаолиятида бола шахсини шакллантиришга қаратилган:

1. Болаларда меҳнатсеварлик, ҳар қандай меҳнатда қатнашиш, бошлаган ишини охирига етказиш учун бор кучини аямаслик, ўз шахсий меҳнатига нисбатан тўғри муносабатни тарбиялаш.

2. Жавобгарлик, мустақиллик, мақсадга қаратилганлилик, қатъийлик, ташаббускорлик ва фаоллик, сабр-матонатлилик, чидамлилик каби бола шахсининг ахлоқий сифатларини тарбиялаш.

3. Маданий ҳулқ ва ўз тенгдошларига нисбатан ижобий муносабатни тарбиялаш, ўзаро келишган ҳолда бирга ишлаш олиш, жамоа ишида натижага эришгунча ўз меҳнати билан қатнашиш, ўзи ва ўртоқларининг меҳнатини холисона баҳолаш, ёрдам бериш.

Мактабга тарбия муассасаларида меҳнат тарбияси икки йўналишда амалга оширилади:

1) Болаларнинг ўзини меҳнатга ўргатиш.

2) Катталар меҳнати билан таништириш.

Болалар меҳнатининг мазмуни «Болалар боғчасида таълим ва тарбия дастури»нинг биринчи ва иккинчи кичик гуруҳлар учун «Меҳнат фаолияти учун замин тайёрлаш» бўлимида, ўрта, катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида эса «Меҳнат» бўлимида берилган.

Катталар меҳнати билан таништириш ҳамма ёш гуруҳлари учун «Машғулотларда таълим бериш», «Теварақ-атроф билан таништириш ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига қизиқишни тарбиялаш» бўлимларида берилган. Катта ва мактабга тайёрлов гуруҳлари учун қўл меҳнатининг мазмуни «Қуриш-ясаш» бўлимида берилган.

Дастурда болалар меҳнатига мустақил фаолият ва ахлоқий тарбиянинг воситаси сифатида қаралади.

4-§. ҚАТТАЛАР МЕҲНАТИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ

Таълим-тарбиявий ишнинг мазмуни. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни катталар меҳнати билан таништириш орқали уларга катталарнинг меҳнати ижтимоий-фойдали меҳнат бўлиб, нарса ва буюмларни яратишга қаратилганлиги, улар ҳар бир киши ва бутун халқ учун зарур эканлиги тўғрисида тушунча бериб борилади. Масалан, ўсимликларни, ҳайвонларни парвариш қилиш орқали улардан олинадиган маҳсулот кимлар учун ва нима мақсадда ишлатилиши тўғрисида билим ва тушунчалар бериб борилади.

Катталарнинг меҳнати билан таништириш яна қуйидаги мақсадни кўзлаб ҳам амалга оширилади: катталар меҳнати тўғрисида аниқ билим ва тасаввурлар бериш, меҳнатни ва меҳнат натижаларини қадрлашга ўргатиш, меҳнатга қизиқиш ва муҳаббат уйғотиш, меҳнат қилиш хоҳишини тарбиялаш ва ишни сифатли бажаришга ўргатиш.

Катталар меҳнати билан таништиришнинг асосий мазмуни қуйидагилардан иборат:

— ҳар бир киши меҳнатининг ижтимоий моҳияти;

— меҳнат аҳли ўртасидаги ижобий ўзаро ёрдам бериш муносабати;

— ҳар қандай касб ҳам муҳим эканлигини тушунтириш.

Меҳнат фаолиятининг асосий таркибий қисмлари билан таништириш:

— меҳнатнинг мақсади, унинг ижтимоий аҳамияти;

— материалларни танлаш (меҳнат материаллари);

— жиҳозлаш (меҳнат фаолияти учун зарур бўлган асбобларни тайёрлаб олиш);

— меҳнат жараёни (мақсадга эришиш учун бажариладиган меҳнат ҳаракатлари);

— натижа — меҳнат маҳсулоти.

Болалар боғчаси дастурига биноан ҳар бир ёш гуруҳидаги болалар катталар меҳнати тўғрисида қуйидаги билим ва тасаввурларни эгаллаб олишлари лозим:

Кичик гуруҳ: 1. Айрим касб эгаларининг меҳнат жараёни.

2. Меҳнат жараёнидаги меҳнат ҳаракатлари.

3. Меҳнат жараёнини амалга ошириш учун керакли материал.

4. Маълум бир меҳнат жараёнини бажариш учун жиҳозлар.

5. Меҳнат натижаси.

6. Киши меҳнатининг ижтимоий аҳамияти.

Ўрта гуруҳда меҳнат тўғрисида қўшимча тасаввур ва билимлар берилади:

1. Ҳаракат сифати ҳақида.

2. Кишининг меҳнатини енгиллатувчи мосламалар.

3. Кишиларнинг меҳнатга муҳаббати.

Катта ва мактабгача тайёрлов гуруҳида яна янги тасаввур ва билимлар берилади:

1. Кишилар меҳнاتини енгиллатадиган машина ва механизмлар тўғрисида.

2. Кишилар меҳнати жамоа характерида эканлиги тўғрисида.

3. Жамоа меҳнати жараёнида кишиларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида.

4. Меҳнат қаҳрамонлари, халқимизнинг меҳнат анъаналари ҳақида.

Катталар меҳнати билан таништиришнинг восита ва методлари. Болалар боғчасида болаларни катталар меҳнати билан таништириш ҳар хил ташкилий йўллар ва методлар орқали амалга оширилади. Биринчи йўл — экскурсия, машғулот, мақсадли сайрлар орқали болаларни катталар меҳнатига яқинлаштириш. Бунда кузатиш, кино ва диафильм, диапозитив, телеэшиттириш, бадний адабиёт, кўрган ва эшитгани тўғрисида суҳбат, тарбиячи ва болаларнинг ҳикоялари, тарбиячининг ҳикоя ва тушунтириши, дидактик ўйинлар каби турли-туман методлардан фойдаланилади.

Иккинчи йўл — машғулот ва машғулотдан ташқари вақтларда катталар меҳнатини болаларга яқинлаштириш. Гигиеник ва педагогик жиҳатдан мумкин бўлган ишларни (бинони тозалаш, идиш ювиш, ювилган кирларни дазмонлаш ва тахлаш, байрам кийимларини тикиш, болалар билан ўйин, машғулот учун керакли материалларни тайёрлаш ва бошқалар) болалар олдида бажариш. Кузатиш, кўрсатиб тушунтириш, суҳбат, тарбиячининг сўзлаб бериши ва шунга ўхшаш материаллардан фойдаланилади. Кузатишдан кейин болалар билан шунга ўхшаш меҳнат турларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлур эди: кутубхонага бориб келгандан кейин йиртилган китобларни ямаш, модалар ательесига бориб келгандан кейин қўғирчоққа кийим тикиш ва ҳоказолар.

Учинчи йўл — болаларнинг катталар билан биргаликдаги меҳнатлари. Болаларнинг катталар билан биргаликдаги меҳнатлари ҳар хил бўлиши мумкин (хона ўсимликларини ювиш, полизда кўчат ёки уруғларни экиш учун жўяклар тайёрлаш, бинонинг ичини тозалаш ва ҳ. к.).

Болаларнинг катталар билан биргаликдаги меҳнатларини ташкил этиш шакллари ҳам иш мазмунига қараб ҳар хил бўлади:

1. Асосий ишни катталар бажаришади, болалар қўлларидан келганича ёрдам берадилар.

2. Тарбиячи ишни бошлаб беради, қолганини болалар ўзлари мустақил давом эттиришади.

3. Катталар бошлаб беради, болалар давом эттиради, кейин эса болалар ва катталар биргаликда бажаришади.

Болалар катталар билан биргаликда меҳнат қилишлари орқали меҳнат малака ва кўникмаларини тез ва осон эгаллаб оладилар, уларнинг катталар меҳнати тўғрисидаги билимлари бойийди, бундай меҳнат болаларга ҳувонч багишлайди.

Болаларни катталар меҳнати билан таништиришда ҳамма метод ва воситалардан кенг равишда фойдаланилади.

Ўрта гуруҳ болалари билан ошхонага экскурсия уюштириб, катталар меҳнати билан таништирилади (намунавий конспект).

Мавзу. Ошпазнинг меҳнати.

Мақсад. Болаларни ошпазнинг меҳнати билан таништириш, болаларга унинг меҳнати мазмуни, натижаси, аҳамияти тўғрисида билим бериш, меҳнат жараёни, ошпазнинг меҳнатини энгиллаштирувчи мосламалар билан таништириш.

Экскурсиянинг бориши: эрталабки нонуштадан кейин тарбиячи болаларни ўз атрофига тўплаб қуйидаги саволлар бўйича суҳбатлашади:

1. Бугун биз нонуштада нима едик?
2. Овқат ширин пиширилганмиди?
3. Бизга нонуштани ким тайёрлаб беради?

Болаларнинг жавобларидан кейин тарбиячи болаларга сўзлаб беради: нонушта, тушки овқат, кечки овқатни боғчада ошпаз тайёрлайди. Ошпаз ҳамма овқатлар мазали, чиройли, ўз вақтида тайёр бўлиши учун ҳаракат қилади. Ошпаз ошхонада ишлайди. Бизнинг боғчамиз ошхонасида иккита ошпаз ишлайди: Гулчеҳра Баҳодировна ва Санобар Қаримовна. Биз сизлар билан ошхонага бориб, ошпазларимиз қандай ишлаётганини кўрамиз. Уларнинг ишларига ҳалақит бермаслик учун ўзингизни одобли тутинглар ва секин гаплашинглар. Ошхонага борганимизда ошпазларга «Ассалому алайкум» дейсизлар.

Болалар ошхонага бориб ошпазларга салом беришади. Ошпазлар ҳам болаларнинг саломига алик олиб, ичкарига — ошхонага таклиф қилишади.

Тарбиячи: Гулчеҳра Баҳодировна, Санобар Қаримовна, сизлар болаларимизга жудаям мазали овқатлар пишириб берасизлар, бунинг учун сизларга катта раҳмат! Улар сизлар тайёрлаган таомларни иштаҳа билан еб соғлом ва бақувват бўлиб ўсишмоқда. Улар сизларнинг таомларни қандай тайёрлашингизни кўришмоқчи.

Ошпаз Гулчеҳра Баҳодировна болаларга ошхонани, у ердаги катта плитани, столлар, идишларни кўрсатади ва номини айтади. Кейин шундай дейди: «Плитанинг устида турган катта костреюлкаларда сизларга суюқ овқатларни тайёрлаймиз. Бугун тушки овқатга мастава пиширамиз». Унга кетадиган масаллиқларни болаларга кўрсатиб, номини айтади. Маҳсулотларнинг қайсинисига қандай ишлов беришни кўрсатади ва сўзлаб беради: картошкани арчиб, ювилади, уни мана бундай шаклда қирқилади, пиёзнинг пўстини арчиб, ювилади ва мана бундай тўғралади ва ҳоказо. Кейин картошка тозалагич машинани ишлатиб кўрсатади, болалар электр гўшт майдалагични кўришади, кейин болалар ошпазларнинг овқат тайёрлашларини кўрадилар.

Яқунловчи суҳбат. Тарбиячи: ошпазимиз ҳар бир овқат учун керакли масаллиқларни танлаб олади ва уларга ишлов

беради, ювади, тозалайди, пичоқ билан кесади, хамир қоради, қовуради, пиширади. Ошпаз учун қандай асбоблар керак? (Болаларнинг жавоблари.)

Тарбиячи: демак, ошпазга плита, столлар, идишлар ва ҳар хил асбоблар керак (ҳаммасининг номини такрорлайдн). Ошпазга қандай машиналар ёрдам беради? (Болаларнинг жавоблари.)

Тарбиячи: картошкани тозалаш жуда қийин ва унга қўл вақт кетади. Гўштни қийма қилиш ҳам қийин, хамир қориш ҳам куч ва вақтни талаб қилади. Бу ишларни осон ва тез бажаришда ошпазларга машиналар ёрдам беради (номини айтиб чиқади). Ошпазларимиз қандай ишлашади? (Болаларнинг жавоблари.)

Тарбиячи: ошпазларимиз ўзаро иноқликда бизга овқатларни тез ва ширин қилиб тайёрлаб беришади. Ошхонани кўринглар, ҳаммаёқ саранжон-саришта, ҳамма идишлар, кийимлари ҳам топ-тоза.

Охирида ошпазлар болаларга ўйинчоқ идишлар совға қилишади ва мана энди сизлар овқатларни қандай тайёрлашни билиб олдинглар, қўғирчоқларингизга мазали овқатлар тайёрлаб берасизлар, деб айтишади.

Тарбиячи ва болалар ошпазларга ҳамма хизматлари, совғалари учун миннатдорчилик билдиришади ва хайрлашиб чиқиб кетишади.

Э с л а т м а: Агар катталар меҳнати тўғрисидаги бундай ҳажмдаги билим ва тасаввур болаларга оғирлик қилса, дастур материални иккига бўлиб, экскурсияни икки марта ўтказиш мумкин.

Шундай қилиб, катталар меҳнати билан таништириш болалар меҳнат ва ахлоқий тарбиясининг таркибий қисми ҳисобланади.

5-§. БОҒЧАДА БОЛАЛАР МЕҲНАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Меҳнат қилиш мунтазам тарзда бўлиб, унда ҳамма болалар иштирок этса ва катталар меҳнати билан таништириб борилса, у тарбия воситасига айланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар қўйидаги меҳнат турларига жалб қилинади: ўз-ўзига хизмат қилиш, хўжалик-маиший меҳнат, табиат қучогидаги меҳнат ва қўл меҳнати.

Ўз-ўзига хизмат қилиш. Бу болалар меҳнатининг бир тури бўлиб, унда болалар илк ёшидан бошлаб мустақил овқатланишга, ювинишга, кийиниш ва ечинишга, ўйинчоқларни йиғиштириб қўйишга ўргатилади. Ўз-ўзига хизмат қилиш жараёнида болаларда мустақиллик, маълум мақсад билан ҳаракат қилиш каби сифатлар шаклланади, болалар қўлларидан келган ишни ўзлари бажаришга ўрганадилар. Ўз-ўзига хизмат болаларда оддий меҳнат турларига нисбатан қизиқиш уйғотади, батартиблиликка, интизомли бўлишга, хулқ-одобга ўргатади.

Болалар хўжалик-маиший меҳнатга болалар боғчасида ва оилада жалб этилади. Унинг мазмуни ҳар хил бўлади: хона ва боғча майдончасини йиғиштириш, столни безатиш ва столдаги идиш-товоқларни йиғиштириш, чой идишларини, қўғирчоқ кийимларини, майда нарсаларни ювиш, машғулотга керакли материалларни тайёрлаб қўйиш, машғулотдан кейин стол устидаги нарсаларни йиғиштириб олиш ва ҳ. к.

Табиатдаги меҳнат боланинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўсимлик ва ҳайвонлар, йил фасллари, жонсиз табиат тўғрисидаги билимлар манбаи, болаларда меҳнатсеварликни, табиатга эҳтиёткорлик муносабатини тарбиялаш воситасидир, шу билан бирга болалар меҳнатнинг бу тури орқали тупроқни экишга тайёрлаш ва ўғитлаш, кўчати ўтқазиш, ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш каби бир қанча меҳнат малака ва кўникмаларини эгаллаб оладилар. Меҳнатнинг асосан очиқ ҳавода ташкил этилиши болалар организмни чиниқтиради, уларнинг соглигини мустаҳкамлайди.

Қўл меҳнати — машғулот, ўйинларга меҳнат фаолияти учун зарур бўлган ўйинчоқ ва қурилмаларни тайёрлаш бўйича болалар меҳнатидир (қоғоз қийқимларини ташлаш учун, ўсимликлар уруги учун қутичалар, қўғирчоқ кийимлари, қалпоқчалар, ниқоблар ва шунга ўхшаш нарсалар тайёрлаш).

Қўл меҳнатини бажариш орқали бола натижага эришади — нарса, буюм вужудга келади. Болалар ёпиштириш, бўяш, қирқиш, арралаш, миҳ қоқишни, тикиш ва шунга ўхшаш оддий меҳнат малака ва кўникмаларини эгаллаб оладилар. Уларда ижодкорлик, топағонлик, зеҳнлилик хислатлари ўсади.

Болаларда меҳнат фаолиятини шакллантириш. Меҳнат фаолияти — ҳар хил меҳнат жараёнларидан ташкил топган, ҳар хил меҳнат турларини бирлаштирувчи кенг тушунчадир. Меҳнат жараёни — меҳнат фаолиятининг ўзига хос бир бўлаги бўлиб, унинг таркибида эса меҳнат фаолиятининг ҳамма таркибий қисмлари, меҳнатнинг мақсади, материал ва меҳнат қурол-аслаҳалари, бирон натижани юзага келтириш мақсадига эришиш учун сарф қилинган барча меҳнат ҳаракатлари, меҳнат сабаблари ва меҳнат маҳсули яққол қўзга ташланади.

Меҳнат фаолиятини эгаллаш — бу биринчи навбатда меҳнат жараёнини унинг таркибий қисмлари билан биргаликда эгаллаб олишдир. Шунга қараб болаларнинг меҳнат тарбияси вазифалари белгиланади ва улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Болаларни бўлажак меҳнат фаолияти олдидан мақсад қўйишга ўргатиш.

2. Меҳнат жараёнини, меҳнат фаолиятини энг оддий режалаштириб олишга ўргатиш.

3. Уз иш жойини тайёрлаб олишга, меҳнат маданиятига ўргатиш.

4. Меҳнат малакаси ва кўникмаларини ўргатиш.

5. Бажарилган меҳнатнинг натижаси, сифати ва аҳамияти,

қанча вақтда бажарилганлигига қараб ўзининг ва бошқаларнинг ишини тўғри баҳолашга ўргатиш.

6. Меҳнат фаолияти сабабларини шакллантириш.

7. Жамоа меҳнат фаолияти вақтида болаларда ижобий муносабатларни шакллантириш.

Мақсад қўйиш. Мақсад қўйиш катталар таклиф этган мақсадни қабул қилишдан бошлаб то ўзи мустақил мақсад қўядиган бўлгунча ривожланиб боради (ўсимликка сув қўйишдан то уни ўстиргунча). Болаларнинг ўз олдларига мақсад қўйиб иш бажаришларини ривожлантириш учун қуйидагиларга риоя қилиш зарур:

— болалар меҳнат қилишдан кўзланган мақсадни тушуниб етишлари керак (нима учун у ёки бу ишни бажаришлари керак, ундан кўзланган натижа нима?);

— кутилган натижани расм, қурилма ва шунга ўхшашлар тарзида кўрсатмали тасаввур эта билиш;

— ишнинг мўлжалланган вақтда бажарилиши;

— болалар кучи етадиган ишларни қилиши (масалан, кўчат ўтказиш, ўсимликни суғориш, уларни парвариш қилиш ва шунга ўхшашлар) керак. Бола ўз меҳнатидан маълум бир натижага эга бўлишни англаб етган тақдирдагина у меҳнат фаолиятининг мақсадини мустақил белгилайди ва иштиёқ билан меҳнат қилади.

Меҳнат малакалари ва кўникмаларини эгаллаб олиш — мактабгача тарбия ёшидаги болалар меҳнат жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Агар бола меҳнат ҳаракатларини билмаса, у ҳеч қачон меҳнат натижасига эриша olmayди. Болалар меҳнат малакалари ва кўникмаларини эгаллаб олганларидагина меҳнат жараёнини бажонидил бажарадилар. Масалан, тикишда ипни ўлчаб кесиш олиш, нинага ўтказиш, учини тугиш, тикиш; ўйинчоқ ясаш учун эгиш, букиш, тахлаш, бурчакларини букиш, қирқиш, тикиш каби меҳнат ҳаракатларини эгаллаб олишлари керак бўлади. Бу иш ҳаракатларини маълум тартиб билан бажариш учун ҳар бир бола ўз меҳнат фаолиятини режалаштириб ола билиши керак.

Меҳнат жараёнини режалаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади: мақсад қўйиш, меҳнат фаолияти учун керакли иш қуролларини тайёрлаб олиш, қайси ҳаракатларни қайси изчилликда бажариш кераклигини ва ундан кутилган натижани аниқлаб олиш, иш жойини йиғиштириб қўйиш.

Аввалига меҳнат фаолиятини режалаштириб олишни болаларга тарбиячи ўргатади: меҳнат мақсадини тушунтиради, керакли материалларни, меҳнат қуролларини танлайди ва уни ҳар бир бола олдига тайёрлаб беради ва болаларга меҳнат фаолияти жараёнини қандай тартибда бажариш кераклигини тушунтиради.

Ўрта ва катта гуруҳларга борганда бу ҳаракатларни мустақил бажаришга ўргатади. Бунинг учун болаларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилиб боради:

1. Биз нима қиламиз?
2. Бунинг учун нима қилишимиз керак?
3. Ишимиз учун нималар — қандай материаллар, қандай иш қуроллари керак?
4. Бу материал ва иш қуролларидан фойдаланиш ўнғай бўлиши учун уларни иш ўрнимизда қандай жойлаштиришимиз керак?

5. Ишни нимадан бошлаб, қандай давом эттиришимиз керак? (савол меҳнатнинг оддий ва мураккаблигига, мазмунига қараб бир неча марта такрорланиши мумкин).

6. Ишни қандай тугатамиз?

Меҳнат фаолиятини режалаштириб олишга ўргатиш меҳнатни сифатли бажаришга ва меҳнат маданиятига ўргатади.

Натижа — меҳнат фаолиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, уни болалар онгли равишда англаб етишлари керак.

Натижага эришиш болаларда меҳнат қилиш одатини, меҳнатсеварликни тарбиялайди, меҳнат ҳаракатларини сифатли бажаришга ўргатади.

Меҳнатнинг сабаби, яъни бола нима учун меҳнат қилишини билиши керак. Бу қуйидаги шарт-шароит таъсирида ривожланади:

1. Болалар меҳнатдан келадиган натижани ва унинг ижтимоий моҳиятини билишлари керак.

2. Болалар ясаган буюмлардан боғчада, оилада фойдаланиш керак.

3. Болаларнинг ижтимоий-фойдали меҳнатини амалий жиҳатдан ташкил этиш.

4. Болалар меҳнатининг натижасини, унинг бошқа кишилар учун фойдасини баҳолаш.

Шундай қилиб, меҳнат жараёнининг ундаги таркибий қисмлар билан эгаллаб олиниши мактабгача тарбия ёшидаги болалар меҳнат фаолиятининг бошланиши ҳисобланади.

Болалар боғчасида меҳнатни ташкил этиш шакллари. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар меҳнатининг асосий шакллари қуйидагилардан иборат: ўз-ўзига хизмат қилиш, топшириқни бажариш, якка тартибдаги меҳнат, навбатчилик, қўл меҳнати бўйича машғулотлар, жамоа меҳнати. Ўз-ўзига хизмат, топшириқни бажариш, мактабгача тарбия ёшидаги болалар меҳнат фаолиятининг бошланғич шакли ҳисобланади.

Ўз-ўзига хизмат қилиш болалар меҳнатининг шакли сифатида ёш гуруҳларида ташкил этилади. У кун тартибидаги уйқу ва сайрдан олдин ва кейинги жараёнлар: овқатланиш, кийиниш ва ечиниш, кийим ва баданни тоза тутиш билан узвий боғлиқдир. (Бу мавзу «Жисмоний тарбия» бобида батафсилроқ ёритилган.)

Ёш гуруҳларида топшириқдан фойдаланилади; у якка тартибда ва группавий бўлиши мумкин. Кичкина гуруҳларда болаларга унча мураккаб бўлмаган ва қисқа муддатли топшириқлар берилди: «Уйинчоқни, китобни, стулни олиб кел, ўр-

нига олиб бориб қўй, тушки овқат учун стол устига қошиқларни қўйиб чиқ». Бундай топшириқларни айрим болалар гуруҳдан ташқари жойларда ҳам бажаришлари мумкин.

Ўрта ва катта гуруҳлардаги болаларга бериладиган топшириқлар анча мураккаб бўлиб, улар энди хонадан ташқарида бажаришга мўлжалланган ва иккинчи бир кишига мурожаат қилиш билан боғланган бўлади, масалан, бошқа гуруҳнинг тарбиячисига, энагага, шифокорга, ҳамширага мурожаат қилиш ва ҳоказо.

Бу гуруҳларда топшириқлар 2—3 боладан ташкил топган кичик гуруҳлар томонидан бажарилиши мумкин (ўйинчоқларни йиғиштириш, гулларга сув қуйиш, тўкилган барглари териб, тегишли жойга олиб бориб ташлаш каби).

Мактабга тайёрлов гуруҳида бериладиган топшириқлар яна ҳам мураккаблашади. Бундай топшириқлар энди жавобгарлик ва бошқа кишиларга меҳрибонларча муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш билан боғлиқ бўлиши мумкин; кичкина гуруҳ болаларини сайрга чиқишдан олдин, уйқудан кейин кийинишига ёрдам бериш; уларнинг столини тушлик овқатга тайёрлаб бериш, энагага тоза сочиқларни осишга, тоза чойшабларни олиб келишга ёрдамлашиш ва ҳоказо.

Топшириқ узоқ вақт бажарилиши мумкин. Масалан, маълум бир гул ёки бир қанча гуллар бир ҳафта давомида парвариш қилиниши ёки бу иш янада узоқроқ чўзилиши мумкин (бирор ўсимликни экиш ва ўстириш).

Тарбиячи болаларнинг топшириқни бажарилишига раҳбарлик қилиш билан ҳам ахлоқий, ҳам меҳнат тарбиясининг муҳим томонларини амалга оширади, меҳнатда қатнашиш истигини, ўртоқларига ғамхўрлик ва эътибор билан қараш руҳини сингдиради, болаларни тенгдошлари ва катталар билан ўзаро хушмуомала бўлишга одатлантиради, тоиширилган ишда бурч ва жавобгарликни сезиш ҳиссини, натижага эришишда саботлиликни тарбиялайди.

Навбатчилик — бу жамоа учун мўлжалланган меҳнат фаолиятининг шакли бўлиб, у мажбурий тартибда бажарилади. Болаларнинг навбатчилиги иккинчи кичик гуруҳда йил охиридан (ошхонада) бошланади.

Барча болаларнинг меҳнатда доимий иштирок этишларини таъминлаш учун навбатчиликнинг хилма-хил турлари уюштирилади: ошхонада (ҳамма ёш гуруҳларида), машғулотга тайёрланишда (ўрта гуруҳдан бошлаб), ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилишда (катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида).

Иккинчи кичик гуруҳдаги болалар ошхонада навбатчилик қиладилар. Бирданига 4—5 бола навбатчилик қилиши мумкин, ҳар бир бола 1—2 столни безатади. Катта ва тайёрлов гуруҳларида болаларнинг вазифалари кенгайди. Нонушта ва тушлик овқатга, кеч тушки ва кечки овқатга дастурхон тузатиш, овқатланиб бўлингандан кейин идиш-товоқни овқат тарқатиладиган столга йиғиштириш, столлар устини тозалаб олиш,

энагага чой идишларини ювишда ёрдам бериш шулар жумла-сидандир. Бу ёшдаги болалар иккитадан навбатчилик қилиша-ди, аммо ҳар бир боланинг иш ҳажмлари кўпаяди.

Машғулотларга тайёргарлик бўйича навбатчилик қилиш ўрта гуруҳда — болалар ошхонада навбатчилик қилишни би-либ олганларидан кейин киритилади. Бу навбатчилар стол ва стулларни, машғулотга керакли материалларни, қўлланмалар-ни машғулотга тайёрлайдилар ва хонани тартибга соладилар.

Катта гуруҳдан бошлаб болалар табиат бурчагида нав-батчилик қила бошлайдилар. Навбатчиликнинг бу тури ҳам тарбиявий, ҳам таълимий аҳамиятга эга.

Навбатчиликнинг бу турида ҳам болалар иккитадан тайин-ланади: бири ўсимликларни парвариш қилса, иккинчиси жони-ворларга қарайди. Улардан қайси бири бўш қолса иккинчи-сига ёрдам беради.

Навбатчиликнинг ҳамма тури яхши ташкил этилганда фой-дали бўлади. Навбатчиликни бошлашдан олдин «Биз навбат-чилик қиламиз» деган мавзуда машғулот ўтказиш мумкин. Масалан, табиат бурчагида навбатчиликни бошлашдан олдин тарбиячи машғулот ўтказиб, болаларни табиат бурчагида нима-лар борлиги, ўсимлик ва ҳайвонларни қандай парвариш қилиш ҳақида суҳбат ўтказиши. Тарбиячи табиат бурчагида яшовчи-ларни ҳар кун ва тўғри боқиш, ўсимликларни суғориш ва ювиш, қуриган шохча ва баргларини қирқиш кабиларга диқ-қатни жалб этади, иш усулларини тушунтиради.

Тарбиячи болаларни ўсимлик ва ҳайвонларни кузатишга, ўзгаришларни аниқлаб боришга, бурчакдаги ўсимлик ва ҳай-вонларга ғамхўрлик билан муносабатда бўлишга, уларда юз берадиган ўзгаришларни кўра билиш ва улар тўғрисида сўзлаб беришга ўргатади. Ёзда навбатчиларга эрталаб гулпушталарни суғориш, гулдаста тузаш, гул солинган гулдонлар сувини ал-маштириш топширилади.

Мактабга тайёрлов гуруҳи болалари ҳайвонларга овқат бериш вақтини, миқдорини, овқатни мустақил тайёрлашни, ка-такларни тозалашни билишлари керак.

Навбатчиларнинг вазифаси ва бажарган ишининг сифати назорат қилиб борилади. Бундай назоратда болаларнинг ўзла-ри қатнашсалар яна ҳам яхши бўлади.

Баъзан навбатчиларнинг иш натижалари болаларнинг уйга кетишлари олдидан муҳокама қилинади. Тарбиячи болаларга: бугун навбатчилар ўз вақтида келдимиз? Улар ҳамма ишни қилишдимиз? Нонуштага, тушлик овқатга стол тўғри тузатилди-ми? Навбатчилар ҳамма нарсани вақтида бажариб, ўйнашга ҳам улгурдиларми? Ким яхшироқ ва чиройлироқ бажарди?— каби саволлар беради ва улар ишини баҳолайди. Навбатчилар ҳар кун алмаштириб турилади, бу ҳар бир боланинг навбат-чиликнинг ҳар хил турларида қатнашишига ва турли меҳнат малакаларини эгаллаб олишига имкон яратади.

Навбатчилик ишлари болаларнинг соғлигига зарар етказ-

майдиган (суяқ овқатларни, чойни болалар тарқатмайдилар, оғир нарсаларни болалар кўтармайдилар ва ҳоказо) қилиб ташкил этилиши керак. Навбатчилик учун ҳамма керакли жиҳозлар бўлиши лозим, болалар улардан мустақил, эҳтиётлик билан фойдаланишга, ишдан кейин жойига йиғиштириб қўйишга ўргатилади.

Айниқса навбатчиларни гуруҳлашга эътибор бериш жуда муҳимдир: пассив болаларни фаолроқлари билан, навбатчилиكنи энди бошлаган болаларни тажрибали болалар билан бирга тайинлаш керак. Лекин бунда фаол болаларнинг пассив болалар ишини бажаришларига йўл қўймаслик даркор. Навбатчиларни танлаш ва тайинлаш ҳар хил бўлиши мумкин: болаларнинг хоҳишига қараб столлар бўйича, рўйхат бўйича, секин-аста навбатчилик галини болалар ўзлари эслаб қоладилар ва шу тартиб билан боришини назорат қилиб борадилар.

Навбатчиларнинг борлиги бошқа болалар ҳамма ишдан озод бўлишини билдирмайди, овқатни еб бўлган ҳар бир бола ўзининг идишини столни ўртасига тахлаб қўяди, салфеткани ҳам маълум жойга қўйишади, стул жойига суриб қўйилади. Навбатчилар идишларни махсус тарқатиш столи устига олиб бориб қўйишади, стол устидаги увоқларни махсус чўтка билан идишга йиғиб олишади. Машғулотдан кейин ҳам шу ҳол такрорланади; ҳар бир бола ўзининг қаламини қаламдонга солиб қўяди, ўз мўйқаламларини ювиб, қийқимларни йиғиштириб қўйишади ва ҳ. к. Энг муҳими — болаларда ўзаро меҳр-муҳаббатни тарбиялаш, бир-биридан қўлидан келган ёрдамни аямасликка ўргатиш керак. Буларнинг ҳаммасига тарбиячи раҳбарлик қилади.

Болаларнинг меҳнат тарбиясини ташкил этиш шаклларида яна бири қўл меҳнати бўйича машғулотдир. Билим ва малака биринчи марта берилаётган бўлса ва у тушунтириш ҳамда барча болаларга яққол, кўرғазмали қилиб кўрсатишни талаб этган ҳолларда ана шундай машғулотлар ўтказилади.

Болаларнинг жамоа меҳнати дастлабки жамоачилик асосларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Жамоа меҳнатида биргаликда ҳаракат қилиш, ўзаро ёрдам, шу билан бирга меҳнат тақсимоти ҳам мужассамлашган бўлади. Бунда меҳнат ютуқларидан биргаликда қувонадилар, иш яхши чиқмаса биргаликда қайғурадилар.

Меҳнатда болаларнинг бирлашишлари тарбиявий вазифага қараб ҳар хил шаклда бўлади. «Ёнма-ён меҳнат»да ҳамма болалар битта ишни бажарадилар, аммо ҳар биттаси ўша умумий ишнинг бир қисмини бажаради (биттаси мўйқаламларни йиғиштиради, бошқаси бўёқларни ва ҳ. к.). Ишнинг бундай ташкил этилиши болаларни меҳнат малакаларига ўргатишда ҳам, уларнинг ишини назорат қилиб туришда ҳам ўнғайлик туғдиради.

«Умумий меҳнат»да ҳар бир бола ўз ишини бажаради, аммо охирида ҳамма қатнашувчилар меҳнати умумлаштирилади (ҳар

бир бола хамирдан узиб олиб печенье ясайди ва у битта идишга солиб пиширишга қўйилади, пишгандан кейин битта идишга солиб болалар меҳмон қилинади). Ёки ҳамма болалар гуруҳ хонасини йиғиштиришади — ҳар бир бола бирон ишни бажаради, йиғиштириб бўлингач, натижа битта қилиб якунланади («Ҳамма яхши ишлади, шунинг учун гуруҳ хонаси тоза, саранжом-саришта, чиройли бўлиб қолди»).

Биргаликдаги меҳнат қўйидагича ташкил этилиши мумкин: масалан, хонани йиғиштиришда болаларнинг биттаси ўйинчоқларни ювади, иккинчиси артади, учинчиси ўйинчоқ полкасини тозалайди ва унга ўйинчоқларни теради. Ёки табиатдаги меҳнатда биттаси тувакларга қум ва тупроқларни солади, иккинчиси уруғ ёки кўчатни ўтқазади, учинчиси жойига олиб бориб қўяди. Б ерда болаларнинг иш ҳаракатида ўзаро мутаносиблик бўлиши, яъни ҳар бир бола бир хилда чаққонлик билан ҳаракат қилиши керак, бунинг натижасида маълум меҳнат муносабатлари юзага келади. Бундай вазиятда тарбиячининг болалар ўртасида тўғри муносабат ўрнатишга қаратилган бевосита раҳбарлиги зарур.

Бундай раҳбарлик, маълум изчилликда амалга оширилади.

1. **Меҳнат малакаларини шакллантириш.** а) Меҳнат жараёнида ёки топшириқларни бажаришда болаларни якка ёки кичкина гуруҳларга бўлиб, меҳнат малакаларига ўргатиш.

б) Болаларда меҳнат малакаларини мустаҳкамлаш, иш суръатини, сифатини яхшилаш мақсадида аҳён-аҳёнда эрталаб, сайр вақтларида ёнма-ён меҳнатни ташкил этиб туриш.

в) Болаларни катталарнинг меҳнат жараёнлари билан таништириб бориш: иш қандай изчилликда бажарилаётгани, уни бажариш тартиби, ишнинг сифати, меҳнат натижасида оддий нарсалардан чиройли буюмларнинг вужудга келиши ва ҳ. к.

г) Айрим меҳнат малакаларига ўргатиш бўйича машғулотлар ташкил этиш (китобларни ямаш, ўйинчоқлар ясаш ва ҳ. к.).

2. **Болаларнинг умумий меҳнатини ташкил этиш.** а) Болаларга катталар меҳнатининг жамоа характерида эканлигини тушунтириш.

б) Болалар меҳнатини умумий мақсад билан ташкил этиш. Бунда болаларнинг ҳар бирига ким қайси ишни бажариши кераклиги тушунтирилади (масалан, гуруҳ хонасини йиғиштириш).

в) Бутун гуруҳ болаларининг умумий меҳнатини ташкил этиш. Бу уч нарсани эътиборга олган ҳолда ташкил этилади: 1) меҳнатни қатнашчилар ўртасида тўғри тақсимлаш; 2) вазифани бажариш жараёни; 3) меҳнат натижасини муҳокама қилиш.

3. **Болаларнинг биргаликдаги меҳнатини ташкил этиш.**

а) Тарбиячи болаларга бир неча кишилар биргаликда бирон ишни бажараётганлигини, уларнинг иши бир-бирига бевосита боғлиқлигини, улардан ҳар бири умумий ишнинг бирон қисминини

бажараётганини, иш қандай изчиллик билан амалга оширилаётганини тушунтиради (бунинг учун тушунтириш, ҳикоя қилиб бериш, болалар бадиий адабиётидан фойдаланади.)

б) Болаларнинг кичкина гуруҳи билан уларнинг биргалликдаги меҳнاتини ташкил этиш. Бундай меҳнат эрталаб, сайр пайтларида ташкил этилади.

Болаларнинг меҳнат фаолиятини режалаштирганда тарбиячи уни меҳнат жараёнида амалга ошириладиган тарбиявий вазифаларига кўра белгилайди.

Болалар боғчасида меҳнат тарбиясининг шарт-шароитлари.

Болалар боғчасида меҳнат тарбиясининг вазифаси ва мазмунини муваффақиятли амалга ошириш учун керакли шарт-шароитлар яратилиши керак. Болалар меҳнати учун жой ва вақт, гигиеник шарт-шароит яратилмоғи лозим, озодалик, тоза ҳаво керакли даражадаги ёруғлик, меҳнатнинг болалар имкониятига мувофиқ бўлиши, меҳнат вақтини болалар ёшига қараб тўғри белгилаш (кичик ёшли болалар учун 10—12 дақиқа, катта гуруҳ болалари учун 15—20 дақиқа), болалар ҳаракатларини алмаштириб туришни ҳам эътиборга олиш керак.

Меҳнат болаларга қувонч бағишлайдиган қилиб режалаштирилиши лозим. У маълум изчиллик билан амалга ошириб борилиши керак.

Меҳнат қилишлари учун ҳамма болаларга етарли миқдорда керакли қурооллар, асбоблар бўлиши, улар болаларнинг ёшига, имкониятига мос келиши, ўзлари мустақил фойдаланадиган қилиб жойлаштирилиши керак. Навбатчилар учун фартуклар, қалпоқча, қўлқопча, идиш ювиш учун клёнкадан фартуклар зарур. Овқат тайёрлаш учун кичикроқ пичоқлар, тарелкалар, ўқловчалар, хамир қориш учун тоғорача, шаклчалар керак бўлади. Хонани тозалаш учун тоза латта, кичикроқ тоғорача, столдан увоқларни йиғиб олиш, полни супуриш учун чўткалар, ахлатни йиғиб олиш учун ҳокандозлар керак. Қир ювиш учун тоғора, челақчалар, кичкина дазмол тахтаси, кийим тозалаш учун чўтка, супурги, тикиш учун тугмачалар солинган қутича, ип, нина, мато парчалари, ўйинчоқларни ясаш ва синганларини, бузилганларини тузатиш учун махсус стол ёки тахтача, болғачалар, михлар, қисқич, яхши рандаланган тахтачалар, картон, ип, арқон, ташландиқ материаллар, гугурт қутилари, конфет, атир қутичалари, ипдан бўшаган ғалтаклар ва ҳ. к. лар зарур. Гуруҳ хонасидаги табиат бурчагида, боғча ҳовлисидаги полизда, гулзорда ишлаш учун белкурак, хаскаш, супурги, кичкина замбилчалар, челақчалар, лейка, саватчалар керак бўлади. Ҳамма жиҳозлар болалар олиб фойдаланишлари учун қулай жойда сақланиши керак. Барча буюм ишлатиб бўлингандан кейин тозалаб жойига қўйилади.

Болаларга тўғри меҳнат тарбияси беришда катталарнинг бир-бири билан ўзаро дўстона муносабат билан ҳамкорликда ишлашлари ижобий натижа беради. Айниқса тарбиячининг ибрати, ҳар қандай меҳнатга нисбатан виждонан муносабати,

унинг ҳар хил касб эгаларига нисбатан ҳурмат билан қарашни катта аҳамиятга эгадир.

Меҳнат таълими жараёнида ва уни ташкил этишнинг ҳамма шаклларида ҳар хил метод ва усуллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, булар қуйидагилардир:

— ҳар бир меҳнат жараёнини намуна кўрсатиш орқали тушунтириб бориш;

— бўлажак меҳнат фаолияти тўғрисида унинг маҳсулини кўрсатиш орқали суҳбат ўтказиш;

— тарбиячининг ҳикояси;

— болаларнинг мустақил ишлашларини машқ қилдириш;

— ўйин-машқлар ва дидактик ўйинлар.

Бутун меҳнат жараёнини ва унинг айрим қисмларини кўрсатиш, тушунтириш, эслатиш, назорат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш, бажарилган ишни баҳолаш айниқса зарурдир.

Меҳнат малакаларига ўргатишда кўрсатма бериш усули муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳамма ўргатиш усуллари ва методларидан унумли фойдаланиш болаларнинг меҳнат тарбиясида самарали натижа беради.

Болаларга тўғри меҳнат тарбияси бериш учун боғча билан оила ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари зарур. Мажлис-лар, адабий-педагогик кечалар, савол-жавоб кечалари, меҳнат тарбиясининг ҳар хил масалалари бўйича ота-оналар конференциялари, кўرғазмалар, стендлар ташкил этилади. Ота-оналар учун эслатмалар чиқарилади. Илғор тажрибаларни ўрганиб, умумлаштириб борилади.

Меҳнат тарбияси масалалари боғчанинг йиллик режасида акс эттирилади ва тарбиячиларга меҳнат тарбиясини тўғри режалаштириш ва амалга оширилишда ёрдам беради.

Болалар боғчасида меҳнат тарбиясини тўғри ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилиш ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялаш вазифаларини амалга оширишга ёрдам беради.

IX б о б. ЭСТЕТИК ТАРБИЯ

1-§. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЕШИДАГИ БОЛАЛАРНИ ЭСТЕТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ

Эстетик тарбия жуда кенг тушунча бўлиб, унга табиат, меҳнат, ижтимоий ҳаёт, турмуш ва санъатга эстетик муносабатни тарбиялаш киради.

Эстетик тарбия ўз навбатида болаларга ҳар томонлама тарбия беришнинг бир қисми ҳисобланади. **У** айниқса ахлоқий тарбия билан узвий боғлиқдир.

Санъат ва ҳаёт гўзаллиги билан таништириб бориш боланинг ақлини, ҳиссини тарбиялаб қолмай, шу билан бир қаторда унинг хаёл ва фантазиясини ҳам ривожлантиради.

Болаларни гўзалликка ошно қилиш уларда ҳаётий воқеаларни тўғри тушуниш, олижаноб ҳис-туйғуларни ва интилишларни шакллантиришга ёрдам беради. Болаларда гўзалликни идрок қилишни тарбиялаш орқали уларда бошқа кишиларнинг кечинмаларини ҳис эта билиш, кишиларнинг хурсандчиликларига шерик бўлиш, қайғусини бирга баҳам кўриш каби хусусиятлар таркиб топтиради.

Эстетик тараққиёт шахснинг эстетик онги, муносабати ва эстетик фаолиятининг шаклланиши ва такомиллашувида узоқ вақтни талаб этадиган жараёндир. Шахснинг эстетик тараққиёти ижтимоий-тарихий ва эстетик тажрибани ижодий ўзлаштириш натижасида юзага келади. Бу ҳар хил йўллар ва шакллар орқали амалга оширилади. Шахснинг эстетик жиҳатдан ривожланишида маълум мақсадга қаратилган таълим ва тарбия ҳал этувчи роль ўйнайди.

Эстетик эҳтиёж — киши борлиқни, бадий фаолиятни унинг ҳар хил кўринишларида эстетик идрок этишга ундовчи субъектив омилдир. Эстетик эҳтиёж гўзаллик тўғрисидаги фаннинг ривожланиш қонуниятларини янада чуқурроқ ўрганишга ундайди.

Эстетик қизиқиш шахсни санъат асарларини, теварак-атрофдаги борлиқни эстетик идрок этишга ва эстетик фаолиятга йўналтиради. Эстетик қизиқиш эстетик эҳтиёжни юзага келтиради.

«Эстетик тарбия» тушунчаси билан бир қаторда «бадий тарбия» тушунчаси ҳам мавжуддир.

Бадий тарбия санъат асарлари орқали тарбиялашдир. У шахсда санъат асарларининг шакл ва мазмунини эстетик идрок этишни ривожлантириш, бадий дидни шакллантириш ва санъатнинг маълум турлари бўйича ижодий фаолиятни, ижрочилик қобилиятини ривожлантиришга қаратилгандир. Унинг натижаси фикрнинг пайдо бўлишида, уни амалий фаолиятда қўллашда, ўз билим ва таассуротларини қўша билишда, ҳис-туйғуларни ва фикрларини самимият билан ифодалашда намоён бўлади.

Эстетика табиатдаги, жамиятдаги моддий ва маънавий маданият буюмларида акс этган, шунингдек эстетик онгнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва вазифаси тўғрисидаги қонуниятларни, объектив борлиқни эстетик билишнинг муҳим усуллари билан бири бўлган санъатнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Педагогика эстетиканинг «гўзаллик ҳаёт демакдир» деган қондасидан келиб чиқиб, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётдаги, меҳнатдаги, турмушдаги кишилар муносабатидаги гўзалликда қатнаштириш, унинг ҳаётни, санъатни идрок эта билиш қобилиятини шакллантиришни ўзининг бош вазифаси деб ҳисоблайди.

Гўзаллик кишини олижаноб қилади, унинг юксак дидли, пок,

яхши инсон бўлишига хизмат қилади. Гўзаллик билан учрашиш кишида эстетик ҳис, руҳий ҳаяжон, беғараз қувонч уйғотади. Эстетик ҳисда идрок этилаётган воқеликка нисбатан худбинлик оҳанги, шахсий манфаат нуҳтан назаридан гаразли қарашлар бўлмайди. Н. Г. Чернишевский бу тўғрида шундай ёзади: «Кишидаги гўзаллик ҳосил қилган сезги, одам энг яқин кишиси билан учрашганда пайдо бўладиган порлоқ қувончга ўхшайди. Биз гўзалликни беқиёс севамиз, ундан энг яқин кишимизни учратганда қувонгандек завқланиб қувонамиз».

Гўзаллик инсониятнинг бутун тарихий тараққиёти давомида яратилади ва маданий-тарихий тажрибанинг бир қисмини ташкил этади. Унинг мавжудлиги, объективлиги ёш авлодга эстетик тажрибани системали равишда сингдириш ва шу орқали уларнинг эстетик томондан тараққий этишини таъминлайдиган эстетик тарбия назариясининг фаол усулларини ишлаб чиқишга йўналтиради. Бунда тарбия ва таълим жамиятнинг эстетик маданиятини ўзлаштиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Эстетика борлиқнинг бирламчи ва онгнинг иккиламчи эканлигига асосланиб, санъат борлиқни бадий образларда англаш, эстетик акс эттиришнинг олий шакли деб тушунади.

Санъат ўзининг ҳиссий таъсир кучи билан кишининг фақат ҳиссини эмас, фикр ва иродасини ҳам мафтун этади, унинг тарбияловчи роли ҳам мана шунда намоён бўлади, шунинг учун у эстетик тарбиянинг мазмуни ва воситаси ҳисобланади.

Эстетик тарбия ахлоқий, ақлий, меҳнат ва жисмоний тарбия билан чамбарчас боғлиқдир.

Эстетик ва ахлоқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги шундаки, кишининг гўзалликни идрок этишдан қувониши унинг бошқа кишиларга яхшилик қилганидан хурсанд бўлишига ўхшаб кетади. Ақсинча, гўзалликни кўра билмаслик, ундан завқланмаслик ёмон ишларни қилишга олиб келади. Санъатнинг тарбиявий кучи шундаки, у одамни ҳаётдаги воқеаларни, ҳодисаларни чуқур ҳис-ҳаяжон билан идрок этишга мажбур этади.

Эстетик тарбия меҳнат тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Меҳнат фаолияти болаларни қувонтиради, улар биронта фойдали ишни бажараётиб, бирон керакли нарсани ясаётиб, ўзларининг куч ва имкониятлари ўсиб бораётганини сезадилар. «Гўзаллик қувончисиз меҳнат қувончи бўлмайди,— деб ёзган эди В. А. Сухомлинский,— аммо буларда гўзаллик бола эга бўлаётган нарса эмас, балки биринчи навбатда у яратаётган нарсадир. Меҳнат қувончи — бу турмуш қувончидир»¹.

Агар инсон эстетик жиҳатдан тарбияланган бўлса, у ҳар қандай қийин ишда ҳам гўзалликни кўра олади ва уни яхши, зўр шавқ-завқ билан бажаради.

¹ Сухомлинский В. А. Болаларга жоним фидо. Танланган асарлар. Т. I. 231-бет.

Эстетик ва жисмоний тарбия ўртасида мустақкам боғланиш бор. Кишининг мустақкам соғлиги, жисмоний камолотсиз унинг гўзаллигини тасаввур этиб бўлмайди. Унинг чиройли гавда тузилиши, ҳаракатларни чиройли бажариши, муסיқа остида чиройли ҳаракатлар қилиши ва ҳоказолар шулар жумласига киради.

Кўпчилик педагог ва психологларнинг тадқиқот ишлари болаларнинг ижодий фаолиятлари, ҳиссиётлари, эстетик тасаввурларининг ўзига хос хусусиятини ва улардаги эстетик тасаввур ва ҳиссиётларнинг қандай ривожланишини очиб берган.

Бу текширишлар болалардаги эстетик тасаввур ва ҳиссиётларни ривожлантиришни улардаги ижодий қобилиятларни ривожлантириш билан бирга қўшиб олиш бориш керак, деган хулосага олиб келди.

Эстетик тасаввурнинг ўзига хослиги шундаки, идрокнинг бошқа турларига қараганда нарсаларни ҳис қилиш шакли — «кўринадиган» ва «эшитиладиган» нарсалар бутунлай бошқа мазмун касб этади. Оддий идрок қилишда нарсаларнинг кўриниши, оҳангдорлиги унчалик муҳим бўлмай, балки унинг аҳамияти муҳимдир. Эстетик идрок қилишда эса энг муҳими — идрок қилаётган нарсанинг образи, унинг ифодали томонларини, нозик рангларини кўра билиш талаб қилинади. Шунинг учун эстетик тарбия юқори даражадаги сенсор маданиятни, кузатувчанликнинг ривожланган бўлишини талаб этади.

Киши нарса ва ҳодисаларга гўзаллик мезонига асосланган ҳолда, алоҳида қадр-қиммат билан ёндошгандагина эстетик кечинмалар пайдо бўлади. Эстетик ҳислар фикрлаш билан бевосита боғлиқдир.

Эстетик кечинмаларда ҳар доим хаёл иштирок этади, бусиз гўзалликни идрок этиш ҳам, ижодий фаолиятни ривожлантириш ҳам мумкин эмас. Хаёл фаолият жараёнида шаклланади. Уйин, расм чизиш, эртакларни эшитиш хаёлнинг ишлашини талаб этади. Дастлабки вақтларда хаёл фаолият жараёнида нарсалар билан таъсир этиш натижасида юзага келади. Кейинги босқичларда эса ижодий фаолликнинг ташқи шаклларида секин-аста фикрлашга ўтади. Бола расм чизганда ёки ўйнаганда образни тасвирлашдан ёки ифодалашдан олдин шу образни хаёлида яратади. Бадий асарларни идрок қилганда ҳам худди шунга ўхшаш воқеа юз берадики, болалар асардаги қаҳрамонларга хаёлан кўшилиб, уларнинг хатти-ҳаракатларида ўз хаёллари билан қатнаша бошлайдилар.

Демак, эстетик кечинмалар мураккаб ҳодиса бўлиб, ҳиссиётлар, хаёл ва фикрнинг фаол ишлашини, ўз фикр ва ҳиссиётларини ифодалашга, фаолиятга эҳтиёж туғилиши каби хусусиятларни ўз ичига олади.

2-§. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЭСТЕТИК РИВОЖЛАНИШИДАГИ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Болаларнинг эстетик ривожланиши уларнинг кундалик жўшқин ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир.

Илк ёшдаги болаларни назарда тутганда, ҳали уларнинг эстетик тарбияси тўғрисида эмас, балки уларнинг ҳиссий ва сенсор ривожланиши тўғрисида ўйлаш керак. Бола ялтироқ бўёқдан хурсанд бўлади, бир маромдаги товуш ва ҳаракатлардан ҳузур қилади. Бола ҳаётининг биринчи йилида уларнинг сенсор-ҳиссий қабул қилувчанлиги такомиллашиб боради. Бу ёшдаги болада ҳиссий кечинмаларнинг шаклланишида катталар муҳим роль ўйнайди. Катталарнинг очиқ юз билан жўшқин оҳангда гапиришлари болага буюмларнинг у ёки бу хусусиятларига ижобий муносабатда бўлишларига ёрдам беради. Ва, аксинча, катталарнинг огоҳлантирувчи овози, улар юзидаги тундлик аломати ёки ҳўмрайиб қарашлари, жеркиб, силтаб ташлашлари ва ҳоказолар болаларда шу буюмга ёки унинг сифатига салбий муносабатни шакллантиради.

Бола ҳаётининг иккинчи йилида унинг идроки секин-аста такомиллаша боради. Болалар энди фақат борлиқ хусусиятларини эмас, шу билан бирга санъат асарларидаги айрим эстетик ифода воситаларини ҳам идрок эта бошлайдилар. Бу ёшдаги болаларда мусиқанинг қувноқ ва гамгин куйларига, уларнинг қаттиқ ва сокин оҳангига, оҳиста ва тезлигига жавоб таъсири пайдо бўлади ва ҳ. к.

Ўрта гуруҳга келганда болалар эстетик идрокнинг ривожланишида муҳим ўзгаришлар юз беради. Уларнинг эстетик идроки анча аниқ ва табақалашган бўлиб қолади. Аммо шунга қарамай, у қисқа-қисқа бўлиб, боланинг шахсий тажрибаси ва қизиқишига боғлиқ бўлади.

Бу ёшдаги болалар бадий образни энг оддий эстетик баҳолай оладилар, баъзи бир эстетик воситаларни тўғри англайдиган, тасвир моҳиятини тушунадиган бўлиб қоладилар.

Болаларда гўзалликни идрок қилиш жараёни аниқ ифодаланган, таъсири, фаол тусда бўлади. Бу айниқса улар қўғирчоқ театри, кино, мультфильм, телеспектакллари томоша қилганларида аниқ намоён бўлади. Болалар асар қаҳрамонлари ҳаракатига бемалол қўшилиб ҳаракат қиладилар, уларда муайян вазиятда ўзини қандай тутишни айтиб турадилар, гўё ўзларини улар билан бирга ўйнаётгандек ҳис этадилар. Бу ёшдаги болалар таниш бўлган санъат асарларини янги асарлар билан солиштирадилар ва баъзи бир хулосалар чиқарадилар. Болалар шеърни насрдан, бадий асарнинг баъзи бир жанрларини, тасвирий фаолият ва мусиқанинг бир хил турларини (эртакни ҳикоядан, маршни рақсдан, аллани ўйиндан ва ҳ. к.) бир-биридан ажрата бошлайдилар.

Тасвирда бадий, мусиқа, театрлаштириш каби ҳамма фаолиятларда қўйилган вазифани бажаришда мустақиллик, ижодкорликка интилиш намоён бўла бошлайди. Болалар ўйинга тушганда, ашула айтганда, саҳналаштириш ўйинларида образларнинг ифодали бўлишига онгли равишда интила бошлайдилар.

Катта гуруҳнинг охирларига келганда улар мусиқани, бадий асарларни диққат билан тинглайдилар, тасвирий санъат асарларини синчиклаб кузатадилар, улардаги ижобий қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларидан қувонадилар, ёмонликни қоралайдилар. Болада мусиқавий ва шоирона тинглаш қобилияти ривожланади. Уларда айрим мусиқа жанрларига, адабий ва тасвирий санъат асарларига нисбатан барқарор қизиқиш пайдо бўлади.

Болаларда бадий-ижодий қобилият ривожлана бошлайди, улар мустақил равишда топишмоқлар, ашулалар, эртақлар, шеърлар тўқийдилар, аппликация ва расмлар ишлайдилар. Энди улар ўзларининг ва ўртоқларининг ишларини баҳолайдиган бўлиб қоладилар.

Кузатаётган санъат асарлари, эшитаётган мусиқа асарлари, ўқилаётган шеърларнинг энг нозик томонларини кўра биладилар, сеза бошлайдилар. Бадий асарлардаги баъзи шеърлий образларни эслаб қоладилар ва ўз нутқларида ишлатадилар. Теварак-атрофдаги гўзалликка, санъатга, бадий ва ўйин фаолиятининг ҳар хил турларига нисбатан уларда қизиқиш шакллана бошлайди.

Болалар бадий асар қаҳрамонлари хатти-ҳаракатига жуда катта ҳис-ҳаяжон билан муносабат билдирадилар, аммо асардаги қаҳрамонлар хулқидаги яширин сабабларни улар ҳали англаб ета олмайдилар, Болаларда бадий ижодкорликнинг ривожланиши давом этади, аммо уларнинг фикрлари ҳали аниқ, барқарор эмаслиги билан ажралиб туради.

Шундай қилиб, мактабгача тарбия ёши даври тарбиявий таъсир орқали болаларни эстетик руҳда тарбиялаш мақсадларидан ва унинг бола шахсини шакллантиришда тутган ўрнидан келиб чиқиб, эстетик ривожланишларини такомиллаштиришдир.

3-Ў. ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ, МАЗМУНИ ВА МЕТОДЛАРИ

Эстетик тарбиянинг вазифалари тарбиянинг умумий мақсадларидан келиб чиқиб, болаларнинг ёш имкониятларига қараб белгиланади. Эстетик тарбия олдига қуйидаги вазифалар туради:

1. Болаларни ҳаётдаги, воқеликдаги гўзалликни тушунишга, севишга, табиатда ва турмушда, яратувчилик меҳнатига, иж-

тимоний ҳаётда, кишилар хатти-ҳаракатида болаларга тушунарли бўлган гўзалликларни кўра билишга ўргатиш. Уларда эстетик ҳис, эстетик дид, эстетик муносабатни тарбиялаш, кучлари етганича ҳаётда гўзаллик яратишда фаол иштирок этиш истагини тарбиялаш.

2. Болаларни бадий ижоднинг турли жанрларида (бадий асар, мусиқа, қўшиқ, расм ва бошқалар) яратилган санъат асарларини кўриш, тушуниш ва севишга ўргатиш орқали уларда эстетик онг қирраларини шакллантириш; чиройлини хунукдан, ғамгинликни хурсандчиликдан фарқлай олиш; рангларни, шакл, товушларни бир-биридан ажрата олиш каби сенсор эталонлар билан таништириш.

3. Болани санъатнинг турли соҳалари: ашула, ўйин, шеър ўқиш, қайта ҳикоя қилиш, ижодий фаолият (ижодий ўйин, ҳикоя қилиб, расм чизиш, бирор нарса ясаш ёки қуриш) кабиларда янада фаолроқ ҳаракат қилиш ва ўзини кўрсата билишга ўргатиш. Булар орқали болаларда бадий ижодий қобилиятни, хаёлни ўстириш, фазовий ва ранг муносабатларини, мўлжалга олиш, кўриш хотираси, қўлларни чаққон ҳаракат қилдира олиш малакаси, жўшқин кайфиятни кўрсатувчи ҳиссий сезгирликни ривожлантириш ва ҳ. к.

Юқорида кўрсатилган вазифалар асосида мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ҳар бир ёш гуруҳларида эстетик тарбия беришнинг мазмуни ва методлари ишлаб чиқилади.

Эстетик тарбиянинг мазмуни боланинг эстетик фаолияти орқали амалга ошириладиган билим, малака ва кўникмаларни, эстетик ҳиссиёт, қизиқиш, эстетик эҳтиёж, эстетик дид ва мулоҳазаларни тарбиялашни ўз ичига олади.

Булар қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

— ўйин, меҳнат жараёнида, маиший фаолиятда ижтимоий ва табиат воқеалари билан таништириш орқали теварак-атрофдаги борлиққа нисбатан эстетик муносабатни тарбиялаш;

— санъат асарлари (бадий тарбия) воситасида эстетик тарбия бериш.

Педагогика фанида болаларни чизишга, лой ва пластилиндан нарсалар ясашга, ашула айтишга ва шунга ўхшашларга ўргатиш методикаси мукамал ишлаб чиқилган.

Бола ижодининг мазмунига таъсир этадиган асосий восита, болани ҳаяжонлантирадиган, унинг хаёл ва ҳисларига таъсир этувчи нарса теварак-атрофдаги ёрқин, жонли таассуротлардир.

Бадий фаолиятнинг ҳамма турларида ҳам ижодий қобилиятларни ривожлантириш эстетик идрок ва ҳисларни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда олиб борилади. Агар бола қишки табиатнинг гўзаллигини ҳис эта олса, у албатта шу гўзалликни расмда, ҳикоясида акс эттиради. Агар бола бадий адабиётлардаги образларни идрок эта олса, ундаги қаҳрамонлар бола тушунчасига яқин бўлса, бундай китоблар болалар ўйини учун,

расм чизиш ва лойдан нарсалар яшаш учун битмас-туганмас манба бўлиб хизмат қилади. Агар болалар тилнинг гўзаллигини, шеърнинг ритмини, оҳангдорлигини ҳис эта олсалар, ўзлари ҳам кичкина шеърлар тўқиб, қофиялар танлашга уринадилар.

Болалардаги фикрлаш қобилиятини ривожлантириш учун бадиий қобилиятнинг ҳамма турларида ҳам хаёлнинг маълум мақсадга йўналтирилган бўлиши таъминланади. Болаларни ижодий мақсад қўйишга ўргатилади.

Болаларнинг мустақил ижодий фаолиятлари байрамларда, кўнгил очиш кечаларида, экскурсия ва сайлларда, ҳар хил ўйинларда амалга оширилади. Болалар ўзларининг бадиий, ижодий маҳоратларини, қобилиятларини бемалол, эркин намойиш қилишлари учун тарбиячи керакли шарт-шароитни яратиб бериши зарур. Болаларнинг бу хилдаги мустақил фаолиятларига раҳбарлик қилишда тарбиячи якка тартибда ёндашиши лозим. Шу орқали у болаларнинг ўзига хос қобилият ва имкониятларини ўрганади. Болалар орасида қуришга, ашула айтишга, расм чизишга, мусиқага ҳавас жуда эрта уйғонади. Аммо бу ҳали боланинг келажакда қандай мутахассис бўлишини аниқлаш ҳуқуқини бермайди. Лекин тарбиячилар ва ота-оналар болаларнинг қизиқишларига диққат-этибор билан қарашлари лозим. Улар болани диққат билан кузатаётиб, унда мусиқа, расм, қуриш-яшаш ва бошқа соҳалардаги истеъдоднинг илк куртакларини кўришлари мумкин. Боладаги қобилиятларнинг шаклланиши катталарнинг мана шу куртакларни авайлаб ўстиришларига, уларга тўғри раҳбарлик қилишларига боғлиқ.

4-§. ЭСТЕТИК ТАРБИЯ ВОСИТАЛАРИ

Болалар боғчасидаги эстетик тарбиянинг асосий воситалари қуйидагилардир:

- болаларни ўраб турган муҳит, турмуш эстетикаси;
- теварак-атрофдан олинган таассуротлар;
- табиат, санъат асарлари;
- болаларнинг тасвирий фаолиятлари;
- байрамлар, кўнгил очар тадбирлар;
- маълум мақсадга қаратилган ва режали равишда амалга ошириладиган таълим.

Болалар боғчасини ўраб турган гўзаллик муҳити болаларнинг ҳар томонлама камол топишига, эстетик дидларининг тарбияланишига ёрдам беради.

Педагогика системасига хос бўлган эстетика ва этиканинг бирлигини оилада, болалар боғчаларида кичкинтойларни тарбиялашда бемалол қўллаш мумкин. Лекин ҳақиқий турмуш эстетикасини яратиш учун тарбиячи ва ота-оналарнинг юқори маданиятли, яхши хулқли, хушмуомала, бадиий дидли бўлишлари талаб этилади.

Болаларни ўраб турадиган чиройли нарсаларнинг ўзи болага

ҳеч нарса бермайди, шунинг учун болаларни уларни кўришга, қадрлашга, баҳолай билишга ўргатиш керак. Тарбиячи болаларнинг диққатини полнинг тозаллигига, яхшилаб жой-жойига қўйилган мебелга, чиройли идишларга, гулларга қаратади. Ҳар бир янги нарса, янги безак болалар билан бирга кўриб чиқилади. Энг муҳими, ҳамма нарсаларни болаларда эстетик завқни қўзғата оладиган қилиб кўрсатиш керак.

Болаларга эстетик завқ уйғотиш учун уларга кузатилаётган нарсанинг мазмуни ва аҳамиятини тушунтириш керак. Болаларнинг ҳисларига таъсир этиш учун бу ҳали етарли эмас. Энг муҳими, бу ерда катталарнинг намунасидир. Тарбиячининг ўзи завқланса, ортиқча сўзларсиз гўзалликка қизиқиш уйғота олади ва болаларда эстетик кечинмалар пайдо қила олади.

Болалар тарбиячидан «Нима учун олтин куз дейилади?»— деб сўрашади, тарбиячи истироҳат боғига бориб кўрамиз, деб жавоб беради. Боғга боришганда болаларга таклиф этади: «Сайр қилиб дарахтларни, йўлкаларни кузатамиз». Боғнинг энг хушманзара жойига келганда болалар тўхтаб, жим атрофга назар ташлашади-да, нима учун олтин кузлигини тушундик. Чунки барглар тиллага ўхшайди. «Ана қизил барглар», дейишади улар ҳаяжон билан. Шамол бўлиши билан барглар ерга тушади. Йўлкалар эса гиламга ўхшайди.

Кўчага сайрга чиқишади. Тарбиячи болаларга шундай дейди: «Биз ҳозир сизлар билан боғча кўчасидан юриб ўтамиз. Сизлар диққат билан кузатиб боринглар, ким қандай чиройли нарса кўрса, сайрдан кейин сўзлаб беради».

Шуни таъкидлаш керакки, ажойибот ёнимиздадир, болаларни шу ажойиботни кўра билишга, ундан ҳайратлана олишга ўргатиш лозим. Табиатнинг гўзаллигини ва ажойиблигини инсон ҳаёт гўзаллигига, санъат гўзаллиги ва ажойиботига айлантиради.

Жонажон табиат эстетик тарбиянинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади. Теварак-атрофдаги табиат гўзаллиги ҳатто энг кичик болани ҳам қувонтиради. Унинг туйғулар ва хаёлларда сақланган гўзаллиги болаликда айниқса ёрқин ва чуқур идрок қилинади, инсон буларни бутун ҳаёти давомида эсидан чиқармайди.

Сайр, экскурсия вақтида тарбиячи болаларнинг диққатини табиатнинг ранг-баранглигига, унинг ўзгариши ва уйғунлигига қаратади, табиат ҳодисаларига қизиқиш уйғотади, унга муҳаббат ва эҳтиёткорлик муносабатини тарбиялайди, асраб-авайлашга ўргатади. Буларнинг ҳаммаси болаларнинг эстетик дидларини тарбиялайди, улар кишиларнинг меҳнат натижаларини яққол кўриб, атрофдаги гўзаллик инсон меҳнати туфайли юзага келишига ишонч ҳосил қиладилар.

Тарбиячи болаларга табиат оламини кашф этади, болаларнинг гунчадаги бир томчи шабнамда ҳам, ўтларнинг бири ик-

кинчиси билан қўшилиб кетишида ҳам, оқшом бўёқларида ҳам табиат гўзаллигини кўра билишларига ёрдам беради.

Болалар боғчасида табиат бурчаги ташкил этилади. Ундаги ҳайвонлар ва ўсимликларни кузатиш ва парвариш қилиш болаларда эстетик идрокни, уларга нисбатан тўғри муносабатни, гўзаллик яратиш хоҳишини шакллантиради ва қизғин фаолиятга ундайди. Йилнинг ёз фаслларида полизда, гулзорда, боғча майдончасида меҳнат қилишда ҳам болалар эстетик завқ олади. Кузда ўз меҳнати мевасини ейиш болага алоҳида эстетик ҳузур бағишлайди. Дала ва боғларга сайрга борганда табиатнинг гўзаллиги ва бойлигидан, у ердаги деҳқонларнинг яратувчилик меҳнатларидан бениҳоя завқланишади.

Болалар боғчасида болаларни эстетик томондан тарбиялашда санъатнинг ҳар хил турлари ва жанрларидан (муסיқа, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати, адабиёт ва ҳ. к.) фойдаланилади.

Санъат юксак эстетик завқнинг, киши хурсандчилигининг туганмас манбаи бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир вақтда у ҳар бир кишининг ривожланиши, маънавий бойиши учун ҳам воситадир.

Бадий асар кишининг ҳис-туйғуларига таъсир этса, ҳиссий кечималар кишида фикрлашни уйғотади. Бадий асардан ҳаяжонланиш фикрлашни фаоллаштиради. Қизиқарли эртақ ёки расм болада фикрлар ўйинини уйғотади. Бу тўғрида С. Я. Маршак шундай деган эди: «Қизил шапкача» эртагини болалар қаторасига 20 марта эшитишга тайёрлар. Бунга сабаб эртақ ўз тузилиши бўйича аниқ, унинг мантиқи ва мотиви изчил, ҳар қандай бола ўзини эртақдаги қаҳрамон ўрнига қўя олади ва «Қизил шапкача»ни ўйнай олади. Санъатнинг ҳамма турлари — адабиёт, муסיқа, рассомчилик, ҳайкалтарошлик, театр, кино болаларга тушунарлидир. Санъатдан болалар боғчасини безашда, таълим беришда, болаларнинг мустақил фаолиятларида фойдаланилади.

Болалар боғчасида ганч, чинни, ёғоч, лой, пластилиндан хилма-хил буюмлар, ўйинчоқлар ясаш мумкин. Болалар ўйинчоқларининг яхши намуналаридан гуруҳ хонасини безатишда фойдаланса бўлади.

Гилямчилик, тўқимачилик, кулолчилик, зардўзлик, каштачилик, попопчилик, бадий ойна, металл патнислар, тўқилган ва тикиб гул солинган буюмлар ва бошқалар тасвирий санъатнинг манзарали шаклига киради. Бундан ташқари, боғчада ҳар бир вилоят, ўлка, республиканинг миллий маданиятидан фойдаланиш керак.

Таълим-тарбия ишларида ўзбек халқ амалий санъати намуналаридан фойдаланиш катта аҳамиятга эгадир. Ўзбек нақшлари туширилган чиройли гулдор матолар қўғирчоқлар учун кўйлак, ойна пардалари, дастурхон кабилар учун ишлатилиши мумкин.

Муסיқа болаларнинг кайфиятини кўтариб эрталабки бадан тарбияда янграй бошлайди. Йилнинг қуруқ ва иссиқ вақтларида экскурсия, сайр ва ўйин вақтларида ашулалар ижро этилиши керак, бу болаларни янада бир-бирига яқинлаштиради, руҳини кўтаради. Майдончада меҳнат қилиш жараёнида ижро этилган ашула ҳаракат ритмини уйғунлаштиради, болаларга меҳнат қувончини бағишлайди.

Болаларда эстетик идрокнинг ривожланиши учун уларни ҳақиқий санъат асарлари билан таништириш зарур. Радио, ойнаи жаҳонда санъат усталари ва тенгдошлари ижро этган асарлар болаларнинг эстетик ривожланишида катта ёрдам беради.

Ашула айтиб ўйинга тушишда асосан халқ ижоди асарларидан фойдаланилади, бу болаларни ахлоқий-эстетик тарбиялаш учун ғоят қимматли воситадир. Болалар халқ куйлари ва образларини ижро этаётиб, халқ тили ва куйининг ҳамоҳанглигини, равонлигини билиб оладилар. Бу болаларда ватанпарварлик ҳисларини тарбиялайди, муסיқавий дидини шакллантиради, болаларни замонавий ва классик куйларни идрок эта олишга тайёрлайди. Ашула ва рақсга тушишга ўргатишда фақат тўғри айтиш ва тўғри ҳаракат қилишни эмас, балки ифодали айтиш ва енгил, чиройли ва латофат билан рақсга тушишга ўргатилади.

Болаларнинг бадий қобилиятларини тарбиялаш масаласи уларнинг ижодий ўсиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун болага ўргатиш, ундаги ижодий ташаббусни ривожлантириш иши бир-бири билан узвий алоқада амалга оширилиши лозим. Педагог тарбиявий нуқтан назардан ёндашиб, бола ижодининг энг биринчи, ҳали тўлиқ намоён бўлмаган томонини сеза билиши ва баҳолай олиши керак, бу билан у боладаги камолот йўлини тўғри белгилаши мумкин.

Болалар боғчасида ўтказиладиган байрамлар болаларга чуқур таъсир этади. Байрамнинг тарбиявий кучи ва ўзига хослиги унинг гоаявий ва эстетик мазмуни санъатнинг турли кўринишлари билан боғлиқ бўлишидадир. Ҳар қайси байрам ўз гоаясига эга бўлиб, у болаларга ёрқин образлар орқали таъсир кўрсатади.

Эстетик тарбиянинг воситаларидан бири қўғирчоқ театридир. Унинг ниҳоятда кучли таъсир этиши унинг соддалиги, одатдан ташқари жўшқинлиги ва қўғирчоқлиги (ўйинчоқлиги), шунингдек, бадий сўз, муסיқа, ашула, рақс, тасвирий санъат каби таркибий қисмларнинг узвий жипслашиб кетганлиги киши кўзи ўнгида яққол намоён бўлишидадир. Қўғирчоқ театрини болалар фақат томоша қилибгина қолмай, балки унда ўзлари ҳам қатнашадилар. Бу боланинг драматик қобилияти, ташаббуси, нутқини ўстиради, ҳаётига қувонч бағишлайди.

Диафильм кўрсатиш болаларнинг эстетик дидларини ўстиришда муҳим воситалардан биридир. Диафильмлар кўрсатишни

адабий матн ўқиб бериш билан қўшиб олиб бориш болага фильмнинг мазмунини янада тўғрироқ ва таъсирчанроқ тушунишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, қўғирчоқ театри, соя театри кўрсатиш ҳам болаларни эстетик томондан тарбиялашда алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ўйинчоқ, қўғирчоқлар болаларга таниш бўлса-да, уларни тарбиячи қўли ёрдамида ҳаракатга келтириб, бадний сўзлар билан қўшиб олиб бориш натижасида улар боланинг кўз ўнгида жонланади, бошқача тус олади ва болалар эртак мазмунини чуқур идрок эта бошлайдилар.

Бадний диднинг шаклланишида китоблар муҳим роль ўйнайди. Китоблар фақат болаларнинг ёшига мос, мавзу ва мазмуни билангина эмас, балки шу билан бирга баён қилиш усули ҳамда безатилиши билан ҳам ажралиб туриши жуда муҳимдир.

Буюк ёзувчи М. Горький энагаси ва бувиси уни халқ эртаклари ва ашулалари билан қандай таништирганлигини эслайди. Бувиси ҳамма нарса тўғрисида шундай сўзлаб берар эдики, унинг сўзларидан ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган севишчи ҳислари қолган. Энагаси айтган ашула ва шеърларнинг фаройиблиги унда ҳам шундай ажойиб асарлар яратиш истагини уйғотган.

Кичкинтойлар, айниқса 2—3 ёшли болалар учун чиқарилган китобларда сўзлардан кўра расмларнинг таъсири айниқса катта бўлади. Бола китобчадаги расмларни қайта-қайта ўз ўртоқларига, катталарга, қўғирчоғига «ўқиб» бериш билан унинг мазмунини ўз хотирасида мустаҳкамлайди. Китобдаги чиройли, ёрқин расмлар болаларнинг бадний дидини тарбиялайди.

Катталар меҳнати, қаҳрамонлик, шунингдек, она Ватанга бўлган муҳаббат, дўстлик, биродарлик, болаларнинг ота-оналарига нисбатан меҳрибон бўлишлари каби темаларда ёзилган ҳикоялар болаларга тушунарлидир.

Болаларнинг сеvimли ёзувчилари Қудрат Ҳикмат, Мирмуҳсин, Шукур Саъдулла, Қуддус Муҳаммадийнинг болалар учун ёзган шеърлари уларда ижобий ҳис-туйғуларни тарбиялайди, уларни яшашга ўргатади, дунёқарашини шакллантиради, она тилининг бойлигини, сўзларнинг таъсирчанлигини ҳис қилишга ёрдам беради.

Кичкинтойлар ҳаммадан ҳам эртакларни севадилар. Эртакнинг яхши томони шуки, унда узоқ фикр юритилмайди. Эртак қаҳрамонлари болага яқин ва таниш. Эртак тили ҳаётий ҳамда жонли бўлади. Энг муҳими, тарбиячининг ўзи бадний адабий ёти севиши ва тушуниши, насрий асар ва шеърларни ифодали ўқий билиши керак.

Болалар богчасида катталар раҳбарлигида болалар томонидан концертлар, байрамлар, кичкинтойларнинг тугилган кунларини нишонлаш болаларда қувончли ҳисларни уйғотадиган, мазмунли ва уларнинг хотираларида узоқ вақт сақланиб қоладиган қилиб ташкил этилиши керак.

Хулоса қилиб айтганда, эстетик тарбия болаларни ҳар то-

монлама баркамол инсон қилиб тарбиялашнинг муҳим қисми бўлиб, ақлий, ахлоқий, жисмоний тарбия билан чамбарчас боғланган ҳолда амалга оширилади.

Х б о б. БОЛАЛАР БОРЧАСИДА ЎЙИН

1-§. ЎЙИН БОЛАЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ТУРИ

Ўйин мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти бўлиб, у орқали бола шахс сифатида шаклланади. Ўйин боланинг келажакдаги ўқув, меҳнат фаолияти, кишиларга муносабатининг қай даражада шаклланиб боришини белгилайди.

Ўйин қадим замонлардан бери педагог, психолог, файласуф, этнограф, санъатшунос олимлар диққатини ўзига тортиб келган. Ўйин ибтидодий жамоа тузуми давридаёқ юзага келган бўлиб, жамият ҳаётида меҳнатдан кейин туради ва унинг мазмунини белгилайди. Ибтидодий жамоа қабилалари ўз ўйинларида овчилик, уруш, деҳқончилик ишларини акс эттирганлар. Масалан, ўша даврдаги баъзи қабилаларнинг шоли сепиш жараёни ўйинлар билан жуда катта тантана қилиб амалга оширилган эди.

Баъзи ҳолларда эса ўйин меҳнат қилиш истаги орқали юзага келади. Масалан, овчи тюленни овлаш учун унинг олдига ҳайвонга ўхшаб судралиб, сирпаниб боради.

Айрим ҳолларда эса бола ўз ўйинида олдин катталар меҳнатига тақлид қилади, кейинчалик уларнинг меҳнатида қатнашади. Ўйин ёш авлодни меҳнатга тайёрлайди. Болалар ўйинини бундай тушуниш биринчи марта К. Д. Ушинский томонидан таърифлаб берилган эди. У ўз асарларида болалар ўйинининг мазмуни уларнинг ҳаётдан олган таассуротлари билан белгилайди, улар шахсининг шаклланишига таъсир этади, деб ёзади. Бу фикрни П. Ф. Лесгафт ҳам тасдиқлаб, болалар ўз ўйинларида теварак-атрофдан олган таассуротларини акс эттирадилар, дейди. Бундай фаолият боланинг ривожланишида катта аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, ўйиннинг ижтимоий воқеа эканлигини, ўйинда теварак-атрофдаги борлиқ акс эттирилишини илғор олим ва педагоглар ўзларининг кузатиш ва илмий тадқиқотлари орқали исботлаб бердилар.

Тарбиячилар болалар ўйинига раҳбарлик қилишда қуйидагиларга риоя қилишлари лозим:

- 1) ўйин билан меҳнат ўртасида тўғри муносабат ўрнатиш;
- 2) ўйинда болаларнинг бўлажак меҳнат аҳлига хос бўлган жисмоний ва руҳий сифатларини тарбиялаш.

Шу тариқа ўйин тарихий тараққиёт жараёнида меҳнат фаолияти натижасида пайдо бўлган ижтимоий фаолиятдир; ўйин доимо ҳақиқий ҳаётни акс эттиради. Демак, ижтимоий ҳаёт ўз-

гариши билан унинг мазмуни ҳам ўзгаради; ўйин маълум мақсадга йўналтирилган онгли фаолият бўлиб, унинг меҳнат билан бўл умумийлиги бор ва ёшларни меҳнатга тайёрлашга хизмат қилади. Ўйин фаолияти асосида боладаги ўқув фаолияти ривожланади, бола қанчалик яхши ўйнаса, у мактабда шунчалик яхши ўқийди.

Болаларнинг ўйини назариясига (20 — 30-йилларда) Е. А. Флерина, Е. И. Тихеева, Е. А. Аркин каби олимлар асос солдилар; кейинчалик Р. Я. Лехтман-Абрамович, Ф. И. Фрадкина, Н. М. Аксарина, А. П. Усова, Д. В. Менджеричкая, Р. И. Жуковская, Т. А. Маркова, С. Л. Новосёлова, Е. В. Зворгина ва бошқаларнинг тадқиқот ишлари болалар ўйини мавзунини ишлаб чиқишга бағишланди.

Болалар ўйинининг тарихи, табиати, унинг ривожланиш қонуниятлари Л. С. Виготский, А. Н. Леонтьев, Д. Б. Эльконин, А. В. Запорожец каби психологлар ва уларнинг давомчилари илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топди.

А. В. Запорожец болалар ўйинини илк ёшдан бошлаб кузатиб бориши натижасида уни ҳаракатга келтирувчи сабаблар, ривожланиш қонуниятлари, ҳар хил ёш босқичларида болалар ўйинининг ўзига хос томонлари, мазмуни ва тузилишини ўрганиш зарурлигини таъкидлайди.

Илк ёшли болалар ўйин фаолиятининг биринчи босқичи таништирувчи ўйин бўлиб, у нарса — буюм — ўйин фаолиятидир. Унинг мазмуни қўл ишидаги мураккаб ва нозик ҳаракатлардир.

Кейинги босқич акс эттириш ўйини ҳисобланади. Бу илк ёшли болалар ўйини психологик мазмунининг ривожланишида энг юқори нуқта ҳисобланади. Катталар таълим-тарбиявий ишларини маълум изчиллик билан олиб борсалар, бу ёшдаги болалар нарса ва буюмлар номини, нимага ишлатилишини билиб оладилар ва бу янги билимларни ўз ўйинларида қўллай бошлайдилар.

Бу ёшдаги болалар ўйини мазмуни жуҳатидан предметли фаолиятни акс эттиради.

Биринчи ёшнинг охири ва иккинчи ёшдаги болалар ўйинида сюжетни акс эттириш юзага келади. Бола қўлидаги буюм билан ундан қандай фойдаланиш кераклигини акс эттиради. Масалан, қошиқ билан овқат ейилади, пиёладан чой ичилади, каравотда ётилади, қўғирчоқни «онаси» эркалайди ва ҳоказо. Шунинг асосида сюжетли-ролли ўйиннинг дастлабки қирралари юзага кела бошлайди.

Навбатдаги босқич ролли ўйин бўлиб, унда болалар ўзларига таниш бўлган катталар меҳнати ва кишиларнинг ижтимоий муносабатларини акс эттирадилар.

Болалар ўйин фаолиятининг босқичма-босқич ривожланиши тўғрисидаги илмий тасаввурлар ҳар хил ёш гуруҳларида болаларнинг ўйин фаолиятига раҳбарликнинг аниқ системали тавсияларини ишлаб чиқиш имкониятини яратди.

Шундай қилиб, болалар богчасининг педагогик жараёнида

ўйиннинг тутган ўрни жуда катта бўлиб, ўйиндан мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришда кенг фойдаланилади. Зеро:

— ўйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлиб, унда боланинг руҳияти намоён бўлади;

— ўйин мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳаётини ташкил этиш шаклидир;

— ўйин болаларни ҳар томонлама тарбиялаш воситаларидан биридир;

— ўйин болаларга таълим ва тарбия беришнинг метод ва усулидир;

— ўйин болаларни ўқув фаолиятига тайёрлаш воситасидир.

Таниқли педагог-олимларнинг олиб борган тадқиқотлари ўйинга комплекс раҳбарлик қилиш орқали болаларга ўйиннинг мазмуни, ташкил этилиши, тузилиши, болаларнинг ахлоқий муносабатлари, болалар ўйинининг ривожланиш даражасига таъсир этиш мумкинлигини кўрсатди.

Болалар ўйини ўзининг мазмуни, хусусияти, ташкил этилишига кўра хилма-хилдир, шунинг учун уни қуйидагича туркумларга ажратилади:

1. Ижодий ўйинлар.

2. Қоидали ўйинлар.

Ижодий ўйинларни болалар ўзлари ўйлаб топишади. Унда олдиндан белгиланган қоидалар бўлмайди. Ўйин қондасини болалар ўзлари ўйин жараёнида белгилашади.

Ижодий ўйинларга драмалашган ўйинлар, қурилиш ўйинлари, табиий материаллар билан ўйналадиган ўйинлар киради.

Қоидали ўйинларнинг мазмуни ва қондаси катталар томонидан белгиланади. Қоидали ўйинларга қуйидагилар киради: дидактик ўйинлар, ҳаракатли ўйинлар, мусиқавий ўйинлар, эрмак ўйинлар.

Болаларга таълим-тарбия бериш мақсадида катталарнинг ўйинни танлай билиши, унга тўғри раҳбарлик қилиш «Болалар боғчасида таълим ва тарбия дастури»да белгиланган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишни таъминлайди.

Ўйин болаларни ривожлантириш ва тарбиялаш воситасидир. Психологлар ўйинни боғча ёши даврида етакчи фаолият деб ҳисоблайдилар. Ўйин туфайли боланинг юқори ривожланиш босқичига ўтишини таъминловчи сифатлар шаклланади, уни руҳиятида сезиларли ўзгаришлар юз беради.

Ўйинда бола шахсининг ҳамма томони бир-бирига ўзаро таъсир этган ҳолда шаклланади. Ўйнаётган болани кузатаётганининг қизиқишларини, теварак-атроф тўғрисидаги тасаввурини, катталарга ва ўртоқларига бўлган муносабатини билиб олиш мумкин.

Шахсдаги бирон сифатни тарбиялаш учун унинг бошқа томонларини ҳам ривожлантириш керак. Масалан, боланинг ўйинга қизиқишини, ташкилотчилик қобилиятини ривожланти-

риш учун мазмун жиҳатдан бой ўйинлар яратилиши керак. Болаларнинг ижодий ўйинларини ривожлантириш учун эса ўз навбатида яхши ташкил қилинган болалар жамоаси зарур бўлади.

Ўйин болаларни жисмоний томондан тарбиялаш системасида, боғчанинг таълим-тарбия ишида, ахлоқий, меҳнат ва эстетик томондан тарбиялашда катта ўрин тутлади.

Ўйинда ёш организмга хос бўлган талаб ва эҳтиёжлар қониқтирилади, ҳаётий фаоллик ортади, бардамлик, тетиклик, қувноқлик тарбияланади. Шунинг учун ҳам болаларни жисмоний тарбиялаш системасида ўйин муносиб ўрин эгаллайди. Атоқли педагог ва шифокор Е. А. Аркин ўйинни руҳий витамин деб бекорга айтмаган.

Ўйин таълим ва машғулотлар билан, кундалик ҳаётдаги кузатишлар билан узвий боғлиқ бўлиб жуда катта таълим-тарбиявий аҳамиятга эгадир. Ижодий ўйинларда муҳим билим эгаллаш жараёни юзага келади, бу боланинг ақлий кучини ишга солади, тафаккурни, ҳаёлни, диққатни, хотирани фаоллаштиришни талаб қилади. Бола масалаларни мустақил ҳал қилишга ўрганади, ўйлаган нарсасини амалга ошириш учун яхшироқ ва осонроқ усул ўйлаб топади, ўз билимларидан фойдаланиш ва уни сўз билан ифодаланишни ўрганади.

Ўйинда акс эттирилаётган нарсани билиб олишга қизиқиш уйғонади. Кўпинча ўйин болаларга янги билим бериш ва уларнинг фикрини, билим доирасини кенгайтириш учун хизмат қилади. Болаларда катталарнинг меҳнатига, ижтимоий ҳаётга, кишиларнинг қаҳрамонона ишларига қизиқиш сари уларда бўлажак мутахассислик, яхши кўрган қаҳрамонларига тақлид қилиш каби дастлабки орзулар пайдо бўлади.

А. В. Запорожец ўйиннинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, ўйинда теварак-атрофдаги предмет ва воқеаларнинг умумлашган типик собразлари системасини яратиш қобилияти ривожланади, кейин улар ҳар хил қилиб ўзгартирилади. Боланинг келажакдаги бутун ривожланиши учун ҳаёл ёки образли тафаккурнинг бундай ривожланиш хусусияти бебаҳо қимматга эгадир, дейди.

Ижодий ўйинни тор дидактик мақсадларга бўйсундириб бўлмайди, бу ўйин ёрдамида жуда катта тарбиявий вазифалар ҳал қилинади.

Қоидали ўйин боланинг сенсор ривожланишини, тафаккур ва нутқини, ихтиёрсиз диққатини ва хотирасини, ҳар хил ҳаракатларини мунтазам равишда машқ қилдириб бориш имконини беради. Ҳар бир қоидали ўйин маълум дидактик мақсадга эга бўлиб, болани умумий ривожлантиришга қаратилган бўлади. Таълимнинг ўйин шаклида бўлиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, боланинг ёш хусусиятларига мос келади. Қизиқарли ўйин боланинг ақлий фаоллигини оширади, ўйинда бола машғулотдагига нисбатан мураккаброқ масалани ҳал қилиши мумкин. Бу — таълим бутунлай ўйин шаклида бўлиши керак деган гап

эмас. Таълим турли-туман усуллар ва методларни қўллашни талаб этади. Уйин таълимнинг шаклларида бири бўлиб, бошқа бир метод билан қўшиб олиб борилгандагина яхши натижа беради, булар кузатиш, суҳбат, ўқиб бериш ва ҳоказолардир.

Бола ўйнаётиб, ўз билимидан фойдаланишга, уни ҳар хил шароитда ишлата билишга ўрганеди. Ижодий ўйинларда болаларнинг фантазияси, буюм ясаши, тажриба қилишига кенг йўл очилади.

Уйинда ақлий ривожланиш билан боғлиқ ҳолда ахлоқий сифатлар ҳам шаклланади. Уйин жараёнида юз берган кечинмалар бола онгида чуқур из қолдиради, шунинг учун ўйин болада яхши ҳисларни, улугвор орзулар ва интилишларни, соғлом қизиқишларни тарбиялашга ёрдам беради. Уйинда бола ўз хулқини бошқаришга, қийинчиликни енгишга, ўз мақсадига қатъий туриб етишишга ўрганеди.

Уйин мустақил фаолият бўлиб, бу жараёнда болалар ўз тенгдошлари билан алоқа қилишга киришадилар. Уларни умумий мақсад, унга эришишдаги умумий кечинмалар бирлаштиради. Шунинг учун ўйин дўстона муносабатларни тарбиялашда, жамоа ҳаёти малакаларини, ташкилотчилик қобилиятларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Биргаликдаги ўйин билан бирлашган кичик болалар жамоасида мураккаб муносабатлар вужудга келади. Тарбиячининг вазифаси ҳар бир болани фаол ўйинга жалб қилиш, болалар ўртасида дўстликка, ҳаққонийликка, ўртоқларини жавобгарликни сезишга асосланган муносабатлар ўрнатишдан иборатдир. Уйинни болалар ўз ихтиёрлари билан ўйнайдилар, аммо бошқа ҳеч бир фаолиятда ўйиндаги сингари болаларнинг ҳулқи билан боғлиқ бўлган қатъий қоида йўқ. Бундай қатъий қоида ижодий ўйинга ҳам, қондали ўйинга ҳам, қондани болалар ўзлари ўрнатадиган ўйинга ҳам тегишлидир. Мана шунинг учун ҳам ўйин болаларни интизомли қилади, уларни ўз ҳаракатлари ва фикрларини қўйилган мақсадга бўйсундиришга ўргатади.

Уйин меҳнат тарбияси вазифасини бажаришга ҳам ёрдам беради. Болалар ўз ўйинларида ҳар хил касбдаги кишиларни акс эттирадилар, бу билан улар катталарнинг ҳаракатигагина тақлид қилиб қолмай, шу билан бир қаторда уларнинг ишига, меҳнатга бўлган муносабатларини ҳам акс эттирадилар. Уйин болада кўпинча меҳнат қилиш хоҳишини уйғотади, ўйин учун керакли нарсаларни тайёрлаш ва ясашга мажбур қилади. Уйинда ҳозирги замон болаларига хос бўлган техникага қизиқиш пайдо бўлади ва ривожланади, болалар ҳар хил машиналар ясайдилар ва техник ўйинчоқлар билан ўйнайдилар.

Уйин эстетик тарбиянинг муҳим воситасидир. Уйинда ижодий ҳаёл, фикрлаш қобилияти юзага келади ва ривожланади. Яхши танланган ўйинчоқ бадий дидни тарбиялашга ёрдам беради. Ҳаракатли ўйинларда ҳаракатнинг гўзаллиги ва мароми болаларни ўзинга мафтун қилади.

Ўйиннинг катта тарбияловчи аҳамияти ўз-ўзидан амалга ошмайди. Ўйин бефойда, ҳатто зарарли бўлиши, баъзан ёмон қизиқишларни, ёмон ҳисларни қўзғотиши мумкин. Тарбиячи ўйин ёрдамида болаларни ҳар томонлама ривожлантириш вазифасини амалга ошириш учун унга мунтазам равишда таъсир этиб бориши зарур.

Бу вазифани ҳал этишда ўйин болалар боғчасидаги таълим-тарбиявий ишнинг ҳамма томонлари билан боғланган бўлиши керак. Ўйинда болаларнинг машғулотларда олган билим ва малакалари акс этади ва ривожлантирилади, улар орқали эса бола ҳаётга ўргатилади. Иккинчи томондан, ўйинда тарбияланган сифатлар фаолиятнинг бошқа турларига кўчирилади.

Педагогик жараёнда ўйиннинг тутган ўрни. Болалар боғчасидаги педагогик жараённи мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ўсиб келаётган ёш организми хусусиятларини эътиборга олган ҳолда уларни яхши тарбиялаш учун қулай шарт-шароитлар яратадиган қилиб ташкил этиш лозим.

Бунинг учун болалар ҳаётини ташкил этишда ўйин етакчи ўрни эгаллаши лозим. Болалар ўйинига ажратилган вақтни машғулот ёки кун тартибидagi бошқа тадбирларни чўзиб юбориш орқали эгаллаш мумкин эмас.

Болалар боғчасида таълим-тарбия дастурида ҳар кунги кун тартибига овқатланиш, бадан тарбия, машғулотлар ўтказиш билан бир қаторда ўйин ҳам киритилган. Ўйин болалар ҳаётини ташкил этиш шакли сифатида кичик гуруҳдан (учинчи ёшдан) бошланади.

Ўйин эрталаб нонуштагача (15—20 дақиқа) бошланади ва нонуштадан кейин, машғулотлар ўртасида, очиқ ҳавода, уйқудан кейин ўтказилади. Эрталаб ролли ўйинлар, қуриш-ясаш, ҳаракатли (тўп билан) ўйинларни ташкил қилиш тавсия этилади.

Машғулот ўртасида ҳаракатли, қоидали ўйинлар ўтказилади. Улар асосан машғулотнинг мазмунига боғлиқ бўлади.

Очиқ ҳаводаги ўйинларга югуриш, отиш, сирпаниш билан боғлиқ бўлган ўйинлар, қоидали ўйинлар («Айёр тулки», «Оқ теракми кўк терак») киради. Шунингдек, қурилиш, ролли, спорт ўйинлари, табиий материаллар билан ўйналадиган ўйинлар (қум, сув, лой билан), дидактик ўйинлар, болаларнинг ҳаракатини ривожлантирувчи ўйинлар, драмалаштирилган ўйинлар бўлади. Тарбиячи ҳамма ўйинларга раҳбарлик қилади.

Кундузги уйқудан кейинги ўйинларга қурилиш ўйинлари, эртақ бўйича қўйиладиган ўйин, ролли ўйинлар, дидактик ўйинлар ва ҳоказолар киради.

Ўйинларнинг турлари, мазмуни уларни ҳар бир ёш гуруҳлари бўйича ташкил этишни тақозо қилади. Ўйин педагогик жараёнда меҳнат ва таълим, болаларнинг бошқа фаолиятлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда олиб борилади.

Ўйинда болалар теварак-атрофдаги воқеликни амалий жи-

ҳатдан ўзлаштириб боради. Болалар ўйин жараёнида билимларни ўзлаштириш, уни такомиллаштиришни асосий мақсад қилиб қўймайдилар, бироқ катталардек ҳаракат қилиш, бошқа болалар билан алоқага киришиш, ўйин вазифаларнинг жозибадорлиги, мусобақа ва шунга ўхшашлар боланинг билимларини эгаллаб, мустаҳкамлаб боришини тақозо этади. Болалар ҳатто дидактик ўйинларни ҳам бирон нарсани билиб олиш учун ўйнамайдилар. Аммо ўйин жараёнида боланинг билими ўзи сезмаган ҳолда ўз-ўзидан такомиллашиб боради.

Таълим жараёнида (машгулотларда) болаларнинг билимини шакллантирувчи аниқ мақсад қўйилади. Тарбиячи болаларни янги билимлардан хабардор қилади, уларда ўқув фаолиятининг энг оддий малакаларини шакллантириб боради. Таълимнинг хусусияти ва мазмуни болалар ўйинлари мазмунига таъсир этиб, уни ривожлантиради. Машгулотларда, экскурсияларда эгалланган билимлар болаларнинг ўйин фаолиятини, қизиқишларини ривожлантиради.

Иккинчи томондан, ҳар хил методлар билан ўтказиладиган машгулотларда турли-туман ўйин усулларида ҳам фойдаланилади. Бундай усуллар болалар диққатини тўплаш, улар идрокини фаоллаштириш, билимларни тўлароқ ўзлаштириб олиш имконини яратади.

Педагогик жараёнда меҳнат билан ўйин ўртасида умумийлик ва фарқ борлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Болаларнинг қўл меҳнати ўйин билан бевосита боғлиқ. Айниқса катта гуруҳга борганларида болалар мавжуд ўйинчоқлар билан ўйнабгина қолмай, етишмаганларини ўзлари катталар ёрдамида қоғоз, ёғоч, картон, табиий материаллардан ясаб оладилар.

Ўйиннинг меҳнат билан боғлиқлиги шундаки, болалар ўзларининг ўйинчоқларини ҳар доим авайлаб сақлаб борадилар.

Кейинги йилларда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари (В. И. Логинава, М. В. Крулехт) натижалари шуни кўрсатдики, кичик гуруҳлардаги меҳнат фаолиятига ўйин хусусиятларини киритишни тақозо этади. Маълум бўлишича аввал болалар катталар меҳнат жараёнини қандай бажарганларини ўзлаштириб олиб, кейин ўз ўйинларида бунини акс эттирар эканлар, шундан кейингина мустақил меҳнат фаолиятига ўтар эканлар.

Болалар меҳнати қизиқарли бўлиши учун уни кўпинча ўйин тарзида ўтказилади. Масалан, майдончани тозалаганда болалар ахлатларни замбилларда ташиш ўрнига, машиналарида ташийдилар, устахонада картонлардан қутичалар ясайдилар ва ҳоказо.

Болалар ўз ўйинларида катталар меҳнатини акс эттиришлари уларда бу меҳнатга ҳурматни шакллантириб боради. Бу ҳам ўйиннинг меҳнат билан боғлиқлигига мисол бўла олади.

Шундай қилиб, ўйин яхши йўлга қўйилган педагогик жараёнда болаларнинг бутун ҳаётини қамраб олади ва унинг қизиқарли ўтишини таъминлайди.

2-§. УЙИНИНГ БОЛАЛАР ФАОЛИЯТИ СИФАТИДА ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Болалар ўйинининг ўзига хослиги шундаки, у теварак-атрофдаги ҳаётни, кишиларнинг фаолияти, ишлари, ҳаракатларини, уларнинг иш жараёнидаги ўзаро муносабатларини акс эттиради. Ўйин пайтида хона болалар учун денгиз, ўрмон, метро станцияси, темир йўл вағони бўлиши мумкин ва ҳ. к.

Болалар ўйинининг яна бир хусусияти — унинг ҳаваскорлик тарзида бўлишидир (хусусий фаолият). Бу унинг ташқи белгилари бўлмай, балки ҳақиқий моҳиятидир. Ўйиннинг ижодкори, яратувчиси — болалардир. Улар ўйинда ўзларига таниш бўлган ҳаётгӣ воқеа ва ҳодисаларни уларга бўлган муносабатларини акс эттирадилар.

Болалар ўйинининг яна бир ўзига хос хусусияти — унда ҳаракат, сўз ва образларнинг ўзаро боғланиб кетишидир. Ўйинда бола ўзи акс эттираётган қаҳрамоннинг ҳис-ҳаяжони, кечинмалари, ҳаракатлари билан яшайди. Шунинг учун кўпинча унинг исмини айтиб чақирришганда, у жавоб бермай, шундай дейди: Мен «Комил эмасман, капитанман». Шунда тарбиячи: «Ўртоқ капитан, сизнинг кемангиз яқинда денгизга чиқади. Матрослар кучли ва соғлом бўлишлари керак. Уларни жисмоний машққа сафлантинг», дейди. Шунда капитан савлат билан хурсанд ҳолда: «Зарядкага сафланинг», деб команда беради.

Бола ҳеч қачон жим ўйнамайди, битта ўзи ўйнаса ҳам у ўйинчоқ билан гаплашади, ўзи тасвирлаётган қаҳрамон билан мулоқат ўрнатади, онаси, бемор, шифокор хуллас ҳамма-ҳаммининг ўрнига ўзи гапираверади. Сўз образнинг яхшироқ очи-лишига ёрдам беради.

Нутқ ўйин жараёнида жуда катта аҳамиятга эга. Нутқ орқали болалар фикр алмашади, ўз ҳис-туйғу, кечинмаларини ўртоқлашади. Сўз болалар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилишига, теварак-атрофдаги ҳаёт воқеалари ва фактларига бир хилда муносабатда бўлишга ёрдам беради.

Ўйинда образ, ўйин ҳаракати, сўз ўзаро боғланиб, ўйин фаолиятининг асосий негизини ташкил этади, борлиқни акс эттириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Болаларнинг ўзи яратган ўйиндан келиб чиқадиган ёки катталар томонидан таклиф этилган ўйиннинг ғояси, мазмуни, ўйин ҳаракатлари, роллар, ўйин қондалари унинг тузилишини ташкил этувчи қирралардир.

Ўйиннинг ғояси — бу нима ўйнашни белгилаб олиш: «дўкон», «шифохона», «учувчилар», «она-бола» («Оила»), «болалар богчаси» ва шунга ўхшашлар. Ўйин мазмунига, ғоясига қараб болаларнинг бундай ўйинларини бир неча ўзига хос гуруҳларга бўлиш мумкин:

а) маиший турмушни акс эттирувчи ўйинлар («оила», «болалар богчаси», «шифохона» ва ҳ. к.);

б) кишиларнинг яратувчилик меҳнатини акс эттирувчи ўйин-

лар (метро қурилиши, деҳқонлар меҳнати, уй, фабрикаларнинг қурилиши ва ҳ. к.);

в) ижтимоий воқеаларни, анъаналарни акс эттирувчи ўйинлар (байрамлар, намойишлар, саёҳат; меҳмонларни кутниш ва ҳ. к.).

Ўйинларнинг бундай бўлиши албатта шартли бўлиб, бир ўйинда ҳар хил ҳаётий воқеалар акс этиши ҳам мумкин.

Фоя ўйиннинг мазмуни, жонли тўқимаси бўлиб, унинг ривожланишини, ўйин ҳаракатларини, болалар муносабатларининг ҳар хиллиги ва ўзаро боғланишини белгилаб беради. Ўйиннинг қизиқарли бўлиши ва унда болаларнинг қандай иштирок этишлари ўйин мазмунига боғлиқ. Ўйинда бола ижро этадиган роль — ўйиннинг асосий ўзаги ва таркибий хусусиятидир. Шунинг учун ҳам бу ўйинлар ролли ёки сюжетли-ролли ўйинлар номини олган. Бола олган ролига қараб, ўша образга кириб кетади ва унинг ростлигига ишонади.

Болалар ўйинига тарбиячининг раҳбарлик қилиши. Ўйин болаларнинг қизиқарли эрмагигина бўлиб қолмай, шу билан бир қаторда у болаларни ривожлантириш ва тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳамдир. Аммо ўйин катталар томонидан ташкил этилиб, унга раҳбарлик қилингандагина ижобий натижа беради.

Педагог болалар ўйинни ташкил этар экан, қуйидаги талабларга эътибор бериши зарур: ўйин мазмуни таълим-тарбия берувчи аҳамиятга эга бўлиши, акс эттирилаётган нарсалар ҳақидаги тасаввурлар тўғри ва тўла бўлиши; ўйин ҳаракатлари фаол, маълум мақсадга қаратилган, ижодий хусусиятга эга бўлиши керак; ҳамма ва айрим болаларнинг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда ўйинга раҳбарлик қилиш; ўйинчоқлар ва бошқа керакли материаллардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, болаларнинг ўйинда хайрихоҳ ва хурсанд бўлишларини таъминлаш лозим.

Педагог болалар ўйинига раҳбарлик қилар экан, бола шахсининг ҳамма томонларига: онгига, ҳис-туйғуларига, иродасига, хулқига таъсир этиши ва бундан болаларни ақлий, ахлоқий, эстетик ва жисмоний томондан тарбиялашда фойдаланиши лозим.

Ўйин жараёнида болаларнинг билимлари ва тасаввурлари бойиб, чуқурлашиб боради. Ўйинда у ёки бу ролни бажараёти, бола ўзининг бутун диққатини ўйинга қаратиши лозим. Бола ўйнаётганда кишилар меҳнати, уларнинг аниқ ҳаракатлари, муносабатлари тўғрисидаги тасаввурлари етарли эмаслигини сезиб қолади, бунинг натижасида катталарга савол бера бошлайди. Тарбиячи болаларнинг бундай саволларига жавоб бериб, уларнинг билимларига аниқлик киритади, бойитади.

Шундай қилиб, ўйин болалардаги билим ва тасаввурларни мустаҳкамлайди. Бунда педагогнинг тўғри раҳбарлигида унинг тушунчалари кенгайди.

Тарбиячи ўйин орқали болаларда она-ватанга, ўз халқига бошқа миллат кишиларига ижобий муносабатни шакллантиради, мустаҳкамлайди. Уйин орқали тарбиячи болаларда жасурлик, тўғрилик, ўзини тута билишлик, ташаббускорлик каби сифатларни тарбиялайди.

Ўйин болаларда ижтимоий ахлоқни, уларнинг ҳаётга, бир-бирига бўлган муносабатини шакллантирувчи ўзига хос мактабдир. Уйинда бола кишиларнинг ахлоқ-одоб нормаларини, меҳнатга муносабатларини, жамият мулкига, бошқаларга муносабатларини билиб олади.

Тарбиячи болалар ўйинига раҳбарлик қилаётиб уларни жамоа орқали ҳам тарбиялаб боради. Уйин жараёнида болалар ўз хоҳишларини жамоа хоҳиши билан келишиб олишга, ўйинда ўрнатилган қоидаларга риоя қилишга ўрганадилар.

Аммо ўйинга тўғри раҳбарлик қилинмаса, у нохуш оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Тарбиячи болаларни жисмоний томондан тарбиялашда ўйиндан кенг фойдаланади. Жуда кўпчилик ўйинлар болалардан фаол ҳаракат қилишни талаб этади, бу эса ўз навбатида организмда модда алмашишини яхшилайдди, қон айланишини тезлаштиради. Бундан ташқари фаол ҳаракат қилиш бола гавдасининг тўғри ўсишини, ҳаракатлари чиройли бўлишини ҳам таъминлайди. Аммо ўйин педагогнинг раҳбарлигисиз ўз-ўзидан жисмоний тарбия воситаси бўлмайди, чунки ортиқча ҳаракат қилиб юбориш ёки узоқ вақт бир вазиятда ўтириш боланинг соғлигига зарар келтириши мумкин. Бундан ташқари, ўйин пайтида гигиеник шарт-шароит туғдириш учун алоҳида ғамхўрлик қилиш лозим.

Уйин орқали тарбиячи болаларда қувноқ кайфият яратади, ижобий руҳият ҳосил қилади, бу эса боланинг асаб-руҳий, жисмоний тарбиясини яхшилайдди.

Уйин болаларга эстетик тарбия бериш воситаси сифатида ҳам кенг қўлланилади. Болалар теvarак-атрофдаги ҳаётни, воқеликни образлар, роллар орқали ҳам акс эттирадилар. Уйинда болаларнинг аввал олган таассуротлари орқали образ яратишлари — ҳаёл жуда катта аҳамиятга эга. Болалар жуда кўп ўйинларда аввал ўрганган ашула, шеър, рақс, топишмоқлардан кенг фойдаланадилар. Бундан тарбиячи болаларда эстетик дид, завқни тарбиялашда фойдаланади.

Болалар ҳаётини ташкил этишда ўйиннинг роли. Уйин бола учун ҳақиқий ҳаётдир. Агар тарбиячи болалар ўйинини оқилона ташкил эта олсагина у ижобий натижаларга эришиши мумкин. А. П. Усова шундай деган эди: «Болалар ҳаёти ва фаолиятини тўғри ташкил этиш — уларни тўғри тарбиялаш демакдир. Болаларни тарбиялашнинг ўйин шакли шунинг учун ҳам самарали натижа берадики, ўйинда бола яшашни ўрганмайди, балки ўз ҳаёти билан яшайди».

Уйин танлай билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Нонушта билан машғулот ўртасида болалар ўйинига 8—10 дақиқа вақт берилади. Бунда болалар кўпинча аввал бошлаган ўйинларини

давом эттирадилар. Сайрда болаларнинг ўйнашлари учун 1 соат — 1 соату 20 дақиқа вақт ажратилади. Кундузги уйқу ва кечки нонуштадан кейин ҳам болалар ўйинига вақт берилади. Бунда болалар кўпроқ сюжетли-ролли ўйинларни, қурилиш материаллари, қўғирчоқлар билан, стол усти ўйинчоқлари ўйнашлари мумкин. Шу билан бирга эрмак ўйинлардан ҳам фойдаланилади.

Аммо ўйин билан таълим ўртасидаги боглиқлик бола улғайган сари ўзгариб боради. Кичик гуруҳда ўйин таълим беришнинг асосий шакли ҳисобланса, катта гуруҳга борганда эса машғулотларда таълимнинг роли ортади. Тайёрлов гуруҳига борганда болаларнинг ўзларида мактабдаги ўқишга иштиёқ уйғониб қолади.

Аммо болалар учун ўйиннинг қадри йўқолмайди, балки мазмуни ўзгаради. Энди болаларни кўпроқ фикрий фаолликни талаб этувчи ўйинлар, спорт тарзидаги (мусобақа жиҳатлари бор) ўйинлар қизиқтира бошлайди.

Педагогика фани ўйинни бола шахсини тарбиялашнинг асосий воситаси деб ҳисоблайди. Ўйин орқали болалар катталарнинг меҳнат тажрибасини, билим, малака ва кўникмалари, ҳаракат усулларини, ахлоқ нормалари ва қоидаларини, мулоҳаза ва муҳокамаларини эгаллаб оладилар. Ўйинда боланинг ўз тенгдошлари ва катталар билан бўладиган муносабат усуллари шаклланади, ҳис ва дидлари тарбияланади.

Болаларнинг ўйинда бирлашишлари бир неча босқичга бўлинади. Биринчи босқич болаларнинг «ёнма-ён» ўйинининг шаклланиб боришидир. Бу илк ёшли ва кичик гуруҳ болаларига хосдир. Бундай ўйинда болалар ўртогининг ўйинига қизиқиш билан қарайдилар, бирга ўйнаб, «ёнма-ён» ўтирганларидан хурсанд бўладилар. Бу ёшдаги болаларнинг ўйини катталар раҳбарлигида уларнинг ҳулқига таъсир этиш орқали ташкил этилади.

Иккинчи босқичда болалар ўйин орқали механик равишда бирлаша бошлайдилар. Бундай бирлашишлар қисқа муддатли бўлади. Бу даврга келиб болалардан кимнинг қайси ўйинга қизиқиши аниқ бўла бошлайди, бир хил болалар дидактик ўйинга қизиқсалар, иккинчилари ҳаракатли ўйинни ёқтирадилар, учинчиларига ижодий ўйинлар маъқулроқ бўлади ва ҳ.к. Тарбиячининг вазифаси болаларни у ёки бу ўйин билан узоқроқ ўйнашга ўргатишидир.

Учинчи босқичда ўйновчи болалар гуруҳи бир-бирига дўстона муносабат ва ўзаро ёқтириш орқали бирлашадилар. Бирга ўйновчилар сони кўп бўлмаса-да, болалар қизиқиб ўйнайдилар. Бу даврга келиб бир-бирларига баҳо бериш умумий талаби юзага келади. Бу босқичда тарбиячи болаларнинг ўйинда бирлашишларининг ахлоқий асосини юзага келтириши, уларда ўзаро ёрдам, ўртоқлик, дўстлик муносабатларини шакллантириши лозим.

Болаларнинг ўйинлари қизиқарли, мазмунли бўлиши учун

Йиннинг ҳамма турларидан ўринли фойдаланилса, болаларга аълим бериш ва уларни тарбиялашда ижобий натижаларга ришилади.

Шундай қилиб, педагогика фани ўйинга бола шахсини ҳар омонлама шакллантириш воситаси ва улар ҳаётини ташкил тиш шакли, болалар жамоасини шакллантириш воситаси деб арайди.

3-§. ИЖОДИЙ УЙИНЛАР

✓ Ижодий ўйинларга: сюжетли-ролли ўйинлар, саҳналаштирилган ўйинлар, қурилиш-ясашга доир ўйинлар киради.

✓ Ижодий ўйинларда болаларнинг теварак-атрофдан олган аассуротлари акс эттирилади. ✓ Ижодий ўйин болаларнинг тустақил ўйини бўлиб, ўйиннинг мазмунини улар ўзлари йлаб топадилар. Бу ўйинда болаларнинг эркинлиги, мустақиллиги, ташкилотчилик ва ижодкорлик қобилиятлари тўла-ингича намоён бўлади. Аммо ўйинда ҳаётий таассуротлар йнан акс эттирилмайди, балки болалар онгида қайта ишлаб иқилади. Бу болаларнинг ўйин ғоясини яратишларида, унинг мазмунини тузиб, тасвирловчи воситаларни танлашларида ва цунга ўхшашларда намоён бўлади.

✓ Сюжетли-ролли ўйин ўз хусусиятига кўра акс эттирувчи фаолиятдир. Теварак-атрофдаги катталар ва тенгдошларининг ҳаёти ва фаолияти бу ўйин мазмунига манба бўлиб хизмат қилади. ✓

Болаларнинг теварак-атрофдаги ҳаётдан, тенгдошлари, катталар фаолиятидан олган таассуротлари ижодий ўйинда қайта ишланади, тўлдирилади, сифат жиҳатидан ўзгартирилади. Болаларнинг бундай ўйинлари теварак-атрофдаги бор-ниқни билишнинг амалий шаклидир.

Болалар ўйинининг ўзига хос томони унда тасвирловчи зазиятларнинг мавжудлигидир. Тасвирловчи вазият болаларга ўйин жараёнида юкланган роль ва ўйин сюжетидан ташкил топди ва ҳар хил буюмлардан фойдаланишни ҳам ўз ичигалади.

Ўйиннинг сюжети — ўз ҳаракати, муносабатлари билан боғланган воқеа, ҳодисалар ва уларнинг қатнашувчиларидир.

✓ Роль сюжетли-ролли ўйиннинг асосий негизи ҳисобланади.

Ўйин болада қаноатланиш, хурсандчилик ҳиссини пайдо қилади, шунинг учун болани қизиқтириб, унда яхши кайфият уйғотади, бола организмдаги ҳаётий фаолиятни яхшилайди. ✓

Бола ўйнаётганда ҳар хил ҳаракатлар қилади: югуради, сакрайди, тор жойдан, ингичка тахтача устидан ўтади, энгашади, юқорига тирмашиб чиқади ва ҳоказо.

Бу ҳаракатларнинг ҳаммасини бола бемалол, ўз хоҳиши билан бажаради, натижада боланинг мускуллари пишийди, у ҳаракатни енгилроқ, чаққонроқ бажарадиган бўлиб қолади, жисмоний жиҳатдан чиниқиб боради.

✓ Боланинг ақлий томондан ривожланиши учун ҳам ўйин

катта аҳамиятга эга. Уйин натижасида боланинг билими кенгайиб боради. Ролли ўйинлар боланинг кузатувчанлигини, қизиқувчанлигини, билишга қизиқишини ошириб, билиш доирасини ривожлантиради, бойитади. ✓

✓ Уйинда бола ўз олдига мақсад қўяди, бу боладан ақл, идрок ишлатишни талаб қилади, топафонликка ўргатади. Уйин жараёнида жуда кўп гаплашишга, тортишишга, баҳслашишга, айтиб беришга тўғри келади. Болалар ўзи ясаётган нарсаларини яхшироқ яшаш, қуриш учун жуда кўп ўйлаб, фикрлашларига тўғри келади. Булар ҳаммаси бола таффақури ва ҳаёлининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эгадир. ✓

Бола ўз ўйинида борлиқни акс эттираётиб, олган ролининг мазмуни билан боғлиқ бўлган у ёки бу ҳиссиётни бошидан кечиради. Масалан, Дилноза она-бола ўйинида она ролини ўйнаётиб, болаларини овқатлантиради, кийинтиради, улар билан яхши муносабатда бўлиб эркалайди, улар билан гаплашади, китоблар ўқиб беради. Бу ўйин болада мулойимлик, ғамхўрлик, эътиборлилик каби яхши ҳисларни уйғотади.

«Болалар богчаси», «мактаб» каби ўйинлар болада дўстлик, ўртоқлик, бурч ҳисси, жамоачилик каби ҳисларни тарбиялайди. Уйинда дастлабки дўстлик муносабатлари пайдо бўлади.

Муסיқа машғулотларида, «театр», «байрам» каби ўйинларда эстетик тарбия амалга оширилади. Бундай ўйинлар болаларда бадиий дид, қизиқиш ва қобилиятларни тарбиялашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ижодий ўйинлар бола шахсининг ҳамма томонига таъсир этади.

Ролли-сюжетли ўйинларнинг ўзига хос хусусияти. Ролли ўйинларнинг бошқа ўйинларга нисбатан ўзига хос хусусиятга эгаллиги уларда сюжет, роль ва ҳаёл қилинган вазиятнинг мавжуд бўлишидир.

Болалар бирор нарса ёки воқеа тўғрисида старлича тасаввурга эга бўлгандагина сюжет, фикр ўзига келади. Масалан, болалар «пароход» ўйинини ўйнамоқчи бўлишди. Бунга ўйиннинг қандай бориши тўғрисида сюжет (воқеанинг бориши) керак. Сюжет болаларнинг билимига боғлиқ бўлади. Болаларда аввал ғоя туғилади, кейин мазмуни ривожланади. Баъзан болалар ўйиннинг қандай боришини олдиндан белгилаб оладилар. Масалан, Африкага «бормоқчи» бўлсалар, саёҳат вақтида қилинадиган ишларни олдиндан белгилаб оладилар.

Бундан кўриниб турибдики, ролли ўйин жамоачилик хусусиятига эга, чунки болалар бир-бирлари билан ўзаро муносабатда бўладилар.

Ролли ўйинда ҳар бир бола ўзига олган ролни бажаради, масалан, она, шофёр, тарбиячи, энага, артист ва ҳоказо.

Ролли ўйинларда дидактик, қондали-ҳаракатли ўйинлардаги сингари қатъий ўрнатилган қоида бўлмайди. Бунда кўпинча болалар ўз ҳаёл қилган нарсалари бўйича ҳаракат

қиладилар. Масалан, «ракетага тушиб ойга учадилар», «пароходда сузадилар», «касални даволайдилар»...

Аmmo, болаларнинг хаёллари билан ўйнашлари уларни реал воқеликдан узоқлаштириб юбормайдими деган савол туғилади? Йўқ, болалар ўзлари бунинг ўйинлигини яхши биладилар. Бу «ўйин», бу фақат «ўйин-да», дейдилар.

Шу билан бирга болаларнинг кечинмалари, ҳаяжонлари, қилган ҳаракатлари ҳаммаси ростакам, сидқидилдан бўлади. Масалан, «доктор» ролидаги бола касал тўғрисида қайғуради ва шунга ўхшашлар.

Ўйин мавзуи болалар олган таассуротнинг кучли, болаларнинг қизиқишлари билан белгиланади. Ўйинда болалар акс эттирадиган ижтимоий-сиёсий воқеалар болаларнинг билим донраси ва ҳаётий тажрибасининг кенгайиб боришига боғлиқ бўлади.

Ролли ўйинларнинг мазмуни ва мавзуси ўзгариши билан бир қаторда унинг тузилиши ва ўйин шакллари ўзгаради, болаларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлиги ҳам ўсиб боради.

Аввалига болалар ўз-ўзича алоҳида-алоҳида ўйнайдилар. Секин-аста ролли ўйинларнинг пайдо бўлиши, ўйинда кишилар ўртасидаги муносабатни акс эттириш биргаликда бажариладиган ўйинни келтириб чиқаради. Аввалига катта бўлмаган гуруҳчалар 2—3 кишидан бўлиб ўйнашади, катта ва тайёрлов гуруҳларига келиб каттароқ жамоага бирлашадилар.

Ўйинда ҳар хил роллар орқали ўзаро муносабатда бўлиш болаларда ўртоқлик муносабатларини шакллантиришга ёрдам беради.

Ўртоқлик муносабатининг дастлабки хусусияти болаларда маслаҳатлашиб, келишиб олишда намоён бўлади. Келишиб олиш аввало ўйин мавзусини белгилаб олишдан бошланади. Кейин ролларни тақсимлашда ўйинчоқлар тайёрлашда ва бошқа соҳаларда келишиб олинади.

Ўйиннинг тузилиши ва мазмуни ўзгариши билан ўйинчоқнинг роли ва болаларнинг унга нисбатан талаби ҳам ўзгариб боради ва ҳ. к.

Боғча ёшидаги болаларда ижодий ўйиннинг ривожланиб бориши. Учинчи ёшдаги болаларнинг ўйинлари янги тус олади: бола қўғирчоқни ва ўзини кишиларнинг номи билан атай бошлайди: масалан, бола машина ясаб уни бошқара бошлайди. Катталар ундан: сен кимсан?— деб сўраса, «Шоферман» деб жавоб беради. Ёки қизча қўғирчоғига овқат пиширяпти. «Сен кимсан?»— деган саволга, «Мен ошпазман», деб жавоб беради.

Болалар ўз ўйинларида секин-аста мураккаб бўлмаган сюжетли ўйинларни ўйнай бошлайдилар. Бунда асосан кундалик турмушда такрорланиб турадиган воқеалар акс этади. Болага овқат беришади, ухлашга ётқизишади, машинада тортишади. Яна овқат беришади ва ухлатишади. Ёки қўғирчоқ касал бўлиб қолса, дарров унинг қўли, оёғи боғланади, ёлгондакам дори берилади.

Учинчи ёшнинг охирига келиб бола роль танлай бошлайди. «Мен ойисиман», «Мен — врачман» лекин булар бирданига энага, тарбиячи, доктор бўлиб қолиши мумкин: машина самолётга айланади ва ҳоказолар.

Бола тўртинчи ёшга ўтганда сюжетли-ролли ўйинлар анча ривожлана бошлайди. Ўйинлар мавзуи ҳар хил бўлиб, бойий боради. Бу ёшдаги болалар ўз ўйинларида оила, боғчани, автобуста, трамвайда келаётган кишини акс эттирадилар.

Теварак-атрофни кузатиш натижасида тасаввурлари кенгайди, бу уларнинг ўйин мазмунига таъсир этади: байрамлар, магазин, транспортнинг ҳар хил турларини акс эттира бошлайдилар. Аммо бу ёшда улар ҳаётдаги воқеалар ўртасидаги боғлиқликларни ҳали тушуниб етолмайдилар.

Бола беш ёшга қадам қўйганда ундаги кузатувчанлик, тафаккури ривожланганлиги, билим доираси кенгайганлиги сабабли ўйин мазмуни ҳам мураккаблашиб боради. Хаёлнинг ривожланиши орқасида эртақ ва ҳикоялар мазмуни бўйича мураккаб бўлмаган ўйинларни ўйнашади. Бу кўпинча қўғирчоқ, соя театри кўргандан кейин юзага келади. Боладаги тафаккур ва хаёлнинг ривожланиши ўйинда сўзнинг ролини кучайтиради. У роль ўйнаб, образлар яратишда муҳим воситага айланади. Сўзнинг роли айниқса болаларнинг жамоа ўйинларида ўйновчилар ўртасида муомала қилиш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Ўйин мазмуни билан бир қаторда болаларда ҳислар ҳам ривожланиб боради. Кундалик ҳаётга нисбатан болаларда ҳиссиёт юқори бўлади. Ўйин, биринчидан, хурсандчилик билан ҳамоҳанг кечади. Иккинчидан, болалар катталарнинг ҳисларини ўз ўйинларида акс эттирадилар.

Баъзан шофер ўз машинасида қўғирчоқни босиб кетиши каби салбий ўйинларни ҳам кўриш мумкин. Аммо баланинг бу ҳаракатини атайлаб қилинган салбий хулқ намунаси деб бўлмайди. Аммо бунга тарбиячилар бефарқ қараб ҳам турмасликлари лозим. Болани бундай ишдан чалғитиш осон, тарбиячининг маслаҳати билан шўх «шофёр» қўғирчоқни турғизиб, уни овутади, «ойисига» ёки «дўхтирга» олиб боради.

Бу ёшдаги болалар ўйинларининг мавзуси маиший ишлар ва меҳнат билан боғлиқ бўлиб, бу ўйинларда улар кишиларнинг эзгу ҳисларини, қайғуларини акс эттира бошлайдилар.

Қатта боғча ёшида ижодий ўйин жуда ҳам яхши ривожланади. Бу ўйинларда болалар ўзлари эшитган, кўрган воқеалар, ҳикоялар, китоблар ва бошқа манбалардан олган билим, малакаларини, ҳис-ҳаяжонларини тўла қўллай бошлайдилар. Бу ёшдаги болалар ўйинларида берилган таълим-тарбиянинг натижаси яққол кўриниб, сезилиб туради.

Болалар ким билан ўйнаши тўғрисида ва ўйиннинг қандай бориши тўғрисида ўзаро келишиб оладилар. Ўйинлар узоқроқ давом этадиган бўлиб боради. Битта ўйинни узоқ вақт, ҳатто

бир неча кун ўйнаш мумкин, бунда ҳар гал ўйинга янгилик киритиб борилади.

Узоқ давом этадиган ўйинлар мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўйинларининг юқори босқичи ҳисобланади.

✓ Ҳар бир боланинг яхши кўрган ўйини ва яхши кўрган роли бўлади. Масалан, шифокор бўлишни хоҳлаган қиз мана шу ролни ҳар хил ўйинда: боғча, касалхона, пароход ва шу каби ўйинларда ўйнашга интилади. Боғча ёшининг охирида сўз янги аҳамият касб этади: болалар сўз орқали бутун бир ўйин эпизодларини ярата бошлайдилар. Болалардаги бу хусусият уларнинг таффақкур ва хаёллари ривожланганлигидан дарак беради.

✓ Катта боғча ёшидаги болалар ўйинларига тўғри раҳбарлик қилиб борилса, уларнинг мустаҳкам жамоаси юзага келиб, у ўз анъанасига, ўз қондасига эга бўлади. Болаларда биргалликда ижод қилиш қобилияти ривожланади, улар ўртоқларининг фикри билан келишадиган, фикрига қулоқ соладиган бўлиб боради. ✓

Болалар жамоасининг шаклланиши узоқ вақтни талаб этадиган мураккаб иш. Болалар ўртасида мураккаб муносабатлар юзага кела бошлайди.

Ҳар бир боланинг ўзига хос хусусияти ва характери яққол намоён бўлиб боради. Бунда болалар фаол ташкилотчи, илашимлик, ўзига ишонадиган ёки аксинча, тортинчоқ, индамасларга бўлинишади.

Фаол болалар ҳар доим ўйинни ўз хоҳишига қараб танлайди, қизиқарлироқ ролни талаб этади. Улар баъзан ўйин қондасини бузишади, ўртоқларини хафа қилишади, аммо тарбиячининг таъсирига тез берилишади. Уларнинг ижобий хусусиятлари, соғлом қизиқишлари бўлади, тарбиячи мана шулар асосида уларнинг онги ва ҳиссига таъсир этади.

Тортинчоқ, уятчан болаларни шўх болаларга нисбатан тушуниб олиш анча мураккаб. Чунки тортинчоқлиги, уятчанлиги орқасида улар ўзларининг билим, малака, хаёлларини яхши намоён эта олмайдилар. Тарбиячи уларга диққат-этибор билан муносабатда бўлса, улар фаоллашиб кетади. Кўпинча болаларнинг уятчан, пассив бўлиши болалар боғчаси ва оиладаги нотўғри тарбиянинг натижасидир. Бу хатони тузатиш яхши натижалар беради.

Ўйин мавзуси ўзгариши билан ўйинда қатнашувчиларнинг ҳам ўзаро муносабатлари ўзгариб боради. Кичкина болаларнинг ҳар бири ўз ҳолича ўйнаса, кейинчалик 2—3 киши бўлиб ўйнаша бошлайди, ўрта боғча ёшига келганда ўйновчилар сони кўпайиб, ўртоқлик муносабатлари таркиб топа бошлайди, бундай муносабатлар ўйинга мавзу ва мазмун танлашда, роллар ва ўйинчоқларни тақсимлашда юзага келади.

Ўйиннинг тузилиши ва мазмуни ривожланиб бориши билан

ўйинчоқнинг роли ва унга талаб ҳам ўзгариб боради. Кичкина болалар ўйинини кўпинча ўйинчоқ белгилайди. Битта ўйинчоқ бир неча вазифани бажариши мумкин. Ўрта ва катта боғча ёшидаги болаларда ўйин тўғрисидаги фикр аввал туғилади, кейин ўйин бошланади. Ўйинчоқ ўйин мазмунига қараб танланади.

4-§. БОЛАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ЎЙИНЛАРИДА ТАСВИРЛАШ ВОСИТАЛАРИ

Болаларнинг ўйнашлари учун маълум воситалар керак. Ролли ўйинларда болалар ҳар хил воситалардан фойдаланадилар, улардан асосийлари қуйидагилар: болаларнинг ўз ҳаракатлари; ўйинчоқ ва бошқа материаллар; сўз.

Болаларнинг асосий тасвирловчи воситалари ўзларининг ҳаракатидир. Масалан, бола икки оёғида сакраб қуёнчага тақлид қилади. Икки қўлини қимирлатиб, пишиллаб паровоз бўлади ва ҳоказо.

Болаларнинг кўп ҳаракатлари қуриш, ясаш билан боғлиқ бўлади. Улар соатлаб паровоз, пароход, электровоз қурадилар, уларни ўзига ўхшатишга уринадилар. Кўпинча қуриш ўйинининг бошланиши бўлиб хизмат қилади.

Тақлид воситасига ўйинчоқ ҳам кириди. Ўйинчоқ бола ҳаракатини тўлдиради, ўйлаган образи ва фикрини амалга оширишга ёрдам беради. Масалан, қўлига қўғирчоқни кўтариб олган қизалоқ ўзини ҳақиқий онадек сезади ва ҳақиқий оналар бажарадиган ишни бажаради: қизни овқатлантиради, кийинтиради, ухлашга ётқизади ва ҳ. к.

Кийимлар ва уларнинг қисмлари ҳам боланинг олган ролини яхшироқ бажаришга ва уни янада аниқроқ ижро этишга имкон тугдиради. Баъзан арзимаган деталь ҳам ўйинга қизиқиш уйғотади. Масалан, петрушка ўтдан қалпоқ қилиб, қизил Шапкачага шляпа, бирон ҳайвонга думча ясаб болалар ўз таассуротларини тўлароқ ифодалайдилар.

Болалар ўйин жараёнида баъзи бир нарсаларни хоҳлаган нарсалари номи билан атаб ҳам худди ўша хоҳлаган нарсаларни фараз қилиб жуда яхши ўйнайдилар, масалан, таомни «қонфет», қумни «шакар», стулни «машина» деб аташлари мумкин.

Сўз ёрдамида болалар қандай ўйин ўйнашларини ва бошқаларни келишиб оладилар. Сўз ёрдамида бир-бири билан муомалада бўлиб, ўз фикрларини изҳор этишади. Сўз ҳар хил таассуротларни ифодалаш имконини беради. Болалар бу ҳамма воситалардан кўпинча бир вақтда фойдаланадилар.

Акс эттирувчи восита қанчалик кўп бўлса, ўйин мазмуни шунчалик бойроқ бўлади ҳамда теvarак атрофдаги воқеалардан олинган таассурот шунчалик тўлароқ акс эттирилади.

5-§. УЙИН ЖАМОАСИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Уйин мазмунининг ривожланиб бориши билан мураккаб жараён бўлган болалар жамоаси ҳам шакллана бошлайди. Уйин болаларнинг мустақил фаолияти бўлгани учун унинг сюжетини болалар ўзлари ўйлаб топишади ва ўзлари ташкил этишади. Уйинда болалар ўзларининг кичкина жамиятнинг аъзоси деб ҳисоблашади, ўзаро келишиб ҳаракат қилишга ўрганишади, ахлоқ нормаларини эгаллаб боришади.

Ижтимоий тарбия олаётган шароитда ҳар бир бола ўйнаётган болалар жамоасига кира билиши, у ерда ўз ўрнини топиб олиши ва шу жамоада ўрнашиб олиши лозим. Бусиз болалар ҳаёти ҳам бўлмайди, яхши қовушган ўйин ҳам бўлмайди.

Тарбиячи илк ёшли болаларда уларнинг нарсалар билан ўйнай олиш, диққатини шунга тўплай олиш қобилиятини таркиб топтиради. Бу бошқа болалар билан ёнма-ён тинч ўйнай олиш малакасининг шаклланишига ёрдам беради. Бу уларга «масофа интизоми»ни сақлаш имконини беради. Болалар биргаликда ўйнашга ўтганларида бир-бирлари билан маълум муносабат ўрнатишлари лозим бўлади. Худди мана шу муносабат жамоачиликни шакллантиради. Бунга тарбиячи болаларни келишиб ўйнашга ўргатиш орқали эришади.

Ҳар қандай ижодий жамоа фаолиятидаги каби болалар ўйинларида ҳам ақл, характер, фикрлар тўқнашади. Худди мана шу тўқнашувда болалар жамоаси таркиб топади, ҳар бир боланинг шахси шаклланади, аммо бунда боланинг бутун ақл ва иродасини қамраб оладиган, унда кучли ҳисларни уйғота оладиган ўйинларгина самарали натижа беради.

Уйиндаги умумий қизиқишлар болаларни бир-бирига яқинлаштиради, дўстлик алоқаларини ўрнатишга хизмат қилади. Бунда, айниқса узоқ давом этадиган ўйинлар муҳим аҳамиятни касб этади. Бир қанча болалар денгиз саёҳати ўйини билан қизиқиб бир неча кунгача шу ўйинни ўйнашлари мумкин. Улар кемада ҳали «шимолий қутбга», ҳали иссиқ мамлакатларга саёҳатга боришади. Узоқ ўйналадиган ўйинлар болалардан биргаликда амалга ошириладиган ишларни маслаҳатлашиб олишни, ролларни бўлишишни, бунда ҳар бир боланинг қизиқишини эътиборга олишни, ўртоқларининг фикри билан келишишини, керак бўлган ҳар бир дақиқада ўртоғига ёрдамга келишни талаб этади, бу билан болаларда умумий иш учун жавобгарлик ҳисси ривожланади. Узоқ вақт денгизчи ролини бажариш натижасида болаларда одамийлик, ўртоқлик, инсонпарварлик, жасурлик, ўзаро ёрдам каби ижобий ахлоқий сифатлар шакллана бошлайди. Болаларни ўзаро муносабатлари борган сари камол топиб боради.

Шу тариқа, ўйиндаги умумий мақсадлар, умумий қизиқишлар, биргаликдаги кечинмалар, интилишлар, ижодий излаишлар болаларни бирлаштиради.

Болаларнинг уюшган жамоаси биргаликдаги мазмунли ўйиндан, педагогнинг узоқ вақт олиб борган иши натижасида юзага келади. Бунинг учун педагог мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўйинларини ёш гуруҳлари бўйича яхши билиши лозим.

6-§. РОЛЛИ ЎЙИНЛАРГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

Ўйин, шу жумладан ролли ўйинлар болаларга таълим-тарбия бериш системасида муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Бола ўйин жараёнида ўзини катта бўлиб қолгандек сезади ва ўзини катталардек тутади, болада ўзига ва ўз кучига ишонч ҳисси ортади.

✓ Ўйинда тарбиячи етакчи роль ўйнайди. Тарбиячи болаларнинг қизиқишларини диққат билан кузатиб, уларнинг ижобий томонларини ривожлантириш учун шароит яратиши ва болаларни керакли йўналишда тарбиялаб бориши лозим. ✓

Тарбиячи олдида қўйидаги вазифалар қўйилади:

Болалар ўйинига тўғри раҳбарлик қилиш учун уларнинг ўйинини билиши ва ҳар доим кузатиб бориши лозим.

Тарбиячи болалар ўзаро гаплашганларида диққат билан эшитиб юриши керак, бу тарбиячига уларнинг қизиқишларини, хоҳишларини, фикрларини, мақсадларини билиб олиб, уни тўғри йўлга солиш, ижобий хусусиятларини янада ривожлантириш имконини беради. Ўйинга тўғри раҳбарлик қила болиш, рағбатлантириш, болаларга вақтида эътибор бериб туриш уларнинг ўйинига ва болалар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатилишига, боланинг ўйин орқали ҳаётга кириб келишига ижобий таъсир кўрсатади.

Масалан, бир гуруҳ болалар биргаликда кубиклардан пароход қуришади. Дилфуза эса бу ишда қатнашмасдан бир чеккада туради. Қурилиш битгандан кейин индамай бориб пароходни бузиб ташлайди. Болалар Дилфузадан хафа бўлишади. Шунда тарбиячи Дилфузанинг олдида бориб, болалар шунча вақт уриниб қурган пароходни сен бузиб ташладинг. Биз ҳозир шу пароходга тушиб каналда сузмоқчи эдик, энди қандай сузамиз, деди. Шундан сўнг Дилфуза бир неча дақиқа жим турди-да, кейин бориб кубикларни қуриш учун йиғиштира бошлади. Тарбиячи унга: сен аввал болалардан кечирим сўра ва уларга пароходни қайта қуриш учун ёрдам бер, деди. Дилфуза худди шундай йўл тутди. Болалар биргаликда ўйнай бошлашди. Бу ерда тарбиячининг раҳбарлик йўли шу бўлдики, у ўйинда болалар ўртасидаги дўстона муносабатни тиклади.

Болаларни ўйин жараёнида кузатиш шуни кўрсатадики, уларнинг баъзи бирлари илашқоқ бўлиб, жамоага дарров киришиб кета қолади, бошқалари эса жуда серҳаракат бўлади, ўз фикрини бир нарса устида тўплай олмайдилар. Раъно 5 ёшу 6 ойлик. У жуда ҳаракатчан, қувноқ, ҳаммадан ҳам мусиқа машғулотида ўйинга тушишни яхши кўради. Бетоқатлигидан она тили, расм машғулотида фикрини бир жойга

тўплай олмайди. Уйин соатларида эса у ҳар доим ритм билан ўйинга тушишни яхши кўради. Ролли ўйинларда эса мусиқа машғулотларидаги мусиқага раҳбарлик ролини яхши кўради. У ўз кўғирчоқларининг ритмик ҳаракатларини кўғирчоқ билан биргаликда бажаради. Раъно ўзини болалардан катта тутади. Шуни кузатган педагог ўз олдига мақсад кўяди. Уқишда Раънонинг мусиқага бўлган қизиқишини қувватлаган ҳолда унга қуйидагиларни таклиф қилади:

1) Кўғирчоқни ухлашга ётқизаётганда ашулани секин ай-тиш.

2) Уйин пайтида ўйиндаги қоидага риоя қилиш.

Раънони стол усти ўйинлари: лото, кубиклар билан ўйнашга ўргатиш керак. Бундай ўйин ҳаракатчан болаларда қатъий хулқ нормаларини тарбиялашга ёрдам беради. Раънонинг меҳнат тарбиясини кузатиб бориш. Кўйилган вазифа тарбиячининг болининг ўйиндаги қизиқишига хурмат билан қараганини ва бу қизиқишдан болада керакли ахлоқий сифатларни тарбиялашда фойдаланганлигидан далолат бермоқда. Шундай қилиб болалар ўйинларини ўрганиш ва кузатиш унга тўғри раҳбарлик қилиш имконини беради.

Ўйнаш учун маълум жой ажратиш ҳам ўйиннинг шарт-шароитига киради. Гуруҳ хонасида ўйинчоқлар учун махсус шкафлар, жавон-токча бўлиши керак. Ўйнаётган болалар бир-бирларига ҳалақит бермасликлари учун хонадаги нарсалар билан борича хонанинг ҳар хил жойига тартиб билан жойлаштирилиши керак. Болалар ўйинига ўйинчоқ ва бошқа материалларни тўғри танлай билиш ҳам катта аҳамиятга эга. Болаларга бериладиган ўйинчоқлар ва материаллар дастурда кўрсатилган. Ўйинчоқлар сотиб олинган ва боғчада ясалган бўлади. Ўйинчоқлардан болалар ҳар доим фойдаланишлари лозим. Болалар ўйинчоқлардан бемалол фойдаланганларидагина ўйинчоқ уларга қувонч боғишлайди. Кўпинча тарбиячилар ўйинчоқнинг кир бўлиши, синишидан қўрқиб болага беришмайди. Ўйинчоқни бола атайин синдирмайди, балки унинг ичида нима борлигини билгиси келганидан синдиради. Тарбиячи болаларда ўйинчоққа нисбатан эҳтиёткорлик ҳиссини, уни нима учун асраб, синдирмай ўйнаш кераклигини тушунтириб бориши керак.

Болаларнинг ўзлари ўйинчоқлар ясашлари учун уларга кичкина ёғоч бўлаклари, мих, лой, қоғоз, картон, бўёқ ва керакли асбоблар: болғача, қўл арра, қайчи, пичоқ кабиларни бериш керак. Аммо ўйинчоқлар ясаш устида ишлаш фақат тарбиячининг раҳбарлиги остида бажарилиши лозим. Бундан ташқари, болаларга мебель билан ҳам ўйнашга рўхсат бериш керак, тарбиячи болаларга уни эҳтиётлаб, асраб ўйнаш кераклигини тушунтириши зарур. Тарбиячи болаларнинг тасаввур ва тушунчаларини бойитиб бориши ва ўйинчоқлар билан қандай ўйнаш кераклигини болаларга ўргатиши лозим.

Ўйин мавзусини танлашга ёрдам бериш болаларни ўйнашга

ўргатиш усулларидан биридир. Кичкина болалар ўйин мавзусини танлашади. 3 ёшли болалар ўйин сюжетини эмас, балки ўйиндаги ролни танлайдилар. «Мен ойиси бўламан», «Мен Гулмира хола» бўламан ва ҳоказо. Кичик ёшли болалар, ҳатто катта ёшдаги болалар ҳам (улар ўйинига тўғри раҳбарлик қилинмаслиги орқасида) кўпинча бир хил мазмундаги ўйинни ўйнайдилар, чунки бундай болаларда ташаббускорлик, ҳаёл, тажриба етарли ривожланмаган бўлади. Шу билан бир қаторда кичкина болалар яратган образлар беқарор бўлади. Бола бир нарсадан иккинчи нарсага тез ўтади. Масалан, тарбиячи ролини ўйнаётган бола тезда дўхтир бўлиши, бирдан эса она ролини ўйнагиси келиб қолади. Тарбиячининг болалар ўйинига раҳбарлик роли шундан иборатки, у болалар ўйнаётган яхши ўйинларни қўллаб-қувватлайди, катталар меҳнатини, табиатни кузатади, китоблар ўқиб бериш, ҳикоялар сўзлаб бериш орқали ўйиннинг янги мавзуларига қизиқиш уйғотади. Катта гуруҳ болалари билан қандай ўйин ўйнашлари мумкинлиги тўғрисида тарбиячи суҳбатлашиб олиши мумкин, бунда болалар билан кузатган, эшитган нарсаларини биргаликда эслашади. Шу йўсинда тарбиячи ҳар хил усуллардан фойдаланиб, болаларнинг ролли ўйинлари мавзусини кенгайтиришга ёрдам беради.

Тарбиячи болаларнинг ролли ўйинлари мавзусини бойитибгина қолмай, балки унинг сюжетини, мазмунини бойитиш тўғрисида ҳам ўйлаши керак. Масалан, болаларни «касалхона», «дўкон», «қурилиш» каби ўйинларнинг мазмунини кенгайтириб, бойитиб ўзгартириб бориш керак. Ёки бўлмаса, болалар «космонавтлар» ўйинини ўйнашяпти, дейлик. Ҳаммалари «космик» кемага тушиб фазога учиб чиқишди-да, кейин нима қилишни билишмади, ўйин худди шу ерда тўхтаб қолди. Шунда ўйин мазмунини теварак-атрофга экскурсия қилиш, кузатиш, янги нарсани тушунтириш, бадий адабиётлар ўқиб бериш орқали бойитиб бориш мумкин.

Баъзан болалар ўз таассурот ва билимларини ўйинда акс эттира олмайдилар. Бунда тарбиячи ўзига роль олиб, ҳаракатларини кўрсата бошлайди ва болаларга янги роль таклиф қилади. Масалан, «болалар боғчаси» ўйинини олайлик. Ота-оналар ўз болаларини боғчага олиб келади, тарбиячи болаларни овқатлантириш, ухлатиш билан шугулланади. Ота-оналарга эса қилгани иш йўқ. Бунда тарбиячи фабрика «директори» ролини бажариб, ҳамманинг шу фабрикага ишга киришини таклиф этади. «Ишчилар» фабрикада қўғирчоқларга кўйлак, шапка, пальто ва бошқа кийимлар тикишади. Шунда болалар ўз нарсаларини сотадиган дўкон кераклигини ўйлаб топадилар. Кейин эса озиқ-овқат дўкони кераклиги тўғрисида фикр туғилади, бу эса шу дўкон учун озиқ-овқат тайёрлайдиган «қандолат фабрикаси» очиш фикрини уйғотади. Болалар пластилиндан ёки лойдан конфет, тешик кулча, печенье ва бошқалар тайёрлайдилар. Шундай қилиб, ўйиннинг мазмуни

бойиб боради, унда қатнашувчиларнинг сони кўпаяди. Аммо тарбиячи ўйинда ҳар доим ҳам бирон ролни бажариши шарт эмас, тарбиячи ролни бажарувчилар нима иш бажариши кераклигини эслатиши ҳам kiffoя қилади.

Ўйинга керакли ўйинчоқлар ва материалларни танлаш ҳам катта аҳамиятга эга. Агар ўйинга керакли ўйинчоқ ёки материал етишмаса ўйин тезда тўхтаб қолади, шунда тарбиячи машғулотдан бўш вақтларида болалар билан керакли ўйинчоқлар ясаши керак. Тарбиячи болаларнинг ўйинга материални тўғри танлаши учун қуйидагиларни билиши керак:

1. Болалар ўйнайдиган ўйин мавзусини, болаларнинг яхши кўрган ўйинларини.

2. Болаларни қизиқтирадиган нарсаларини.

3. Ўйинда қатнашадиган болалар сонини.

Тарбиячи ўйин мазмунини, сюжетиин бойитишгагина таъсир этиб қолмай, балки ўйин орқали болаларда дўстлик, ўртоқлик муносабатларини тарбиялаши ва дўстона болалар жамоаси шакллантириши лозим.

Тарбиячи ҳамма болаларнинг ўйинга қатнашишлари устида ғамхўрлик қилиши керак. Ўйинда улар кўпинча роль таллашиб бир-бирлари билан келишмай қоладилар. Болаларни бундай келишмовчиликларни ҳаққоний ечишга ўргатиш лозим. Масалан: пароходда бинокль борлигидан «капитан» ролини таллашиб, жанжаллашиб қоладилар, шунда тарбиячи болаларга пароход ишчилари учун бошқа ўйинчоқлар ҳам олиш кераклигини таклиф қилади, пароходдаги ошхона хизматчиларига идиш, плита, стол, дўхтир учун термометр, бинт, шишача ва бошқа нарсалар. Шунда капитан роли учун жанжал босилади. Капитан ролини танлаган бола ундан ҳам қизиқроқ ўйинчоқларни кўриб тинчгина бошқа ролни олади.

Болалар ўртасида ўйин жараёнида ҳадеб низо чиқавермаслиги учун тарбиячи катта гуруҳ болаларига ўйиннинг мазмуни ва бориши, кимнинг нима иш бажаришини олдиндан келишиб олишни буюради. Баъзан тарбиячи болалар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф қилиш учун ўйиндаги ролни ўзи бажаради, аммо бу ишни ниҳоятда эҳтиётлик билан амалга ошириш лозим. Бундан ташқари, ўйинда болалар ахлоқ нормаларининг шаклланишига эътибор бериб бориш керак. Болалар ўз ўйинларида катталарнинг болаларга ғамхўрлиги, нарсаларга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, озодалик, ўйлаган ишни яхшилаб сифатли бажариш каби сифатларни акс эттиришлари лозим. Масалан, уй қураётиб, унинг мустаҳкам, чиройли, кишиларга қулай бўлишига эътибор бериш керак. Трамвай ўйинидаги «кондуктор» одамларга хушмуомала бўлиши, кичкиналар катталарга жой бўшатиши керак ва ҳ.к.

Кичкина гуруҳда ролни кўпинча тарбиячининг ўзи тақсимлайди, катта гуруҳда эса ким қандай ролни ўйнашини болалар ўзлари келишиб оладилар. Лекин тарбиячи болалар ҳуқуқларидаги ижобий ва салбий томонларни диққат билан кузатиб

туриши керак. Масалан, бир бола жуда тўполон ўйинларни, яъни югуриш, қичқиритиш билан боғлиқ ўйинларни яхши кўради. Тарбиячи бундай болага (тушунтириш, ўйинчоқлар танлаб бериш орқали) тинчроқ ролни беришга ҳаракат қилиши керак. Юввош болага эса ҳаракатлантирадиган роль олишни таклиф этиши лозим.

7-§. САҲНАЛАШТИРИЛГАН УЙИНЛАР

Саҳналаштирилган ўйинлар шундай ўйин турларики, унда болалар бирон-бир эртақ ёки ҳикоя сюжети асосида маълум бир ролни бажарадилар. Саҳналаштирилган ўйинларда болаларга эртақ ёки ҳикояни ўқиб ёки сўзлаб бергандан кейин уларда асарнинг ғоявий мазмунига, ҳикоянинг тилига ёки бадий асарга, унинг жарангдорлигига болаларнинг қизиқишини кучайтириш мақсад қилиб қўйилади.

Саҳналаштирилган ўйин болаларнинг эшитган асар ёки эртақдан олган тасавурларини мустақил ифодалаш ҳамда машқ қилиш имконини беради. Бу ўйинлар болаларда ирода, интизом ўз ҳаракатларини бошқаларнинг ҳаракатига мувофиқ амалга ошириш каби сифатларни тарбиялашда самарали восита ҳисобланади. Саҳналаштириш болаларни қайта сўзлашга ўргатиш усулларида биридир. Баъзи бир болаларда бадий асарлардан олинган парчани қайта сўзлаб беришга хоҳиш ҳам, қизиқиш ҳам бўлмайди, аммо унга ўйин усули киритилиши билан бола асардаги ролга кириб, ўша асар мазмунини жуда яхши айтиб беришга ҳаракат қилади.

Бундай ўйинда бола ўзини ўша асардаги қаҳрамон ўрнида ҳис этиб, унинг сезги, кечинмалари дунёсига чуқурроқ кириб боради. Бадий асарларни қаҳрамонлар тилида сўзлаб бериш боладаги ҳаёлни ривожлантиришга ёрдам беради ва асар қаҳрамонида мавжуд бўлган жасурлик, ўз-ўзига ишонч, мустақиллик каби характер сифатларини эгаллашга интилади. Саҳналаштирилган ўйинда бадий асарнинг ғоявий мазмуни болалар томонидан чуқурроқ англаб олинади.

Саҳналаштирилган ўйинларга ҳам тарбиячи ролли ўйинларга раҳбарлик қилгани каби раҳбарлик қилгандагина қизиқarli бўлиши мумкин. Эртақ ёки ҳикоядаги мазмун болаларга яқин, уларнинг ёшига ва қизиқишига мос, тушунарли бўлиб, бола унга киришиб кетган тақдирдагина асардаги образ ва ҳаракатлар тўғри акс эттирилади. Шунинг учун у ёки бу бадий асар бўйича саҳналаштирилган ўйин ўтказишдан олдин тарбиячи асарнинг мазмунини акс эттиришга ёрдам берадиган тайёргарлик ишини ўтказиши керак.

Бу иш олдиндан бир қатор машғулот ва ўйинлар ўтказиш орқали амалга оширилади. Саҳналаштирилган ўйинга тайёрланиш учун маълум бир вақт ажратилади ва ҳар бир машғулотда аниқ масалалар ҳал этиб борилади. Масалан, тарбиячи ҳазил шеър ўқийтиб жонли нутққа яқинлашади, болаларга сўзларни, товушларни қандай таллаффуз этиш кераклигини

тушунтиради. Қайтаришда эса тарбиячи болалардан сўзларни аниқ, баландроқ ёки паст, сскипроқ ёки тез талаффуз этишни талаб этади. Бу машқларда матни эслаб қолиш учун ўтказилган ҳар бир машгулотда 5—6 дақиқадан вақт ажратилади. Болалар «Шолгом», «Бўғирсоқ», «Тулки, хўроз ва қуён» каби эртакларни саҳналаштиришни жуда севадилар.

Эртак ва ҳикояларни болалар кўпинча ўзларининг ижодий ролли ўйинларида саҳналаштирадilar, бу ўйинларда тулки, қуён, хўроз, сичқон каби персонажларни ўйинларда акс эттирадilar. Ёзувчиларнинг бадий асарларини ҳам болалар севиб саҳналаштирадilar. Масалан, С. Маршакнинг «Теремок» эртагини олайлик. Бу эртакдаги ҳар бир сўз жуда чиройли жаранглайди ва ишонарли, шу билан бирга болалар акс эттириши учун жуда қизиқарли образларга эгадир. Теремокда яшашни хоҳлаган ҳар бир ҳайвон унинг олдига келиб, ўзини таништиради ва яхши томонларини кўрсатишга уринади, ўша унда яшаш ҳуқуқига эга бўлиш учун ўзининг қандай фойда келтира олишини ва меҳнатга лаёқатли эканлигини айтади. Асар шеър услубида ёзилган. Рус халқ эртакларини саҳналаштирганда болалар баъзи бир эртак ёки ҳикоядаги сўзларни ўзгартириб айтишлари мумкин, ammo «Теремок» ҳикоясида бундай имконият йўқ, болалар маълум матни айнан қайтаришлари лозим. Тарбиячи ҳикояни биринчи марта ўқиб бергандан кейин болаларга асарнинг мазмуни ва мақсадини очувчи саволлар беради. Масалан, мана бундай саволлар берилади: Бу эртакда нима тўғрисида гапирилади? Нима учун йиртқич ҳайвонлар теремокда яшовчиларни енга олмадилар?

Болалар билан суҳбатлаша туриб, тарбиячи ҳикоя ёки эртак қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятларни аниқлашга ҳаракат қилади. Ҳар хил шеър, эртаклардаги қаҳрамонларнинг ўзига хос хусусиятлари мана шундай ўрганилади. Саҳналаштириш ишини қуйидаги босқичлар бўйича ўтказиш мумкин:

I босқич. Адабиётларни танлаш. Саҳналаштириш учун адабиёт танлаганда қуйидаги талабга риоя қилиши керак:

1. Эртак, ҳикоя ёки шеърда қатнашувчилар кўп бўлиши керак.

2. Асарда мазмун яхши бўлиб қолмасдан, ҳаракатларнинг хили ҳам кўп бўлиши керак. Қ. Чуковскийнинг «Телефон» эртагида ҳаракат кўп. Шунинг учун уни саҳналаштириш яхши ва қизиқарли бўлади.

3. Асар ифодали ўқишга мос бўлиши керак.

4. Мазмуни қизиқарли бўлиши керак.

5. Асар болаларнинг ёшига тўғри келиши керак.

II босқич. Саҳналаштириш учун танланган ҳикоя, шеър, эртакнинг мазмунини ўқиб бериш ёки қўғирчоқ, соя театрида кўрсатиш орқали таништирилади.

III босқич. Эслаб қолиш. Асарни болалар эслаб қолишлари учун уни қайта ўқиб бериш, постановка кўрсатиш, расмлар намойиш этиш, дидактик ўйинлардан фойдаланилади.

IV босқич. Ұйин қизиқарли ўтиши ва узоқ давом этиши учун ўйинга керакли материаллар, кийимлар тайёрлаб бериш ва шу билан бирга тўғри раҳбарлик қилиш керак. Бу ишни тарбиячи бажаради, катта гуруҳда эса тарбиячи ёрдамида у билан биргаликда болалар бажаришади. Тарбиячи бир қанча эртакка доир расмлар кўрсатади. Масалан, «Теремок» эртагига костюм танлаш учун «Қўлқопча» эртагига тайёрланган расмлардан фойдаланиш мумкин. Болалар теремок олдидаги арчани мустақил бўяшлари, костюмга арчанинг ниначаларини санчиб қўйишлари, хўроз учун пат қирқишлари мумкин. Богча ёшидаги болалар ҳар доим ҳам ўзлари мустақил равишда саҳналаштирилган ўйинларни ўйнаб кета олмайдилар. Бунинг учун бундай ўйинларни ўйнашга болаларда қизиқиш уйғотиш керак.

Бунга қандай эришилади? Бунинг учун тарбиячи ҳар хил йўллардан фойдаланади. Масалан, тарбиячи болаларга эртакни ёдлаб, уни саҳналаштириш ва бу спектаклни ота-оналар мажлисида ёки кичкина болаларга кўрсатишни таклиф этади. Бунда ролларни бўлиш ва уни ўйнаш жуда катта аҳамиятга эга. Ролларни бўлишда болаларнинг хоҳишларинигина эмас, балки уни яхши бажаришларини ҳам эътиборга олиш лозим. Агар бола ролни яхши ўйнай олмаса, ундай бола билан алоҳида шугулланиш керак ва бу болага ўнғай ролни ажратиш керак.

Гуруҳларда шу ёшдаги болаларга хос бўлган эртаклар, ҳикоялар уларга таниш бўлиб қолгандан кейингина саҳналаштириш бошланади. «Шолғом», «Бўғирсоқ» каби эртаклар саҳналаштирилади. Тайёрлов гуруҳида бу иш давом эттирилади. Саҳналаштириш учун эртакларгина олинмасдан, бадий асарлар, хусусан шеърлар ҳам олинади. Саҳналаштириш ўйинларига гуруҳларига қараб ҳар хил раҳбарлик қилинади. Масалан, тарбиячи ўрта гуруҳ учун асосан ҳаракатни акс эттирувчи асарлар танлайди, катта гуруҳ болалари учун эса асар қаҳрамонларининг анча мураккаб муносабатлари, уларнинг кечинмалари, қайғулари акс эттирилган асарлар танланади.

Тарбиячи бажарилган ишнинг ҳисобини олиб боради. Болаларга қайси асар ёққанини, улар кўпроқ қайси асарни саҳналаштиришни ёқтиришларини, қайси бола топширилган ролни яхши ижро этолганини, ролларни ижро этишда болаларда қандай қийинчиликлар вужудга келганини ёзиб боради. Мана шу асосда бўлғуси саҳналаштириладиган ўйинлар жонлантирилади.

8-§. ҚУРИЛИШ ҲИЙИНЛАРИ

Қурилиш материаллари билан ўтказиладиган ўйин ва машғулотлар тажрибали тарбиячилар қўлида қимматли восита бўлиб хизмат қилади. Болаларнинг қурилиш, буюм ясаш ўйин-

лари ролларга бўлиниб ўйнайдиган ўйиннинг таркибий қисмидир. Бирор нарсани қуриш болаларни ўз фикрларини рўёбга чиқариш усулидир.

Қурилиш ўйиннинг «бошловчиси» бўлиши мумкин (пароход, кўприк, вокзал), баъзан қурилиш ўйиннинг ўзи бўлади (ишчи ва қурувчилар вазифасини бажаради), ўйин жараёнида бирон нарса қуришга эҳтиёж туғилиши мумкин. Болалар ўйин жараёнида зарур бўлган бирон нарсани қуриб оладилар-да, яна ўйинни давом эттирадилар. Қурилиш ўйинга сабабчи бўлиб қолади (эртакдаги бирон ўйни қурадилар, унинг ёнида шу эртак ўйини қизиб кетади).

Катта богча ёшидаги болаларни қурилиш ўз-ўзидан жалб қилиши мумкин. Бунда болаларнинг асосий диққатлари бирор нарса қуриш жараёнига қаратилади. Болалар ўз мақсадлари учун майший турмушдаги нарсалардан: ғўлалардан, яшиклардан, шохчалардан, табиий материаллар: қум, лой, сув, қордан фойдаланадилар.

Бироқ болалар катта бўлганлари сари бундай қурилишлардан кўнгиллари тўлмайди. Улар ўз ишлари ҳақиқий қурилишга кўпроқ ўхшаш бўлишини истайдилар. Бунинг учун махсус қурилиш материаллари зарур бўлади.

Қурилиш материаллари турли хилдаги геометрик шакллардан иборат. Болалар бу ҳар бир шаклнинг ўзига хос хусусиятини яхши билиб олишлари лозим, акс ҳолда ҳеч қандай қурилишни амалга ошириб бўлмайди.

Болалар қурган нарсалар амалий жиҳатдан яроқли бўлиши ва улардан ўйинда фойдаланиш учун конструкторлик малакасига эга бўлиш керак. Бундан болаларга қуришнинг асосий усулларини ўргатиш зарурлиги келиб чиқади.

Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинларда болаларнинг техникага қизиқиши ортади, кузатувчанлиги ривожланади, улар геометрик жисмларнинг энг оддий хусусиятлари билан танишадилар.

Қурилиш ўйинлари болаларнинг меҳнат фаолиятларига яқин бўлиб, уларни меҳнатга тайёрлайди. Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинлар болалар тафаккурини ривожлантиради: кузатилаётган иншоотларнинг ўзига хос хусусиятини ажратиб кўрсатиш, таҳлил ва синтез қилишга, солиштиришга, ўхшаш ва фарқ қиладиган томонларини аниқлашга мажбур этади, вазифаларни тўғри ҳал қилишга ўргатади.

Қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинлар геометрик жисмларнинг хусусиятларини, улар билан ишлашни, фазовий нисбатларини (узоқ — яқин, баланд — паст, ўнг — чап, узун — қисқа, кенг — тор) амалда билиб олишга ёрдам беради. Бундай ўйин орқали болаларни мактабдаги политехника таълимига тайёрлаш вазифаси ҳам амалга оширилади.

Болалар қуриш-ясаш фаолиятлари жараёнида бир жамоага бирлашадилар, натижада уларнинг нутқлари ривожланади. Қурилиш материаллари билан ўйнаш болаларнинг маъ-

навий дунёсига ҳам таъсир этади: тарбиячи болалар билан бирон иншоотни кузата туриб, давлатимизнинг халқ фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётганлигини тушунтиради. Қурилиш материаллари билан ўйнаш болаларда меҳнатсеварлик, мустақиллик, ташаббускорлик, ишга жавобгарликни ҳис этган ҳолда муносабатда бўлиш ҳамда иродавий сифатларни тарбиялайди. Уйиннинг қизиги шундаки, у болаларга зўр завқ-шавқ бағишлайди.

Болаларни баъзи бир қурилиш иншоотлари билан таништириш орқали эстетик тарбия вазифалари ҳам амалга оширилади. Болаларда эстетик ҳиссиётни тарбиялаш учун фақат битган қурилиш иншоотини кузатиш етарли эмас, балки уларни қурилишнинг бориши, ишнинг ташкил этилишини кузатиш, бунда болаларнинг ўзларини қатнаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Уйин учун шароит яратиш. Қурилиш материаллари билан ўйнашни ривожлантириш учун унга мувофиқ шарт-шароит яратиш зарур.

1. Қурилиш материаллари бутун гуруҳ болаларининг бир вақтда ўйнаши учун етарли бўлиши керак.

2. Гуруҳ хонасида қурилиш материалларини сақлайдиган, уни қурадиган ва бир неча кунгача сақлаб қўйишнинг иложи бўлган жой бўлиши керак.

3. Қурилиш материаллари учун ҳар бир деталга алоҳида хоначалари бўлган гилдиракли шкаф бўлгани яхши. Уни болалар хоҳлаган томонларига сўриб олиб борадилар. Шкаф ичини ҳар доим тартибли сақлаш зарур.

4. Қурилиш материаллари сақланадиган бурчакда майда ўйинчоқлар, ўйинчоқли одамлар, қушчалар, ҳайвонлар, транспорт бўлиши мумкин.

5. Болаларнинг ўзлари ўйинчоқ ясашлари учун ҳар доим керакли материал бўлиши зарур.

6. Она ўлкамизни, унинг пойтахти Тошкентни транспортнинг ҳар хил турларини тасвирловчи альбомлар, фотосуратлар бўлиши керак.

7. Қурилиш материалларидан барпо этилган иншоотлар намуналари тасвирланган альбом.

8. Қурилиш жараёнини, биноларнинг безатилишини болалар билан кузатиш керак.

9. Қурилиш усулларини ўргатиш лозим.

10. Қурилиш материалларидан ишланган буюмларни бир неча кунгача ҳатто ундан ҳам кўпроқ муддат сақлаш керак.

Қуриш-яашга ўргатишнинг асосий усуллари. Болаларни қуриш-яашга ўргатиш учун тарбиячи турли хил усулларни қўллайди:

1. Тарбиячи ҳар бир ҳаракатни тушунтирган ҳолда қуриб кўрсатади.

2. Тарбиячи бирор нарсани ўзи қуриб кўрсатади ва бунга кирган ҳар бир қисмни таҳлил қилиб беради.

3. Тайёр қурилиш намуна сифатида кўрсатилади.

4. Қуриш-ясашнинг айрим қисмларини кўрсатади (томини ясашни, қандай ёпиш кераклигини, бирор детални қайсиниси билан алмаштириш мумкинлигини тушунтиради).

5. Тарбиячи атайлиб чала қуриб қўйилган қурилишни болаларга қуриб битказишни таклиф қилади.

6. Нима учун қуриш лозимлигини, унинг мавзусини айтади.

7. Ҳар ким хоҳлаган мавзуда қуришни таклиф қилади.

8. Тайёр қурилишни: у қандай қисмлардан иборат эканлигини, нималар, қандай деталлар ишлатилганлигини таҳлил қилиб беради.

Қуриш-яасаш усуллари болаларга машғулотларда ўргатилади.

Қурилиш ўйинларига раҳбарлик. Болаларнинг қурилиш материаллари билан ўйнайдиган ўйинларига раҳбарлик усуллари уларнинг ёшига боғлиқ. Кичик гуруҳда болалар унча мураккаб бўлмаган қурилишларни бажарадилар.

Улар учун стол устига қўйиб ўйнайдиган майда қурилиш материаллари зарур. Битта стол атрофида бирданига 6—8 бола ишлаши мумкин. Стол устини қурилиш materiali эгаллаб олмаслиги учун столнинг у боши билан бу бошига пастгина скамейка ёки табуретка қўйилади. Болалар ўзларининг қурилиш материалларини яшиги билан қўйиб қўядилар. Бу биринчидан, стол устида болаларнинг бемалол ишлашлари учун яхши, иккинчидан, болаларга яшиклардан керакли қурилиш материалларини олиш қулай. Боғча майдончасида ўйнаш учун куб, ғўла, цилиндрга ўхшаш алоҳида қурилиш материалларидан фойдаланиш зарур.

Худди шундай материаллар гуруҳ хонасида ҳам бўлиши керак. Йилнинг иккинчи ярмида бу материалларни машиналар қуриш учун квадрат, тўғри бурчак, ҳар хил ўртаси тешик думалоқ шаклдаги фанер парчалари билан тўлдириш лозим. Болаларнинг қурилиш материаллари билан ўйнашлари учун тик турадиган дарахтлар, ҳайвонлар, машиналар, қўғирчоқлар ҳам керак бўлади. Тарбиячи бу материаллардан нима қуриш мумкинлигини болаларга кўрсатади: қўғирчоққа стол, стул, каравот яасаш, улар учун боғ ва боғнинг ичига скамейкалар қўйиш, машинага гараж қуриш ва ҳ.к.

Болаларни қуриш материаллари билан ўйнашга қизиқтириш учун тарбиячи улар билан биргаликда ўйнайди ва бу материаллардан ҳамма болалар фойдаланишларини кузатиб туради. Йирик қурилиш материаллари билан гуруҳ хонасидаги гилам устида, ёзда эса боғча ҳовлисида қуриш мумкин.

Ўрта гуруҳ болалари ҳам қурилиш материаллари билан гуруҳ хонасида ва боғча майдончасида ўйнашлари мумкин. Йирик қурилиш материалларидан ташқари, болалар картондан паровоз трубалари, автомобиль чироғи, руллар, пропеллер ва ҳоказолар ясайдилар. Бу материаллар захдан бузилмаслиги учун мойли бўёқ билан бўяб қўйилади. Тарбиячи

болаларнинг қурилиш материаллари билан ўйнайдиган ўйинларини диққат билан кузатиб, керак бўлганда қуришга болаларнинг ўйлаган мақсадларини амалга оширишга, қурилишнинг мураккаброқ шаклларини ишлаш қурилиш ўйинини ривожлантиришга ёрдам беради.

Тарбиячи жамоа қурилишларини ташкил этиб, бунга ҳамма болаларни қатнаштиради. Қурилиш материаллари билан ўйнайдиган ўйинлар гуруҳ болалари ўйинларида муҳим ўринни эгаллайди. Тарбиячи болаларга қурилишни яна қандай мураккаблаштириш мумкинлигини, унга қандай қўшимча материаллар ишлатиш кераклиги тўғрисида маслаҳатлар беради, лозим бўлса кўрсатади.

Боғча майдончасида ёзда қум ва сув билан, қишда қор билан ўйнаш катта ўринни эгаллайди. Ўйиннинг ҳар бир тури унга раҳбарликнинг алоҳида усулларини жалб этади.

Қум билан ўйнаш. Қум болаларнинг ёзда ўйнашлари учун яхши материал. Ҳар бир гуруҳ учун иккитадан қум яшиги бўлиши мақсадга мувофиқдир. Шунда ҳамма болалар ўйнаш имкониятига эга бўладилар. Қумда ўйнаш учун турли хил ўйинчоқлар керак бўлади: қумдан ҳар хил шакл ясайдиган майда тунука машиналар, резина ёки целлулоиддан ясалган одамчалар, ҳайвонлар шакли, пластилиндан ясалган қўғирчоқ мебелли, қуриш-ясаш материаллари, уни безайдиган нарсалар: ҳар хил фанер тахтачалар (8×8 , 10×10 , 5×10 , 4×10 см) ва ёғоч калтакчалар (10, 15, 20 см) ҳаммаси ҳар хил рангдаги мойли бўёққа бўялган бўлиши керак. Шу материалларни болалар қумга ўрнатиб йўллар, ҳайвонлар учун сарой ва деворлар қуришади. Қурган нарсаларини безаш учун кичкина байроқчалар керак бўлади. Қумни ковлаш учун болаларга кичкина ёғоч куракча берилади.

Баҳорда ва кузда (ер намлигида) болаларнинг қум ўйинлари махсус қирғоғи кўтарилган столларда ташкил этилади. Қум билан ўйнашда гигиеник қондага риоя қилиш керак. Қум ҳар доим тоза ва нам бўлиши, болалар жазирама қуёш тагида ўйнамасликлари лозим.

Кичик болалар қум билан ўйнаганда олдига маълум мақсад қўймайди. Тарбиячи болаларни қизиқтириш учун ўзи «қуради» ва болаларга қуришни таклиф этади. Масалан, қумни тўплаб атрофини текислашади, бир ёнини тешиб эшик очишади. Кейин бу уйчани ҳар хил рангдаги майда байроқчалар билан безашади, кейин шу уй олдига деворлар, боғлар қуришади, уйга қўғирчоқлар кўчиб келади. Ўйинни ўзгартириш учун ўйинчоқларни вақт-вақти билан алмаштириб туриш керак: машиналар учун гараж, ҳайвонлар учун ҳайвонот боғи ва бошқалар. Тарбиячи ўйинга кичик болаларнинг ҳаммасини жалб этиши керак.

Ўрта гуруҳда қум кичик гуруҳга нисбатан кўп тўкилади. Яшик олдида буферда ҳам ўйинчоқлар учун жавонча бўлади. Бу ёшдаги болалар ўйиннинг мазмуни мураккаблашиб бори-

ши учун тарбиячи ёрдам беради: қумдан нималар қуриш мумкинлигини кўрсатиб, болаларга кўмаклашади, уларнинг ўйинларида қатнашади.

Катта гуруҳ болалари қумдан катта иншоотлар қурадилар. Шунинг учун бу гуруҳ болаларининг қуми яшикда эмас, балки боғча майдончасининг бирон жойига анча кўп миқдорда тўкилади. Бу болалар учун қумдан ташқари лой ҳам бўлиши керак. Ўйинга қўшимча материаллар: табиат материаллари, ип, ёғоч, фанер ва бошқалар ҳам зарур. Ўйнаб бўлгандан кейин буларнинг ҳаммасини махсус ажратилган жойга олиб бориб қўйиш керак. Болалар шаҳар кўчаларини, хўжалик даласи, ҳайвонот боғи, баланд биноларни қурадилар. Бунинг учун қумдан, лойдан ва табиат материалларидан фойдаланадилар.

Тарбиячи бу материаллардан қандай қуришни кўрсатиб беради.

Сув билан ўйнаш. Болалар сувни жуда яхши кўришади. Уларнинг сув билан ўйнашлари учун боғча ҳовлисида махсус сув ҳавзаси ташкил қилинади, гуруҳ хонасида эса махсус оёқли қурилма устига ванна ўрнатилади. Сув билан ўйнаш учун целлулоиддан, резинадан ясалган ўйинчоқлар: балиқчалар, ўрдакча, гозча, ванначаси бор қўғирчоқча, қайиқчалар (ясалган ва сотиб олинган), сувда сузиб юрадиган нарсалар керак.

Кичик болаларнинг сув билан ўйнайдиган ўйинчоқлари оддий бўлиб, унда ўйинчоқларнинг сузишини томоша қиладилар. Болалар сув билан ўйнаб кичкина-кичкина сюжетни акс эттирадилар: балиқ ва ўрдакчаларни овқатлантириб, қўғирчоқни ваннада чўмилтиришади, қайиқда йўловчиларни учуришади.

Ўрта ва катта гуруҳ болаларининг сув билан ўйини анча мураккаблашади. Улар дарёда пароходларни юрғизишади, пароход тўхтайдиган бандаргоҳлар қуришади. Сузадиган ўйинчоқларни ҳаракатга келтиришади. Сув билан ўйнаш натижасида болалар сувнинг хусусиятини, нималар чўкиб, нималар сузишини билиб олишади. Сув билан ўйнаш жуда фойдали, шунинг учун болаларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб сув билан ўйнашлари учун имконият яратиб бериш керак.

Қор ўйинлари. Қишда боғча майдончасида қор билан ўйнаш болалар учун энг қизиқарли фаолият тури ҳисобланади. Ҳар бир болада ёғоч белкуракча ва қорни ташиш учун яшикча билан чана бўлиши керак. Кичкина болалар катталар йиғиб қўйган қор уюмини ёғоч белкуракчалари билан ковлашади. Қорни тепага сочиб, унинг тўкилишини кузатишади, яшикларга қор солиб, бошқа жойга ташишади ва ҳоказо.

9-§. ДИДАКТИК ЎЙИНЛАР

Дидактик ўйинларнинг моҳияти ва педагогик аҳамияти. Дидактик ўйинлар болалар боғчасида таълим ва тарбия воси-

таси сифатида кенг қўлланилади. Дидактик ўйин таълим билан бевосита боглиқ бўлиб, унга ёрдам беради.

Дидактик ўйин — бу мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ёш ва имкониятларига мос келадиган таълим бериш методидир.

Тажрибали тарбиячи бу ўйиндан пассив болаларни жамоага аралаштириш, ҳар хил режалар, вазифаларни қўрқмасдан бажаришлари учун фойдаланади.

Дидактик ўйинни амалга оширишда ҳар доим гоёвийлик принципига асосланиш керак. Дидактик ўйин тарбиянинг вазифа ҳамда мақсадларига мувофиқ келиши лозим.

Дидактик ўйинлар болаларнинг биргаликда ўйнаб, ўз манфаатларини жамоа манфаатлари билан уйғунлаштира олиши, бир-бирига кўмаклашиш ва ўртоғининг муваффақиятидан хурсанд бўлиши каби яхши муносабатларнинг таркиб топишига ёрдам беради. Ўйинлар шахснинг софдиллик, ростгўйлик каби ижобий хислатлари шаклланишига имкон беради.

Лото, домино каби кўпгина ўйинлардан (болаларнинг ўзлаштиришига қараб) мустақил равишда фойдаланилади ва бу ўйинлар ташкилотчилик қобилиятини ўстиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Дидактик ўйин болаларнинг амалий фаолияти ҳисобланади, чунки унда болалар машғулотларда олган билимларидан фойдаланадилар. Шу нуқтаи назардан қараганда, дидактик ўйин болаларнинг ақлий фаолиятларини кучайтиради, олган билимларидан ҳар хил усулда фойдаланишлари учун ҳаётий шароит яратиб беради.

Бундай ўйинларга кичик болалар учун «Рангига қараб топ», «Шаклига қараб топ» каби ўйинларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Қатта гуруҳ болалари учун «Ишчилар нималар ва қандай ишларни билишади», «Деҳқонлар нималарни етиштиришади», «Қим кўпроқ нарсанинг номини айта олади» ва бошқа ўйинларни кўрсатиш мумкин.

Дидактик ўйинлар болаларнинг теварак-атроф тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлашга ёрдам беради, ўз шахсий тажрибалари ва машғулотларда олган билимларини амалда қўллай билишга ўргатади, улардаги фикрлаш қобилиятларини, ижодий кучларни, сенсор жараёнини ривожлантиради, олган билимларини тартибга солади.

Дидактик ўйинлар таълим жараёнини енгилроқ ва қизиқарлироқ қилади. Болалар ёшларига мос, қизиқарли фаолият орқали ўйинда амалга ошириладиган ақлий тарбия вазифасини жуда осон ва яхши ўзлаштирадилар.

Дидактик ўйин катталар томонидан болаларни ақлий ривожлантириш мақсадида яратилади. Унда ўйин элементлари қанча кўп бўлса, болаларга у шунча кўп қувонч бағишлайди.

Дидактик ўйиннинг муҳим томони — уни ўтказишдан кўзда тутиладиган ғоядир. Ўйин гоёси болаларда ўйинга қизиқиш

уйғотади, кўпинча бу ғоя дидактик ўйинни бошлашга сабабчи бўлади. Масалан, «Халтачада нима бор?» ёки «Қим қандай қичқиради?» ва шунга ўхшашлар.

Ҳар бир дидактик ўйинда ўйин мазмуни, ғоясидан келиб чиққан қоидалар бўлади. Унда қонданинг мавжудлиги ҳаракат йўналишини ёки ўйиннинг боришини белгилаб беради, болаларнинг хулқини, ўзаро бир-бирларига бўлган муносабатларини бошқариб, керак томонга йўналтириб туради. Қоида болалар ҳаракатини баҳоловчи ўлчовдир.

Дидактик ўйинда амал қилинадиган қоидалар ўйин ҳаракатларининг тўғри-нотўғрилигини аниқловчи ва уларга баҳо берувчи мезон ҳисобланади. Болаларнинг бирор болага нисбатан «У ўйин қондасини бузиб ўйнапти» дейишларининг ўзи уларнинг ўйин қоидаларига қандайдир ўзгартириб бўлмайдиган қонундек муносабатда бўлишларини кўрсатади.

Болаларнинг ўйин қоидаларини ўрганиб олишлари ва уларга риоя қилишлари, уларда мустақилликни, ўйин жараёнида ўз-ўзини, ўзаро бир-бирларини назорат қила билиш қобилиятини тарбиялашга ёрдам беради.

Ўйиннинг натижасини икки нуқтаи назардан: болалар ва тарбиячи нуқтаи назаридан баҳслаш лозим.

Агар ўйин натижасини болалар нуқтаи назаридан баҳолганда, унда бу ўйиндан болалар қандай маънавий ва ахлоқий озуқа олганларини ҳисобга олиш лозим. Дидактик вазифаларни бажариш болалардан маълум даражада зўр беришни, яъни уларнинг ақлий фаолиятига талабни кучайтиради.

Болалар фаҳм-фаросатлари, топоғонликлари, диққат ва хотираларини намоёиш қиладилар. Булар ҳаммаси болаларнинг ўз кучига ишончини оширади, қалбини хурсандчилик ҳисси билан тўлдиради, улар бундан маънавий қониқиш ҳосил қиладилар.

Дидактик ўйиннинг натижасини муҳокама қилганда тарбиячи қуйидагиларга эътибор бериши лозим: қўйилган мақсадга эришилдими, белгиланган ҳаракат бажарилдими, шу кўзланган нуқтаи назардан маълум натижаларга эришилдими ёки йўқми.

Юқорида келтирилган икки вазифа ҳам яхши бажарилса, яъни бир томондан, болаларда қизиқиш уйғота олса ва улар фаолиятини амалга оширишга интилсалар, иккинчи томондан, қўйилган ҳамма мақсад, вазифага эришилса, бундай ўйин яхши натижа берди, деб ҳисоблаш мумкин.

Ўйин қатнашчиларини рағбатлантириш, мақташ, яхши қатнашганлари учун уларга етакчи ролни бериш, баъзан эса шу ўйинда фойдаланилган қўғирчоқни ўйнашга бериш ёки меваларни ейишга бериш мумкин, аммо болалар бундай мукофотларни оламан деб ҳар қандай йўл билан бу ишга интилишларига йўл қўймаслик керак.

Ўйин ҳаракатлари болалар томонидан бажарилади. Ўйин ҳаракатлари хилма-хил ишларда: нарсаларнинг жойини алмаш-

тириш, йиғиштириш, уларни рангига, катта-кичиклигига, шаклига қараб бир-биридан ажратиш, танқидий ҳаракатлар ва ҳоказоларда намён бўлади. Катта болаларнинг ўйин ҳаракатлари эса мураккаброқдир: бу ўйин ҳаракатлари бир гуруҳ болалари ҳаракати билан бошқа гуруҳ болалари ҳаракати ўртасида ўзаро боғланиш бўлишини, ҳаракатларнинг изчиллик ва навбати билан амалий оширилишини талаб этади.

Ўйин натижаси дидактик ўйиннинг муайян натижаси бўлади, натижа эса ўйиннинг финали ҳисобланади. Масалан, топишмоқларни топиш, берилган ўйин топшириқларини бажариш, фаҳм-фаросатни намоёйиш қилиш кабилар ўйин натижаси бўлиб, уларни болалар эришилган муваффақият деб тушунадилар.

Тарбия учун ўйин натижаси доимо болаларнинг билим эгаллашида, ақлий фаолиятда, ўзаро муносабатларда эришган ютуқларининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Ўйин мазмуни, ғояси, ҳаракатлари ва қоидалари ўзаро бири-бири билан боғланган бўлиб, ҳатто улардан биронтаси бўлмаса ҳам ўйинни ўтказиб бўлмайди.

Дидактик ўйиннинг ўйин фаолияти сифатидаги ўзига хос хусусияти шундан иборатки, тарбиячининг болалар билан ва болаларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатлари ўйин тарзида бўлади. Тарбиячи ўйин қатнашчиси ёки унинг ташкилотчиси бўлади. Болалар кўпинча ўйин мазмуни билан белгиланадиган ва ўйин ҳаракатлари талаб этадиган бирон-бир ролни бажарадилар. Масалан, «Магазин» ўйинида билиш мазмуни шундан иборатки, харидор болалар ўзлари сотиб оладиган нарсаларининг белгиларини айтишлари, сотувчи болалар эса талаб қилинган нарсанинг нималигини харидор айтган белгилар бўйича билиб олишлари керак. Ўйин кузатувчанликни машқ қилиш, нутқни равон қилиш учун хизмат қилади. Ўйин ҳаракатлари кузатишдан, буюмни ҳар томонлама кўриб чиқиш, уни тасвирлаш ва бошқа буюмлар билан таққослашдан иборат. Ўйин қоидалари харидорнинг оладиган нарсасини танлаб олиши, сотувчига хушмуомала бўлиши, оладиган буюмни тасвирлаб бериши, уни ҳар томонлама кўриб чиқиш ва уни бошқа буюмлар билан таққослаши, белгисини айтиши ва пул тўлашидан; сотувчиларнинг вазифаси эса харидорлар гапираётганда уларни зўр эътибор билан тинглаш, сўзларини бўлмаслик, сўраган буюмларини олиб, қоғозга ўраб беришдан иборат бўлади.

Дидактик ўйин амалий фаолият бўлиб, унда болалар машғулотларда олган билимларидан фойдаланадилар. Бу жиҳатдан дидактик ўйиннинг аҳамияти шундан иборатки, у олинган билимларни турлича қўлланиш учун, ақлий фаолиятни кучайтириш учун ҳаётий шароит яратади. Бундай болалар йўл қўйган хатолар ва улар нимада қийналаётганлиги маълум бўлади. Тарбиячи бу хатоларни тузатиш ва қийинчиликларни енгишда болаларга ёрдам беради.

Кўпинча дидактик ўйинлар болаларнинг билимига бирон-бир янгилик киритмайди, ammo уларни ўз билимларини янги шароитда ишлата билишга ўргатади ёки улар кичкинтойлардан ақлий фаолиятнинг турли-туман шаклларини намоён қилишни талаб этади. Масалан, «Ажойиб халтача» ўйинида болалар ўзларига таниш бўлган ўйинчоқларни ўйнайдилар, лекин бу ўйинда болалар зиммасига ўйинчоқни тасвирлаб бериш вазифаси юкланади, бунинг учун эса бола ўйинчоқни бошдан-оёқ яхшилаб кўздан кечириши ва унинг ўзига хос белгиларини эслаб қолиши керак бўлади.

Дидактик ўйин жараёнида турли-туман ақлий жараёнлар фаоллашади ва ихтиёрий тус олади. Ўйин ғоясини тушуниш ва унга амал қилиш, ўйин ҳаракатлари ва ўйин қондаларини ўзлаштириш учун тарбиячининг гапларини яхшилаб тинглаш ва тушуниб олиш зарур. Ўйиндаги вазифалар диққатни бир жойга тўплашни, нарсаларни фарқ қилиш, таққослаш, умумлаштириш жараёнларининг фаоллигини талаб қилади.

Дидактик ўйин баъзи болаларнинг ақлий фаолиятидаги турли-туман қийинчиликларни енгишда бирдан-бир зарур восита ҳисобланади.

Якка тартибдаги дидактик ўйинни ташкил қилиш билан тарбиячи алоҳида муносабатлар учун қулай шароит яратади, ақлий фаолиятда орқада қолишнинг сабабларини аниқлайди, кўп машқ қилдириш билан бундай болаларнинг ўсиш даражасини оширади.

Дидактик ўйиннинг мазмуни ва турлари. Дидактик ўйиннинг мазмуни «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури»да баён қилинган ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) буюмлар, уларнинг номи, ранги, шакли, ҳажми, сифати ва ишлатилиши тўғрисида билимлар бериш;

б) меҳнатнинг ҳар хил турлари ва унинг кишилар ҳаётидаги роли тўғрисидаги билимлар;

в) табиат воқеалари, нарсалар, буюмлар, йил фасллари тўғрисидаги билимлар;

г) дастлабки математик тушунчалар: сон, саноқ, катталиқ, шакл, вақт ва фазовий тушунчалар бериш.

Дидактик ўйинлар, уларнинг таълим-тарбиявий вазифаси, мазмуни, турлари болалар боғчасининг таълим-тарбия дастурида ҳар бир ёш гуруҳлари бўйича ажратиб берилган. Дастурда ҳар бир ёш гуруҳининг ўзига хос руҳий физиологик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда дидактик ўйинларнинг туган ўрни ва вазифаси, мазмуни, ўтказиш услублари белгилаб берилган. Масалан, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган болалар билан ўтказиладиган дидактик ўйинлардан асосий мақсад — болаларни рангларни бир-биридан фарқлашга ва номини айтишга ўргатиш, ҳар хил ўлчамларни (катта, кичик), шаклларни (шарча, кубча) билишга, кўриб ва эшитиб идрок этиш, диққатни, майда ҳаракатларни ўстиришга ёрдам берадиган ўйинлар ўтказилади. Масалан, «Жуфт карточкалар», «Катталар

ва кичиклар» «Қўғирчоқни сайрга олиб чиқиш учун кийинтирамиз», «Қўғирчоқни чўмилтирамиз», «Бу ниманинг овози?», «Халтачада нима бор?» ва шунга ўхшаш ўйинлар.

Бундан ташқари, шу гуруҳда болаларни мусиқа товушларини фарқ қилишга ўргатиш учун мусиқавий дидактик ўйинлар ҳам ўтказилади.

Иккинчи кичик гуруҳда эса дидактик ўйинлар қуйидаги мақсадларда ўтказилади: болаларда дидактик ўйинчоқлар билан якка-якка ўйнаш кўникмасини ривожлантириш, жамоа ўйинлари ташкил этиш; нарсаларни фақат бир рангига қараб ажратиб олиш, катта-кичиклигига қараб фарқлаш; нарсаларни ҳам ранги, ҳам катта-кичиклигига қараб ажратиш; ҳалқачаларни ва кубчаларни мунтазам шаклда териб, улардан минорачалар ясаш; таниш буюмлар тасвирланган икки, тўрт бурчакли, олти бурчакли кесма расмлардан «Идиш-товоқларимиз», «Ўйинчоқлар» кабиларнинг тасвирини йиғиш; нарсаларни фарқлаш ва номини тўғри айтишга ўргатиш ва ҳ. к. Мусиқавий-дидактик ўйинларда эса мусиқа овозларининг баъзи бир хусусиятларини фарқ қилишга ўргатиш, қадам ва югуриш ритмини («Ким келаётир», «Сичқонлар югуришаётибди»), овоз ва чолғу асбоблари тембрларини («Мусиқавий ўйинчоқни ўйлаб топ», «Овозидан билиб ол») ажрата билишга ўргатиш вазифалари ҳам ҳал этилади.

Ўрта гуруҳда дидактик ўйинлар орқали болаларда эшитиш, кўриш, сезиш аъзолари ёрдами билан турли нарсалар ва уларни ясаш учун ишлатилган материалларнинг хоссаларини билиб олиш, нарсаларни ташқи кўринишга қараб бир-бирига таққослаш, гуруҳларга ажратишни ўргатиш вазифалари амалга оширилади.

Яна дидактик ўйин давомида болалар ўртага қўйилган масалани ҳал этишда сабр-матонатли бўлишга, қизиқувчанликка, диққат-эътиборлиликка одатлантириб борилади. Мусиқавий-дидактик ўйинлар орқали товушларни диққат билан тинглаб, баланд-пастиликка, ритмига, тембрига, динамикасига қараб бир-бирдан фарқ қила олишга ўргатиб борилади.

Катта гуруҳда дидактик ўйинлар қуйидаги вазифаларни ҳал этишни мақсад қилиб қўяди: кузатувчанлик, нарсаларни текшира билиш, бир-бирига таққослай олиш, уларнинг белгиларидаги кичик фарқларни (ранги, шакли, катта-кичиклиги, материални сеза билиш, нарсаларнинг жойланишидаги ўзгаришларни) айтиб бера олиш каби сенсор қобилиятларни тарбиялаш; бирон ҳайвон, ўсимлик, транспорт таъриф-тавсиф қилиб берилганда, уларнинг номини топа олиш малакасини ўстириш, болаларнинг умумий жасаввурини, буюмларни умумий белгиларига қараб гуруҳларга бўлиш қобилиятини ривожлантириш, сўз бойлигини фаоллаштириш ва тўлдириш; қисмлардан яхлит нарсалар (кубиклар, мозаика ва бошқалар) ясаш малакасини ўстириш.

Мусиқавий-дидактик ўйинлар орқали товушларни бир-би-

ридан фарқ қилишни ўргатиш, ритмик усулни ажрата олиш, ашулалар ва чолғу асбоблари овозининг тембрини фарқ қилиш («Ким куйлаяпти?», «Шиқилдоқли чилдирма»), овознинг динамикасини ажрата олиш («Тез, секин куйлаймиз») учун фойдаланиш каби вазифалар амалга оширилади.

Мактабга тайёрлов гуруҳида дидактик ўйинлар ҳамма ёш гуруҳларидаги каби алоҳида ўрин тутади ва бу гуруҳда дидактик ўйинлар орқали қўйидаги таълим-тарбиявий вазифалар амалга оширилади: болаларда дидактик ўйинларга қизиқиш уйғотиш, ҳар бир нарсани билишга ҳавас, кузатувчанлик, диққат-этибор, зийраклик, ақлий вазифаларни мустақил ҳал қилиш малакасини тарбиялаш. Уларга нарсаларни туркумларга бўлишда ёрдамлашувчи ўйинларни, домино, мозаиканинг ҳар хил турларини, шашка, сакровчи бирюлькалар, жумбоқ ўйинлар, огзаки ўйинлар («Денгиз тўлқинланмоқда», «Қора ва оқ»), ранглар ва улардаги нозик айирмаларни бир-бирдан фарқлашни ўргатадиган ўйинлар ўтказилади.

Мусиқавий-дидактик ўйинлар орқали эса болаларни товушларга диққат билан қулоқ солишга, уларнинг бир-бирдан баландлигини фарқ қилишга («Товушларни такрорла», «Икки металлафонни галма-гал чалиш» ва ҳ. к.), ритмик шаклини гавдалантириб беришга («Уз ритмингни ўйлаб ол», «Болалар ва филчалар»), чолғу асбобларини бир-бирига солиштиришга («Бизнинг оркестр», «Қанча чолғу асбоби бор эканини бил»), динамик фарқларни бир-бирдан ажратишга («Овчилар ва қуёнлар») ўргатади.

Дидактик ўйинларни қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Нарса ва ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар.
2. Стол стига қўйиб ўйналадиган ўйинлар.
3. Оғзаки дидактик ўйинлар.

Дидактик ўйинда болалар ҳар доим ўзларини ўйнаётгандек ҳис этишлари керак.

Нарсалар билан ўтказиладиган дидактик ўйинлардан тарбиячи болаларни нарсалар, уларнинг хусусиятлари ва бир-бирларидан фарқ қиладиган белгилари билан, уларни ушлаш усуллари билан таништириш воситаси сифатида фойдаланади.

Болаларнинг нарсалар, уларнинг сифати тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш учун ҳар хил ўйинчоқлар, суратлар, уй-рўзғор буюмларидан фойдаланилади.

Ўйинчоқлар билан ўйналадиган ўйинлар. «Халтачада нима бор?» ўйинининг мақсади ўйинчоқларнинг номлари билан таништириш ва бу ўйинчоқлар тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш, товушлар талаффузини машқ қилдиришдир. «Бу нима?» ўйинида болалар қўғирчоққа ҳар хил нарсалар ва уларни ишлатилиши тўғрисида гапириб берадилар. Бундай ўйин гуруҳда, боғча майдончасида, ухлаш хонасида ўтказилиши мумкин.

Дидактик ўйинларда тарбиячи болаларни фақат нарсаларнинг номи ва улар нимага кераклиги билан таништирибгина қолмай, балки шу нарсаларнинг шакли, ранги, катта-кичиклиги, фазода тутган ўрни билан ҳам таништиради.

Ҳар бир буюм ва ўйинчоқ ўзининг аниқ ташқи кўринишга эга бўлиши керак, ўйинда эса қўйилган мақсад нарсанинг асосий белгисини ажрата билишга имкон туғдириши лозим.

Бундай талабга халқ ўйинчоқлари ўз шаклининг аниқлиги, рангининг тиниқлиги билан кўпроқ жавоб бера олади.

Болаларни ўйлашга, ақлий вазифаларни бажаришга ундайдиган ўйинлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Болаларнинг ранг тўғрисидаги тушунчаларини мустаҳкамлаш ва аниқлаш учун қуйидаги ўйинлар ўтказилади: шарларни рангига қараб тўплаш, «Думалоқни думалатиш», халқачаларни ипга ўтказиш, «Шу рангдаги думалоқни думалат», «Қимда мана бу рангдаги халқача бор», «Қим мана бу рангдаги халтачани топа олади?» ва ҳ. к.

Шакл, ранг предметнинг асосий белгиларидандир. Шакл тўғрисидаги тушунчаларни «Халтачада нима бор?», «Нима ўзгарди?», «Ўйинчоқлар дўкони», «Қўғирчоқни кийинтирамиз», «Бу нима?» ва бошқа ўйинлар орқали аниқлаш ва мустаҳкамлаш мумкин.

Қўғирчоқ — болаларнинг энг сеvimли ўйинчоқларидан бири. Ҳар бир болалар бoғчасида дидактик жиҳозланган қўғирчоқ бўлиши керак. Қўғирчоқ жиҳозларига кийим, ички кийим, пойабзал, идиш-товоқ, мебель, ўйинчоқлар киради.

Қўғирчоқ билан қуйидаги ўйинларни ўтказиш мумкин: «Қўғирчоқни кийинтирамиз», «Қўғирчоқни сайрга отлантирамиз», «Қўғирчоқни меҳмон қиламиз», «Қўғирчоқлар байрами», «Қўғирчоқнинг туғилган куни», «Қўғирчоқни ухлатамиз».

Ўйинлар топишмоқлар билан қўшиб олиб борилганда қизиқарли ўтади. Масалан, «Қўғирчоқни ухлатамиз» ўйинида қўғирчоққа каравот тайёрлаётганда тарбиячи «Узун, юмшоқ, йўл-йўл...» (матрац), «Оқ, тоза, тўртбурчак...» (ястиқ), «Пахтали, иссиқ...» ёки «жунли, иссиқ...» (адёл) ва бошқа топишмоқларни айтиш мумкин. Қўғирчоқнинг каравоти тайёр бўлгандан кейин қўғирчоқни ётқизаётиб, «алла» айтади.

Мебелларнинг нимага ишлатилишини, ўйинчоқларнинг номини мустаҳкамлаш учун «Қўғирчоққа хона ясатамиз», «Қўғирчоққа ўйинчоқ совга қиламиз» каби ўйинларни ўтказиш мумкин.

Тарбиячи болаларни нарсалар, уларнинг номлари, белги, сифатлари, нимага ишлатилиши билан таништирибгина қолмай, муайян предметлар орқали уларни оддий турларга ажратишни ўргатиб боради; айниқ, қўғирчоқ, қуён — ўйинчоқлар; кастрюлка, тарелка, чойнак — идиш-товоқ.

Ўйинларни нарса ва буюмларни тасвирловчи расмлар орқали ҳам ўтказиш мумкин. Буларга «Бу нарса ўзи тўғрисида нима дейди?», «Қим биринчи бўлиб айтиб беради?» (болани

диққатини ривожлантиришга қаратилган қўғирчоқ, нарса ва уларнинг шакли, ранги тўғрисида), «Ким билади?», «Қайсиниси бир хил ва қайсиниси ҳар хил?» каби ўйинларни кўрсатса бўлади.

Болаларнинг табиат тўғрисидаги билимларини мустаҳкамлаш учун «Ҳидига қараб топ», «Мазасига қараб топ», «Ушлаб кўриб топ», «Ким нимани эшитяпти?» каби ўйинларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Кичик ёшдаги боғча болалари билан сўзли ўйинлар ўтказилмайди.

Катта ва тайёрлов гуруҳларида дидактик ўйинлар ўзининг мазмуни ва ғояси жиҳатидан анча мураккабдир. Бу ёшдаги болалар билан буюм ва расмлар билангина дидактик ўйинлар ўтказиб қолмай, сўзли дидактик ўйинлар ҳам ўтказилади. Буюмлар ва расмлар билан ўтказиладиган дидактик ўйинларда болаларнинг нарсалар сифати, хусусияти, нимадан ясалгани, қаерда қилингани, нима учун кераклиги ва ҳоказолар тўғрисидаги билими аниқланади ҳамда мустаҳкамланади. Бундай ўйинларга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин: «Нима нимадан ясалган?», «Гуруҳ хонасига саёҳат», «Овозига қараб топ» ва бошқалар.

Умумлаштиришга ўргатиш бўйича турларга ажратишни ўргатувчи ўйинлар катта ўрин эгаллайди. «Қайси фабрикада нима ишлар бажарилади?», «Фабрикада нима иш қилинади, далада нима етиштирилади?», «Кимга нима керак?», «Ким нима билан ишлайди?», «Қаерда ўсади?», «Саёҳат» (шаҳар бўйлаб, далага, мактабга ва ҳ. к.), «Почта» ва бошқалар.

Болалардаги дастлабки математик тасаввурларни ривожлантирувчи дидактик ўйинлар ҳам ўтказилади. Масалан, «Ким санашни билади?», «Юрамиз, юрамиз — тўхтаимиз!», «Бизнинг кун», «Йил фасллари» ва бошқалар.

Болаларни нутқини ривожлантириш учун қуйидаги ўйинларни ўтказиш мумкин: «Сўз қўш», «Оркестр», «Мана бу товушга сўз топ», «Мана бу сўзлардан гап туз», «Сўзлардан ҳикоя туз» ва ҳ. к.

Юқорида санаб ўтилган ҳамма ўйинлар жамоа ўйинларидир. Булар асосида яна бир қанча янги ўйинлар топиш мумкин.

Дидактик ўйинларга раҳбарлик. Бошқа ўйинлар сингари, дидактик ўйинларга ҳам тарбиячи раҳбарлик қилиши лозим. Биринчи навбатда дидактик ўйинни ва унга керакли материални танлаш керак. Ҳамма гуруҳлар дидактик жиҳозларга, бўйи 40, 50 см келадиган қўғирчоққа эга бўлиши лозим. Унинг жиҳозига қуйидагилар кирди:

- а) ички кийим, кўйлак, иштон, резинка, узун пайпоқ;
- б) пахмоқ, сатин, шойи кўйлак, фартук, сўлакча; қишлик пальто, кузлик пальто;
- в) бош кийимлар: шапкача, панама, қалпоқча, шляпача;

г) пойабзал: туфли, сандал, юмшоқ шиппак;

д) ётадиган ва ошхонада ишлатиладиган нарсалар — кўрпа-ёстиқ, матрац, адёл, чойшаб, кўрпа жилди, ёстиқ жилди, сочиқ, дастурхон, салфетка.

Бу ҳамма нарсалар ўзига мос рангда (қизил, пушти, тўқ қизил ва ҳ. к.) ҳар хил сифатли газмолдан тикилган ва номи ҳам ҳар хил бўлиши керак.

Кўғирчоқдан ташқари ҳар хил ҳайвонлар, қушлар, идиш-товоқлар ва транспортни акс эттирувчи ўйинчоқлар ҳам бўлиши керак.

Болалар боғчасида теварак-атроф билан таништириш дастурига мувофиқ бир қанча расмлар туркими бўлиши керак:

а) кишиларнинг полиздаги, уй шароитидаги меҳнатини акс эттирувчи, уларнинг меҳнатини енгиллатувчи машиналар расмлари;

б) кишиларнинг турар жойларини акс эттирувчи расмлар;

в) кишиларни сувда, қуруқликда, ҳавода олиб юрувчи воситаларнинг расмлари;

г) уй жиҳозлари: идиш-товоқ, мебель, маданият буюмлари, безакли буюмлар, ўйинчоқлар;

д) дастурхон, сочиқ, чойшаб, ёстиқ жилди, қишки, ёзги, баҳорги, кузги кўйлақлар, бош кийим, йил фаслларига қараб кийиладиган оёқ кийимлари;

е) истеъмол моллари; сабзавотлар, мевалар, уй маҳсулотлари, ширинликлар;

ж) уй ва ёввойи ҳайвонлар;

з) дарахтлар, буталар, гуллар ва бошқа ўсимликлар;

е) қушлар.

Бу расмлар секин-аста тўплаб борилади. Улар йирик (15—20 см) ва картон қоғозларга ёпиштирилган бўлиши керак.

Дидактик ўйинларда табиат материаллари ва оддий нарсалар ҳам ишлатилади.

Дидактик ўйинларга махсус ўрин ажратилиши ва болалар кун тартибидан маълум жой олиши керак. Дидактик ўйинларни машғулот билан боғлаб олиб боришни яхшилаб ўйлаб амалга ошириш лозим.

Бу ўйинлар машғулот ва ўйин соатларида ўтказилади. Уларни бутун гуруҳ болалари билан, кичкина гуруҳ ва алоҳида болалар билан ҳам ўтказиш мумкин.

Ўйиннинг мазмуни ва ундан келиб чиқадиган натижа олдиндан яхшилаб, аниқ ўйлаб олинади. Ўйиннинг гоёси ўйин ҳаракатлари, қондаси ва ўйиннинг бориши шунга боғлиқдир. Масалан, «Қим қандай қичқиради?» ўйинида ҳар хил вазифа қўйилиши мумкин:

1) болаларнинг ҳайвонлар товушини билиш-билмаслигини аниқлаб олиш;

2) ҳайвонлар тўғрисида тушунча бериш;

3) болалар ҳайвонларни товушидан таниб оладими-йўқлигини билиш.

Бу ўйиндан болаларга товушларни талаффуз қилишни машқ қилдириш мақсадида ҳам фойдаланиш мумкин.

Хар бир вазифа ўйинга ўзининг яхши гоёсини сингдиради.

Болаларни ўйин қондаси билан таништириш зарур. Кичик ёшдаги болаларга ўйиннинг ҳамма қондаси олдиндан айтиб ўтирилмайди. Ўйин давомида тарбиячи қондани ҳаракатлар билан боғлаб олиб боради. Бунинг учун у қондани қандай тартибда тушунтириб беришни олдиндан ўйлаб қўйган бўлиши керак.

Ўйиннинг қондаси унинг асл мазмунини аниқ очиб берадиган бўлиши керак.

Кичкина болалар ўйинларида ҳамма болаларга умумий бўлган қонда берилади.

Катта болалар ўйинларида эса ўйин қатнашчиларига ҳар хил қонда берилиши мумкин. Топишмоқ айтадиганлар учун бир хил қонда, топадиганлар учун бошқа қонда; қувлайдиганлар учун бир хил қонда, қочадиганлар учун бошқа қонда ва ҳ. к. Бу қондаларнинг ҳаммаси биргаликда болаларнинг ўйиндаги ахлоқини тартибга солиб туради.

Дидактик ўйинларда мажбурий қондалар жуда кўп учрайди: навбат билан ҳаракат қилиш, фақат сўраганда жавоб бериш, ўртоғига қулоқ солиш, ўйнаганда бошқаларга халакит бермаслик, қондани бажариш, ўз айбига иқрор бўлиш ва ҳоказо.

Дидактик ўйинларда болаларнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади. Бир хил болаларга қийин топишмоқ айтилса, бошқасига енгилроғи, осонроғи айтилади; ёмон гапирадиган болалар кўпроқ гапиришга жалб этилади. Бунинг учун ўйинни ўтказишдан аввал ҳамма болаларни яхшилаб эслаб, ҳар бирининг имконияти, ҳаракатларига қараб топишмоқ берилади, баъзи бир фаолроқ болаларга бошқаларни қизиқишини бўғмайдиган роль берилади.

Кичик гуруҳ болаларининг ўйинларида кўпинча тарбиячининг ўзи ўйинни бошлаб беради. У ўйинга роль, қонда ва синовчи йўл орқали раҳбарлик қилиши мумкин.

Ўйиннинг қондаси аниқ, жонли ва қисқа бўлиши лозим. Бундан кейин тарбиячи болаларга ўйинни қандай ўйналишини кўрсатиб беради.

Ўйиндаги суръат ва маром катта аҳамиятга эга. Ўйин секин олиб борилса, болаларни зериктириб қўяди. Жуда тез суръатда ўтказилган ўйин эса болаларни қаттиқ қўзғатиб, ҳаяжонлантириб юборади, натижада уларнинг ҳаракатларида аниқлик йўқолади, кўпинча тўполонлар бўлиб, болаларни бири бири билан тортишиб қолишига сабаб бўлади.

Айниқса болаларнинг ўйинларига баҳо беришда жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Дидактик ўйинга раҳбарлик қилишда ўйиннинг мақсад ва мазмунини белгилаш, ўйин гоёсини ўйлаб топиш, ўйин қондаси ва асосий ҳаракатларни тушунтириш, болалар ўртасидаги

муносабатни яхшилаш, тарбиявий таъсир орқали ўйинни бо-ришига раҳбарлик қилиб бериш ва бошқаларни ўз ичига олади. Агар ўтказиладиган дидактик ўйиннинг дастур маз-муни, вазифаси, тарбиявий жараёнда тутган ўрни, таълим ва ўйин шакллари билан ўзаро таъсирини олдиндан тўғри, аниқ белгилаб олинса, унга раҳбарлик қилишни муваффақиятли амалга ошириш мумкин. У болаларда билимга қизиқишни, мустақилликни ва ташаббускорликни ривожлантиришга қаратилган бўлиши, болаларни ўйин вазифаларини ҳар хил усуллар билан бажаришга ўргатадиган, уларда бир-бирига дўстлик, ўртоқлик, ўзаро ёрдам ва хайрихоҳлик ҳисларини тарбиялашга қаратилган бўлиши лозим.

Кичкина болаларга ўйин жараёнида ўйналаётган ўйин-чоқни, буюмни, материални ушлаб, тақиллатиб кўришга, бир жойдан иккинчи жойга қўйишга, қисмларга ажратиш ва уни яна йиғишга имкон беради. Аммо болалар битта нарсани жуда кўп марта талаб такрорлайверишларини эътиборга олиб, ўйин-ларни секин-аста баландроқ босқичга ўтказиб бориш лозим.

Илк ёшли болалар учун дидактик ўйин таълим бериш шакли ҳисобланади. Бу эса тарбиячидан болаларнинг билим-га қизиқишларини таъминлаш учун дидактик ўйинларни маш-ғулотларда маълум мақсадга қаратилган таълим бериш билан қўшиб олиб бориш талаб этилади. Иҳтиёрий диққат, кузатув-чанлик, кўриш, қулоқ солиш ва эшитиш, тарбиячининг кўрсат-малари ва уни бажариш ўйинга нисбатан кўпроқ машғулот-ларда муваффақиятли амалга оширилади.

Катта ва тайёрлов гуруҳларида ҳам таълим бериш дидак-тик ўйинлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилади, аммо бу ёшда болаларга машғулотлар орқали таълим бериш муҳим ўрин тутади, чунки, улар ўқув фаолиятининг энг оддий шакл-ларини, мунтазам билимларни машғулотларда эгаллаб ола-дилар.

Дидактик ўйинларда тарбиячининг сўзи, кўргазмалилик, болаларнинг ўйинчоқлар, буюмлар, расмлар билан бўладиган ҳаракати билан оқилона қўшиб олиб борилиши лозим.

Кўргазмалиликка қуйидагилар қиради: 1) ўйин асосини ташкил этувчи буюмлари; 2) буюмларнинг асосий белгилари, хусусиятини акс эттирувчи расмлар; 3) ўйин қондасини, ҳаракатини бажариб кўрсатиш.

Домино, лото (картондан ясалган), мавзули расмлар тур-куми, жуфт расмлар яратилган. Тарбиячининг ўйин ҳаракати кўрсатиб бериши, рағбатлантирувчи-контрол белгилар, фишкалар, жетонлар ҳам кўргазма воситаси ҳисобланади ва болалар ўйинини ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилишда қўлланилади.

Сўз билан тушунтириш орқали тарбиячи болалар диққати-ни жалб этади, тасаввурини аниқлайди, тажрибасини кенгай-тиради. Тарбиячининг нутқи болалар луғатини бойитади, таълимнинг ҳар хил шаклларини эгаллашга имкон туғдиради,

ўйин ҳаракатларини мукамаллаштиришга ёрдам беради. Тарбиячи болаларни хато камчиликларини тузатиш мақсадида ҳадеб танбеҳ беравермаслиги лозим. Бундай тушунтириш ва танбеҳлар болалар ўйинидаги жозибалиликни сўндиради, уларнинг ўйин фаолиятига бўлган қизиқиши йўқолади.

Тарбиячи болаларнинг ўйинига ҳар хил воситалар билан раҳбарлик қилади. Масалан, 1) ўйинда болалар билан биргаликда қатнашиб, уларга сездирмасдан ўйинни керакли томонга йўналтиради; 2) болаларнинг ташаббусларини қувватлаб туради; 3) ўйин муваффақиятидан улар билан биргаликда қувонади. У ўйинда қатнашмаслиги ҳам мумкин. Аммо тажрибали педагог бунини болаларга сездирмай бевосита амалга оширади, болаларнинг ўйин вақтидаги ҳаракатини қўллаб-қувватлайди.

Тарбиячи болаларнинг ўйинига раҳбарлик қилганда уни ташкил этишнинг ҳар хил шаклларидан фойдаланади. Агар ўйин ўз мазмуни ва тузилишига кўра, тарбиячининг болалар билан яқин муносабатда бўлишини тақозо қилса, унда тарбиячи болаларни ярим доира шаклида ўтказиб, ўзи ўртада ўтиради. Баъзан болалар стол атрофига ҳам ўлтиришлари мумкин. Баъзан гуруҳларга бўлиниб, ҳар хил жойларда ўлтиришади.

Дидактик ўйинни болаларнинг берган саволлари, таклифлари ва ташаббусларига қараб, ўйин жараёнида қутилмаганда кенгайтириш, унинг мазмунини бойитиш мумкин. Ўйинни белгиланган вақтда бошлаш ва тугатиш катта маҳоратдир. Тарбиячи ўйин вақтини ўзининг тушунтиришини камайтириш ҳисобига сиқиштиради.

Ўйинни тарбиячи болаларда ўйинга қизиқиш уйғотган ҳолда тугатиши керак, яъни болалар шу ўйинни яна давом эттиришни хоҳлаб қолсинлар. Тарбиячи шундай дейди: «Келгуси гал бундан ҳам яхшироқ ўйнаймиз». Ёки «Янги ўйин бундан ҳам қизиқроқ бўлади». Тарбиячи ўйиннинг янги вариантларини ишлаб чиқади.

Дидактик ўйинлар гуруҳ хонасида, залда, майдончада, ўрмонда, далада ва бошқа жойларда ўтказилиши мумкин. Бу ўйиннинг таъсирчанлигини, таассуротларнинг ҳар хиллигини, болаларнинг фаоллигини оширади. Шундай қилиб, дидактик ўйин мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим бериш воситаси бўлиб, уни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беради.

10-§. ЎЙИНЧОҚ ВА УНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДАГИ АҲАМИЯТИ

Ўйинчоқ бола ўйинининг зарур ҳамроҳидир. У боланинг ўйлаган мақсадини амалга оширишга, ролга киришга ёрдам беради, унинг ҳаракатларини рўёбга чиқаради. Қизча қўлида-

ги қўғирчоғи билан ўзини ҳақиқий «она» деб сезади. Ўйинчоқ ҳайвонлар боланинг цирк артистига, ҳайвонот боғи директори-га, чўпонга айланишига ёрдам беради.

Жамият ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва ўзгариши билан ўйинчоқ ҳам ўзгариб, такомиллашиб келди.

Ўйинчоқнинг вужудга келиш тарихи ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, у ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ пайдо бўлган экан. Ўша даврдаёқ болалар ҳар хил табиий материаллардан ва ўзларини ўраб турган нарса ва буюмлардан ўйинчоқлар ясаганлар. Масалан: маккажўхори сўтасидан, ёғочдан ёки тўқилган пўстлоқдан қўғирчоқ ва унга зираклар ясалган.

Қадимги мисрликларда ичига чўзилувчан нарса тиқилган чарм копток, ёғочдан ясалган ҳайвонлар, ўз қулини ураётган бой тасвирланган қўғирчоқ сақланиб қолган. Қадимги Юнонистон ва Римда фил суягидан ясалган қўғирчоқ, ҳайвон ва шунга ўхшашларнинг шакллари сақланиб қолган.

Синфий жамиятдаги ҳар бир ўйинчоқда ўша давр ҳукмрон синфининг ғояси, мафкураси ва курашаётган халқнинг мафкураси акс этади.

Қадимги Юнонистон урушларнинг ривожланиши билан ўсди. Шунинг учун ҳарбий ўйинчоқлар тайёрланганлиги табиийдир.

Ўрта асрларда черковни, монастирни, овчиликни, театрни акс эттирувчи ўйинчоқлар тайёрланган.

Буржуа жамияти пайдо бўлиши билан милтиқ, қилич, тўп, тўппонча каби ўйинчоқлар тайёрланган. Бойлар учун уларнинг ахлоқларини, одатларини акс эттирувчи ноёб ўйинчоқлар тайёрланади.

Бизнинг болаларимиз ўйинчоқларида халқимизнинг меҳнати ва турмуши ифодаланган. Бизда ўйинчоқларнинг таълим ва тарбиявий мақсадига катта эътибор берилади. Ўйинчоқнинг таълимий аҳамияти шуки, у болаларни ҳамма жумҳуриятларнинг халқлари, табияти, ҳайвонлари, машиналари билан таништиради.

Ўйинчоқнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, унинг мазмуни болалар қизиқишларининг шаклланишига таъсир этади, билим доираларини кенгайтиради.

Болаларни ўйин орқали бир жамоага осонгина бирлаштириш мумкин. Ўйинчоқнинг тарбиявий кучи яна шундаки, болалар ўйинчоқ билан боғлиқ бўлган нарсаларни ўйинда фаол ўзлаштириб оладилар. Ўйинчоқ бола ҳаётини мазмунли ва қизиқарли қилади.

Ўйинчоқ фақатгина битта болани фаоллаштириб қолмай, бутун жамоага таъсир этади. У болаларни қувонтиради ва уларнинг ўйин фаолиятларини маълум мақсадга йўналтиради. Ўйинчоқ болаларда бадий дидни тарбиялайди.

Бизнинг давлатимизда ўйинчоқ тайёрлаш билан энг яхши

рассомлар шуғулланадилар, махсус қарорга биноан 1932 йилда ўйинчоқлар илмий текшириш институти ташкил этилган. Ўйинчоқлар сони кўпайиши билан бир қаторда уни сифати ва хиллари ҳам яхшиланмоқда.

Халқ ўйинчоқлари ва уларнинг бадий, педагогик аҳамияти. Халқ ўйинчоқлари минг йиллардан буён болаларни тарбиялаб келган, у болалар ўйини бўлиб, уларнинг муҳаббати билан синалган.

Ҳар бир халқнинг ўйинчоғи ўзининг педагогик, бадий ва амалий анъанасига эгадир. Бу анъана, бир томондан, ҳар бир миллатнинг ўзига хос бўлган миллий маданияти, турмуши, педагогикасини ўзида акс эттиради.

Ўйинчоқ боланинг теварак-атрофни билишга бўлган қизиқишидан уни ижодий ўзгартиришга интилишидан келиб чиққан. Шунинг учун ҳам ўйинчоқнинг асосий мазмуни теварак-атрофдаги ҳаёт, турмуш, онла меҳнати ва катталарга тақлид қилишдир.

Халқ ўйинчоғида ўйлаб топилган нарса йўқ. Халқ ўйинчоғи — халқнинг болани қизиқиши ва талабларини яхши биладиган, унинг ички дунёсини яхши тушунадиган нозик руҳиятидан дарак беради.

Халқ ўйинчоқлари усталари ҳар бир ёш учун керак бўладиган ўйинчоқларнинг асосий турларини яратишган. Эмизикли болалар учун шиқилдоқлар, копток, гардиш кабилар энг қадимги ўйинчоқлардан ҳисобланади.

Халқ ўйинчоқлари болаларни қувонтирибгина қолмай, уларни эстетик жиҳатдан ривожлантиради, қизиқишларига кенг йўл очади, болани теварак-атроф билан таништиради, техникага, меҳнатга бўлган ҳавасини оширади.

Халқ ўйинчоқларининг ясалиши содда, боланинг онгига мос, техника ва механиканинг оддий қонунлари асосида ишланган.

Ҳар бир ўйинчоқни мазмуни ўзига хос бўлиб, бу мазмунга ўша халқнинг урф-одатлари уйғунлашиб кетган бўлади.

Халқ ўйинчоқлари болалар ҳаётига аллақачон сингиб келган ва шу қадар оддий бир воқеа бўлиб қолганки, унинг халқ ижоди маҳсули эканлигини махсус суратда кўрсатиб ўтиш зарур.

Ўзбек халқ ўйинчоқлари рангини чиройлилигини ҳамда бежиримлиги билан ажралиб туради, бу сифатлар эса болаларнинг кўзини ва дилини қувонтиради. Халқ ўйинчоқ орқали ўзининг дунёқарашини, дидини ифодалайди.

Ўйинчоқларга педагогик, гигиеник, эстетик (бадий) талаблар қўйилади.

Ўйинчоқларга қўйиладиган *педагогик талаблар*: ўйинчоқ болаларни жамоачилик руҳида тарбиялаш, ўз хоҳишини ўртоқлари хоҳишига мувофиқлаштириш, болаларнинг тажрибаларини ўзаро бойитиш каби мақсадларга мувофиқ келиши лозим.

Ўйинчоқ ҳамма миллат халқларига ҳурмат ҳиссини тарбиялаши лозим. Бунинг учун миллий сифатларни, ҳамма миллат халқлари маданияти, турмушини акс эттирувчи ўйинчоқлар ва қўғирчоқлар яратилиши лозим.

Гигиеник талаблар. Ўйинчоқ болани жароҳатламайдиган, тимдаламайдиган, кесмайдиган, болага ҳеч қандай зарар etkazмайдиган қилиб яратилиши лозим.

Ўйинчоқ бола соғлиғига зарар келтирмаслиги, чиройли, ҳар хил рангларда бўлиши лозим. Бола ўйинчоқни жуда кўп огзига олади, шу сабабли унга ўйинчоқни огзига солмасликни тайинлаш керак, акс ҳолда ундаги заҳарли моддалар бола организмга ўтиши мумкин.

Ўйинчоқлар гигиеник томондан осон тозаланадиган қилиб ясалиши керак.

Бадий талаблар. Ўйинчоқ гўзаллик қонуниятлари асосида яратилган бўлиши лозим.

Ўйинчоқ воқеликни ҳар томонлама акс эттириши керак.

Ўйинчоқдан болалар ҳар хил ўйинларида фойдалана олишлари, уларнинг ижодий қобилиятларини уйғотиши керак. Қўйлаги ечилмайдиган, сочини тараб бўлмайдиган қўғирчоқларни болалар ёмон кўришади.

Ўйинчоқ кулгили, хушчақчақ ва соғлом юморли бўлиши, лекин карикатура тарзида бўлмаслиги зарур.

Ўйинчоқ болаларни ижод қилишга ундаши, уларнинг ижодий хаёллари, қуриш-ясаш қобилиятларини ривожлантириши лозим.

Ўйинчоқ болаларнинг қизиқишларига мос бўлиши ва айти вақтда бу қизиқишларни тарбиялаши, болалар диққатини халқ томонидан яратилган янги нарсаларни тушуниб олишга йўналтириши лозим.

Ўйинчоқ болаларнинг фаолликка интилишларини қаноатлантириши, бой мазмунли ўйинларнинг пайдо бўлишига ёрдам бериши керак.

Ўйинчоқларнинг асосий турлари. Ўйинчоқлар мавзун, шакли, тузилиши, қандай материалдан тайёрланганлиги, болалар ўйинларида қандай мақсадларда қўлланилишига кўра турли-тумандир.

Ҳозирги педагогик адабиётларда ўйинчоқлар қуйидаги хилларга бўлинади:

1. Сюжетли, сюжетли-образли ўйинчоқлар.
2. Дидактик ўйинчоқлар.
3. Ҳаракатли ва спорт ўйинларида фойдаланиладиган ўйинчоқлар.
4. Қуриш-ясаш ўйинчоқлари.
5. Эрмак ўйинчоқлар.
6. Техника ўйинчоқлари.
7. Спорт-моторли ўйинчоқлар.

Сюжетли ўйинчоқ — бу бирон нарсанинг образини тасвирлаган ўйинчоқдир, шунинг учун уни баъзан «образли ўйинчоқ» деб ҳам аташади.

Сюжетли ўйинчоқда кишилик жамиятининг ҳаёти, унинг турмуши, маданияти, техникаси акс эттирилади. Бу ўйинчоқ кичик болалар ҳаётида жуда катта ўрин эгаллайди, чунки кичкина бола образ орқали фикрлайди, ўйинчоқнинг сюжетли бўлганлиги боланинг қизиқишини ўзига тортади. Бундай ўйинчоқлар (қўғирчоқ, айиқча ва бошқа жонли нарсаларни тасвирловчи ўйинчоқлар) болаларнинг ажралмас йўлдошидир.

Қўғирчоқ — болаларни энг сеvimли ўйинчоғидир. У болада ҳар хил ҳис-туйғу ва кечинмалар уйғотади. Уйин вақтида болалар ўйинчоқни жонли нарсага айлантирадилар. Қўғирчоқ билан ўйнаш болаларнинг ахлоқ нормаларини ўзлаштириб олишига ёрдам беради, болалар ўйинининг мазмунлироқ бўлишини таъминлайди. Бола қўғирчоқ билан ўйнаганда чинакам қувонади, рostaкам қайғуради. Бу эса қўғирчоқни боланинг сеvimли машғулотига айлантиради, шу билан бирга у тарбиявий томондан ҳам жуда қимматлидир.

Қўғирчоқ инсон образини тўғри акс эттириши лозим.

Сюжетли ўйинчоқлар ичида ўйинчоқ мебель, идиш-товоқ, кийим-бош каби уй жиҳозларини тасвирловчи ўйинчоқлар ҳам бўлса, болаларни ўйини янада мазмунлироқ ва қизиқарлироқ ўтади.

Сюжетли ўйинчоқларга баъзи бир халқ ўйинчоқлари ҳам киради. Халқнинг сюжетли ўйинчоқларида асосан эртақлар ва улардаги образлар тасвирланган бўлади.

Халқ ўйинчоқларида болани хурсанд қилишга, унда хушчақчақ кайфиятни уйғотишга интилиш яққол ифодаланган бўлади.

Моторли-спорт ўйинчоқлари ҳаракат билан боғлиқ бўлган ўйинларда қўлланилиб, болаларнинг жисмоний ривожланишига ёрдам беради. Буларга копток, тизгин, сакрайдиган арқон, гардиш, кегли киради. Бу ўйинчоқлардан асосан сайр вақтида очиқ ҳавода ўйнаганда фойдаланилади.

Дидактик ўйинчоқлар болаларга билим бериш ва ақлий томондан ривожлантиришга қаратилган.

Бу ўйинчоқлар ўзининг жозибалилиги ва ранг-баранглиги билан ажралиб туради.

Қуриш-яаш учун мўлжалланган мозаика, ёғочлар каби стол устида ўйналадиган ўйинчоқлар ҳам дидактик ўйинчоқларга киради. Кегли — бутилкага ўхшаш нарса бўлиб, уни тик қўйиб, соққа билан уриб туширилади. Стол усти босма ўйинлари: лото, турли расмлар, кубиклар — дидактик ўйинларнинг махсус турини ташкил этади.

Ҳар қандай дидактик ўйинда албатта ақлий вазифа қўйилиши лозим. Бир хил ўйинчоқлар орқали болалар ранглар

билан таништирилса, бошқалари орқали эса шакл, катта-кичиклик билан таништирилади ва ҳоказо.

Қуриш-ясаш ўйинчоқлари. Буларга турли хилдаги конструкторлар, кубиклар, стол усти қурилиш материаллари киради. Бу ўйинчоқлар болалардаги қуриш-ясаш қобилиятларини ривожлантиради ҳамда ижодкорликка интилиш уйғотади.

Эрмак ўйинчоқларга ўйинчоқ-ҳуштак, ёрқин бўёқлар билан бўялган қўй, фил ва шерлар, ичига сув солиш мумкин бўлган сопол ўйинчоқлар (буларга қўйилган сув ҳайвоннинг оғзидан тушади), ҳар турли ўйинчоқ асбоблар; дутор, доира ва ҳоказолар киради. Муסיқавий ва ҳар хил товуш чиқарадиган ўйинчоқларни ҳам шулар жумласига киритиш мумкин.

Театрлашган ва декоратив ўйинчоқларга болаларнинг соя ва қўғирчоқ театри, стол устида кўрсатиладиган театр, сахналаштирилган ўйинлар учун костюмлар, шунингдек, арча ва хоналарни безатадиган ўйинчоқлар киради.

Ясама ўйинчоқлар. Болалар ўзлари ўйинчоқ тайёрлай оладиган материал жуда қимматли материал ҳисобланади (қум, лой, ҳар хил табиат материали ва ҳоказолар). Улардан ясама ўйинчоқлар тайёрлаш мумкин. Ясама ўйинчоқлар катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, улар болаларнинг ижодий фикрларини ривожлантиради, қийинчиликни енгишга ўргатади, зеҳнларини ўстиради, чидамлилиқни, сабр-тоқатни тарбиялайди. Тарбиячи раҳбарлигида бола ўйинчоқ тайёрлаётиб, ўзи ишлаётган материалнинг хусусиятини, унинг кўринишини ўзгартириш мумкинлигини билиб олади.

Ясама ўйинчоқлар учун қоғоз ва картон, табиат материали — пўстлоқ, дарахтларнинг мевалари, данаги, жўхори сўтаси ва бошқа ташландиқ қутичалар, ғалтаклар, латта қийқим, арқонча ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Ҳар бир тарбиячининг ўзи ўйинчоқ ясашни билиши ва унга болаларни ҳам ўргатиши лозим. Бундай ўйинчоқлар тайёрлашда кичик гуруҳ болалари бирон нарсани ушлаб туриш ёки бериб туриш билан қатнашишлари мумкин. Катта болалар эса бундай ўйинчоқларни ўзлари тайёрлай оладилар.

Ҳар хил гуруҳларга қараб ўйинчоқ танлаш. Кичик болаларнинг ўйинлари ўйинчоқ билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

1) Болалар ўйинларида қўғирчоқ жуда аҳамиятли ўрин тутади. Бу болалар учун юмшоқ, қўйлаги чиройли қилиб ясалган, боши ва қўли бор қўғирчоқлар танланади. Бу ёшдаги болалар қўғирчоғининг кийими осон ечиладиган ва кийиладиган бўлиши керак, чунки улар қўғирчоқни мустақил ечинтириб-кийинтира олмайдилар.

2) Гуруҳда айиқ, қуён, мушук болалари гингари образли ўйинчоқлар бўлиши керак, чунки болалар ўйинининг мазмунини мана шу ўйинчоқлар белгилайди.

3) Кичик гуруҳда болаларнинг ҳаракатларини ривожлантирадиган ва мукаммаллаштирадиган ўйинчоқлар бўлиши

керак. Масалан, думалатиш, отиш, иргитиш учун катта коптоклар, бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш учун арава-чалар. Булар ҳаммаси болалар мускулларини тараққий эттиришга қаратилган.

4) Кичик гуруҳда жуда кўп турли-туман ўйинчоқлар бўлмаслиги керак, чунки булар болалар диққатини тўплашга халақит беради.

5) Ўйинчоқлар ҳамма болаларга етарли бўлиши, битта бола ҳам ўйинчоқсиз қолмаслиги керак.

6) Кичик ёшдан бошлаб болаларни ўйинчоқларини тартибли қолдиришга ўргатиш керак, чунки болаларни интизомга, тартибга, атрофдагиларнинг меҳнатини ҳурматлаш, нарсаларни асраб-авайлаб ишлатишга ўргатиш шу пайтдан бошла-нади.

Катта гуруҳ болаларига қўғирчоқнинг тўла жиҳозланган хонаси бўлиши керак: унда мебель, идиш-товоқ, кийим, радио, телевизор, телефон ва ҳоказолар бўлади. Бу ёшдаги болалар битта қўғирчоқ-бола билан қониқишмайди. Буларга ҳар хил турдаги ўйинчоқлар: қўғирчоқ-бола, катталар акс эттирилган қўғирчоқ, қўғирчоқ-ўқувчи, қўғирчоқ-денгизчи ва бошқалар керак бўлади.

Бу ёшдаги болалар ўйинларида ҳайвонларни акс эттирувчи ўйинчоқлар катта ўрин тутаяди, булар мажмуи билан бўлиши керак (масалан, уй ҳайвонлари тўдаси боласи билан).

Шунингдек, транспортни акс эттирувчи ўйинчоқлар, коптоклар, гардишлар, шарлар, қурилиш материаллари ҳам бўлиши керак.

Катта гуруҳ болалари асосан биргаликда ўйнашади, шунинг учун улар комплекс ўйинчоқларни ёқтиришади. Масалан, «Уй ҳайвонлари» деган ўйинчоқ мажмуи болаларда биргаликда ошхона, молхона ёки қўйхона қуриш истагини уйғотса, қурилиш материали эса биргаликда уй, гараж ва бошқалар қуришга ундайди.

Тайёрлов гуруҳи болалари учун ўйинчоқ танлаш жуда қийин ва масъулиятлидир, чунки бу ёшдаги болалар ўз ўйинларида борлиқни ҳақиқий акс эттиришга уринадилар.

Узоқ жойларга саёҳат, мактаб, театр, жангчи ва бошқалар бу ёшдаги болаларнинг сеvimли ўйинлари ҳисобланади.

Бу ёшдаги болалар ўйинчоқларни ўзлари ясаб олишга уринадилар, бу хоҳиш тарбиячи томонидан рағбатлантири-лиши керак.

«Кичкина тикувчи», «кичкина қўл ҳунари» каби ишлар тайёрлов гуруҳи болаларининг кун тартибидан ўрин олиши керак.

Бу ёшдаги болалар чаққонлик, абжирлик каби хусусиятларни талаб этувчи ўйинларни севишади. Шунинг учун бу болалар кегли, крокет, городки каби ўйинчоқларга эга бўлишлари лозим.

XI б о б. БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1-§. БОГЧАДА БОЛАЛАР ҲАЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Физиология, гигиена, психология, педагогика соҳасида олиб борилган илмий-тадқиқотлар натижасида болалар боғчаларида кичкинтойлар ҳаётини ташкил этишнинг қуйидаги принциплари юзага келди:

1. Ҳар бир ёш гуруҳида болаларни жамоачилик руҳида тарбиялаш ва ҳар бир боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган бир хил шарт-шароитлар яратиш.

2. Болаларни ёш гуруҳларига тақсимлашда ҳар бир гуруҳга фақат бир хил ёшдаги болаларни танлаш ва шунга қараб таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш.

3. Болаларнинг ҳар хил фаолият билан шуғулланишлари ва бир-бирлари билан мулоқотга кириша олишлари учун зарур бўлган моддий муҳитни яратиш. Бунинг учун гуруҳ хонаси ва майдончани гигиеник, педагогик, эстетик талаблар даражасида керакли асбоб-анжомлар билан таъминлаш.

4. Болаларнинг ёшига мос кун тартибига риоя қилиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш.

5. Болалар шахсини шакллантирадиган фаолият турларини (ўйин, меҳнат, таълим) ташкил этиш ва бу фаолиятлар учун кун тартибидан маълум вақт ажратиш.

Болаларнинг ҳар хил фаолиятларини илмий асосланган принциплар асосида алмаштириб бориш болалар боғчасининг ҳар хил ёш гуруҳларида болалар ҳаётини тўғри ташкил этишни таъминлайди.

2-§. БОЛАЛАРНИНГ ҲАР ХИЛ ФАОЛИЯТЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВАЗИФАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА УНГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

Болаларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлашга қаратилган педагогик жараён мураккаб ва ранг-барангдир.

Тарбия масалалари таълим-тарбия ишининг ташкилий шакллари, болалар фаолиятининг ҳар хил турлари: машғулотларда таълим бериш орқали, ижодий ва қондали ўйинлар, болаларнинг мустақил фаолиятлари, уларнинг ўз меҳнати ва катталар меҳнати билан таништириш орқали, ўз-ўзига хизмат қилиш, сайрлар ўтказиш гигиеник тадбирлар орқали амалга оширилади.

Таълим-тарбия ишларини муваффақиятли амалга ошириш болалар боғчасидаги педагогик жараёни, ҳар бир фаолият турини тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

Болалар боғчасининг педагогик жараёнида таълим муҳим аҳамият касб этади ва у кундалик ҳаётда, ўйинда, меҳнатда, машғулотлар орқали амалга оширилади. Машғулотда таълим

ва тарбия вазифалари ҳал этилади. Болалар теварак-атрофдаги ҳаёт ва табиат билан танишиш, нутқни ўстириш ва савод ўрганиш, математика, жисмоний маданият, тасвирий фаолият, мусиқа бўйича энг оддий тасаввур ва билимларни, малака ва кўникмалар системасини эгаллаб оладилар. Болалар эгаллаб олишлари керак бўлган билим, малака ва кўникмалар болалар богчаси дастурида белгилаб берилган бўлиб, у болаларнинг умумий ривожланишида ва уларни мактаб таълимига тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Машғулотларда таълим бериш дидактика принциплари асосида болаларнинг ёш ва ўзинга хос хусусиятларини эътиборга олиб маълум изчилликда олиб борилади, мазмуни секин-аста мураккаблаштириб борилади. Натижада у ривожлантирувчи ва тарбияловчи хусусиятга эга бўлади.

Дастурда ҳар бир ёш гуруҳида ҳафта давомида ўтказиладиган машғулотлар сони ва ҳар бир машғулот қанча давом этиши белгилаб қўйилган. Тарбиячи мана шунга асосланиб, ўзининг ҳафталик машғулотлар жадвалини тузиб олади, бу таълимнинг ҳамма бўлимлари бўйича белгиланган таълим-тарбия ишларини тўғри тақсимлаш ва бир хилда амалга оширишга имкон яратади. Машғулотлар жадвалини тузишда қуйидаги талабларга риоя қилиш керак:

1. Дастурнинг ҳамма бўлимлари бўйича машғулотларни ҳафтага тенг тақсимлаш.

2. Ҳафтанинг биринчи ва охириги кунига осонроқ машғулотлар қўйилади.

3. Ҳафтанинг сешанба, чоршанба ва пайшанба кунларида болалардаги ақлий фаолият тезлашади, шунинг учун бу кунларга мураккаброқ ишлар режалаштирилади.

4. Кун давомида биринчи бўлиб болалардан ақлий зўр беришни кўпроқ талаб этадиган, кам ҳаракатли машғулотлар режалаштирилади (теварак-атрофдаги ҳаёт ва табиат билан таништириш, она тили, математика). Иккинчи машғулотга энгилроқлари: тасвирий фаолият, жисмоний тарбия, мусиқа машғулотлари ва шунга ўхшашлар режалаштирилади.

5. Кун давомида машғулотлар қуйидагича тартибда алмаштириб борилади: математика ва жисмоний тарбия, она тили ва тасвирий фаолият ва ҳоказо.

Машғулотларни бундай тақсимлаш болаларнинг дастур материаллари энгилроқ ўзлаштириб олишига имкон яратади.

Ўйин болаларнинг муҳим фаолияти ҳисобланади. У болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишида, шахс сифатида шаклланишида ва болалар жамоасининг ташкил топишида муҳим аҳамият касб этади. Ўйин болага қувонч бағишлайди, ижобий ҳис ва кечинмаларини, ҳаётдан олган таассуротларини акс эттиради. Ўйин мазмуни бола шахсининг шаклланишига муҳим таъсир кўрсатади, шунинг учун катталар болалар ўйинига раҳбарлик қилаётиб, уларда теварак-атрофдан ола-

ётган таассуротлари ижобий томонини акс эттириш хоҳишини уйғотишлари керак.

Тарбиячи болалар ўйинига раҳбарлик қилар экан, уларнинг теварак-атрофдаги ҳаёт тўғрисидаги билимларини бойи-тади (бу орқали ўйин мавзуси, мазмуни, сюжети бойийди), болаларнинг ахлоқий ҳисларини, ўзаро ижобий муносабати ва одатларини тарбиялайди. Уйиндан болалардаги ўзаро ўртоқлик, дўстлик, бир-бирига ёрдам кўрсатиш хислатларини тарбиялашда ва болалар ҳаётини ташкил этиш шакли сифа-тида фойдаланади.

Болаларнинг ўйин билан шугулланиши ва меҳнат қилиш-лари учун керакли материаллар билан таъминлайди, шу орқали болалар ўйинининг меҳнат билан уйғунлашиб кетишига эришади.

Тарбиячи болаларнинг сюжетли-расмли ўйинларининг ҳам-ма хилини сюжетли-ролли, қурилиш драмалаштирилган таби-ий материаллар билан ўйнайдиган қилиб ташкил этади. Болаларга ўйин ҳаракатларини ўргатади, тенгдошлари билан бўладиган муносабатларда ҳаққонийлик принципига риоя қи-лишни уқтиради. Шу билан бирга у болалардаги ижодкор-лик, ташаббускорлик, фаоллик ва бошқа хислатларни қўл-лаб-қувватлайди.

Ижодий ўйинлар эрталабки қабул пайтида, куннинг бирин-чи ва иккинчи ярмидаги сайрда, яъни машғулотдан ташқари ҳамма вақтда ташкил этилаверади.

Режимда қоидали ўйинлар катта ўринни эгаллайди. Маш-ғулотларда ва машғулотдан ташқари вақтда ўйналадиган дидактик ва ҳаракатли ўйинлар муҳим роль ўйнайди. Тар-биячи болаларнинг сенсор ривожланишини, ақлий тарбия-сини, билиш жараёнларини дидактик ўйинлар орқали амал-га оширади. Ҳаракатли ўйинларда болаларнинг жисмоний маданиятини тарбиялаш учун яхши шарт-шароит яратиш ке-рак.

Ҳаракатли ўйинлар эрталабки ва кечки сайр соатларида ташкил этилиб, кунига 1—2 марта бутун гуруҳ, ёки гуруҳча билан ўтказилиши керак. Урта ва катта гуруҳларда турли хил спорт ўйинлари ўтказиб турилади. Ҳамма ўйинлар учун кун тартибидан вақт ажратиш ва керакли материаллар билан таъминлаш тарбиячининг зиммасига юклатилган.

Кун давомида бир неча марта: эрталабки қабул вақтида, эрталабки ва кечки сайрда болаларнинг мустақил фаолиятла-ри ташкил этилади. Болалар ўзларига таниш бўлган дидак-тик ва ҳаракатли ўйинларни ўйнайдилар, хоҳлаган расмлари-ни чизадилар, хоҳлаган нарсаларини (пластилиндан) ясади-лар, китоблар, расмларни томоша қиладилар, хоҳлаган ба-дий асарларини тинглайдилар.

Болаларнинг мустақил фаолияти улар учун дам олиш соа-ти ҳисобланади, аммо иш билан бир вақтда болаларнинг ўз-ўзини ташкил эта билиш қобилияти ўсишига, хулқ маданияти

иродавий сифатларининг тарбияланишига, жамоа муносабатларининг шаклланишига ёрдам беради. У ҳар хил фаолиятларда болалардаги ўзига хос ижодкорликнинг ривожланишига кенг имконият яратади. Шунинг учун болаларнинг мустақил фаолиятига ҳам тарбиячининг раҳбарлик қилиши тақозо этилади: чунки хоҳлаган иши билан шуғулланишига имкон яратиш, керакли материал ва асбоб-ускуналар билан таъминлашда ёрдам бериш, тарбиячининг маслаҳати лозим бўлади.

Кун давомида системали равишда меҳнат фаолияти ташкил этилиб, болалар катталарнинг меҳнати билан таништириб борилади. Бу иш машғулотларда, экскурсияларда, мақсадли сайрларда, болаларнинг катталар билан биргаликдаги меҳнатида амалга оширилади. Бунда болаларнинг асосий эътибори меҳнатнинг инсонлар учун фойдасига, унинг хилма-хиллигига, ишлаётганларнинг ахлоқий муносабатларига қаратилади.

Болаларнинг овқатланишга, машғулотга тайёрланишлари, табиат бурчагида навбатчилик вазифасини бажаришлари, уларда топшириққа нисбатан жавобгарлик ҳиссини ривожлантиради, шу билан бирга ижтимоий ҳис ва муносабатларни шакллантиради.

Навбатчилик иккинчи кичик гуруҳда йилнинг иккинчи ярмидан бошланади ва ҳамма ёш гуруҳларида давом этади. Катта гуруҳ болаларининг қўл меҳнати, табиатдаги меҳнати, хўжалик-маиший меҳнатлари ҳар куни эрталабки соатда эрталабки ва кечки сайрда системали равишда ташкил этиб борилади. Ҳафтасига бир марта бутун гуруҳ иштирокида болаларнинг жамоа меҳнати ташкил этилади, машғулотларда қўл меҳнатининг янги тури ўргатилади. Меҳнат жараёнида болаларнинг меҳнат қилиш малака ва кўникмалари такомиллашади, кузатувчанлиги ривожланади, қизиқишлари ортади, меҳнатсеварлик, жавобгарлик, бурч ҳисси каби ахлоқий сифатлари шаклланиб боради.

Болаларнинг меҳнат фаолиятини уларнинг жисмоний ва ақлий фаоллигини ўстирадиган қилиб ташкил этиш керак. Бунинг учун уларни ҳамма керакли материаллар ва меҳнат қуроллари билан таъминлаш лозим. Ўз-ўзига хизмат болалар меҳнатини ташкил этиш шаклларида бири ҳисобланади.

Кичкина гуруҳдан бошлаб болалар мустақил кийиниш ва ечинишга ўргатилади. Катта гуруҳ болалари ўзларини ҳар доим батартиб (ташқи кўриниши, сочи, кийимлари, оёқ кийими) тутишлари керак. Улар ўйинчоқларни, китобларни, иш қуролларини ўйин ва машғулотдан кейин жой-жойига йиғиштириб қўядилар.

Ҳар куни эрталабки машғулотдан кейин, кундузи уйқу, кечки нонуштадан кейин сайр уюштирилади. Сайрда ижодий ўйиннинг ҳамма турлари, болаларга таниш ва янги қондалар,

Ўйинлар ташкил этилади. Болаларнинг ўйин, меҳнат, мустақил фаолиятларига раҳбарлик қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Тарбиячи болаларнинг хилма-хил мустақил фаолиятлари учун шарт-шароит яратади: керакли материал, асбоб-анжомлар, ўйинчоқлар билан таъминлайди, майдончада, гуруҳ хонасида ўйин учун жой тайёрлайди.

Ўйин ва машгулотлар ўтказиладиган жой гигиеник жиҳатдан талабга жавоб бериши (ёруғ, озода, яхши шамоллатилган, нам латта билан поллари артилган, ҳаво температураси нормал бўлиши) керак.

Сайрда табиатни, катталар фаолиятини, ижтимоий ҳаёт воқеаларини кузатиш имкони яратилади. Сайр бошланишида болаларнинг мустақил хатти-ҳаракат қилишлари: югуриш, ўтириш, гаплашиш ва томоша қилиш учун шароит мавжуд бўлади. Кейин ҳаракатли ўйинлар, болаларнинг мустақил фаолиятлари, меҳнат, кузатиш, турли-туман ижодий ўйинлар ташкил этилади.

Болалар боғчасида болалар турмушини ташкил этишга катта эътибор берилади. Ҳар бир ёш гуруҳида ташкил этилган кун тартиби болаларнинг уйқуга, овқатга, фаол меҳнат қилишга бўлган талабини тўла қондириши, болаларда ижобий ҳиссий қайфиятни сақлаш, болалар ва катталар ўртасида тўғри муносабат ўрнатиш учун керакли шарт-шароит яратилиши керак.

Амалга ошириладиган тадбирларда тарбиячи болаларда маданий-гигиеник малакаларни: ижтимоий хулқни, хатти-ҳаракатлар маданиятини тарбиялаб боради.

Боланинг соғлом бўлиб, тўғри ривожланиши учун тинч ва чуқур, керакли уйқу муҳим аҳамиятга эга.

Тарбиячи гуруҳ хонасида болаларни уйқуга ётқизгандан кейин хонанинг шамоллатилган бўлишини, тинчликни таъминлайди. Болаларнинг уйгонганларини секин-асталик билан турғозиш керак.

Бола организмнинг ўзгарувчан ташқи таъсирларга чидамлилигини ошириш мақсадида ҳар хил чиниқтирувчи тадбирлар: ҳаво, қуёш, сув ваннаси билан чиниқтириш амалга оширилади.

Бунга чиниқтирувчи тадбирлар вақтини секин-аста кўпайтириб бориш, сув температурасини пасайтириб бориш, кундузи уйқуни очиқ ҳавода ташкил этиш, болалар кийимларини энгиллатиб бориш орқали эришилади. Болаларнинг кундузи ва кечки соатларда очиқ ҳавода бўлишларини таъминлаш уларнинг соғлом, баркамол бўлиб ўсишларида катта аҳамиятга эга.

Болаларнинг очиқ ҳаводаги фаолиятларини қизиқарли ва мароқли ўтишини таъминлаш учун ҳар хил ўйинлар, спорт эрмак ўйинлари, кузатиш ва меҳнат фаолиятларига керакли шарт-шароит яратилади.

3- §. БОЛАЛАР ЖАМОАСИ ВА ҲАР БИР БОЛАГА ЁНДАШИШ УСУЛЛАРИ

Болалар билан амалга ошириладиган тарбиявий иш ягона жараён бўлиб, ҳамма таълим-тарбиявий ишларнинг бир-бирига боғлиқлиги принципига риоя қилишни тақозо этади.

1. Дастурнинг ҳар бир бўлими бўйича теварак-атрофдаги ҳаёт ва ижтимоий воқеалар билан таништириш, нутқни ўстириш, муסיқа тарбияси, математика ва шунга ўхшашлар бўйича болалар билан олиб бориладиган ишда фақат шу бўлимга тааллуқли вазифаларгина ҳал этилмай, шу билан бир қаторда ҳар томонлама тарбиялашнинг бир қанча вазифалари ҳам амалга ошириб борилади. Масалан: тасвирий фаолият машғулотининг асосий вазифаси болаларга эстетик тарбия беришдир. Шу билан бирга болалар бу машғулотларда буюмларнинг сўз билан ифодаланишини, шакли, катта-кичиклиги, ранги, ўзига хос хусусиятларини билиб оладилар, ахлоқий сифат ва муносабатларни эгаллаб оладилар.

Машғулотларда болаларга билим бериш, тасаввур ва тунчаларини кенгайтириш, малака ва кўникмаларини шакллантириш билан бир қаторда интизомлилик ва хулқ маданияти каби ахлоқий сифатлар тарбияланиб боради. Болалар тарбиячининг бошқа томонлари, масалан, мустақиллик, фаоллик, ижодий қобилият, бошлаган ишни охирига етказиш, биргалашиб ўйнаш ва ишлаш, бамаслаҳат иш тутиш каби шахсий сифатлар ҳар хил ўйин ва машғулотлар, меҳнат ва маиший фаолият болаларнинг бутун ҳаёти давомида тарбияланиб боради.

2. Тарбиячи дастурнинг у ёки бу бўлими бўйича ишларни режалаштираётганда бошқа бўлимлар бўйича ҳам мана шу йўналишда нима ишлар амалга оширилганини эътиборга олиши керак. Масалан, суҳбат, ҳикоя қилиб бериш, болалар ўйинини ташкил этишдан олдин тарбиячи болаларнинг машғулотларда, экскурсияларда, сайрларда, бадний адабиётни ўқиб берганда олган таассуротларига асосланиши лозим. Тарбиячи болаларнинг сюжетли-ролли, саҳналаштирилган, қуриш-ясаш каби ижодий ўйинларини ташкил этишда тасвирий фаолият бўйича машғулотларга тайёрланишда қайси бадний адабиётларни ўрганиш, қандай қушлар ва ҳайвонларни кузатиш, қандай ашулаларни ижро этишлари, қандай экскурсияларга боришлари лозимлигини эътиборга олиши керак. Бу бошқа тасаввурларига асосланиб ўйин мазмунини, расм қуриш-ясаш мавзусини белгилаш имкониятини яратади ва таълим-тарбиявий ишларнинг ҳар хил бўлимлари ўртасида боғлиқлик бўлишини таъминлайди.

Ишнинг бундай ташкил этилиши дастурнинг ҳамма бўлимлари бўйича болалар эгаллаб олишлари лозим бўлган билим, малака, кўникмаларни яхшироқ ўзлаштириб олиш, улардан ўз фаолиятларидаги ҳар хил вазиятда ҳам фойдалана олиш

малакасини тарбиялайди. Шу билан бирга болаларда ўз-ўзини ташкил эта билиш, меҳнат маданияти, ўз фаолиятини режалаштириб олиш, маълум мақсад билан ҳаракат қилиш каби шахсий сифатлар тарбияланади.

4-§. КУННИНГ БИРИНЧИ ВА ИККИНЧИ ЯРМИДА БОЛАЛАР ҲАЁТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Болалар ҳаёти куннинг биринчи ва иккинчи ярмидаги кун тартибига биноан ташкил этилади. Бунинг учун ҳамма зарур шарт-шароитларни яратиш зарур.

✓ **Кичкина гуруҳ** болаларининг кўп вақти гуруҳ хонасида ўтади. Яхши жиҳозланган хона, ўйинчоқ ва қўлланмаларни тўғри танлаш болаларнинг тўла қонли ҳаёт кечиришининг асосий шарти ҳисобланади. Гуруҳ хонасидаги ўйинчоқлар бу ёшдаги болаларнинг 2—3 та бўлиб ўйнашларини эътиборга олиб жойлаштирилиши, «Оила», «Болалар богчаси» ва шунга ўхшаш ўйинларни ўйнашлари учун ўйинчоқ бурчаги ташкил этилиши, унда яна қурилиш материаллари, ҳаракатланувчи ўйинчоқлар ҳам бўлиши керак, қолган ўйинчоқлар, расмлар шкафларга болалар бемалол оладиган қилиб жойлаштириши лозим. Хонада болаларнинг полда машина, аравачаларни бемалол юргиза олишлари ва йирик қурилиш материаллари билан ўйнашлари учун ҳам жой ажратилиши керак. Ҳаракатларни ривожлантирувчи жиҳозлар бинонинг махсус хоналарида сақланади ва жисмоний тарбия машғулотларидагина олиб чиқилади. Майдончага қум яшиқлари, болаларнинг сакрашлари, тирмашиб чиқишлари учун керакли жиҳозлар, қорда, музда учишлари учун чаналар қўйилади.

✓ **II кичик гуруҳ.** Моддий муҳит иккинчи гуруҳ болалари учун ҳам худди биринчи кичик гуруҳникидек ташкил этилади. Бундан ташқари кузатиш ва меҳнат учун табиат бурчагига аквариумда балиқ, тўрларда қушлар ва майда ҳайвонлар жойлаштирилади. Гуруҳ хонасидан китоб жавони учун жой ажратилади. Боғча майдончасида спорт ўйинлари билан шуғулланиш учун махсус жой бўлади, у керакли анжомлар билан жиҳозлаб қўйилади: велосипедда учиш учун йўлка, тирмашиб чиқиш учун жисмоний тарбия нарвончалари, мувозанатни сақлаш учун маълум баландликда ётқизилган ғўла ва шунга ўхшашлар бўлади. Олиб чиқилган ўйинчоқларни ўйнаш учун махсус столлар, скамейкалар, сув билан ўйнаш учун махсус идиш, қум яшиги бўлиши керак.

✓ **Ўрта гуруҳ.** Гуруҳ хонаси уҳлаш хонаси, туалет хонаси ва ечиниш хонаси бўлиши керак.

Гуруҳ хонаси бир неча бўлимдан иборат бўлиши керак. Биринчи ўйин бўлимида қўғирчоқ билан ўйнаш учун ҳамма керакли нарсалар жойлаштирилган шкаф бўлади. Иккинчи ўйин бўлимида қурилиш материаллари қўйиладиган шкаф ва улар билан ўйнаш учун жой ажратилади. Шу хонанинг яна

бир қисмида болаларнинг бадий фаолият билан мустақил шуғулланишлари учун керакли материаллар қўйилади. Китоб бурчаги ва стол усти босма ўйини билан шуғулланишлари учун ўйин бурчагида тинчроқ жойни ажратиш керак. Табиат бурчагини деразаларга яқинроққа жойлаштирган маъқул. Хона амалий санъат асарлари ва кўкаламзорлаштирувчи ўсимликлар билан безатилади.

Майдонча бошқа майдончалардан яшил, манзарали ўсимликлар билан тўсилиб, жисмоний машқлар ва спорт эрмак ўйинлари учун керакли асбоблар билан жиҳозланади.

Катта гуруҳ. Ўйин бўлимлари болаларнинг ёшига мос ҳолда, ўрта гуруҳ хонаси каби жиҳозланади. Гуруҳ хонасида яна машгулот ўтказиладиган бўлим ажратилади ва у ерга тарбиячининг столи, экран, шкаф, доска жойлаштирилади. Болаларнинг мустақил ўйнашлари учун ҳамма керакли материаллар улар бемалол фойдалана оладиган қилиб жойлаштирилиши керак (столлар, ўйинчоқлар солинган қутичалар, витрина шкафи, токчалар ва бошқалар). Табиат бурчаги қўл меҳнати билан шуғулланадиган бурчак, китоб бурчаги, тасвирий фаолият билан мустақил шуғулланадиган бурчак, мусиқавий фаолият бурчаклари бўлиши керак. Булардан ташқари болалар бемалол, эркин ҳаракат қилишлари учун каттагина бўш жой бўлиши зарур. Майдончада спорт ўйинлари, югуриш, сакраш, тирмашиб чиқиш, ирғитиш учун катта жой ажратилади. Сюжетли ўйинлар учун ўйинчоқлар ҳам бўлади.

Тайёрлов гуруҳи. Бу ердаги машгулот ўтказиладиган бўлимда катта гуруҳдаги сингари болалар учун икки кишилик столлар қўйилади. Гуруҳ хонасидаги жиҳозлар зарурат туфайли шуғулланганда ўйинга жой бўшатиш мақсадида бошқа томонга суриб қўядиган қилиб жойлаштирилади. Майдончада спорт ўйинлари ва ҳар хил ўйинлар учун жой ажратилади, гулхона ва полиз ташкил этилиб, у ерда болалар ўзлари гул ва сабзавотларни етиштирадilar.

✓ *Болалар ҳаётини ташкил этишга қўйиладиган талаблар.* Куннинг биринчи ярмида болалар ҳаётини ташкил этиш, болаларнинг богчада 9—12 соат бўлиши кун тартибида белгилаб қўйилган. Бунда эрталабки қабул муҳим роль ўйнайди. Тарбиячи болаларнинг богчадаги вақти қизиқарли, сермазмун ўтишини таъминлайди. ✓

✓ Бунинг учун эрталаб болаларни очиқ чеҳра билан кутиб олади, ота-оналари билан хушмуомала, хайрихоҳ муносабатда бўлади. Эрталабки қабул вақтида ижодий ўйиннинг ҳамма турлари ташкил этилади, табиат бурчагида кузатиш, болаларнинг гуруҳ хонасидаги, овқат ва машгулотлардаги навбатчиликлари, нонуштадан олдин эрталабки гимнастика ва ювишиш ташкил этилади. Нонушта вақтида тарбиячи болаларнинг овқатланиш маданиятини назорат қилиб туради.

Нонуштадан кейин дастурда кўрсатилган вақт мобайнида

машғулот ўтказилади. Машғулотгача ва машғулот ўртасида ўйинлар ташкил этилади. Қандай ўйин ўтказилиши машғулотнинг мазмуни ва хусусиятига боғлиқ. Болалар ўтириб шуғулланадиган машғулотдан олдин ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тарбия ва мусиқавий машғулотдан олдин тинч ўйинлар ўйнашади. Машғулотдан кейин сайр ўтказилади. Тарбиячи теварак-атрофдаги табиатни, катталар меҳнатини, ижтимоий ҳаёт воқеаларини кузатишни ташкил этади. Ҳаракатли ўйинлар ўтказилади, мустақил ўйин ўтказишни таклиф этади. Мана шу вақт ичида болаларнинг мустақил фаолиятлари, меҳнат, дидактик ўйинлар, ижодий ўйин турлари билан шуғулланишлари учун катта эътибор берилади. Мақсадли сайрлар уюштирилади. Спорт ўйинлари ва машқлар, жисмоний дам олиш ва шунга ўхшашлар болаларнинг ҳаракат фаоллигини ўстиришга ҳам катта аҳамият берилади.

Болаларнинг сайрдан қайтишлари, ечиниб ювинишлари, тушки овқат ва кундузги уйқу ҳам жуда уюшқоқлик билан ўтиши керак.

✓ Куннинг иккинчи ярмида тарбиячи болаларни уйғотиб, фаолиятга киришларини таъминлайди ва кечки нонушта ташкил этилади. Кейин мусиқавий ёки жисмоний тарбия машғулотли ўтказилиши мумкин. Кечки сайрга қуйидагилар киради: ҳамма ижодий, дидактик ўйинлар, тинч ҳаракатли ўйинлар, кузатиш, қўл меҳнати, болаларнинг мустақил тасвирий фаолияти, кўнгил очишлар (ҳафтада бир марта) ✓ Куннинг биринчи ва иккинчи ярмида болалар ҳаётини ташкил этишга қўйиладиган асосий талаб ҳар бир боланинг мазмунли ва қизиқарли фаолият билан шуғулланишини, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва бахтли болалигини таъминлашдир.

Шундай қилиб, кун давомида болалар ҳаётини ташкил этишга қуйидаги талаблар қўйилади:

✓ 1. Болаларнинг ҳамма фаолият турлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

2. Ҳар бир ёш гуруҳида фаолият турларини алмаштириб бориш.

3. Болаларнинг ҳаракат фаоллигини етарлича таъминлаш.

4. Машғулот, ўйин, меҳнат, маиший фаолият ўртасида алоқа ўрнатиш.

5. Болаларнинг олган билим, малака, кўникмаларини мустақил фаолиятларида қўллаш олишга ўргатиш.

6. Болани фаол бўлишга, ҳар доим бирон нарса билан машғул бўлишга ўргатиш.

7. Ҳар бир болани ижобий хоҳиш ва қизиқишларини диққат билан кузатиб бориш ва унинг янада ривожланиши учун шарт-шароит яратиш.

8. Болаларнинг бутун фаолиятига тарбиячининг раҳбарлиги.

9. Кун тартибига қатъий риоя қилиш. ✓

ХИ БОБ. БОЛАЛАР БОҒЧАСИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

1-§. ПЕДАГОГИК ЖАРАЁННИ РЕЖАЛАШТИРИШ

Болалар боғчасида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларини режалаштириш маълум мақсадга қаратилган жараён бўлиб, унинг вазифаси, мазмуни ва методи мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг руҳий физиологик тараққиётини ва уларнинг ўзига хос томонларини эътиборга олган ҳолда тарбиялашдир.

Мактабгача тарбия муассасаларидаги таълим-тарбия ишларини режалаштириш мураккаб бўлиб, тарбиячидан болаларнинг руҳий физиологик тараққиёт даражаси тўғрисидаги билимларни, таълим-тарбия дастурини, таълим ва тарбиянинг метод ва усулларини билишни тақозо этади.

✓ Режа тарбиячига йил бўйи амалга оширадиган таълим-тарбия ишларини бир текисда тақсимлаб, маълум изчиллик билан амалга оширишга ёрдам беради. ✓

✓ Режа болалар билан амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларига олдиндан пухта тайёргарлик кўриш метод ва усулларни яхшилаб ўйлаб олиш, керакли материал ва жиҳозларни тайёрлаш имконини яратади. Тарбиячи режалаштирган ҳамма ишлар ҳар бир боланинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаши лозим. Шу билан бирга режа қотиб қолган нарса бўлмай, вазиятдан келиб чиқиб, унга ўзгаришлар киритиш мумкин.

Шунинг учун болалар боғчасида бир-бирини тўлдирадиган бир неча хил режа тузилади: болалар боғчасининг йиллик режаси, истиқбол режаси ва тарбиячининг календарь режаси.

Йиллик режа асосан боғча мудираси, методист тарбиячи томонидан тузилиб, болалар боғчасида амалга ошириладиган барча ишларни ўз ичига олади.

Истиқбол режаси—1—3 ойга мўлжалланган бўлиб, ундан кўзланган асосий мақсад болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини тартибга солиш ва унинг маълум мақсадга қаратилган ва самарали бўлишини таъминлашдир. Унда «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури»нинг ҳамма бўлимлари ўз аксини топади.

Истиқбол режасида дастурнинг ҳамма бўлимлари бўйича амалга оширилиши лозим бўлган таълим-тарбия ишлари тизими болалар фаолиятининг ҳамма турларида аниқ мавзулар бўйича белгилаб чиқилади.

Календарь режа 10—12 кунга тузилади. У кун давомида амалга ошириладиган таълим-тарбия ишлари мазмунини акс эттиради. Уни тузишда дастур талаблари, болаларнинг ри-

вожланиш ва тарбияланиш даражалари, мактабгача тарбия муассасасининг иш шароити ҳисобга олинади.

Календарь режага болаларнинг аниқ билим ва тасаввурларни эгаллаш жараёни ва уларда теварак-атрофдаги нарса ва буюмлар тўғрисида умумлашган билимларни шакллантириш, билишга қизиқиш ва ақлий қобилиятларни ўстириш, ахлоқий онгини шакллантириш, ахлоқий хулқ, одаг ва малакаларни эгаллаши ва бошқалар киради.

Болалар боғчаси тарбия дастурини яхши билиш календарь режани муваффақиятли тузишнинг асосий гаровидир.

Педагог ва руҳшунос олимлар олиб борган илмий тадқиқот ишларининг хулосалари болаларнинг малака ва кўникмаларни эгаллаши маълум ёш босқичида юзага келишини кўрсатди.

Тарбиячи худди мана шу даврни қўлдан бой бермай, болани ҳар томонлама ривожлантиришга эришмоғи зарур. Тарбиячи ўзи ишлаётган гуруҳ, шунингдек ўзидан олдинги ва кейинги гуруҳлар дастури талаблари ва мазмунини яхши билиши керак. Масалан, дастурнинг кичкина гуруҳ болаларини теварак-атроф билан таништириш бўлимида болаларни ҳайвонлар, ўсимликлар ва шунга ўхшашлар тўғрисидаги энг оддий билим ва тушунчалар билан таништириш вазифаси белгиланган.

Ўрта гуруҳда дастур бўйича болаларни теварак-атроф билан таништириш ва нарса-буюмларга, воқеа-ҳодисаларга нисбатан қизиқишини ўстириш ва шу асосда энг оддий тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиш, энг муҳими эса, кузатувчанликни, нарса ва буюмлар, воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни топа билишга ўргатиш бош вазифа ҳисобланади. Катта ва тайёрлов гуруҳи болаларини нарса-буюмлар, воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги ҳақиқий тасаввур ва тушунчаларини, уларнинг табиий сабаблар билан боғлиқ эканлигини шакллантириш дастурнинг муҳим вазифасидир.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга таълим-тарбия бериш ишини муваффақиятли амалга ошириш учун дастурни яхши билишнинг ўзи етарли эмас, шу билан бирга, ҳар бир боланинг шахсини ривожлантириш йўллари яхши билиш, боланинг билим, малака ва кўникмаларни эгаллаб олиш қобилияти ҳар хиллигини ҳам эътиборга олиш керак.

✓ Тарбиячининг ишини муваффақиятли режалаштиришнинг яна бир зарурати — унинг методик қўлланма, педагоглар кенгаши, методик бирлашма, курсларда ва шунга ўхшашлардан олган тавсиялардан кенг фойдаланишидир. ✓

Календарь режани гуруҳда ишловчи ҳар иккала тарбиячи биргалашиб бамаслаҳат тузишлари лозим. Тарбиячилар вақти-вақти билан болаларнинг ишларини таҳлил қилиб боришлари лозим. Календарь режа бир-икки ҳафтага тузилади ва тарбиячининг мажбурий хужжати ҳисобланади.

Дастурга мувофиқ ҳамма таълим-тарбия ишлари болалар фаолиятининг барча турлари: ўйин, меҳнат, маиший фаолият ва машғулот орқали амалга оширилади. Календарь режанинг

мазмунни болалар фаолиятининг ҳамма турларида акс эттирилади. Календарь режани тарбиячи кун тартибига биноан тузиб чиқади. Болаларнинг ўйини ҳам, меҳнат машғулоти ҳам, маиший фаолияти ҳам тарбиячининг ҳар кунги календарь режасидан ўрин олиши лозим.

Календарь режанинг мазмуни ва шакли болаларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб шаклланиши қай даражада бораётганлигига қараб баҳоланади.

Эрталабки соатларни режалаштириш. Эрталабки соатларга қуйидагилар режалаштирилади: 1. Болаларнинг оғзаки нутқини тузатиш ва ривожлантириш:

а) китоблар, ўйинчоқлар, боланинг дам олиш кунини қандай ўтказгани, унинг оила аъзолари: ота-онаси, опа-синглиси, ака-укаси ва шунга ўхшашлар тўғрисида жамоа тарзида ва якка тартибда суҳбатлар ўтказиш;

б) альбомлар, журналлар, янги китоблар, откриткалар, рассомларнинг янги асарларини кўриш;

в) шеърларни такрорлаш;

г) тўғри талаффуз қилишга ўргатиш, нутқнинг грамматик тузилишини шакллантирувчи дидактик ўйинлар;

д) товушларни тўғрилаш бўйича якка тартибда шуғулланиш.

2. Болаларни катталиқ, ранг, вақт, фазовий масофа билан таништириш бўйича дидактик ўйинларни режалаштириш (кичик ва ўрта гуруҳларда).

3. Болалар хоҳлаган фаолият режалаштирилади. Болаларнинг мустақил шуғулланишлари учун пластилин, бўёқлар, қаламлар, бўяшлари учун расмли китобчалар ва ўзларининг чизган расмлари берилади.

4. Болалар томоша қилишлари учун халқ ўйинчоқлари, кийимлар, кашталар, идиш-товоқлар, нарса-буюмлар, миллий кийимдаги қўғирчоқлар берилади.

5. Болаларни маданий-гигиеник малакаларга ўргатиш бўйича якка тартибдаги ишлар режалаштирилади, масалан, кичкина гуруҳда дастурмолчадан фойдаланишга ўргатиш бўйича дидактик ўйин ўтказилади.

6. Коптокни думалатиш, гардишни айлантириш, тирмашиб чиқиш, сирпаниб юриш каби асосий ҳаракатларни ривожлантирувчи ишлар режалаштирилади.

7. Ашула ва рақснинг айрим қисмларини такрорлаш режалаштирилади.

8. Болаларнинг ўйин фаолиятлари режалаштирилади:

а) қурилиш ўйинлари: роль, сюжет билан боғлиқ қурилиш ўйинлари режалаштирилади;

б) сюжетли-ролли ўйинлар, турмушни акс эттирувчи ва бошқа шунга ўхшаш ўйинлар режалаштирилади;

в) стол усти босма дидактик ўйинлари, сўзли, буюмлар билан ўйналадиган дидактик ўйинлар, эрмак ўйинлар, хороовод ўйинлар, халқ дидактик ўйинлари режалаштирилади. Болалар-

нинг сезгисини, гидрокини, товушларни идрок этишини, ранг, вақт, дидни, нутқни ўстирувчи ишлар режалаштирилади. Драмалаштириш ва спорт ўйинлари ҳам режалаштирилади.

9. Меҳнатнинг турли хиллари режалаштирилади:

а) табиатдаги меҳнат (кўчат ўтқазиш, сув сепиш, ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш ва шу кабилар);

б) хўжалик маиший меҳнаг (идишларни ювиш, хонани йиғиштириш, китобларни ёпиштириш-елимлаш, ўсимликлар баргини артиш);

в) қўл меҳнати (табiiй материаллар, дарахтлар меваси, самончалар, латталар қийқими, ёғоч ва картондан ҳар хил буюмлар ясаш).

Ҳар бир ёш гуруҳида меҳнатнинг қайси тури ўтказилиши дастурда кўрсатилган. Эрталаб 2—3 хил фаолият режалаштирилади. Эрталабки соатларни режалаштиришда шу кунги ўтказиладиган машғулотлар эътиборга олинади. Машғулотда бирор нарса ўқиб бериш режалаштирилган бўлса, эрталабки соатда расм кўриш, онаси тўғрисида сўзлаб бериш, ўқиш режалаштирилмайди, шу куни эрталабки соатга меҳнат, катталик, шакл билан таништириш, тасвирий фаолият режалаштирилади.

Тарбиячи ҳар хил машғулотларни режалаштиради; болаларга янги билим берувчи машғулотлар уларнинг олган билимларини, орттирган тажрибаларини мустаҳкамловчи ва тартибга солувчи машғулотлар, комплекс машғулотлар ва ҳисобот-назорат (текширувчи) машғулотлари бўлади. Тарбиячи ўзининг календарь режасига машғулотнинг номи ва дастур мазмунини ёзиб қўяди. Дастур мазмунига машғулотнинг таълим-тарбиявий вазибалари ва болалар эгаллаб олишлари, аниқлаш ва мустаҳкамлаш керак бўлган билим, малака, кўникмалар ҳажми ҳам ёзилади.

Машғулотни режалаштириш болалар томонидан маълум ҳажмдаги билимларни эгаллаш ва кенгайтириш имкониятини яратибгина қолмай, шу билан бирга уларнинг билимларини аниқлаш, мустаҳкамлаш, мустақил фаолиятларида қўллаш имконини беради. Болаларга бериладиган билим, малака ва кўникмаларнинг ҳажми машғулотдан-машғулотга кенгайтириб, мураккаблаштириб борилади. Масалан, тарбиячи биринчи машғулотда болаларни уй ҳайвонлари билан таништиради, болалар уларни кузатишади, номини айтишга ўрганади. Кейинги машғулотда эса бу билимлар мустаҳкамланиб, ҳайвонларни кузатиш жараёнида янги билимлар ҳосил бўлади. Болалар бу ҳайвонларнинг фойдали белгиларини, хатти-ҳаракатини кузатишса, келгуси машғулотда болалар уй ҳайвонини одамлар қандай парвариш қилиши ва бу парваришга ҳайвонлар ўз «миннатдорчилигини» қандай билдириши тўғрисида гап боради.

Дастур материални ўрганиш машғулотдан-машғулотга ма-на шу изчиллик билан амалга ошириб борилади.

Болаларнинг билим, малака ва кўникмаларни муваффақиятли ўзлаштиришлари аксарият ҳолларда тарбиячининг қўл-

лаган метод ва усулларига, шарт-шароитга боғлиқ бўлади. Бу ёшдаги болаларнинг ёш хусусияти асосан кўрғазмали методдан: кузатиш, намойиш қилиш; сўз методи: ҳикоя, суҳбат, тунтириш; амалий метод: машқ, ўйиндан фойдаланишни тақозо этади.

Ҳар бир метод умумий вазифани амалга оширишга қаратилган ягона йўл бўлиб, усуллар йиғиндисидан ташкил топади. Ҳамма усулларни шартли равишда учта гуруҳга бўлиш мумкин: кўрғазмали (кўрсатиш), оғзаки (савол, солиштириш, шеър айтиш, топишмоқдан фойдаланиш), амалий (топшириқ, ўйин, вазият усуллари ва бошқалар).

Бевосита фаоллаштирувчи методлардан ташқари бавосита методлардан ҳам фойдаланилади (эслатиш, маслаҳат, танбеҳ бериш, тузатиш). Кўп ҳолларда метод ва усуллардан комплекс тарзда фойдаланилади. Машғулот вақтида бериладиган билим, малака ва кўникмаларни болалар яхши ўзлаштириб олишлари уларнинг ҳиссий ҳолатини кўтариш учун хизмат қилади.

Тарбиячи ўзининг календарь режасида машғулотда фойдаланиладиган усулнинггина ёзиб қолмасдан, шу билан бирга унинг мазмунини ҳам очиб ёзиши керак.

Болаларга бериладиган саволлар ҳам қандай изчилликда берилса, шундай ёзиб қўйиш зарур. Агар тарбиячи машғулотда топишмоқ ёки шеърдан парча келтирмоқчи бўлса, унинг мазмунини ёзиб қўйган маъқул. Солиштиришга ўргатишда қайси буюмлардан, уларнинг қайси белгисидан, қандай саволлардан фойдаланиш лозимлиги ҳам ёзилади.

Тарбиячининг машғулотни режалаштиришдаги баъзи бир метод ва усулларини кўриб чиқамиз.

Тарбиячи машғулотга тайёргарлик кўраётганда, албатта, ёш боланинг тафаккури кўрғазмали-образли бўлишини эътиборга олади ва асосан машғулотда кўрғазмали методларни режалаштиради. Кузатиш методи тарбиячи раҳбарлигида кузатилаётган объектни боланинг ҳиссий идрок қилишини таъминлайди. Нарса ва буюмларни намойиш этиш ҳам шундай аҳамият касб этади. Кўп машғулотларда, айниқса-нутқни ўстириш машғулотида тарбиячининг ҳикоясидан фойдаланилади. Бу болаларга таниш бўлган бадий асардан, теварак-атрофдаги ҳаётдан олинган воқеа-ҳодисаларни тарбиячи ҳис-ҳаяжон билан жонли, образли қилиб баён этишидир.

Суҳбат методи ҳам режалаштирилади. Суҳбат болаларга аввал эгаллаган билимлари билан янгисини боғлаш имконини яратади, шунингдек, янги билимларни ўзлаштириб олишларини енгиллаштиради. Тарбиячи машғулотларда фойдаланидиган сўзли методда унинг кўпчилигини саволлар ташкил этади. Саволларни болаларнинг билиш жараёнлари: сезги, идрок, тафаккурини фаоллаштирадиган қилиб тузиш керак. Саволлар болалардан ақлий зўр беришга, сабаб-натижаларни аниқлаш-

га қаратилган бўлиши зарур (Сен қандай билиб олдинг? Нима учун сен шундай деб ўйлайсан? Сизлар қандай ўйлайсизлар? Нодира тўғри гопирдимми? Нима учун бунини эман дарахти деб ўйлайсиз? Нима учун дарахтлар ҳозир барг ёзган ва ҳ. к.). Бундай саволлар болаларни мустақил фикрлашга ўргатади.

Машғулотларда муаммоли вазиятлар яратиш ҳам боланинг фикрлаш фаолиятини кучайтиради, билимларни эгаллаб олишни энгиллаштиради, уларнинг фаҳм-фаросатли, мустақил фикрлайдиган бўлишига ёрдам беради.

Машғулотларда солиштириш усулидан фойдаланиш инсоннинг энг қимматбаҳо ақлий хазинаси бўлиб, у буюмларни яхшироқ ўрганиш ва тушунишга ёрдам беради.

Имкони борича ҳар бир машғулотда объектнинг ўхшаш ва ўхшамаслигини солиштириш усулидан фойдаланиш керак, айниқса икки ва ундан кўп буюмни бир-бири билан солиштириш болаларнинг фикрлаш доирасини фаоллаштиришда яхши натижа беради. Тарбиячи кичик гуруҳдаёқ солиштириш усуллари билан фойдаланади. Бунда буюмларнинг фарқи кўзга яхши ташланадиган бўлиши керак. Булар буюмлар ва улар қисмининг катта-кичиклиги, шакли, тузилиши, ранги, товуши, ҳиди ва ҳоказолардир.

✓ Кичик гуруҳларда солиштириладиган буюмлар бир-иккитадан кўп бўлмайди. Тарбиячи солиштиришни қандай изчилликда олиб боришни ўзининг календарь режасида ёзиб қўяди. ✓

✓ Урта гуруҳда солиштиришга мўлжалланган буюмлардаги белгилар сони кўпаяди ва болалардан буюмларни кузатиб, улардаги белгиларни маълум изчилликда баён қилиш талаб этилади. ✓

✓ Катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларидаги болалардан фақат улар кўриб турган буюмларнинг белгиларини сўраш билан чегараланиб қолмай, уларни солиштиришда тасаввурларидан фойдаланиш ҳам талаб этилади. ✓

✓ Солиштиришнинг бу мураккаб шакли болаларнинг ёшига мос бўлиб, уларнинг ақлий ривожланишлари учун муҳим аҳамият касб этади. ✓

✓ Тарбиячи машғулотларда ўйин усулидан кенг фойдаланади. Ўйин усули машғулотнинг қизиқарлироқ, жозибалироқ ўтишини таъминлайди, машғулот жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни бола осонлик билан енғади. ✓

Машғулот режасида болаларнинг хулқ-атвори, қизиқиши, ривожланиш даражасига қараб яқка тартибдаги ишлар ҳам режалаштирилади. Умумий ривожланиши бироз орқанда қолаётган, диққати тарқоқ, ўзига ишончи йўқ ёки ўзи тўғрисида юқори фикрли болаларга кўпроқ эътибор бериш керак.

✓ Шундай қилиб, календарь режага машғулотнинг дастур мазмуни, методик усул унга керакли кўргазма ва тарқатма материаллар, болалар билан индивидуал ишлаш режалаштирилади.

Сайрни режалаштириш. 1. Қондали ўйинларнинг таълим-тарбиявий вазифаси кўрсатилган ҳолда режалаштирилади. Кичик гуруҳда битта янги ўйин ёки таниш ўйинни режалаштириш мумкин. Катта гуруҳда ҳам болаларга таниш бўлган 2 ўйинни сайрнинг бошида ва охирида режалаштирган маъқул.

2. Табиатдаги, ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиш режалаштирилади. Масалан: ҳаракатланаётган транспортни, байрамга безатилган кўчани, фарошнинг ишини ва шунга ўхшашларни кузатиш; барг ёзаётган, гуллаб турган ўсимликларни, ёғаётган қор ва ҳоказоларни кузатиш режалаштирилади. Булар ҳафтасига 5—6 марта кузатилади. Об-ҳавони кузатишни олдиндан режалаштириб бўлмайди. Буни календарь режасига қуйидагича ёзилади: яқин орада (ҳафта давомида) қор ёғишини кузатиш. Бу тадбир ўтказиладиган машғулот билан узвий боғлиқ бўлиши керак.

3. Болаларнинг майдончадаги, полиздаги меҳнати режалаштирилади:

а) табиатдаги меҳнат (дарахт ўтқозиш, сув қуйиш, чопиқ қилиш, ўсимлик уругини териш, ҳайвонларни парвариш қилиш ва ҳоказолар);

б) маиший-ҳўжалик меҳнати (барглари йиғиш, қорни тозалаш, айвончани супуриш, қафасни тозалаш, йўлкаларга қум сепиш ва шунга ўхшашлар).

4. Болалар билан олиб бориладиган якка тартибдаги ишлар: жисмоний тарбиядан асосий ҳаракатларни машқ қилдириш, санъат, она тилини ўрганиш ва бошқалар.

Асосий ҳаракатларни машқ қилдириш бўйича тадбирлар йил фаслларига қараб танланади, масалан, қишда югуриш, сакраш, юриш каби ишлар режалаштирилади; эмакляб, сирпаниб юриш, гимнастика нарвончасидаги мувозанатни сақлашга ўргатувчи машқлар режалаштирилмайди.

5. Спорт ўйинлари (волейбол, стол тенниси, бадминтон ва шунга ўхшашлар), спорт эрмак ўйинлари (чанғи, коньки, чана, велосипед ва бошқалар).

6. Мақсадли сайрлар майдонча бўйлаб ва майдончадан ташқарига ўтказилади. Аввал экскурсияга бориб келинган жойга мақсадли сайр уюштирилади. (Масалан, баҳорда мана шу ўтлоққа келган эдик, шу вақтгача кўп нарсалар ўзгарибди.)

7. Қурилиш ўйинлари ва уларга керакли материаллар, қуроллар.

Сайрда болаларнинг сюжетли-ролли ўйинлари юзага келиши ва ривожланиши, ўйин ҳаракатларига болаларни ўргатиш усуллари ҳам режалаштирилади. Тарбиячи календарь режасида ўйин учун олиб чиқиладиган ўйинчоқларни, уларнинг айрим қисмларини ҳам кўрсатади. Сайрга чиқишдан олдин тарбиячи бугун сайр вақтида нима билан шуғулланишлари, қандай меҳ-

нат фаолиятини бажаришлари ёки қандай ўйин материалларини олиб чиқишлари кераклиги тўғрисида болалар билан гаплашиб олади.

Куннинг иккинчи ярмини режалаштириш. Куннинг иккинчи ярми икки қисмдан иборат: гуруҳдаги ва сайрдаги ишлар.

Куннинг иккинчи ярмида болаларнинг гуруҳдаги ўйин фаолияти режалаштирилади.

Уйқудан кейинги ўйин учун кичик гуруҳда — 45 дақиқа, ўрта гуруҳда 1 соат, катта гуруҳда — 1 соат, тайёрлов гуруҳида — 1,5 соат ажратилади.

Сюжетли-ролли ўйинлар ҳам режалаштирилади (фақат номигина ёзилади). Режада шунингдек стол усти босма ўйинлари, дидактик ўйинлар ҳам мўлжалланади. Режага стол усти босма ўйинлари қондаси, тушунтирилиши ҳам ёзилади. Бу вақтда драмалаштирилган ўйинлар ҳам режалаштирилади.

Тарбиячи қурилиш ўйинларида ўзининг қатнашишини ҳам режага ёзиб қўяди. Унда тарбиячининг болалар билан атрибутлар ясаши ҳам мўлжалланади.

Кечқурунга кўнгил очиш ўйинларини режалаштириш мумкин. У ҳафтасига бир марта ўтказилади.

Катта ва тайёрлов гуруҳида китобларни бир неча кун давомида ўқиб бериш ҳам режалаштирилади. Тарбиячи ҳар гал ўқишдан олди «Ўтган гал мен сизларга нима ўқиб берган эдим?» дейди. Болалар буни эсга тушириб, сўзлаб беришади. Тарбиячи саволлар билан ёрдам бериб туради.

Куннинг иккинчи ярмида асосан болаларнинг хилма-хил ўйин фаолиятлари ташкил этилади. Болаларнинг сюжетли-ролли ўйинлари учун шароит яратиш, ўйинчоқлар билан ўйнашга ўргатиш ва бошқалар календарь режасига ёзилади. Ўйинда тарбиячининг қатнашиши ҳам режада қайд этилади. Бу болалар ўйинини ташкил этиш ва унга тарбиячининг раҳбарлик қилиши учун шарт-шароит яратади.

Катта ва тайёрлов гуруҳларида тарбиячининг болалар ўйинига раҳбарлиги ўзгариб, бевосита раҳбарликдан бавосита раҳбарликка ўтади, тарбиячи болаларнинг мустақил фаолиятларини рағбатлантиради. Тарбиячи қурилиш материаллари билан ўйналадиган ўйинларни, саҳналаштирилган ва қоидалли ўйинларни ҳам режалаштиради.

Кундузги уйқудан кейин гуруҳ хонасини йиғиштириш, йиртилган китобларни таъмирлаш, қўғирчоқ кийимини ювиш, кичик болалар учун ўйинчоқлар ясаб бериш, ўсимлик ва ҳайвонларни парвариш қилиш каби меҳнат фаолияти режалаштирилади. Тарбиячи шунингдек кўнгил очар ўйинларни ҳам унутмайди. Бунга қўғирчоқ, соя театри, концертлар, спорт, мусиқа ва бадий кўнгил очиш соатлари, грампластинка эшитиш ва шунга ўхшашлар киради. Тарбиячи бадий асарларни ўқиб бериш, классик ва замонавий рассомларнинг расмларини то-

моша қилишни ҳам эсдан чиқармайди. Куннинг иккинчи ярмида ҳар кун сайр ўтказилади, унинг мазмунига ҳаракатли ва ижодий ўйинлар, меҳнат фаолияти киради.

Буюмларни, ижтимоий ҳаёт воқеаларини кузатиш, жонли объект билан мулоқотда бўлиш ҳам календарь режасидан ўрин эгаллаши керак.

Тарбиячи болаларнинг ўзлари қизиққан фаолият билан шуғулланишлари учун шарт-шароит яратади. Режа кун давомида ҳар бир бола мазмунли, қизиқарли фаолият билан шуғулланадиган қилиб тузилиши керак.

2-§. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

Ўз ишини таҳлил қила билиш, ўз хатти-ҳаракатини тўғри баҳолай олиш, болалар дастур материални қандай ўзлаштириб олганлигини қандай камчиликлари борлигини аниқлаш, болалар билан якка-якка иш олиб бориш кабилар талаб этилади. Тарбиячи ҳар бир боланинг дастур материални ўзлаштириши даражасига қисқача таъриф беради. Ўзлаштиришда қийналиш сабабларини таҳлил қилади. Машгулотда, эрталабки сайрда, ўйинда, меҳнатда болалар ўзини қандай тутганлиги, бир-бирига муносабати, ривожланиши даражаси қандайлиги тарбиячинини қизиқтиради. Булар унинг келгусида амалга оширадиган ишларида нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини тўғри белгилаб олишга катта имконият яратади.

Ҳолли ўйинни ким ўйнашни таклиф этди, ўйин мазмуни қандай юзага келди? Болалар ўйинда нима қилишди? Ўйинда неча киши қатнашди? Ўйин қанча вақт давом этди? Режадан ташқари қандай ўйин ўйналади? Буларнинг ҳаммаси ёзиб борилади. Шунингдек болаларнинг хатти-ҳаракатлари, ўйиндаги ютуқ ва камчиликлари таърифланади.

Мактабгача тарбия муассасаларидаги айрим тажрибали тарбиячилар болаларнинг ривожланишидаги ўзгаришларни ҳисобга олишнинг бошқа шаклларида ҳам фойдаланадилар. Бундай ҳисобга олишнинг кенг тарқалган шаклларида бири дастурнинг ҳамма бўлимлари бўйича олинган тасаввурлар асосида диагностик жадваллар тузишдир. Уларда болаларнинг билим ва малакалари, хулқ ва одатлари қай даражада шаклланганлиги ўз аксини топади.

Вақт-вақти билан болаларнинг тасвирий фаолияти ва қўл меҳнати бўйича бажарган ишларининг қиёсий таҳлили бериб борилади.

Тарбиячи шулар асосида йилнинг охирида ўз иши тўғрисида ҳисобот ёзади.

Унинг амалга оширадиган таълим-тарбия ишлари қай даражада пухта режалаштирилиши ва ҳисобга олиниши иш тажрибасига, педагогик маҳорати ва тўплаган методик материалларига боглиқдир.

ХIII б о б. БОЛАЛАР БОҒЧАСИ БИЛАН МАКТАБ ЎРТАСИДАҒИ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК

1-§. БОЛАЛАРНИ МАКТАБГА ТАЙЕРЛАШ ВАЗИФАЛАРИ

Республикамизда мактабгача ижтимоий тарбия муассасалари таълим ва тарбия ишининг кенг дастурини амалга оширади ва болаларни мактаб таълимига тайёрлайди. Ҳозирги вақтда юз бераётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар халқ таълими бутун тизимини ёшлар ва болаларни тарбиялаш, уларга таълим бериш ишини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Бу вазифа халқ таълимининг бошланғич бўғини бўлган мактабгача тарбия муассасаларига бевосита тааллуқлидир. Улар ҳамisha мактаб билан узвий боғланган ҳолда ишлаб келганлар. Болалар боғчаси билан мактаб ўртасида ўрнатилган изчил алоқанинг ҳар томонламалиги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш вазифасини муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартидир.

Изчиллик — халқ таълими тизимининг барча бўғинлари ўртасида ўзаро алоқа ўрнатишдир. Бу болалар боғчаси ва мактабда олиб бориладиган таълим ва тарбия ишлари мазмуни, уни амалга ошириш услубларининг ўзаро боғлиқлиги билан белгиланади.

Изчиллик тараққиётнинг объектив қонуниятидир. Тараққиёт ўзининг янги босқичига ўтганда эски босқичда бор нарсаларни бутунлай инкор этмайди, балки ўзидан олдинги босқичлардаги муҳим жиҳатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш орқали ўзининг кейинги босқичлардаги тараққиётини таъминлаб боради.

Шунга биноан, болалар боғчаси билан мактаб ўртасидаги боғлиқлик бир томондан, болаларни мактаб таълими талабларига жавоб берадиган даражада умумий ривожлантириб ва одобли қилиб тарбиялаган ҳолда мактабга ўтказишни, иккинчи томондан, ўқитувчининг катта боғча ёшидаги болаларнинг эгаллаган билим, малака сифатларига ва тажрибаларига таяниб, улардан ўқув-тарбиявий жараёнда самарали фойдаланишни тақозо этади.

Болалар боғчаси билан мактаб ўртасидаги узвий боғлиқлик катта боғча ёшидаги болалар ва мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериш шароитини яқинлаштиришга ёрдам беради. Шундай иш тутилганда болаларнинг мактаб шароитига мослашиши анча енгиллик билан кўчади. Болалар мактаб шароитига табиий мослашиб кетадилар, бу эса ўз навбатида мактабда ўқинишнинг биринчи кунидан бошлаб таълим-тарбия ишининг самарасини оширади.

Зеро, мактабгача тарбия муассасаси ходимлари биринчи синфда болалар олдига қўйиладиган талабларни яхши билишлари, мактабга тайёрлов гуруҳидаги болаларни шунга мувофиқ равишда таълим олишга тайёрлашлари керак.

Мактаб билан боғча ўртасидаги узвий алоқа мураккаб ва кўп томонлама тузилишга эга. Унда таълим-тарбиявий ишларнинг мазмуни, метод ва усуллари, ташкилий шакллари, шунингдек болаларни тарбиялаш шарт-шароитлари ва педагогик талаб каби етакчи томонларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш керак:

1. Мактаб талаби нуқтаи назардан болалар билан чуккурроқ эгаллаб олишлари лозим.

2. Боғча нуқтаи назардан болаларни мактаб талаби даражасидаги билим, малака, кўникмалар билан қуроллантириш зарур.

3. Болаларнинг мактабга руҳий тайёрлиги. Бу ерда вазифа болалар меҳнатнинг ҳар қандай турига тайёр туришлари, уларда ақлий меҳнат — билишга қизиқишни ўстириш, уларнинг келажакдаги мустақил фаолиятга тайёрлашдан иборат.

4. Болалар боғчасида бериладиган таълим ривожлантирувчи тарзда бўлиши керак.

5. Болалар боғчаси билан мактаб ўртасида изчил алоқа ўрнатил.

Узвийлик болалар боғчаси ва мактабда шахсни ҳар томонлама шакллантириш бўйича олиб бориладиган таълим-тарбия ишини изчиллик билан амалга ошириш имкониятини яратди.

Боғча мактабгача тарбия ёшидаги болаларда бошланғич синф таълими мақсад ва вазифаларига мос келадиган сифат жиҳатдан янги хусусиятларни шакллантиради.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар эгаллаган хулқ-атвор шакллари, катталар ва тенгдошлари билан бўладиган ўзаро муносабат шакллари, ахлоқий ҳис-туйғу ва тасаввурлар мактабнинг бошланғич синфларида болаларга янги ахлоқий хулқ-атвор шаклларини уларнинг онгини, ҳис-туйғуларини тарбиялаш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Мактаб болаларда ахлоқий тасаввурлар ва хулқ-атворда бирлик бўлишини тарбиялаш, ўз хатти-ҳаракати учун шахсий жавобгарликни сеза билиш, жамоачилик ҳислатлари, сифат жиҳатдан янги бўлган хулқ атвор шаклларини таркиб топтириш учун шарт-шароит яратди. Мактабда ватанпарварлик, байналмилаллик, ўз ватани олдидаги бурчини чуқур англаш каби ҳис-туйғулар шаклланади. Бундай юксак ҳислар болаларнинг боғчада ота-оналарига, оиласига муҳаббат, катталарга ҳурмат, она табиатга меҳр ва шу каби ахлоқий ҳислари асосида шаклланади.

Мактабда болаларни эстетик томондан тарбиялаш бўйича ҳам изчил иш олиб борилади. Болалар мусиқа ва ашула дарсларида мусиқа асбоб-анжомлари билан танишадилар, ашула айтадилар, марш садолари остида юрадилар, ўйинга тушадилар. Тасвирий санъат дарсида эса ўқувчилар чизмачилик ва расм солишни, наққошлик рангтавир, манзарали-амалий санъатни, пайаж белгиларини, натюрмортни, портретни бир-биридан фарқлашни ўрганадилар. Ўқиш дарсида болалар адабий

жанрлар билан таништирилади. Амалий машғулотларда уларнинг бадий, ижодий қобилиятлари янада ривожлантирилади.

Болаларда меҳнатсеварликни тарбиялаш, меҳнат аҳлига ижобий муносабат, меҳнат малака ва кўникмаларини шакллантириш ишлари ҳам мактабда янада авж олдириб борилади.

Мактаб билан боғча ўртасидаги меҳнат тарбияси бўйича узвий боғлиқлик меҳнат тарбиясининг мазмунини мураккаблаштиришга, уни ижтимоий фойдали томонга қаратишга, болаларнинг меҳнатдаги мустақиллиги, ўз-ўзини ташкил эта билишга, ахлоқий муносабатларнинг онгли тус олишига олиб келади. Меҳнат фаолияти янада таркиб топа боради. Мактабдаги ҳамма ўқув-тарбиявий жараёнлар бола шахсини ҳар томонлама шакллантиришни ривожлантириш бўйича изчиллик асосида олиб борилади.

✓ Мактаб билан боғча ўртасидаги узвий алоқа асосини болалар боғчаси ва мактабда амалга ошириладиган таълим-тарбия ишлари мазмунини белгиловчи дастурлар ўртасидаги боғлиқлик ташкил этади. ✓

Ҳозирги бошланғич синфлар дастури билан боғча дастурини олиб солиштирадиган бўлсак, улар ўртасида бирқанча ўзаро боғлиқликларни кўрамиз. Бу энг аввало дастурларда асос қилиб олинган принципларнинг умумийлиги билан белгиланади. Уларнинг мазмуни болаларни ҳар томонлама тарбиялаш мақсад ва вазифаларига мос келиш принципи, ҳаёт билан боғлиқлик, илмийлик принциплари, таълимнинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи хусусиятга эгаллиги ва фалсафий, руҳий нуқтаи назарларнинг бирлигида намоён бўлади.

✓ Биринчи синф ўқув дастури айрим предметлар бўйича болалар боғчаси дастури билан солиштирилганда уларда умумийлик кўплигини кўрамиз. Масалан, болалар боғчасида она тилига ўргатиш ва бошланғич синфлардаги она тили дарсига болалар нутқини ҳар томонлама ривожлантириш каби умумий гоя асос қилиб олинади. ✓

✓ Болалар боғчасида бу иш болаларнинг луғатини бойитиш, товушларни тўғри талаффуз қилишга, ифодали ўқишга ўргатиш, боғланган нутқни шакллантириш орқали амалга оширилади. Мактабда эса болаларда мана шу боғчада эгаллаган билим, малака, тушунчаларга асосланиб, ёзма нутқ малакаси, орфографик хат малакаси шакллантирилади, уларга морфология ва синтаксис элементлари ўргатилади. Шу билан бир қаторда боғчада бошланган болалар луғатини бойитиш, нутқнинг ифодалилиги, боғланган нутқни ривожлантириш давом эттирилади. ✓

Болалар боғчасида ҳам, мактабда ҳам табиатшунослик тўғрисидаги билимлар организм билан муҳитнинг бирлиги тўғрисидаги умумий гояга асосланган ҳолда олиб борилади. Шу асосда болаларга жонли ва жонсиз табиат, табиат ва кишилар ўртасидаги боғлиқлик тўғрисида билим ва тушунчалар берилади.

Бунда дастурлар мазмунида бирлик ўрнатилганда боғча ёшидаги болалар билан мактаб ёшидаги болаларнинг ёшлари, билимларидаги фарқ хусусиятлари эътиборга олинган керак.

Боғча ёшидаги болалар эгаллашлари лозим бўлган билим ва тушунчалар мазмунини теварак-атрофдаги ҳаёт тўғрисидаги тасаввурлар ва айрим оддий тушуинчалар ташкил этади.

Бундай тасаввур ва тушунчаларнинг болалар томонидан эгаллаб олинган, яъни болаларда ҳар хил соҳалар бўйича ўзлаштирган умумий тасаввурлар системаси уларнинг келажакда умумий ривожланиши учун ниҳоятда зарур бўлиб, бусиз улар ҳозирги замон бошланғич синф таълимидаги керакли билимларни эгаллаб олмайдилар.

Мактабда эса ўқувчиларнинг билими янги босқичга кўтарилади ва кенгайди, шу билан бирга улар эгаллаётган билимларини назарий жиҳатдан англаб бошлайдилар. Илмий тушунчаларни шакллантириш мактабда олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишнинг марказига қўйилади. Мактабда билимлар асосини эгаллаш янада аниқроқ тусга кира боради.

Боғча билан мактаб ўртасидаги изчиллик таълимнинг шакл ва услубларида ҳам ўз аксини топади.

Таълим бериш услубларидаги изчилликнинг муҳим шарти болаларнинг билим, малака ва кўникмаларни онгли эгаллаб олишларига эришиш, боғчада ва мактабда уларнинг ақлий қобилиятларини ва ижодий фаолликларини ўстиришдир. Болалар боғчаси ва мактабнинг бошланғич синфида қўлланиладиган жуда кўп усуллар бир хил бўлиб, улар болаларнинг ақлий, ахлоқий-иродавий ривожланишларини яхшилашга қаратилган, шу билан бирга уларнинг янги мазмундаги билимларни эгаллашга, амалий фаолиятга, билишга қизиқишини ошириб, ўқитувчи билан дарс жараёнида юзага келадиган муносабатларнинг мураккаброқ шакллари эгаллаб олишларга ёрдам беради.

Тарбиячининг машгулотлар жараёнида болаларнинг амалий фаолиятларига, билиш жараёнига бундай раҳбарлик қилиши мактаб ва боғча ўртасидаги таълим усулидаги изчилликнинг асосини ташкил этади.

Мактабдаги дарс, болалар боғчасидаги машгулот бирмунча ўзига хос хусусиятларга эга, шу билан бирга таълимнинг ташкилий асосда олиб борилишида эса умумийлик сезилиб туради. Машгулот ва дарсларнинг мазмуни аниқ дастур асосида олиб борилиши, аниқ белгиланган вақт ажратилиши, педагогнинг раҳбарлик роли, таълимнинг илмий асосланган метод ва усулларидан фойдаланиш, таълим бериш жараёнида болаларда ўқув фаолияти элементлари, ўз хулқини ихтиёрий бошқариш қобилияти, маълум мақсадга қаратилган ақлий иш билан шугулланиш қобилияти тарбиялаб борилади. Булар ҳаммаси болани мактаб таълимига фаол киришиб кетишга тайёрлайди.

Шундай қилиб, болалар боғчаси билан мактаб ўртасида таълим-тарбия ишидаги изчиллик бола шахсини аниқ мақсад билан ҳар томонлама ривожлантириб бориш имконини яратди.

2-§. ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИШЛАР

Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш боғчанинг биринчи кичик гуруҳидан бошланади. Болаларнинг 6 ёшдан мактабга бориши муносабати билан уларни мактабга тайёрлаш ишига ўрта ва катта гуруҳларда алоҳида эътибор берилади.

Мактабга тайёрлов гуруҳида болаларнинг кун тартибини аниқ, тўғри ва мустақил бажаришларига талаб ортади. Машғулотларнинг самарали ташкил этилишига, кундузги уйқу ва сайрнинг етарли даражада яхши йўлга қўйилишига катта эътибор бериш керак. Бу сифатлар боланинг мактабда муваффақиятли ўқишига замин яратади.

Тайёрлов гуруҳига келганда боланинг ҳар хил фаолиятлари: ўз-ўзига хизмат қилишда, навбатчиликда, табиат қўйнидаги меҳнатда мустақиллик намоен бўла бошлайди. Боладаги мустақиллик ва ташкилотчилик қобилияти тарбиячининг бевосита раҳбарлигида уларнинг ҳамма фаолиятларида шакллантирилиб борилади.

Жисмоний тарбия дастурини бажариш умумий вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда, болаларда эрталабки бадантарбия ва жисмоний машғулотларни бажонидил бажариш, ўз ҳаракатларини такомиллаштиришга хоҳиш тарбияланади. Шунинг учун боланинг жисмоний, ақлий фаоллигини ва иш қобилиятини ўстирувчи ҳаракат фаоллигини ривожлантириш керак.

Бу гуруҳдаги болаларни жисмоний машқларнинг спорт турига (сузиш ва шунга ўхшашларга) жалб қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Болаларнинг асосий ҳаракатини ўстирувчи, жамоачиликни, жавобгарлик ҳис этишни, чидамлиликни, мустақилликни, уюшқоқликни тарбияловчи ҳаракатли ўйинлар кун тартибда катта ўрин эгаллайди. Ҳаракатли ўйинларни бошқа машқлар билан алмаштириб бориш ҳамма ҳаракатларни ривожлантиришнинг асосий шартидир.

Тўғри ташкил этилган сайр болаларнинг жисмоний ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Тарбиячи болаларнинг нормал ухлаши ва овқатланишини таъминлаш бўйича ғамхўрлик қилиб боради.

Таълимнинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи хусусияти ҳозирги замон таълимига хос принципдир. Бу болалардаги билимга қизиқиш ва билиш жараёнларини ривожлантиради. Бунинг учун болаларга бериладиган билим, малақа, қўникмалар маълум изчиллик билан такомиллаштириб борилади. Натижада болалар катталарнинг кўрсатмаси ва намунаси бўйича иш-ҳаракатларни бажаришга, олдин эгаллаган билимларини янги

фаолиятда қўллашга, ўзининг ҳулқи, иши, ҳатти-харакатини назорат қилиш ва тўғри баҳолашга ўрганиб борадилар.

Болаларда топшириққа онгли муносабат шаклланади. Тарбиячининг тушунтириш ва кўрсатмаларини диққат билан тинглаш, ўз ишида яхши натижага эришишга интилиши, маълум тезлик ва изчилликда диққат билан ишлаш малакаси шаклланади, иш қобилияти ортади.

Тарбиячи машғулот пайтида ҳар бир боланинг диққати, тафаккури, хотираси, билим ва малака даражасидаги ўзига хос хусусиятларни эътиборга олади.

Таълим жараёнига алоҳида ёндашиш ақлий вазифаларни, уларни бажариш усулларини мураккаблаштириб боришни секин-аста амалга оширишни тақозо этади. Масалан, бола бирор нарсани ўзича ҳикоя қилиб бера олмаса, тарбиячи унга мавзуга доир режа беради, кейинчалик ишни мустақил бажаришни топширади. Алоҳида ёндашиш орқали тортинчоқ, суст болалар фаоллаштириб борилади, материални яхши ўзлаштирадиган болаларга топшириқ мураккаблаштирилади.

Мактабга тайёрлов гуруҳида қўлланиладиган методларнинг ўзига хос томони бор. Кўрғазмали методлар бу ерда фақат ҳаракат усулида ишлатилмай, шу билан бирга болаларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш учун ҳам қўлланилади. Масалан, манзарали расм чизиш машғулотида намунани кўрсатишдан машғулотнинг бошида хотирани, хаёл образини жонлантириш учун фойдаланилади, машғулотнинг охирида эса ўзининг бажарган ишини, расмни тўғри бажарганини текшириш учун намуна билан таққослаб кўриш мақсадида фойдаланилади.

Билимларни болалар пухта ўзлаштириб олишлари, таълим жараёнини фаоллаштириш мақсадида амалий ва ўйин методларини кўрғазмали метод билан тўғри қўшиб олиб боришда оғзаки метод катта аҳамиятга эга. Ўйин методлари, айниқса дидактик ўйинлар методи ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Чунки таълим ўйинлар, айниқса дидактик ўйинлар орқали олиб борилганда болалар ўқув вазифасини яхшироқ англаб оладилар, бу улардаги ихтиёрий диққатни оширади, фаолиятини фаоллаштириб, билишга қизиқишини кучайтиради.

Ривожлантирувчи таълим принципини амалга оширишда тарбиячининг болалар фаолиятига раҳбарлиги ва уни тўғри баҳолаб бориши муҳим аҳамиятга эга. Чунки бунда фақат ишнинг натижасигина баҳоланмай, балки бу ишни бажаришда болаларнинг ақлий фаолияти, мустақиллиги, иштиёқ билан, жон-дилдан ҳаракат қилганликлари ҳам эътиборга олинади. Тарбиячининг болалар ишини баҳолашга педагогик назорат билан ёндашиши натижасида улар ўзларининг ютуқ ва камчиликларини тушуниб оладилар ва келгусида яхшироқ натижаларга эришиш учун ҳаракат қиладилар.

Бажарилган ишни болалар билан биргаликда таҳлил қилиш: солиштириш, таққослаш, назорат қилиб бориш ўқув фао-

лияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган малакаларни шакллантиради. Тарбиячи болаларни бажарилган ишларни таҳлил қилишга ўргатар экан, аввало ўзи намуна беради, кейин режа тузиб беради ва шундан кейин болалар ўзлари ва ўртоқларининг ишини мустақил таҳлил қилиб, уни баҳолайдиган бўлиб қоладилар. Болалардаги ўз-ўзини текшириш малакасини тарбиялаш учун тарбиячи болаларга ўртоғи ишни қандай бажарганлигини гапириб беришни таклиф этади ва йўл-йўлакай «Сен унинг ишни қандай бажарганини қаердан билиб олдинг?», «Нима учун шундай деб ўйлайсан?» каби саволларни бериб боради.

Мактабга тайёрлов гуруҳида болаларнинг машғулотда уюш-қоқлик билан шуғулланишларига талаб ортади. Болаларнинг иш жойини тайёрлаб олиш, керакли материалларни тўғри жойлаштириш, ишни маълум кетма-кетлик билан бажариш каби малакаларни эгаллаб олишлари ақлий меҳнат малакасини шакллантиради. Шунинг учун болаларни бўлажак фаолият учун зарур бўладиган ана шу ишларга ўргатиб борилади.

Болаларни машғулотлардаги ҳулқига ҳам талаб ортади. Тўғри ўтириш, ўзини батартиб тутиш диққат билан қулоқ солиш, бошқаларнинг гапини бўлмаслик, ўртоқларининг жавобини тўлдириш ва бошқалар шулар жумласига киради.

Бу ёшдаги болаларга ахлоқий ва меҳнат тарбияси бериш дастури мураккаблашади; ўз тенгдошлари ва катталар билан муносабати шакллантирилади, инсоний хисларни тарбиялаш кучайтирилади. Хулқ нормалари қондаларини эгаллаб олишларига, кундалик ҳаётда учраб турадиган одоб, ахлоқ доирасидаги вазифаларни ҳал қилишига эътибор берилади.

Болаларни мактаб ва ўқувчилар ҳаёти билан таништириш. Бошланғич синф ўқувчиси ва боғчанинг тайёрлов гуруҳи тарбиячиси тайёрлов гуруҳи болаларини мактаб билан таништириш бўйича экскурсия уюштирадилар. Бундай экскурсиялар йил давомида 3 марта ўтказилиши мумкин. Экскурсия пайтида катта ва тайёрлов гуруҳи болалари мактаб ўқувчилари билан танишадилар, улар боғча болаларига ўзларининг мактабдаги ўқишлари, ишлари тўғрисида гапириб берадилар; ўқувчилар хонасини қандай беаганликлари, табиат бурчагидаги ўсимлик ва ҳайвонларни қандай парвариш қилаётганликлари, устaxonада қандай ишларни бажараётганликларини кўрсатадилар.

Иш шакли қуйидагича бўлиши мумкин:

— синфда «Расмга қараб сўзлаб бериш» мавзусидаги дарс — машғулотни бирга ўтказиш. Спорт майдончасида ёки спорт залида мактабдаги жисмоний тарбия машғулотини бирга бажариш;

— биринчи синф ўқувчилари ва тайёрлов гуруҳи болалари ишлаган расмларнинг биргаликдаги кўргазмасини ташкил этиш;

— мактаб устахонасида ўқувчиларнинг меҳнат машғулоти-
ни кузатиш. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган ўйинчоқларни боғ-
ча болаларига совға қилишади;

— мактабда ўқиётган болалар ўз боғчасига келишади;

— «Мактаб» ўйинини ташкил этиш.

Болалар боғчаси тарбиячиси ва бошланғич синф ўқувчиси
фаолиятида изчиллик яққол намоён бўлади. Биринчи болаларни
тарбиялаш ва таълим беришни бошлайди, иккинчиси давом эт-
тиради. Мактаб билан боғча ўртасидаги алоқа мустаҳкам бўл-
гандагина бола тарбиясидан кўзланган мақсадга эришиш
мумкин.

3-§. БОҒЧА БИЛАН МАКТАБ ЎРТАСИДАГИ АЛОҚА ШАКЛЛАРИ

Боғча ва мактаб ўртасидаги алоқа икки йўналишда олиб
борилади:

1. Болалар боғчаси билан мактабнинг педагоглар жамоаси
ўртасидаги алоқа.

2. Боғча болалари ва бошланғич синф ўқувчиларини бир-
бирларига яқинлаштириш.

Тарбиячилар бошланғич синфда олиб бориладиган таълим-
тарбиявий ишнинг мазмуни, ўзига хос томонлари билан тани-
шадилар, натижада боғчада болани мактаб талаби даража-
сида тайёрлаш истиқболлари белгилаб олинади.

Мактабнинг бошланғич синф ўқувчилари катта ва тайёрлов
гуруҳларида олиб бориладиган ишлар мазмуни билан танишиб
борадилар ва мактабда таълим беришда болалар эгаллаган
билим, малака ва кўникмаларга асосланадилар.

Болалар боғчаси билан мактаб педагогларининг ўзаро ало-
қа ўрнатишларидан кўзланган асосий мақсад болаларни замон
талабига жавоб берадиган даражада мактаб таълимига тайёр-
лаш учун ўқув тарбиявий ишлар бўйича мактаб билан боғча
ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, болаларнинг мактабда
муваффақиятли ўқиб кетишлари учун болалар боғчаси ва мак-
табда олиб борилаётган таълим-тарбиявий ишларни чуқур таҳ-
лил қилиб, бу соҳада юқори натижаларга эришишдир.

Болалар боғчаси билан мактаб ўртасидаги алоқанинг маз-
муни ва шакллари юқоридаги вазифаларга қараб белгилана-
ди.

Болалар боғчаси билан мактаб педагогик ташвиқот, методик
ва амалий масалалар юзасидан бир-бири билан алоқа боғлай-
ди. Педагогик ташвиқот ишлари болалар боғчаси мактабга
тайёрлов гуруҳи тарбиячисининг ва биринчи синф ўқитувчисини
боғчанинг мактабга тайёрлов гуруҳида ва биринчи синфда
олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар вазифаси билан
таништиришни, мактабга тайёрлов гуруҳи ва I синф дастури
мазмунини, тайёрлов гуруҳи болалари ва мактабдаги I синф
ўқувчиларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишни тақозо

этади. Мана шундай усулда иш олиб борилганда ўқитувчи ва тарбиячилар мактабни I синф ва боғчани тайёрлов гуруҳидаги болаларга хос бўлган ёш хусусиятларини, уларнинг руҳий табиатини, ақлий ва ижтимоий ривожланишларини тушуниб, уларни мактабга тайёрлов масалаларини яхшироқ англаб олишларида ёрдам беради.

Бу мақсадни амалга оширишда боғча билан мактаб ўртасида қуйидагича конкрет алоқа шакллари ўрнатилади: ўқитувчи ва тарбиячилар болаларни мактабга тайёрлаш ва узвийлик масалалари бўйича, болаларни мактабга тайёрлаш масаласи бўйича биргаликда ўтказиладиган тадбирларнинг мослигини муҳокама қилиш учун семинар, педагогик кенгашларда қатнашиш, шунингдек болаларнинг ёш хусусиятларини, уларнинг боғчадан мактабга ўтишларидаги руҳий қийинчиликлар, мактаб шароитига қийналмай мослашишларига ёрдам берувчи омиллар бўйича тарбиячи ва ўқитувчилар томонидан тайёрланган лекциялар орқали тажриба алмашув ва бошқалар кирди.

Болалар боғчаси билан мактаб ўртасидаги узвий алоқанинг педагогик вазифаси боғчанинг тайёрлов гуруҳида ва мактабнинг I синфида олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишларни амалга оширишдаги фаолият шакллари ва усуллари билан ўзаро танишишни тақозо этади.

Бу масалада боғчанинг тайёрлов гуруҳи тарбиячилари мактабнинг I синфида олиб борилаётган дарсларни кузатадилар ва дарс, машғулотлардан кейин биргаликда йиғилишиб уни муҳокама қиладилар, айрим методикалар бўйича семинар—практикумларда қатнашадилар: илғор тажрибалар билан ўртоқлашиш, болаларни мактабга тайёрлаш бўйича ёки I синфда болаларга билим бериш бўйича педагогик кенгашларни ўтказадилар. Юқорида келтирилган ҳамма иш шакллари ва мазмунини амалга оширишдан асосий мақсад илгарини сурилаётган масалани ҳар томонлама гаҳдил қилиш, уни ҳал этишда учрайдиган камчиликларни аниқлаш, болалар боғчаси ва мактабда олиб бориладиган таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишдир.

Болалар боғчаси билан мактаб ўртасидаги алоқанинг амалий вазифаси, шундан иборатки, бир томондан, ўқитувчи боғчанинг тайёрлов гуруҳига бориб ўзининг бўлажак ўқувчилари билан танишиб боради, иккинчи томондан тайёрлов гуруҳи тарбиячилари ўзларининг солиқ тарбияланувчилари биринчи синфда қандай ўқиётганини ўрганиб борадилар. Болаларни мактабга кузатишда ҳар бир болага аниқ тавсифнома берилади.

Бу тавсифномада тарбиячи ҳар бир боланинг ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни очиб беради, бу ўқитувчига бола билан муносабатда бўлганда педагогик нуқтаи назардан тўғри ёндашишда ёрдам беради. Тарбиячи ҳам ўз навбатида I синфга борган болалари билан изчил равишда алоқа боғлаб боради, дарсларда бевосита қатнашиб қандай ўқиётганлари, хулқи,

ўқишдаги муваффақиятсизликларни сабабини ўқитувчидан сўраш орқали ҳам аниқлаб боради. Булар ҳаммаси тарбиячини болалар билан олиб борган таълим-тарбиявий ишидаги ютуқ ва камчиликларни билиб олишга имкон яратади.

Тарбиячи ва ўқитувчилар илғор тажрибаларни тарқатиш, ташвиқот, тарғибот қилиш мақсадида шаҳар, район конференцияларида қатнашиб фикр алмашадилар.

Болалар боғчаси билан мактаб ўртасидаги узвий алоқа самарали бўлиши учун қўйидаги шартларга риоя қилиш лозим. Боғча билан мактаб ўртасидаги алоқа изчил амалга ошириб борилиши, у узоқ муддатга мўлжалланган бўлиши, амалга ошириладиган ишлар, ҳал этиладиган масалалар режали тусда бўлиши зарур.

Ҳамкорлик асосини биргаликда ишлаш бўйича тузилган истиқбол режаси ташкил этиб, унда ўзаро алоқанинг бош вазифаси, мазмуни, иш шакллари, вақти, бажариш учун жавобгар шахслар кўрсатилиши лозим.

Мактаб билан боғча йил давомида мана шундай алоқа ўрнатиб бориши натижасида таълим-тарбиявий ишлар яхши натижа беради.

Болаларни мактаб ўқувчиларига яқинлаштириш шакллари ҳам хилма-хил: мактабга экскурсия уюштириш, мактаб музейига, синф хонасига, кутубхона, устахонага бориш, биргаликдаги машғулотлар, байрам эрталиклари, муסיқий-бадий кечалар ўтказиш, расмлар ҳамда лой ва пластилиндан ясалган ўйинчоқлар кўргазмасини ташкил этиш ва бошқалардир.

Режалар аниқ, мазмунли бўлса ва оғишмай амалга ошириб борилса, биргаликдаги ишлар бўйича исталган натижаларга, муваффақиятларга эришиш мумкин. Бу эса болаларни мактаб таълимига тайёрлашда, уларнинг мактабда қийналмай ўқиб кетишларида яхши самаралар беради.

XIV б о б. БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ВА ОИЛА

1-§. БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДА ОИЛАНING РОЛИ

Бизнинг давлатимиз оилалар шароитини яхшилаш, уларни моддий жиҳатдан таъминлашни кучайтириш юзасидан гамхўрлик қилмоқда. Давлат ва жамоатчилик болаларни тарбиялашда яслилар ва боғчалар, мактаб-интернатлар ва бошқа шунга ўхшаш муассасалар тармоқларини кенгайтириш орқали оилаларга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Аҳоли яшайдиган уй-жой бинолари, мактаблар, болалар ва тиббиёт муассасалари қуриш, улардаги шароитни яхшилаш иши мунтазам равишда амалга ошириб борилмоқда.

Республика раҳбарияти оилаларга ҳар томонлама ёрдам беришни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билмоқда.

Давлат болаларнинг ясида, боғчада тарбияланиши, умумтаълим мактабида, техникум, билим юрти, олий ўқув юртлири-

да билим олишлари учун сарфланадиган харажатларни йилдан-йилга кўпайтириб бормоқда.

Оналарга қулайлик тугдириш, уларнинг моддий шароитларини яхшилаш, бола тарбияси билан жиддийроқ шуғулланишлари учун катта имтиёзлар яратилган. Масалан: мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ундаги моддий шароитни яхшилаш; бола тугилганда биринчи болага, иккинчи ва учинчи болага бериладиган суюнчи пуллари миқдорини йилдан-йилга ошириб бориш, 2 ва ундан ортиқ 12 ёшгача боласи бўлган оналарнинг меҳнат отпускарини узайтириш, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ишлайдиган хотин-қизларга бола тугилганда боласи 2 ёшга тўлгунга қадар ўртача ойлиги сақланган ҳолда ва бола 3 ёшга киргунга қадар пулсиз отпускаи жорий қилиниши, бунда унинг мутахассислиги бўйича иш стажига сақланиши; ёлғиз оналарга ҳар бир боласи учун бериладиган ойлик нафақа пули миқдорининг кўпайтирилиши; ота-оналарнинг болалари билан биргаликда дам олишлари ва даволанишлари учун шарт-шароитлар яратилиши; нарх-наво ошиши муносабати билан болаларга кийим-бош пули берилиши; шунингдек боласини ўзи тарбиялаб, шу билан бирга ишламоқчи бўлган оналарга тўла бўлмаган иш куни, иш ҳафтаси, уйда ишлашлари учун шароит яратилиши; болалар касалланганда уни парвариш қилиш учун пул тўланадиган вақтнинг узайтирилиши шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, давлатимиз оиланинг тарбиячилик вазифасини юқори баҳолайди, бу ишни муваффақиятли амалга ошириш учун ҳамма шарт-шароитларни яратади.

Жумҳуриятимиз раҳбарияти оилани мустаҳкамлаш, унинг шароитини яхшилаш, кишиларнинг турмуш фаровонлигини оширишга жуда катта аҳамият бермоқда. Оиланинг мустаҳкамлиги болаларни ҳар томонлама тўғри тарбиялашга имкон беради. Оила, боғча, мактаб, меҳнат жамоалари ўртасидаги алоқани яхшилаш, ота-оналарнинг болалар тарбияси учун жавобгарлигини ошириш давр талабидир.

Оналарнинг мактабгача тарбия муассасаларига бўлган талабларини тўлароқ қондириш, болалар боғчаларида уларнинг овқатларига сарфланадиган пул миқдорини янада кўпайтириш ишлари амалга оширилмоқда.

Бола тарбияси билан жиддийроқ шуғулланиш ва оилани мустаҳкамлашнинг муҳим гарови аҳолининг шарт-шароитини яхшилаш, турмуш даражасини кўтариш бўйича ҳозирги кунда жумҳуриятимиз раҳбарияти томонидан чиқарилаётган фармонлар ва қонунлар, буларни амалга ошириш бўйича белгиланаётган чора-тадбирлар кўп миллатли халқимизнинг тахсинига сазовор бўлмоқда. Масалан: ҳомиладор ва кам қонли болалик аёлларга ҳар кунги озиқ-овқати учун пул ажратилди, мактабларда I—V синф ўқувчиларига бепул нонушта ташкил этилди, ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари, техникумлар ва билим юртлари, олий ўқув юртлари талабалари ҳамда аспирантлар ой-

лик стипендиялари оширилди. Хонадонларда ижарага турувчи талабаларнинг стипендиясига қўшимча пул бериляпти, мактаб ўқитувчилари ва тарбиячиларнинг иш соати камайтирилиб, ойлик маошлари оширилди. Ҳамма ўқитувчиларнинг ва етимхоналарнинг тарбиячилари яшаб турган давлат уйлари уларнинг хусусий мулкга айлантирилди, шунингдек, коммунал хизматлари учун тўланадиган пуллар 50 фоизга камайтирилди. Қишлоқ жойларидаги ўқитувчиларга эса имтиёз бундан ҳам кўпроқ, улар коммунал хизмати учун тўланадиган харажатдан бутунлай озод қилинди, район ҳокимияти уларга бепул ёқилги еки ёқилги учун пул ажратади.

Ўқитувчилар ва етимхоналар тарбиячиларига уй, уй солиш учун ер ва қурилиш материаллари билан таъминлаш ишлари биринчи навбатда ҳал этилади.

Ҳар бир оиллага ҳосилдор ерлардан ер майдони ажратиб бериш, бирқанча қишлоқ жойларида чорва боқётган оилаларни ем-хашак билан таъминлаш ишлари амалга оширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг моддий шароитини яхшилаш, турмуш фаровонлигини ошириш, оилани мустақамлаш, бола тарбияси билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратади.

Айниқса, оилаларга ер майдони ажратиб берилиши ёш оилаларнинг, болаларнинг оила катталари билан бирга яшашлари учун катта имконият яратади. Бундай шароитда яшаган болалар катталардан оилавий одоб-ахлоқ қоидаларини: саломлашиш, ширинсўзлик, сизлаб гапириш, раҳмат айтиш, кечирим сўраш, катталарни иззат-ҳурмат, кичикларга шафқат қилиш, инсоннинг қадрига етиш, ўзига яқин кишиларга меҳрибонлик кўрсатиш туйғуларини ўрганиб, сингдириб оладилар; шу билан бирга катталар билан бирга фаолиятда қатнашиш жараёнида меҳнат малакалари, кўникмаларини, инсонийликка асосланган ҳар хил миллий урф-одат, удумларни ўзлаштириб борадилар.

Иккинчи томондан, болаларнинг барча хатти-ҳаракатлари катталарнинг назоратида бўлади, натижада катталар болаларнинг мақбул ишларини маъқуллаб, номақбул ишлардан қайтариб, уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатадилар, нима яхши-ю, нима ёмонлигини, қандай иш фойдалигу, қайсиниси зарарлигини тунштириб борадилар.

2- §. ОИЛАНING МАҚСАДИ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДИР

Фарзанд — оиланинг қувончи, ота-онанинг таянчи, жамиятнинг ҳаётбахш кучи. Болаларнинг шарофати билан ҳаёт янада ширин, ўлим эса у қадар даҳшат солмайдигандек туйилади,— деган эди инглиз философи Фрэнсис Бэкон.

Фарзанд умр меваси, оила фахри, келажаги, бахтидир. Аммо тарбия ниҳоятда машаққатли иш бўлиб, ота-оналар болалар тарбиясида ҳар доим ҳам истаган натижаларига эришавермайдилар.

Ҳаётининг биринчи йилидан бошлаб бола шахсини шакллантириш, яъни унинг тарбияси билан шуғулланиш оиланинг асосий вазифасидир.

Оила жамиятнинг бошланғич звеноси бўлиб, унда янги инсон вужудга келади; бу кичик ижтимоий гуруҳ бола учун дастлабки ҳаёт мактабидир. Ота-оналар боланинг биринчи ўқитувчиси ва тарбиячисиديرлар.

Бундан беш юз эллик йил аввал яшаб ижод қилган буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий болани «меҳри анбар» — уйни ёритадиган ва оилага бахт-қувонч келтирадиган нур деб ҳисоблаган эди. Навоий болалар оилада ва мактабда интизомли бўлишлари ва ўзларининг одобли эканликларини кўрсатишлари кераклигини ҳам таъкидлаб ўтган эди.

Навоий тарбия усули сифатида намуна кўрсатишга алоҳида эътибор берар ва кишиларни, айниқса ёшларни яхши кишилардан ўрганишга, улардан ибрат олишга, уларнинг даврасида бўлиш, улар билан тез-тез суҳбатлашишга чақирар эди. У бола тарбиясида ота-оналарнинг ибрати тўғрисида шундай ёзади:

*Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай,
Ҳар кимки атоға кўп ривоят қилғай,
Уғлидан анга бу иш сироят қилғай.*

Шарқ мутафаккирларидан Насриддин Тусий ўзининг «Ахлоқи Насрий» асарида яхши тарбиянинг муҳимлигига кўп тўхталган. У ота-оналарнинг ҳуқуқ ва бурчлари, саҳоватлилик, бахт, инсоннинг олижаноб хислатлари, қадр-қиммат, садоқат ва самимийлик, саломатлик (киши ўзида яхши ахлоқий фазилатларни шакллантириш учун саломатлик жуда зарур, дейди Тусий) тўғрисида жуда қимматли фикрларни берганки, орадан етти аср ўтиб ҳам, улар ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бола тарбиясида ота-онанинг вазифаси, ролини кўплаб халқ мақол ва маталларида ҳам учратиш мумкин.

Ота-онанинг тарбиячилик роли тўғрисидаги қуйидаги халқ мақолини келтириш мумкин:

*Боғинг бўлса, кўра қил,
Уғлинг бўлса, мулла қил.
Дарахтдан мева оламан десанг,
Ниҳоллигидан парвариш қил.
Сув билан экин ўсар,
Тарбия билан — одам.*

Бола тарбиясида катталарнинг ибрати тўғрисида қуйидагича мақоллар мавжуд:

*Дарахтга кўра — меваси,
Ота-онасига кўра — боласи.*

*Дарё чучук — ариқ чучук,
Дарё аччиқ — ариқ аччиқ.*

*Игна қаяққа юрса,
Ип ҳам шу ёққа юрар.*

Маданий ва маънавий меросимиз бўлган Ҳадисда тарбия, ахлоқ-одоб, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндошлик, меҳр-оқибат, адолат, инсоф-тавфиқ билан бир қаторда ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Ҳадисда «Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангизлар», дейилган.

Агар оила маъносиз ҳаёт кечирса, фақат шахсий ҳузур-ҳаловати билан машгул бўлса, агар оилада раҳмсизлик ва худбинлик ҳукм сураётган бўлса, буларнинг ҳаммаси боланинг маънавий қиёфасига салбий таъсир этмасдан қолмайди, албатта. Шунинг учун ота-оналар учун оила тарбияси, аввало ўз-ўзини тарбиялашдан иборат бўлмоғи керак. Ота-оналарнинг юксак ижтимоий онги болаларда ҳам шунга мос онг таркиб топишига ёрдам беради.

Оилада катталарга ҳурмат, кичикларни авайлаш каби қоидалар кундалик одатга айланиб бориши керак.

Ота-она олдидаги масъулиятнинг нақадар муҳимлиги шундан иборатки, улар боланинг ҳар бири қадамини, ҳар бир ҳатти-ҳаракатини зимдан кузатиб борадилар. Болалар ҳар қандай жанжални, ёмон ноўрин сўзни узоқ вақт эслаб юрадилар, ўрни келганда, вазият бўлганда амалда қўллашга ҳаракат қиладилар.

«Қуш уясида кўрганини қилади», дейди халқимиз. Айниқса, боланинг иззат нафсига тегмаслик, уни камситиб гапирмаслик, хуллас, ота-онанинг ўзи маданиятсизлик, одобсизлик қилмасликлари мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини севади. Ҳеч ким улардан ёмон ва бахтсиз инсонлар етишиб чиқишини истамайди. Фарзандининг ҳар бир ютуғи ота-онанинг юрагини тоғдек кўтарди, фахр ва ғурур туйғуларини вужудга келтиради. Лекин ота-онанинг мақсад ва ниятини фарзандлар қандай тушунадилар, бу мақсадларни амалга ошириш учун улар қандай йўл ва воситалардан фойдаланадилар, булар ниҳоятда мураккаб масалалардир.

Ота-онанинг жамиятда тутган ўрни, нуфузи фарзанд тарбиясида катта аҳамиятга эга. Бу нарса мансаб билан белгиланмайди. Энг яхши обрў ва эътибор ҳалол меҳнатдир. Ҳалол меҳнат билан жамиятда орттирилган обрў оилада фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир қилади. Фарзанд ҳам ота-оналаридек бўлишга интилади. Меҳмондўст оилада ўсган фарзандлар ҳам меҳмондўст бўладилар.

Ота-оналарини хор-зор қиладиган, дилларини огритадиган номард фарзандлар ҳам учрайди. Улар нима қилаётганларини

ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Қадимдан бир нақл бор: ота-она ўнта болани боқадиди-ю, ўнта номард бола ота-онани боқа олмайди. Бу нақлнинг мазмуни жуда чуқур. Уни ҳар бир фарзанд ёдидан чиқармаслиги керак.

Ўсиб-унаётган фарзандлар А. Навоийнинг мана бу насиҳатини ҳам ҳамиша ёдда сақлашлари лозим:

*Бошни фидо қилғил ато бошига,
Жисмни қил садқа ано қошига,
Тун-кунингга айлагали нурпош,
Бирсин ой англа, бирисин қуёш.*

Ўзбек халқ мақолида айтилишича:

*Давлатинг ота-онанг,
Савлатинг ўғил-қизинг.*

«Оталарингизга яхшилик қилинглар, болаларингиз ҳам сизларга яхшилик қилишади», дейилади Ҳадисда.

Оилада янги инсон камол топаётган, бўлажак меҳнат киши-си шаклланаётган экан, бу ҳар бир ота-онадан масъулият, бурч, виждон ва ор-номусни талаб этади.

Янги авлодни ёшлигидан аниқ мақсад билан тарбиялаб бо-риш зарур. Саъдий Шерозий айтганидек:

*Кимга ёшлигидан берилмас одоб,
Улғайгач бўлади бахтсиз, дили ғаш.
Ўл навда эгилар қай хилда эсанг,
Қуруқни тўғриллар фақат ўт-оташ.*

Педагоглар ота-оналар билан бўладиган суҳбатларда боланинг ахлоқий шаклланиши катталарнинг ўзига, уларнинг намунасига, ўз шахсларини такомиллаштиришга бўлган интилишларига боғлиқ эканлигини одоб билан эслатиб қўйишлари лозим.

Педагог ота-оналар билан суҳбат чоғида дастур талабларига таянади, ота-оналарнинг педагогик лаёқати ва оилавий тарбия хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мактабгача тарбия ҳақидаги китоб материаллари ва уларда келтирилган мисоллар, маслаҳатлар, тавсияномалардан ижодий фойдаланади.

Суҳбат бу икки томон — педагог билан ота-онанинг мулоқотидир. У фикр алмашишга, муҳокама қилинаётган масалаларда ўзаро ҳамжиҳатлик ўрнатилишига ёрдам бериши керак. Шунинг учун энг муҳими, тарбиячининг хайрихоҳлик, эркинлик муҳитини ярата олишидир.

Бунга эса педагог ота-оналарга ўз фикрини билдира олиш имкониятини яратиб берганда, ўз фикрини зўрлаб ўтказмай, уларда олға суриляётган тавсияномаларга нисбатан ички ро-

зиликни ҳосил қилишга интилганда, энг муҳими, ўз мулоҳазаларини боланинг манфаатларини ҳисобга олиб асослай олгандагина эришади.

Ота-оналарнинг шаклланиб, камол топиб бораётган шахсга кўрсатадиган таъсир кучи жуда катта. Уларнинг болага таъсир этишининг асоси уларнинг болага нисбатан бегараз муҳаббатининг, унинг ҳақида талабчанлик билан қўшиб олиб борадиган ғамхўрлигидир. Муҳаббат ҳар қандай яхшилик, меҳрибонлик ва ёрқинликнинг ижодкоридир.

Ҳамма гап ота-оналик меҳрининг намоён бўлиш даражасини ҳис этишда, уни талабчанлик ва бола шахсини ҳурмат қилиши билан қўшиб олиб боришдадир.

Бола бу муҳаббат ва ғамхўрликка ота-оналарига нисбатан катта меҳрибонлик ва муҳаббат, уларнинг устунлиги ва обрўйини тан олиш, улар йўлидан боришга, ҳар нарсада уларга тақлид қилишга интилиш билан жавоб беради. Оила таъсирининг кучи боланинг тарбиявий таъсирларга мойиллиги, тақлидчанлиги билан белгиланади.

Айниқса кичик ёшли болаларни тарбиялашда оиланинг роли каттадир. Болалар ота-она раҳбарлигида теварак-атроф, ҳаёт тўғрисидаги дастлабки тасавурларни эгаллаб оладилар.

Оила болани тарбиясига таъсир этади, уни теварак-атрофдаги ҳаётга қўшади.

Болани ёшлигидан бошлаб оилавий одоб-ахлоқ қоидаларига одатлантириш, яхши хулқ-атворли бўлишга ўргатиш ота-она учун ҳам қарз, ҳам фарздор. Улар болаларда ёшлигидан бошлаб кишиларга меҳр-муҳаббатли, иззат-ҳурматда бўлиш, инсоннинг қадрига етиш ва ҳурмат қилиш каби ижобий хислатларни тарбиялаб боришлари зарур.

Оқил ота-оналар оилада фарзанд дунёга келиши билан унинг тарбиясини бувиси, буваси ёки жамоат тарбия муассасаларига топширмай, бу масъулиятли вазифа билан ўзлари жиддий шуғулланадилар. Ўз фарзандларини ўзи яшаб турган жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашга интиладилар.

Ўзбек оилаларида болаларни жамиятнинг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялаш бўйича ижобий тажрибалар тўпланган. Лекин кичкинтойлар тарбиясида жиддий хатоларга йўл қўядиган оилалар ҳам учраб туради. Бу эса болаларнинг келгусидаги камолотига салбий таъсир этади ва уларни қайта тарбиялашдек мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Бундай хатоларнинг асосий сабаби ота-оналар педагогик маданиятининг етарли даражада бўлмаслигидир. Ўз боласини яхши киши, етук фуқаро қилиб тарбиялаш истагининг ўзи етарли эмас. Буни уддалай билиш керак.

Ота-онанинг тарбиячилик вазифаси тўғрисида улуг рус ёзувчиси М. Горький шундай деб ёзган эди: «Боласини суйишни товуқ ҳам билади. Уларни тарбиялай олмоқ эса — қобилият ва кенг ҳаётий билимларни талаб этувчи давлат миқёсидаги буюк ишдир».

Ота-оналар атоқли педагоглардан бири айтган: «Болаларни тарбиялаш — ҳаётимизнинг муҳим соҳаси... Тўғри тарбия — бизнинг бахтли келажагимиз, ёмон тарбия бизнинг келажақдаги қайғу-ҳасратимиз, кўз ёшларимиз бошқа кишилар олдидаги, бутун жамият олдидаги, бутун мамлакат олдидаги айбимиздир», деган фикрларни тушунишлари керак. Ўз боласини тарбиялашни шахсий иш деб қараб бўлмайди, балки бу жамият олдидаги фуқаролик бурчини бажаришдир.

Оилада болани тўғри тарбиялаш шарт-шароитлари. Ота-оналар ўз болаларидан қандай кишилар тарбиялаб етиштиришларини, унда қандай фазилатлар ҳосил қилишларини аниқ тасаввур қилишлари керак. Болани тўғри тарбиялаш учун уни яхши билиш ва тушуниш керак, бунинг учун эса педагогик билимлар зарур бўлади. Улар ота-оналарнинг бола хулқини тўғри таҳлил қилишга, унинг тарбияси учун тўғри йўлни танлашга ёрдам беради.

Ота-оналар бола тарбиясида педагоглик одобига риоя қилишлари зарур. Педагоглик одобини нима ўзи?

Бу, болага бўладиган муносабатда меъёрга риоя қилиш, яъни боланинг онгига, қалбига, шахсига таъсир этадиган тарбиявий чораларни унинг ёш хусусиятларини, имкониятларини ҳисобга олиб мавжуд шароитга қараб танлай билишдир.

Педагоглик одобини — болани тарбиялашдаги моҳирлик бўлиб, бунга тарбиячиларни ўргатгандек ота-оналарни ҳам ўргатиш керак. Ота-оналар ўз хулқи, феъл-атворини ташкил эта билишлари, боланинг қалбида, онгида нима кечаётганини сеза олишлари, шунга қараб муомала қила билишлари лозим.

Шу билан бир қаторда болаларга талабчан муносабатда бўлишлари, уларда ирода, онг, хулқини, ўз хатти-ҳаракати учун бошқалар олдида жавоб беришни тарбиялашлари керак.

Кейинчалик бориб ота-оналарнинг педагоглик одобини болаларда акс эта бошлайди, бу аввал тақлид тарзида намоён бўлса, кейинчалик эса одатга айланади ва улар ўрғининини муваффақиятсизлиги ёки табиий, жисмоний камчилиги устидан кулмайдиган, катталарнинг гапи ва ишига аралашмайдиган, ўзини батартиб тутиб юрадиган, ўз хулқидаги камчиликларни тузатишга уринадиган бўлиб қоладилар.

Оиланинг турмуш маданияти, оила аъзоларининг бир-бирига ҳурматли муносабати ва бутун оилавий ҳаётни тўғри ташкил этишни ўз ичига олади. Бундай батартиб оилаларда тарбияланаётган болалар секин-аста катталарнинг ҳаёт тажрибаларини эгаллаб борадилар. Бола билан дилдан беғараз суҳбатлашиш болани ота-оналарига яқинлаштиради, улар ўртасида меҳр-оқибат кучаяди.

Оилада кун тартибига риоя қилинмаса, уйдаги юмушлар оила аъзолари ўртасида тўғри тақсимланмаса, оилада аёлга нисбатан нотўғри муносабатда бўлинса, ичкиликбозлик ва бошқа иллатлар ҳукм сурса, бундай оилада ўсган бола юқори таъсирчанлиги, ҳаётий тажрибаси кам бўлганлиги сабабли

воқеаларни ўзи мустақил тўғри баҳолай олмайди, шунинг натижасида у индамас, жаҳлдор, қўпол ва паришонхотир бўлиб қолади.

Боланинг тарбиясига оиладаги ташқи шарт-шароит: уйнинг жиҳозланиши, гигиеник, умумий маданият ва эстетик дидга жавоб бериши ҳам таъсир этади. Боланинг нормал ривожланиши учун ҳар бир оилада зарур шарт-шароит: боланинг ўйнаши ва шуғулланиши учун алоҳида жой бўлиши керак. Болалар уйда саранжом-саришта бўлишлари, уй жиҳозлари ва ўз анжомларини эҳтиёт қилишлари зарур.

Оиланинг умумий даромади оила аъзолари ўртасида ҳар бир оила аъзосининг эҳтиёжини ҳисобга олиб, тўғри сарфланиши лозим. Болалар оилада ўйинчоқларни йиғиштириш, китобларни жой-жойига қўйиш, ўз ўрин-кўрпасини йиғиштириш, уй ҳайвонларини парвариш қилишда қўлидан келганича ёрдам бериш каби ишларга жалб қилиб турилиши лозим.

Ота-оналар болаларининг феъл-атворини яхши билишлари уларда бола тарбияси учун жавобгарликни оширади. Улар болага бир хил талаб қўядилар ва таълим-тарбия ишини изчиллик билан амалга оширадилар.

Махсус педагогик билимларни эгаллаш болаларда синчковликни, кузатувчанликни, мантиқий тафаккурнинг оддий формаларини ўстиришга, болалар меҳнати ва ўйинига тўғри раҳбарлик қилишга, болалар хулқини тўғри таҳлил қилишга ёрдам беради.

Ота-оналарни илк ёшли болалар физиология ва психологиясини билишлари болани соғлигини сақлашга ғамхўрлик қилиш уни ҳаракатларини маданий гигиеник малакаларини ривожлантириш нутқи, муомала фаолиятини ўстиришга ёрдам беради.

Болаларда мустақилликни ўстириш, уларни қийинчиликларни енгишга ўргатиш, ундаги продани мустақамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга болаларни тарбиялашда уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш ва уни эътиборга олиш зарур. Чунки ҳар бир бола ёши тенг бўлган иккинчи боладан ўзининг қизиқиши, қобилияти, миждози ва феъл-атвори билан фарқ қилади. Бир хил вазиятда ҳар бир бола ўзини ҳар хил тутади: бири уятчан, тортинчоқ, бошқаси эса дадил; бири бўшанг, пассив, яна бошқаси теварак-атрофда бўлаётган воқеаларга жудаям ҳушёр ва сезгирлик билан муносабатда бўладилар. Шунинг учун, ота-оналар ҳар бир болага унинг ўзига хос, мос йўлни танлайдилар.

Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, оиланинг яхши йўлга қўйилган ички ҳаёти тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Оила аъзолари ўртасидаги самимий муносабатлар: меҳрибонлик, ўзаро ҳурмат ва ғамхўрлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик кайфияти, умумий тартиб ва оилавий

анъаналар, болаларга катталар қўядиган талабларнинг ягона-лиги муҳим роль ўйнайди.

Болани тўғри тарбиялашда унинг олдида ота-онанинг обрў-си юқори бўлиши керак, бусиз тарбия бўлиши мумкин эмас. Ота-оналарнинг фуқаролик қиёфаси, ҳаёти, ишлари, юриш-туриши, жамият олдида ўз оиласи учун жавобгарлик туйғуси улар обрўсининг асосидир. Меҳнат ва ижтимоий фаолиятни оилавий вазифалар билан қўшиб олиб борадиган, ўз болаларининг ҳаётига қизиқадиган ва уларга моҳирлик билан раҳбарлик қиладиган ота-оналар энг обрўли кишилардир — буларнинг ҳаммаси ҳам онага, ҳам отага барабар тааллуқлидир.

Болаларга қўйиладиган талабларда бирлик бўлиши умум-педагогик принцип ҳисобланади, мактабда ҳам, оилада ҳам бу принципга амал қилиниши лозим. Оилада болаларни тарбиялашда қуйидаги шартларга риоя қилиниши зарур:

- а) болалар тарбияси учун жавобгарликни ҳис қилиш;
- б) педагогик билимлардан хабардор бўлиш;
- в) болага бўлган меҳр-муҳаббатни унга талабчанлик қилиш билан қўшиб олиб бориш.

Инсоннинг қандай киши бўлиб етишиши кўп жиҳатдан оиладаги тарбияга, ота-онанинг масъулиятига, бола тарбиясининг умумий қонуниятларини яхши билиб, ҳаётда уларга қанчалик амал қилишига ҳам боғлиқ.

Жамиятда бола тарбияси ота-оналарнинг шахсий иши бўлмаб, балки уларнинг ижтимоий вазифасидир. Ота-оналар ўз болаларининг тарбияси учун жамият олдида жавобгардирлар. Шахснинг кадр-қиммати унинг жамиятга келтирадиган фойдаси билан баҳоланади. Ота-оналар ўз болаларининг асосий тарбиячилари ҳисобланадилар. Шунинг учун улар фарзандларини ўз халқининг энг яхши урф-одатлари ва оилавий анъаналари руҳида олижаноб фазилатли, билимдон, маданиятли шахс қилиб тарбиялашлари керак.

Тарбия кўп қиррали, узоқ давом этадиган жараён дир. Болани ўраб олган муҳитнинг ҳаммаси — одамлар, нарсалар, ҳодисалар, унинг онгида, хулқ-атворида маълум из қолдиради, уни ўзгартиради ва ривожлантиради. Ота-онанинг бурчи мана шу ривожланишни зийраклик билан бошқариб бориш дир. Ота-онанинг меҳри, муруввати, ғамхўрлиги болалар учун сув ва ҳаводек зарур.

Шунга қарамай кўпчилик оилаларда бола тарбияси бўйича жуда мураккаб вазиятлар юзага келмоқда. Айрим ёш ота-оналарнинг ҳаётга, бола тарбиясига енгилтаклик билан қарашлари, ичкилик ичиш ва бошқа номақбул ишлар билан шуғулланиш натижасида кўп оилалар бузилиб кетмоқда, натижада бундай аҳволдан асосан болалар қаттиқ азият чекмоқдалар, яъни бузилган оилалардаги болалар ё онасиз, ёки отасиз, аксарият ҳолларда эса тирик етим бўлиб, болалар уйларига топширилмоқда. Юзага келаётган вазият педагогларнинг бундай оилалар билан жиддий шуғулланиб, уларга бола туғилгандан

бошлаб унинг тарбияси билан шуғулланишга мажбур эканликларини тушунтиришларини тақозо этади.

Оилавий тарбиянинг кўп муаммолари ота-оналарнинг педагогик билимлардан хабарсиз эканликлари орқасида юзага келади. Бундай ота-оналарнинг кўпчилиги ахлоқ, ҳуқуқшунослик, руҳият ва педагогик билимларни билмайдилар. Бу эса бола тарбиясида нохуш воқеаларга сабаб бўлмоқда.

Ота-оналарни ёппасига педагогик билимлардан хабардор қилиш уларни бола тарбиясига оид педагогик билимлар билан қуроллантиради. Ҳозирги вақтда мактабгача ёшдаги болаларга таълим ва тарбия беришнинг илмий асосланган иш тажрибаларига таяниб ишлаб чиқилган тизими мавжуд бўлиб, бола тарбияси тўғрисидаги бу билим, тажрибаларни ота-оналар, педагоглар, руҳшунослар, шифокорлар, ҳуқуқшуносларнинг лекция ва маърузаларидан, радио ва телеэшиттиришлардан, матбуот материаллардан билиб олишлари мумкин.

Ота-оналарга мўлжалланган, уларнинг тафаккурини ва амалий фаолиятини кучайтирувчи, оилада боланинг хулқини ва ўзларининг тарбиявий таъсирини таҳлил қилишга ундовчи педагогик билимларни янада кенгроқ тарғиб қилиш керак.

Ҳозирги вақтда жумҳуриятимиз раҳбарларининг асосий диққат-эътиборлари жамиятда юз бераётган нохушликларни бартараф этиш, оилаларга, кўп болали оналарнинг фарзандларига яхши тарбия беришларига, оила тарбияси ва ижтимоий тарбия бирлигини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Чунки боланинг соғлигини сақлаш ва уни тарбиялашда оила асосий роль ўйнайди. Мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий соғлом оила жамият тараққиётининг асосий омилidir.

3-§. БОЛАЛАР БОҒЧАСИНИНГ ОИЛА БИЛАН ИШЛАШ ШАҚЛЛАРИ

Мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиларининг оила билан олиб борадиган иш мазмунига қуйидагилар киради:

Бола тарбияси, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича мактабгача тарбия муассасасида амалга оширилаётган ишларнинг мазмуни билан таништириб бориш; ота-оналарга ўз фарзандларининг тарбияси учун давлат ва жамият олдида жавобгар эканликларини тушунтириб бориш; ота-оналарни бола тарбияси учун зарур бўлган билим, малакалардан хабардор қилиш (болаларнинг ёш, анатомик-физиологик ва руҳий хусусиятлари, уларни оилада тарбиялашнинг мазмуни, методи, шарт-шароитлари билан таништириш); бола тарбиясида оила билан ҳамжиҳатлик, болани тўғри тарбиялашни назорат қилиб бориш, оила тарбиясининг энг яхши намуналарини ўрганиш ва оммалаштириш.

Бола боғчада эгаллаган энг яхши фазилатларни оила шароитида давом эттириб, оилада эгалланган энг яхши фазилатларни эса болалар боғчасида қўлланса исталган ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Тарбиячилар оила тарбиясига доир тажрибалардаги ижобий ишларни кўрибгина қолмай, балки уни қўллаб-қувватлаш ва шу асосда ота-оналар эътиборини бола тарбиясида ҳали ҳал этилмаган вазифаларга қаратишлари лозим.

Юқоридаги ишларни режалаштириш, ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилишда мудира жавобгар шахс ҳисобланади.

Ота-оналар билан ишлаш бўйича йиллик режа тузилади. Бу режа педагогик кенгашда муҳокама қилинади. Режада умумий ва гуруҳий мажлислар, ота-оналар учун очиқ эшик кунлари, суҳбат ва маслаҳатлар, оталиқ ташкилотларида кўргазмалар ташкил этиш ва концертлар қўйиб бериш, шунингдек бу тадбирларни ўтказиш вақтлари ва унга масъул бўлган шахслар белгиланади.

Ота-оналар билан олиб бориладиган ишларнинг мавзулари ва мазмуни тарбиячи-методистнинг режасида ва тарбиячининг календарь режасида акс этирилади.

Ота-оналар билан ишлаш бўйича жуда кўп ишларни тарбиячи-педагог амалга оширади, чунки у бола тарбиясида юз бераётган ўзгаришларни ҳаммадан кўпроқ кўради ва болалар ҳаёти билан яқиндан таниш бўлади. У ота-оналарга болалар тарбиясида нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги, уларни мактаб таълимига тайёрлаш, соғлигини сақлаш, овқати ва кун тартибини тўғри ташкил этиш ва бошқалар соҳасида тавсиялар бериб боради.

Болалар боғчаси ва оила ўртасида ҳамкорлик ўрнатишда мудира, педагоглар жамоаси ва ота-оналар биргаликда фаол иштирок этишлари лозим. Шундагина бола тарбиясида кутилган натижаларга эришиш мумкин.

Ота-оналар билан ишлашда қўйидаги алоҳида иш шаклларидан фойдаланилади: суҳбатлар, маслаҳатлар, оилаларга бориш, айрим ота-оналарни боғчага таклиф этиш, алоҳида эсдаликлар ва кўчма папкалардан фойдаланиш.

Боланинг уйига боришдан кўзланган мақсад — оила ша-роити, боланинг оиладаги ҳулқи, қизиқишлари, ота-онаси ва оила аъзолари билан танишиш, шунингдек ота-оналарни бола тарбиясининг самарали усуллари билан таништириш ва оиланинг бола тарбиясидаги ижобий тажрибаларини ўрганиб, омалаштиришдир.

Тарбиячи боланинг уйига текширувчи сифатида эмас, балки дўст, бола тарбиясидек мураккаб ишда ёрдам берувчи сифатида бориши, оила аъзолари билан назокат ва хушмуомалалик билан муносабатда бўлиши керак. Тарбиячи ҳар бир оиллага ҳар гал боришдан аввал ўз олдига аниқ мақсад қўйиши, қайси мавзуда суҳбатлашишни олдиндан белгилаб олиши лозим. Ота-оналарга бериладиган саволлар пухта ўйланган бўлиши керак.

Суҳбат шундай тузилиши керакки, тарбиячи билан ота-она бир-бирларини яхши тушунишлари, улар ўртасида ишончли

алоқа ўрнатилиши даркор. Оилага боришдан олдин тарбиячи шу оила тўғрисида (ота-оналарнинг феъл-атвори, оилавий муносабатлар, боланинг ривожланиш даражаси тўғрисида) маълум тасаввурга эга бўлиши керак. Тарбиячи ота-оналар хурмати ва ишончини қозонмоқ учун аввал ота-оналарга боланинг ижобий фазилатлари тўғрисида гапириб беради ва оила аъзоларининг фарзандлари тўғрисидаги фикр, мулоҳазаларини билдириб олади ва боланинг уйдаги ҳаётини қандай ташкил этиш кераклиги, унга нималарни ўқиб ва ҳикоя қилиб бериш мумкинлиги, боланинг кун тартиби, уни оила меҳнатига қатнаштириш, катталарга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби таълим-тарбия ишлари мазмуни ва усуллари бўйича тавсиялар беради.

Албатта, тарбиячининг оила билан олиб борадиган ишида боланинг ёши, имкониятлари, ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади.

Тарбиячининг ота-оналарга берадиган тавсия ва маслаҳатлари ишонarli бўлиши учун ота-оналар ёки оиланинг бошқа аъзолари мактабгача тарбия муассасасига таклиф қилинади. Бунда ота-оналар боланинг навбатчилик вазифасини қандай бажараётганини ёки сайрга чиқишдан аввал у қандай қийнаётганини кўрадилар ва болаларининг уқув ва имкониятларига ишонч ҳосил қиладилар.

Оилага боришнинг мақсад ва мазмуни тарбиячининг режаси ва ҳисоботида, кундалик дафтарида акс эттирилиши керак. Тарбиячи ҳар бир боланинг оиласига йилига камида 2 марта бориши керак.

Ота-оналар билан олиб бориладиган ишларнинг мазмуни ранг-баранг бўлиб, унда айрим масалалар биргаликда муҳокама қилишни тақозо этади. Масалан: болаларни тарбиялашда оиланинг роли, ота-оналарнинг вазифаси тўғрисидаги қонунлар, болаларни мактабга тайёрлаш ҳақида; мактабгача тарбия муассасаларининг йиллик иш режаси тўғрисида; ота-оналар жамоатчилигининг иши ҳақидаги масалалар шулар жумласидандир. Бу масалаларни жамоа бўлиб муҳокама қилиш учун ота-оналарнинг гуруҳи ва умумий мажлислари, маслаҳатлар, конференциялар, ота-оналар кечалари каби иш шакллари жамоа иш шаклларига киради.

Ота-оналар мажлиси. Ота-оналар мажлисига богчадаги ҳамма гуруҳ болаларининг ота-оналари, параллел гуруҳлар ота-оналари ва битта гуруҳ болаларининг ота-оналари таклиф этилиши мумкин.

Умумий мажлисда ота-оналарни мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ва тарбиялаш вазифалари, шу йилги режалар, ота-оналар қўмитасининг фаолияти, оила тарбиясидаги илғор тажрибалар билан таништирилади. Бунда мажлисда мудира ёки методист-тарбиячи маъруза қилади, ота-оналар сўзга чиқишади, болалар гапиришади. Булар таълим-тарбия ишидаги ютуқ ва камчиликларни

аниқлаб олишга имкон беради, оила ва жамоатчилик алоқасини мустаҳкамлайди, ота-оналарнинг ўз боласининг тарбияси учун жавобгарлигини оширади, уларда боғчага қизиқиш уйғонади.

Гуруҳдаги ота-оналар мажлисида мазкур ёшдаги болаларнинг ота-оналари учун долзарб бўлган масалалар муҳокама қилинади.

Масалан, умумий мажлис мавзуи «Болаларга ахлоқий тарбия беришда оиланинг роли» бўлса, ўрта гуруҳда ўтказиладиган мажлисда бу мавзу мураккаблаштирилиб, «Болаларда меҳнат-севарликни тарбиялашда боғча ва оиланинг биргаликдаги ишлари», «Болаларда катталарга ҳурматни тарбиялаш» ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Ҳар бир мажлис қизиқарли ўтиши учун тарбиячи маърузага пухта тайёрланади, кўрсатмали-расмли материаллар танлайди, шунингдек у болалар ишларини намойиш қилиши мумкин. Тарбиячи «Табиат болаларни тарбиялаш омилидир» деган мавзудаги маърузасига пухта тайёрланади, ота-оналарнинг болаларини табиат билан таништириш бўйича иш тажрибалирдан сўзлаб бериш учун мажлисда сўзга чиқишга тайёрлайди, гуруҳда болаларнинг табиат ҳақидаги расмлари, шу мавзудаги болалар адабиётлари, манзарали расмлари, мусиқа асарлари ёзилган пластинкалар кўргазмаси тайёрланади.

Ота-оналар учун тайёрланган маърузани болалар ишини, тегишли мавзудаги кинофильм, диапозитивлар кўриш билан қўшиб олиб бориш мумкин. Болалар ҳаёти, фаолияти тўғрисидаги мисоллардан фойдаланганда ижобий материаллар кўпроқ бўлиши керак, салбий фактларни гапиришда эҳтиёткорлик ва одоб доирасидан четга чиқмаслик, танқид қилинувчиларнинг номлари кўрсатилмаслиги лозим. Танқидий мулоҳазалар мажлисдан кейин яқка тартибдаги суҳбат орқали ота-оналарга етказилиши, бола тарбиясидаги хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ тавсиялар тақлиф этилиши мумкин.

Боғчага янги келган болаларнинг ота-оналари билан ўтказиладиган мажлиснинг мазмунига қўйдагилар киради: мудира ота-оналарга боғчанинг хона ва жиҳозларини кўрсатади, ходимлар билан таништиради. Тарбиячилар «Болалар боғчасида таълим-тарбия дастури» ва болалар билан яқин вақт ичида олиб бориладиган ишлар мазмуни ҳақида қисқача сўзлаб берадилар. Ота-оналарни болалар боғчасининг тартиби, қонун-қоидалари билан таништирадilar.

Йилнинг охирида ўтказиладиган гуруҳ мажлисида ота-оналарга бир йил мобайнида амалга оширилган таълим-тарбия ишлари ва келгуси йилнинг режалари ҳақида гапириб берилди. Бу мажлисда фаол ота-оналар ҳам ҳисоб берадилар ва фаолларнинг янги таркиби сайланади.

Ота-оналар бурчаги ва кўргазма ташкил этиш. Ота-оналар бурчаги уларни тарбияга оид янгиликлар ва педагогик масалалар билан таништириш мақсадида ташкил этилади. Уларга

китоблар, журналлар, расмлар, болаларнинг ишлари, болалар овқатининг хиллари, боланинг уйдаги ва оиладаги кун тартиби, ота-оналар учун эслатмалар, эълонлар жойлаштирилади. Бурчак вақти-вақти билан тарбия вазифасига қараб ўзгартириб турилади.

Педагогик билимларни тарғиб қилиш бўйича ташкил этиладиган кўргазмалар кўпинча ота-оналар конференциялари, мажлислари, консультациялар олдидан ташкил этилади. Унда халқ таълими тўғрисидаги қонун ва қарорлар, мактабгача тарбия муассасалари тармоқлари ва ундаги тарбияланувчилар сонининг ўсишини кўрсатувчи диаграммалар, болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбия жараёнлари, болалар ҳаётини акс эттирувчи тасвирлар, китоб ва ўйинчоқлар, болаларнинг ишлари ўрин олади.

Ота-оналар бурчаги оила билан олиб бориладиган ишнинг кўргазмали усули, унинг дид билан безатилишига алоҳида эътибор берилиши керак. Бундан ташқари, ота-оналарга тарбия тўғрисидаги фильмлар намойиш этилади, булар кўпинча ота-оналарни қизиқтирадиган баҳслар бошланишига сабабчи бўлади.

Ота-оналар учун очиқ кунлар ташкил этилиши ҳам мактабгача тарбия муассасалари ишида муҳим ўрин эгаллайди. Бундай кунларда ота-оналарга болаларнинг машғулотлари, меҳнат, ўйин фаолиятлари, сайрлар ва болаларнинг ўзларини жамоада қандай тутишлари ва шунга ўхшашлар кўрсатилади.

Ота-оналар қўмитаси. Ота-оналар қўмитаси «Болалар боғчасининг Уставига» биноан мудирага ёрдам бериш учун тузилади. У ота-оналарнинг умумий мажлисида бир йил муддатга сайланади. Бу қўмитага ҳар бир ёш гуруҳ ота-оналаридан 1—2 тадан вакил сайланади. Қўмитанинг асосий вазифаси мудирага мактабгача тарбия муассасасининг хўжалик ва таълим-тарбия ишларида ёрдам бериш, қўмита аъзолари, ота-оналар мажлиси ва кечаларни тайёрлаш, ўтказиш ва бошқа ишларда тарбиячиларга кўмаклашишдир.

Ота-оналар қўмитаси болаларнинг ота-оналари билан таълими, болаларни тарбиялаш бўйича улар билан иш олиб боради. Қўмита аъзолари ҳар икки ойда бир марта йигилиш ўтказишади. Ота-оналар қўмитаси мудиранинг иш режалари ва ишнинг аҳволи тўғрисидаги, ота-оналарни қизиқтирувчи баъзи масалалар ҳақидаги маъруза ва ҳисоботини эшитишга ҳақлидир.

Ота-оналар қўмитасининг фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар боғчада сақланади ва қўмитанинг янги тузилган таркибига топширилади.

Аҳоли ўртасида педагогик билимларни тарғиб қилиш. Педагогик билимларни тарғиб этиш натижасида миллионлаб кишилар болаларни оилада ва боғчада тарбиялаш принципларини онгли равишда англаб оладилар.

Корхоналарда, хўжаликларда, жамоат жойларида, оилада

бола тарбиячи тўғрисида маърузалар билан чиқиш, теле ва радио эшиттиришлар педагогик тарғибот ишининг кенг воситаларидир. Шунингдек, бу тарғибот вақтли матбуот: «Мактабгача тарбия», «Халқ таълими», «Семья и школа» журналлари, «Билим» жамияти нашрлари, кўп сонли бадий-педагогик, илмий-оммабоп ва методик адабиётларни чиқариш орқали ҳам амалга оширилади.

Ота-оналар университетлари ва лекторийларида педагогика ва руҳшунослик, анатомия ва физиология, оила тарбияси назарияси ва амалиёти тўғрисидаги масалалар бўйича лекция ва маърузалар ўқилади. Лекция ва маърузалардан кейин болалар тарбияси тўғрисида кинофильм ва спектакллар намойиш қилинади.

Машғулотларни ҳар хил соҳалар бўйича юқори малакали мутахассислар олиб борадилар.

Педагогик тарғибот ишида қуйидагиларга амал қилиниши керак:

1. Педагогик тарғибот ҳаёт, жамият қурилиши амалиёти билан боғлаб олиб борилиши лозим. Педагогик тарғибот орқали кенг жамоатчиликка болаларни ҳар томонлама тарбиялаш масалалари ва уларни амалга ошириш йўллари, илмий асосланган усуллари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилади.

2. Оила тарбиясидаги ижобий тажрибалар, оиладаги бола тарбиясида йўл қўйилган хатолар ва уларнинг олдини олиш, бартараф этиш йўллари тўғрисида тарғибот ишлари олиб борилади.

3. Педагогик тарғиботга тайёрланишда ота-оналар ҳар хил свияда эканликлари ҳисобга олиниб, улар учун тайёрланган ахборот материаллари ишонарли, кўрғазмали ва уларнинг ҳис-туйғусига таъсир кўрсатадиган бўлиши керак.

Шундай қилиб, болалар муассасалари ота-оналар билан турли-туман ишларни мунтазам равишда олиб боргандагина оила тарбияси билан ижтимоий тарбия ўртасидаги бирлик ўрнатилиши мумкин.

Муқаддима	3
I б о б. Мактабгача тарбия педагогикасининг мавзу баҳси ва методи	5
1-§. Мактабгача тарбия педагогикаси тарбия ва таълим бериш тўғрисидаги фандир	5
2-§. Мактабгача тарбия педагогикаси ва унинг моҳияти	10
3-§. Мактабгача тарбия педагогикасининг бошқа фанлар билан боғлиқлиги	13
4-§. Илмий-педагогик тадқиқот методлари	15
II б о б. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ривожланиши ва тарбияси	19
1-§. Киши шахсининг ривожланишида тарбия ва ижтимоий ҳаёт шароитларининг ҳал қилувчи роли тўғрисидаги асосий қондалар	19
2-§. Муҳит ва биогенетик омилларнинг роли	20
3-§. Боланинг руҳий тараққиётида тарбия ва таълимнинг етакчи роли	22
4-§. Боланинг ҳар томонлама ривожланишида фаолиятлар (ўйин, машғулот, меҳнат ва бошқалар) нинг роли	23
5-§. Мактабгача тарбия даврини ёш босқичларига бўлиш ва уларнинг боланинг руҳий тараққиётидаги роли	26
III б о б. Мактабгача тарбия муассасаси тарбиячиси	29
1-§. Тарбиячи ва унинг жамиятда тутган ўрни	29
2-§. Тарбиячи шахсини шакллантириш	34
3-§. Мактабгача тарбия ходимларини тайёрлаш системаси	34
IV б о б. Ҳозирги босқичда ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш мақсад ва вазифалари	36
V б о б. Жисмоний тарбия	38
1-§. Жисмоний тарбия назарияси ва асосий тушунчалари	38
2-§. Жисмоний тарбиянинг табиий-илмий асослари	40
3-§. Жисмоний тарбия системаси	42
4-§. Жисмоний тарбиянинг асосий воситалари	44
VI б о б. Ақлий тарбия	54
1-§. Ақлий тарбия ва таълим тушунчасининг мазмуни	54
2-§. Ақлий тарбиянинг руҳий ва физиологик асослари	56
3-§. Ақлий тарбиянинг вазифалари	59
4-§. Билишга доир руҳий жараёнларни ривожлантириш	61
5-§. Болаларни ақлий тарбиялаш ва уларга таълим беришнинг назарий асослари	63
6-§. Таълимнинг дидактик принциплари	70
7-§. Ақлий тарбия ва таълимнинг мазмуни ҳамда усуллари	74
8-§. Сенсор тарбия	78

9- §. Машгулотлар	91
10- §. Экскурсия таълим бериш шаклидир	92
11- §. Ақлий тарбия ва таълим методлари	93
VII б о б. Ахлоқий тарбия	99
1- §. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ахлоқий тарбиялаш асослари	99
2- §. Ахлоқий тарбиянинг вазифаси, мазмуни ва принциплари	105
3- §. Болалар боғчасида ахлоқий тарбия воситалари	106
4- §. Ахлоқий тарбия методлари	107
5- §. Болалар жамоасини шакллантириш	111
6- §. Бола шахсини тарбиялаш шарт-шароитлари	115
7- §. Болалар жамоасининг шаклланишига ёрдам берувчи шарт-шароитлар	119
8- §. Жамоачиликни тарбиялаш жараёнида ахлоқий сифатларни такомиллаштириш	120
9- §. Ватанга муҳаббатни тарбиялаш ва байналмилалчилик тарбияси	230
VIII б о б. Меҳнат тарбияси	136
1- §. Меҳнат инсонни улуглайди	136
2- §. Болалар меҳнатининг ўзига хос томонлари ва тарбиявий аҳамияти	140
3- §. Болалар боғчасида меҳнат тарбиясининг вазифалари ва мазмуни	142
4- §. Катталар меҳнати билан таништириш	144
5- §. Боғчада болалар меҳнатини ташкил этиш	147
IX б о б. Эстетик тарбия	156
1- §. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни эстетик руҳда тарбиялашнинг аҳамияти	156
2- §. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг эстетик ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар	160
3- §. Эстетик тарбиянинг вазифалари, мазмуни ва методлари	161
4- §. Эстетик тарбия воситалари	163
X б о б. Болалар боғчасида ўйин	168
1- §. Ўйин болалар фаолиятининг асосий тури	168
2- §. Ўйиннинг болалар фаолияти сифатида ўзига хослиги	175
3- §. Ижодий ўйинлар	179
4- §. Болаларнинг ижодий ўйинларида тасвирлаш воситалари	184
5- §. Ўйин жамоасининг шаклланиши	185
6- §. Ролли ўйинларга раҳбарлик қилиш	186
7- §. Саҳналаштирилган ўйинлар	170
8- §. Қурилиш ўйинлари	192
9- §. Дидактик ўйинлар	197
10- §. Ўйинчоқ ва унинг таълим-тарбиядаги аҳамияти	209
XI б о б. Болалар боғчасида педагогик жараёни ташкил этиш	216
1- §. Боғчада болалар ҳаётини ташкил этиш	216
2- §. Болаларнинг ҳар хил фаолиятларида таълим-тарбия вазифаларини амалга ошириш ва унга раҳбарлик қилиш	216
3- §. Болалар жамоаси ва ҳар бир болага ёндашиш усуллари	221
4- §. Куннинг биринчи ва иккинчи ярмида болалар ҳаётини ташкил қилиш	222

XII б о б. Болалар боғчасида таълим-тарбия ишларини режалаштириш ва ҳисобга олиш	225
1- §. Педагогик жараёни режалаштириш	225
2- §. Таълим-тарбия ишларини ҳисобга олиш	233
XIII б о б. Болалар боғчаси билан мактаб ўртасидаги ўзаро боғлиқлик	234
1- §. Болаларни мактабга тайёрлаш вазифалари	234
2- §. Тайёрлов гуруҳида олиб бориладиган ишлар	238
3- §. Боғча билан мактаб ўртасидаги алоқа шакллари	241
XIV б о б. Болалар боғчаси ва оила	243
1- §. Болалар тарбиясида оиланинг роли	243
2- §. Оиланинг мақсади болалар тарбиясидир	245
3- §. Болалар боғчасининг оила билан ишлаш шакллари	253

На узбекском языке

ЮСУПОВА ПАТИМА

ДОШКОЛЬНАЯ ПЕДАГОГИКА

**Учебное пособие для студентов дошкольного факультета
пединститутов**

Ташкент «Ўқитувчи» 1993

Муҳаррир *М. Аҳмедов*
Бадний муҳаррир *Ф. Нелқадамбоев*
Техник муҳаррир *Т. Скиба*
Мусаҳҳиҳлар *М. Ибрагимова, Х. Эргашева*

ИБ 6057

Теришга берилди 3.07. 92. Босишга рухсат этилди 7.10.1992. Формати 60 × 90¹/₁₆. Кегли 10 шпонсиз. Литературн. гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 16,5, Шартли кр. отг. 16,69. Нашр. л. 17,33. Нусхаси 15000. Буюртма № 2529.

«Ўқитувчи» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома №12 — 175 — 92.

Ўзбекистон Матбуот давлат комитетининг Ташполиграфкомбинати. Тошкент, Навоий кў-
часи, 30. 1992.

Ташполиграфкомбинат Государственного комитета Республики Узбекистан по печати
Ташкент, ул. Навои, 30.

74.100
Ю 91

Юсупова П.

Мактабгача тарбия педагогикаси: Пед
ин-тларнинг мактабгача тарбия фак. тала-
балари учун.— Т.: Уқитувчи, 1993.—264 б.

Юсупова П. Дошкольная педагогика: Учеб. пособие
для студ. дошк. фак. пед. ин-тов.

ББК 74. 100я72

№ 580—92
Навий номли ЎзЖ
Давлат кутубхонаси.
Тираж 4000
Қарт. тиражи 8000